Материал ва методлар. Республикаимизнинг марказий, жанубий ва шимолий тупроқ-иқлим шароитларида ўрта толали ғўза навларида турли кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг мақбул қўллаш муддатлари аниқланди. Илмий изланишлар ЎзПИТИда қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) асосида олиб борилди [1].

Дала тажрибалари ПСУЕАИТИ нинг Марказий тажриба участкаси, Хоразм, Сурхондарё, Андижон ва Бухоро илмий тажриба станциялари далаларида кичик бўлинмаларда олиб борилди. Ҳар бир худудда 3-4 тадан жами 15 та навлар танлаб олиниб, ҳар бир ғўза нави 80-90; 100-110 ва 120-130 туп/га кўчат қолдирилиб парваришланди. Қолдирилган кўчат қалинликларида 11-12; 13-14; 15-16 ҳосил шохларни чилпиш ўтказилди. Назорат сифатида чилпиш ўтказилмаган вариант ҳам қолдирилди. Тажриба вариантлари 48 м² ни ташкил этиб, уч такрорланишда олиб борилди.

Натижалар ва муҳокамалар. Маълумки, ғўза бутун вегетация давомида кўплаб ҳосил элементларини тўплайди ва гектаридан 150-200 ц гача биологик ҳосил олиш мумкин. Лекин, турли табиий ва антропоген сабабларга кўра ҳосил элементларини тўлиқ сақлаб қолишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ғўза агротехникасида бажариладиган агротехник тадбирларга жиддий эътибор бериш лозим. Айниқса, ҳосил элементлари шаклланадиган фазаларда, суғориш, озиклантириш ва чилпиш тадбирларини ниҳоятда зийраклик билан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ғўза ялпи гуллаш ва ҳосил тугиш даврида сув етишмаса ҳатто целлюлозаси шаклланмаган майда кўсакча ва тугунчалар тўкилиб кетиши мумкин. Табиийки, ғўза ҳосил элементлари тугиш даврида кўп озуқа элементларига муҳтож бўлади, шунингдек шу даврда ўсиб ривожланиши пасайган тақдирда ҳам тўлиқ ўсишдан тўхтамайди. Ушбу даврда чилпиш ўтказилса, ғўза ўсишдан тўхтаб, ўсишга сарфланаётган озуқа элементлари қайта тақсимланади ва ҳосил элементлари тўкилишининг олди олинади.


Бу борада кўплаб олимлар томонидан (А.Прокофьев, С.Расулов, К.Бокарев 1977; Д.Игамбердиева 1973; И.Отаханов, Р.Коблов, Л.Филушкина 1985) илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, ҳар қандай ноқулай омиллар таъсирида ҳосил элементларининг тўкилиши кузатилган.

Ғўза тупида вегетация даврига келиб жуда кўп шона, гул ва тугунчалар шаклланади. Бирок, ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврларида, айниқса июль ойининг охири августнинг биринчи ярмида озуқа моддалари, сув ва ёруғликнинг етишмаслиги оқибатида ҳосил элементларининг кўп қисми тўкилиб кетади. Ҳосил шохлари бош поянинг ўсув нуқталарига нисбатан илдиз системасидан келадиган озуқа моддалари билан кам таъминланади ва натижада шаклланиб бўлган ҳосил элементларининг кўп қисми ёмон ривожланиб тўкилиб кетишига олиб келади. Ғўзада чилпиш ўтказиш ҳосил тўплаш даврида озуқа моддаларини шохлар ўртасида тақсимланишини таъминлайди [2].

Ташкент вилояти шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, С-6524 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қолдирилиб, 11-12 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда ҳосил элементлар тўкилиши ўртача 17,4% ни, ушбу кўчат қалинликда 13-14 ва 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳосил элементлар тўкилиши мос равишда 14,4-8,0% ни ташкил этганлиги кўзатишга бўлса, умуман чилпиш ўтказилмаган вариантда ҳосил элементларининг тўкилиши юқори бўлганлиги аниқланиб бу 25,9% ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда энг кам ҳосил элементлар тўкилиши 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда аниқланиб 5,7% ни ташкил этди ва бу чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 18,0% га кам тўкилганлиги билан ифодаланди. Ушбу кўчат қалинлигида чилпиш 11-12 ва 15-16 ҳосил шохларида ўтказилганда ҳосил элементлар тўкилиши мос равишда 8,4-14,7% ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги юқори миқдорда яъни 120-130 минг туп/га қолдирилган фонда чилпиш 11-12 ҳосил шохида ўтказилган вариантда ҳосил элементларининг тўкилиши 7,3% ни, чилпилмаган вариантга нисбатан эса 15,4% га камроқ тўкилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, 13-14 ва 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳосил элементларининг тўкилиши мос равишда 5,6-16,5% бўлганлиги қайд этилди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, С-6524 ғўза навида энг кам ҳосил элементларининг тўкилиши 120-130 минг туп/га қолдириб, 11-12 ва 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда аниқланди ва бу 7,3-5,6% ни ташкил этди. Лекин, кўчат қалинлиги ортиб борган сари бир туп ўсимликдаги умумий ҳосил элементлар сонининг камайиши ҳам кузатилиб, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонга нисбатан камроқ ҳосил элементлар пайдо бўлиши аниқланди.

Ўрта толали С-6560 ғўза навида 80-90 минг туп/га қолдирилиб парваришланган фонда 11-12; 13-14; ва 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳосил элементларининг тўкилиши мос равишда 13,5-13,1-10,3% ни, чилпилмаган вариантга нисбатан эса 7,7-8,1-10,9% га камроқ тўкилганлиги кузатилди. Ушбу ғўза навида кўчат қалинлигини 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 11-12; 13-14; ва 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантлар мос равишда ҳосил элементларининг тўкилиши 16,2-5,3-16,5% ни ташкил этиб, чилпилмаган вариантга нисбатан эса 9,5-20,4-9,2% га камроқ тўкилганлиги кузатилди. Кўчат қалинлиги кўпроқ қолдирилган яъни гектарига 120-130 туп қолдирилиб, парваришланган ғўзаларни 11-12; 13-14; ва 15-16 ҳосил шохларида чилпилганда ҳосил элементлари тўкилиши мос равишда 14,9-8,7-9,6% ни ташкил этганлиги ва бу ўз навбатида чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 2,3-8,5-7,6% га кам бўлганлиги билан ифодаланди. Ушбу ғўза навида ҳосил элементлари тўкилиши 80-90 минг кўчат қалинлигида чилпишнинг 15-16 ҳосил шохида, 100-110 ва 120-130 кўчат қалинлигида эса 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда камайиши қайд этилди. Ҳар бир ғўза навида мос равишда агротехник тадбирларни табақалаштириб қўллаш мақбул эканлигидан далолат беради.



1-расм. Ғўза навларида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг ҳосил элементлари тўкилишига таъсири, (Тошкент) 2019

Шунингдек, тадқиқотда ўрганилаётган ЎзПТИ-202 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қолдирилган фонда чилпиш 11-12; 13-14; ва 15-16 ҳосил шохларида ўтказилган вариантларда ҳосил элементлари тўкилиши мос равишда 16,4-12,2-11,0% ни ташкил этиб, чилпилмаган вариантга нисбатан 11,3-15,5-16,7% га камроқ тўкилганлиги маълум бўлди. Ушбу кўчат қалинлигида 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантда бошқа чилпиш ўтказилган вариантларга нисбатан ҳосил элементлари камроқ тўкилганлиги қайд этилди. Мазкур навнинг кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда, энг кам ҳосил элементлар тўкилган вариант 13-14 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда олиниб, бу 6,6% ни, чилпилмаган вариантга нисбатан эса 7,1% га камроқ тўкилганлиги билан ифодаланди. Шунингдек, ушбу фонда 11-12 ҳамда 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементлар тўкилиши 15,2-9,3% ни ташкил этиб, навларнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги қайд этилди. Чунки, 11-12 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантда чилпилмаган вариантга нисбатан 1,6% га ҳосил элементларининг кўпроқ тўкилиши аниқланди. Лекин, кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган фонда чилпишнинг ҳосил элементлари тўкилишига таъсири 80-90 ҳамда 100-110 кўчат қолдирилган фонларга нисбатан камроқ бўлганлиги ва шу билан бирга ушбу фонда умумий кўсақлар сони ҳам камроқ бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур фонда аксинча энг кам ҳосил элементлари тўкилиши чилпиш эрта муддатларда яъни 11-12 ҳосил шохларида ўтказилганда олиниб, ҳосил элементлар тўкилиши 1,8% ни ташкил этган бўлса, 13-14 ҳамда 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементларининг тўкилиши мос равишда 4,3-6,9% ни, чилпилмаганга нисбатан эса 7,9-5,3% га камроқ тўкилганлиги қайд этилди.

Хулосалар. Умуман олганда барча ғўза навларида кўчат қалинлиги ошиб борган сари умумий ҳосил элементлари тўпланиши камайиб борганлиги қайд этилган бўлса, С-6560 ва ЎзПТИ-202 ғўза навларида С-6524 ғўза нави нисбатан кўпроқ ҳосил элементлари тўпланганлиги аниқланди. Энг кўп ҳосил элементлари тўкилиши ғўзанинг ЎзПТИ-202 ғўза навида 80-90 минг кўчат қолдирилган фоннинг чилпилмаган вариантдан олиниб, 27,7% ни ташкил этган бўлса, С-6524 ғўза навида кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилган фоннинг чилпиш ўтказилмаган вариантыда 25,9% ни ташкил этганлиги кузатилади. Ғўза навлари ичида энг кам ҳосил элементлари тўкилиши ЎзПТИ-202 навида кузатилиб, 120-130 минг туп/га кўчат қолдирилган фоннинг чилпиш ўтказилмаган вариантыда 12,2% ни ташкил этди.

Ғўза навларининг морфобиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, яганалаш ва чилпиш агротадбирларини табақалаштириб кўллаш эвазига ҳосил элементлари тўкилшини камайитириш мумкинлиги тадқиқотларда ўз исботини топди.

Адабиётлар:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПИТИ-Тошкент, 2007.–Б. 145.
2. Тошболтаев М. Ғўза тупларига шакл берувчи машинанинг назарияси ва ҳисоби. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2016. –5 б.

Annotation

This article presents information on the importance of plant topping and plant density in preventing the shedding of cotton yield elements. The study was conducted in the conditions of typical sierozem soils of Tashkent province with cotton varieties of C-6524, C-6560 and UzPITI-202. Cotton varieties were grown in plant densities of 80-90, 100-110 and 120-130 thousand plants per ha and in each plant densities the plant topping was conducted in the fruiting branches of 11-12, 13-14 and 15-16 as well as without plant topping treatment. Yield accumulation (square, flower, boll) were calculated before and after plant topping, where the impact plant topping with respect to plant densities on shedding of yield elements were investigated.

ТАБИАТ ВА ЎРМОН РЕСУРСЛАРИ

Анварова З.М.Холов.Ё.Д

Бухоро давлат университети

Кириш. Табиатни муҳофаза қилиш - табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга, табиатни инсон манфаатларини кўзлаб онгли равишда ўзгартиришга, табиат бойликлари ва умуман табиатни, унинг гўзаллиги, мусаффолигини сақлаб қолишга ва янада бойитишга қаратилган барча тадбирлар мажмуаси. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуасига давлатлар, халқаро ташкилотлар, жамоат, илмий-техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва маъмурий ташкилотлар, ҳар бир одам томонидан амалга ошириладиган тадбирлар киради.

Ҳозирги вақтда инсон яшаб, тўхтовсиз муносабатда бўлиб келаётган табиий муҳит узоқ геологик даврлар (4,5—4,7 млрд. йил) мобайнида бир қанча омилларнинг биргаликда тасирида, яъни Қуёш нури, Ернинг массаси, гравитация кучи, кўлами, айланма ҳаракатлари, тектоник ҳаракатлар, ҳаво ва сув қобиқларининг вужудга келиши ва ўзгариши, экзоген жараёнлар таъсири, органик дунёнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти таъсирида таркиб тўпган. Табиий муҳитнинг ҳолати ўзаро таъсир этиб турувчи кўп омилларнинг мураккаб мажмуида таркиб топган табиий мувозанатга боғлиқ. Чунки бир жойнинг иқлими Қуёш нурининг тушиш бурчагига, яъни географик кенглик, ер юзасининг тузилиши, шамоллар, океанларнинг узоқ-яқинлиги, оқимлари ва бошқаларга; ўсимликлар кўплами эса иқлим, ер юзидаги тоғ жинслари, рельеф, тупроқларга боғлиқ. Бу табиий омилларнинг бирортасида ўзгариш рўй берса, табиий мувозанат бузилади, бу эса табиий муҳитда ўзгаришларга сабаб бўлади. Баъзан, табиатнинг бирор компонентида кўрсатилган арзимаган таъсир ҳеч қутилмаган катта ўзгаришларга, хусусан, хавфли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай тирик мавжудот ўз атрофини ўраб турган табиий муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади, ундан ўзига керакли нарсаларни олади, шу муҳитда мослашади, муҳит таркибига, ундаги модда ва энергиянинг айланма ҳаракатига маълум даражада ўзгариш киритади. Ернинг ҳаво қобиғидаги ҳозирги газлар таркиби, миқдори, айрим фойдали қазилмалари (оҳактош, тошкўмир, қўнғир кўмир)нинг ҳосил бўлиши, тупроқ кўпламининг таркиб топиши, ривожланиши организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасидир. Органик дунёнинг табиий муҳит билан ўзаро таъсири биологик эволюция жараёнида янги турларнинг пайдо бўлиши, рақиб турлар сонининг кўпайиши ёки камайиши ва атроф муҳитнинг ўзгариши натижасида ўзгаради.

Ерда одамнинг пайдо бўлиши органик дунё билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Инсон табиатга меҳнат қуроллари воситасида яйловлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида таъсир кўрсатади. У ўзининг табиат билан

бўлган ўзаро таъсири усулларини такомиллаштириб боради. Натижада инсон яшай оладиган ҳудуд кенгайди, фойдаланиладиган табиий элементлар сони ва ҳажми ортади, бинобарин, инсоннинг табиатга тазйиқи сифат жиҳатидан ҳам, кўлам жиҳатидан ҳам кўпаяди. Инсон ўзи яшаши ва фаолият кўрсатиши учун табиий муҳитдан ташқари яна сунъий муҳитни ҳам бунёд этади. Масалан, шаҳарлар, турар жой бинолари, боғлар, сув омборлари, йўллар ва бошқа ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, фан ва техниканинг тараққий этиши билан, табиий бойликларнинг аҳамияти, улардан фойдаланиладиган соҳалар, уларни ишлатиш шакллари ҳам ўзгариб боради. Қадимда бир неча хил кимёвий элементлардан фойдаланилган бўлса, ҳозирги вақтда мавжуд барча элементлардан фойдаланилади. Шу билан бирга кўпчилик фойдали қазилмалар тобора кўпроқ казиб чиқарилмоқда. Инсоннинг табиатга таъсири кучайишидан, антропоген ландшафтлар кўпаймоқда. Ҳайвонот ва ўсимлик олаmidан режасиз фойдаланиш ёки инсон фаолияти билан боғлиқ бошқа сабаблар туфайли XVI асрнинг охиридан XX асрнинг 70-йилларигача умуртқали ҳайвонларнинг 250 тури ва кичик турлари буткул ёқолиб кетди. 80-йиллардан бошлаб ҳар йили ўртача 1 та ҳайвон тури ва 50 га яқин ўсимлик тури йўқолиб бормоқда. Қуш ва сут эмизувчиларнинг 1000 дан ортик тури йўқолиб кетиш арафасида турибди. Йил давомида 1 млрд. тонна ёқилғи ёқилади, атмосферага юзлаб млн. тонна азот оксиди, олтингугурт, углерод, қурум, чанг ва бошқа чиқарилади. Тупроқ ва сувлар саноат ва маиший чиқиндилар (бир неча млрд. тонна), нефт маҳсулотлари (бир неча млн. тонна), минерал ўғитлар (юз млн. тоннага яқин), оғир металллар, радиактив чиқиндилар билан ифлосланади.

Ишнинг мақсади Инсон табиий шароит ва бойликлардан кўп мақсадларда фойдаланади. Бу эса айни пайтда, табиатни тегишлича муҳофаза қилишни ҳам тақозо этади. Булар: хўжалик, соғлиқни сақлаш ва гигиена, нафосат (эстетик), туризм, илмий ҳамда тарбиявий мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

Мақсадга мувофиқ фойдаланиш деганда, табиат бойликларидан мамлакат ёки бутун инсоният манфаати йўлида фойдаланиш тушунилади. Бунда ҳозирги ва келажак авлоднинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш назарда тутилади. Ўз тараққиётини олдиндан узоқ муддатга илмий асосда режалаштира оладиган ва табиий мувозанатни ўзгартирмасдан фойдалана оладиган жамиятгина тараққиётга эришади.

Материал ва методлар Табиий бойликлардан оқилона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонентларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир қорсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиши зарур бўлган, асосан, 5 қонуният мавжуд: 1) табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради; 2) табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси; 3) табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йиллик ва кўп йиллик); 4) зоналлик; 5) регионаллик.

Инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш усуллари мукаммаллаша борган сари жадаллашади, табиатдан, унинг бойликларини, қурилиш ва ишлаб чиқариш техникаси, алоқа воситалари йирик шаҳарларни ўзгартириб, йирик воҳалар, маданий ландшафтлар яратишга, ҳосилдор экин ҳамда мевалар, маҳсулдор чорва моллари етиштиришга имкон беради. Лекин баъзан чуқур ўрганмасдан инсон қудратига ўртиқча баҳо бериб, табиатга таъсир кўрсатиш табиатни фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга, унинг бузилиши ва ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай манзара инсониятнинг бутун тарихи мобайнида кузатилади.

Ўзбекистонда XX асрда, айниқса, унинг 2-ярмида қишлоқ хўжалигида монокултура тизимининг қўлланиши, гербитсид ва пеститсидларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши, мавжуд сув захираларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф-муҳит ҳолатида катта салбий ўзгаришлар рўй берди. Орол денгизи деярли қуриди, унинг

атрофида чўллашиш кучайиб кетди, ер ости сувлари шўрлиги даражаси ошди. Инсон саломатлиги учун зарур шароит бузилди, камқонлик, гепатит, зотилжам каби касалликлар кўпайди. Пахта монокултураси таъсирида бошқа ҳудудларда ҳам инсон ҳаёти учун зарур бўлган экологик вазият ёмонлашди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дастлабки кунлардан бошлаб, Табиатни муҳофаза қилишга, республика ҳудудини экологик таназзулдан муҳофаза қилишга киришди. Табиатни ва унинг компонентларини муҳофаза қилиш тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Натижалар ва муҳокамалар Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва дастурларда, жумладан, БМТнинг атрофмуҳит бўйича дастури (ЮНЕП)да иштирок этади. ЮНЕП ва айрим ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда Биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва 10 дан ортиқ миллий экологик қонунлар ишлаб чиқилди. 1993-йил март ойида Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрида Ўрта Осиёдаги 5 давлатнинг Олий даражадаги учрашувида Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш ва унинг ижроия қўмитаси ҳамда Оролни кутқариш халқаро фонди ташкил этилди. Унинг вазифаси Орол денгизи, унинг соғлом экологик шароитини тиклаш, мазкур регионни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудуд санитария-гигиена муҳитини яхшилашдир.

Ўзбекистонда 10 дан ортиқ ўрмон хўжалиги, 9 та кўрикхона, 2 миллий боғ, бир қанча буюртма кўрикхона мавжуд. Уларда табиат ёдгорликлари, камайиб кетган ўсимлик ва ҳайвонлар кўриқланади, ўрганилади ва кўпайтирилади.

Мамлакатимизнинг жами ер майдўни 44 896,9 минг гектар. Шундан республика умумий ер майдўнининг 25 фоизи, яъни 11 242,3 минг гектардан ортиғи ўрмон фондига тўғри келади.

Ўзбекистонда ўрмон билан кўпланган майдоннинг 2,300 минг гектардан ортиғи ёки 81 фоиз чўл ҳудудидаги саксовулзор ва бутазорлардан, 447 минг гектари ёки 16 фоиз тоғ ва адирлар, кўлган 3 фоизи водий ва тўқай ўрмонзорларни ташкил қилади. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ҳар йили республикамизда 42–45 минг гектардан ошиқ майдонда янги ўрмонзорлар барпо қилинмоқда. Хусусан, 18 минг гектари Оролнинг қуриган тубида, 22 минг гектари Қизилқум чўлларида, 2–5 минг гектари тоғ олди ва текисликларда экилади. Ўрмон барпо қилиш мақсадида ҳар йили 45 млн. дона ниҳол ва кўчат, 300 тўннадан ортиқ уруғ тайёрланмоқда. Экилган дарахтларни 30–35 минг гектари ўрмон билан кўпланган майдонга ўтказилади. Ушбу кўрсаткич, республикамизнинг умумий майдонига нисбатан ҳисобланганда бор йўғи 0,07 фоизни ташкил қилмоқда.

БМТ маълумўтларига кўра, Марказий Осиё давлатларининг ҳайдаладиган ерларга қурқоқчилик ва чўлланиш қаттиқ таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Қирғизистонда 88 фоиз, Туркменистон ва Ўзбекистонда 80 фоиз, Қозоғистонда 66 фоиз ер майдони шундай зарарланмоқда.

Юқоридаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўрмончиликда илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалигини 2030-йилгача ривожлантириш концепсияси” ни ишлаб чиқди. Республикамизни “Яшил ҳудудга” айлантиришга хизмат қилувчи мазкур Концепсиясини қабул қилиш ва уни амалга ошириш чўра-тадбирларини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурмоқда.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти, 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон жамияти, Ўзбекистон география жамияти, ЭКОСАН, бир қанча илмий-оммабоп ва илмий журналлар, радио ва телевидения, вақтли матбуот Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимларни тарғиб қилмоқда. Аҳоли ўртасида табиат, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг географик, экологик маданиятини кўтариш Табиатни муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. Табиатни, унинг бойликларини муҳофаза қилиш, географик ўқув курслари ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг экология ва география мутахассисликлари талабаларига махсус курслар сифатида ўқитилмоқда.

Хулоса килиб айтганда аҳоли ўртасида ва мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълимда ҳам Табиатни, унинг бойликларини муҳофаза

қилиш, асраб авайлаш борасида кўпроқ тарвиқот ва ташвиқот ишлари олиб борилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Akramov Z. M., Rafikov A.A., Proshloye, nastoyasheye i budusheye Aralskogo morya, T., 1990;
2. Nig'matov A.N., O'zbekiston Respublikasining ekologik huquqi, T., 2004; Rafikov A.A., Geoekologik muammolar, T., 1997;
3. To'xtayev L., Hamidov A., Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish, T., 1994; G'ulomov P.N., Inson va tabiat, T., 1990.
4. Чўллашишни вужудга келишига таъсир этувчи омиллар Учёный XXI века научный журнал Украина 2016 №9
5. Ўрта осие чўл ландшафтлари ва уларни шакллантирувчи омиллар Учёный XXI века научный журнал Украина 2017 №1
6. Иклим хосил килувчи омиллар ва муаммолар “Актуальные вызовы современной науки”. XXIV Международная научная конференция. Сборник научных трудов. Выпуск 4(24) Част 4
7. Из истории изучения пустынных зон Узбекистана (Р. Рахмонов 3 курс талаба билан ҳаммуаллифликда) Человек, экология, культура сборник научных трудов Всероссийской научно-практической студенческой конференции Саратов 2018 йил
8. Шўрланган тупроқлар ва уларда сифат назорати. «Modern scientific research journal» International Scientific Journal журнал. -London, 2019. -Б.134-136.
9. Cho'llanish jarayoni global tabiiy, ijtimoiy-iqtisodiy muammo. Polish science journal. Warsaw 2019, 73-76.
10. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Annotation

In this article given information about protecting our nature, using it and its resources wisely, changing it strive toward the benefit of humanity, natural environment which humans are living and being in touch with continuously, all existence which is connected with its environment, using unwisely from summer pastures by working with equipments, as a result, being larger the areas which humans can live, being excessive the quantity and extend of natural elements which is used by people, making more and more oppression to the nature by both side: quality and volume. Aral Sea is almost made dry and around its area desert zone is being larger. In order to prevent it the government is growing shrub. And also given facts about the forest which is located in Uzbekistan.

Key words: nature, human, natural resources, area, summer pasture, desert, aral, forest, shrub, illness, environment, flora and fauna.

АЗОТЛИ ЎҒИТНИ СУВДА ЭРИТИБ ЛАЗЕР НУРИ БИЛАН ФАОЛЛАШТИРИЛГАН СУВ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Артиқов А. З., Болтаев С. М.

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалы

Кириш. Олдиндан олиб борилган тадқиқот ишларида ғўзани суғоришда сувдан фойдаланиш борасида кўплаб изланишларда А.Абдукаримов[1;53-55-б] ғўзани суғоришда субирригациядан фойдаланишда зовур ва коллекторлар сувининг минераллашганлик даражасига кўра, кам минераллашган сувлардан фойдаланиш сув тақчиллигида яхши натижа бериши аниқланган. Турли мелиоратив тадбирлар ичида шўрланган тупроқлар шароитида фитомелиорантларни экиб, тупроқ хайдов қатламида сувда осон эрийдиган тузлар миқдорини транспирация қилиш орқали камайтиришда яхши натижалар бериши М. Хамидов, У.Жураев, К.Хамраев [2; 39-40-б] ларнинг илмий ишларида баён этилган.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини тўғри бошқариш пахтачиликдаги муҳим омиллардан биридир. Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хоссалари унинг механик таркиби, структура холати, сув-физик, иссиқлик, агрохимёвий хоссалари, гумус ва

минерал моддалар миқдори, биологик фаоллиги ва сув ўтказувчанлиги ҳисобланади. Тупроқнинг мақбул хоссалари мавжуд бўлгандагина ўсимлик ўз ҳаёти учун зарур моддалардан самарали фойдаланади ва юқори ҳосил тўплайди. Бундан ташқари сувда осон эрувчи тузлар миқдорининг кўпайиши, лой зарраларининг ошиши, тупроқ зичлиги, иссиқлик ва нам тақчиллиги, минерал моддалар миқдорининг камлиги, суғориш миқдори ва меъерининг ошиши, ҳаво режимининг бузилиши, турли емирилишларнинг бўлиши, тупроқларнинг радиоактив ва оғир металллар билан ифлосланишини чегараловчи омилларга боғлиқ. Артиков А.З.[3; 20-б]

Шу боис тупроқ унумдорлигининг пасайишига йул қўймаслик, уни доимо ошириб бориш деҳқончилик ва мелиорация фанининг энг муҳим вазибаларидан ҳисобланади. Бунинг учун энг яхши замонавий технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Жумладан ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни суғориш технологияси ва айниқса суғоришнинг замонавий ресурстежамкор усулларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Безбородов Г.А., Камилов Б.С. [4; 60-68-б]

Жумладан томчилатиб суғориш ўсимликларнинг бир маромда ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаш учун шарт-шароитни таъминлавчи замонавий суғориш технологиялардан биридир. Бу суғориш усулида ўсимликнинг минерал озикага бўлган талабини кондиришда минерал азотни сувда эритиб қўллаш орқали ўсимликнинг ўсишини бошқариш мумкин. Журакулов.Б, Артиков А.З. [5; 11-14стр]

Ишнинг мақсади. *Илмий-тадқиқот ишимизда ғўзани оддий сув билан эгатлаб, томчилатиб ҳамда эритилган минерал ўғитлар аралашмасини лазер нури билан нурлантириб томчилатиб суғоришнинг тупроқда осон эрийдиган ва зарарли тузлар миқдорининг ўзгаришига, озика унсурлари тўпланиши ва ғўза ҳосилига таъсири ўрганилди.*

Материал ва методлар. Кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида тўпланган материаллар ва ҳамма кузатишлар агрофизик, агрохимёвий таҳлиллар ва бошқа ҳисоб ишлари СОЮЗНИХИ (1963 ва 1977) ва (УзПИТИ) нинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилди. Агрохимёвий изланишлар Тупроқ агрохимёвий таҳлиллари тупроқдаги чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот, фосфор И.М.Мальцева ва П.Н.Гриценко, нитратли азот ионометрик асбобда, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори В.П.Протасов усулларида аниқланди. Тупроқ қатламларидаги зарарли тузлар миқдори ҳамда сизот сувларининг минераллашганлик дражаси сувли сўрим ва тезкор электрокондуктросулида аниқланди.

Натижалар ва муҳокамалар. Минерал азотни сувда эритиб, лазер нури билан нурлантириб томчилатиб суғоришнинг анион ва катионларни ион алмашинувини тезлаштиради ва қийин эрийдиган тузларнинг эрувчанлигини оширади.

Томчилат суғоришда лазер нури билан нурлантириш муддатинининг оширилиши тупроқдаги NaCl тузининг эриш тезлигини оширади ва осон ювилишига сабаб бўлади.

Тупроқ таркибидаги қуруқ қолдиқ ва Cl иони миқдорининг ўзгариши мавсум бошида ва амал даври охирида 0-50 ва 50-100 см да барча вариантларда таҳлил қилиниб борилди. Биринчи вариант оддий усулда суғорилганда 0-50 см қатламида қуруқ қолдиқ мавсумнинг бошида минерал ўғитларнинг N-250,P-175,K-125 фониди 0,420%, хлор иони эса 0,028% ни ташкил этиб, оддий сув билан томчилатиб суғорилган шу фондаги минерал ўғитлар қўлланилган 2-вариантга нисбатан қуруқ қолдиқ 0,6% га хлор эса 0,4% га кўп бўлганлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар шу вариантда 50-100 см қатламида 0,431-0,029% ни ташкил этди ва иккинчи вариантга нисбатан қуруқ қолдиқ 0,6% га ва хлор миқдори эса 0,5 % га кўпроқ бўлди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эгатлаб суғоришда катта миқдорда сув сарфланади ва бу сув босими остида минераллашганлик даражаси юқори бўлган сизот сувлари кпилляр кўтарилиши натижасида мавсум охирида тупроқ ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида зарарли тузларнинг тўпланиши содир бўлади.

Суғориш учун сарфланадиган сувни кескин камайтириш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда томчилатиб суғориш ва яна сувда эритилган минерал

азотни лазер нури билан фаоллаштириб томчилатиб суғоришнинг тупроқдаги зарарли тузлар миқдори таъсири ўзига хос бўлди.

Тажрибада гектарига оддий сув билан томчилатиб суғориш ва эритилган минерал ўғитларни фаоллаштирилган ҳолда томчилатиб суғориш тупроқ қатламларида намликнинг чуқур қатламларга сингиб кетмаслиги ва каилляр қўшилиш юз бермаганлиги сабабли зарарли тузларнинг тўпланиши оддий сув билан эгатлаб суғорилган ва томчилатиб суғорилган вариантларга нисбатан анча кам тўпланганлиги аниқланди.

Энг мақбул вариант намлагичлари хар бир қаторга жойлаштирилган ҳолда сув ва эритилган минерал азотни лазер нури билан нурлантириб томчилатиб суғориш амалга оширилган 3-вариантда мавсумнинг бошида тупроқнинг 0-50, 50-100 см қатламида қуруқ қолдиқ 0,406-0,417 ва 0,414-0,420% хлор иони 0,023-0,025% ни ташкил қилиб, тупроқнинг 0-50 см қатламида оддий усулда эгатлаб суғорилган вариантдан қуруқ қолдиқ миқдори 0,8-0,9% га, хлор иони миқдори эса 0,5-0,6% камроқ тўпланганлиги аниқлади.

Таъкидлаш керакки, томчилатиб суғориш ва яна фаоллаштирилган сув билан томчилатиб суғориш усулларида мавсум охирида ҳам тупроқ қатламларида зарарли тузлар миқдори эгатлаб суғорилган вариант ва бошқа вариантларга нисбатан кам тўпланганлиги аниқланди.

Томчилатиб суғориш тупроқнинг турли қатламларида зарарли тузларнинг капилляр кўтарилишини кескин камайтиради.

Шунингдек лазер нури билан фаоллаштирилган сув физика кимиявий жиҳатдан актив бўлганлиги учун тупроқ қатламларидаги зарарли тузларнинг эриш тезлигини оширади, бу эса сувда эриган тузларнинг кўпроқ коагуляцияга учраши сабабли унинг миқдори ва таъсирини сусайтиради.

Шунингдек суғориш усуллари, минерал азотнинг мавсумий меъёрини сувда эриган ҳолда томчилатиб суғоришни ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланди.

Тадқиқот вариантларида оддий усулда эгатлардан бостириб суғориш назорат ва оддий сув билан томчилатиб суғориш ва мавсумий минерал ўғитларни сувда эритган ҳолда аралаштириб суғориш усулларида сув ва минерал озикалар тежами ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига таъсири ўзига хос бўлди. Тупроқ қатламларида озика унсурларининг умумий ва ҳаракатчан формаларининг ўзгариши 1-жадвалда берилган.

Назорат очик эгатларда оддий суғоришда минерал ўғитларнинг N-250, P-175, K-125 меъёрида тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламда ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида ҳаракатчан шаклдаги NO_3^- - 13,8-11,0, P_2O -20,8-17,6 ҳамда K_2O миқдори 340-290 мг/кг ни ташкил этган бўлса, Алоҳида таъкидлаш мумкинки олинган натижалар шуни кўрсатдики азотли ўғитларни сувда эриган ҳолда томчилатиб суғорилган 2 ва фаоллаштирилган 3 вариантларда тупроқдаги озик унсурларининг тўпланиши минерал ўғитларнинг 25% га камайтирилган меъёрида ҳамда тўлиқ қўлланилган меъёрларида ҳам назоратга нисбатан тупроқда кўпроқ тўпланиб, бунда сув ва ўғитлар аралашмаси билан томчилатиб суғорилган ва минерал ўғитларнинг тўлиқ N-250, P-175, K-125 фонида NO_3^- - 30,5-15,3, P_2O -31,6 -19,5 ва K_2O миқдори 380-320 мг/кг ни ташкил қилди. Ғўзани томчилатиб суғориш усулида ва минерал ўғитларни сувда эриган ҳолда қўллаш очик эгатларда суғоришга нисбатан ҳам сув сарфида ҳамда мавсумий минерал ўғитлар сарфида тежамкорликни намоён қилиш билан бирга тупроқ қатламларида озика унсурларининг кўпайишига сабаб бўлди.

Ингичка толали ғўзанинг Термиз-31 ва Термиз-32 навларини Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақир тупроқлари шароитида суғориш ва минерал озиклашнинг ресурстежамкор усули томчилатиб ва минерал ўғитларни сувда эритилган ҳолда томчилатиб суғоришда тупроқдаги озик элементларининг кўпайиши ва ўсимлик томонидан осон ўзлаштириладиган ҳаракатчан шаклга ўтишининг жадалашуви ғўзанинг ўсиб ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Мавсумнинг август ойи бошида олинган маълумотларга кўра оддий усулда эгат орқали суғорилган вариантларга нисбатан томчилатиб суғорилган вариантларда, озикланиш тартиби қўллаш усулига кўра, минерал ўғитлар меъёри кўпроқ қўлланган вариантларда, буларга нисбатан ҳам минерал озика эритиб сув билан томчилатиб суғорилган 2-3 вариантларда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши устун бўлганлиги кузатилди.

Август ойида олинган маълумотларга кўра минерал ўғитларнинг йиллик меъёри (NPK) 100 фоиз берилган анъанавий усулда суғорилган вариантда ўсимликнинг бўйи 75,0 см ҳосил бўғини 16,0 дона, кўрак сони 10,0 дона бўлган бўлса, минерал ўғитлар сувда эритилиб томчилатиб суғорилган 2 ва 3 вариантларда ўсимлик бўйи 85,0-82.5 см.ни, ҳосил бўғини 19,0-18.6 донани, кўраклар сони эса 15,0-11,1 донани ташкил этди ва назоратдан ғўзанинг бўйи 10,0 см, ҳосил бўғини сони 3,0 дона ва мавжуд кўсақлар сони эса 1,1-5,0 кўп бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал

Суғориш ва минерал ўғитларни қўллаш усулларининг тупроқ унумдорлигига таъсири

Тажриба вариантлари	Тупроқ қатлами, см	Чиринди, %	Ҳаракатчан формаси, мг/кг			Ялпи формаси, %	
			P ₂ O	NO ₃	K ₂ O	фосфор	Азот
Мавсум бошида							
	0-30	0.849	21.0	21,0	350	0.065	0.025
	30-50	0.745	18.8	11,0	300	0.059	0.020
Мавсум охирида							
1-(Назорат) Оддий усул эгат орқали суғориш	0-30	—	20.8	13.8	340	0.062	0.024
	30-50	—	17.6	11,0	290	0.057	0.018
2- Оддий сув билан томчилатиб суғориш	0-30	—	31.6	30.5	380	0.088	0.035
	30-50	—	19.5	15.3	320	0.076	0.030
3- Сув ва ўғитлар аралашмаси фаоллаштирилиб томчилатиб суғориш.	0-30	—	31.0	23.5	360	0.077	0.032
	30-50	—	19.1	15.0	310	0.070	0.028

2-жадвал

Томчилатиб суғоришни ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири

Вариантлар	1-августда							
	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосил бўғини дона	Ҳосил элементлари, дона	Шу жумладан кўраги	Шу жумладан очилгани	Ҳосилдорлик, ц/га	Суғориш усуллари ҳисобига ҳосилдорликдаги фарқ	
1-(Назорат) Оддий усул эгат орқали суғориш	75,0	16,0	17,5	10,0	4,5	35,3	ц/га	Ҳосилдорлик
2- Оддий сув билан томчилатиб суғориш	85,0	19,0	19,5	15,0	7,6	42,0	6,7	25,8
3- Сув ва ўғитлар аралашмаси фаоллаштирилиб томчилатиб суғориш	82,5	18,6	19,0	11,1	6,0	41,1	5,8	20,7

Хулосалар. Бундан шундай хулоса чиқадики, оддий сув билан томчилатиб суғоришга нисбатан минерал ўғитлар эритилган сув фаоллаштирилиб томчилатиб суғориш натижасида тупроқдаги зичлашишнинг камайганлиги сув ва ҳаво алмашинуви яхшиланганлиги сувда эриган азотли ўғитларнинг ғўза илдиз системаси томонидан яхши ўзлаштирилиши туфайли назоратга нисбатан ғўзанинг ўсиши, ривожланиши жадаллашди. Тупроқдаги физикавий, кимёвий ўзгариши содир бўлиши натижасида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳосил тўплаши яхшиланди.

Томчилатиб суғориш усулининг самарадорлигини ўрганилган вариантларда сувни кам меъёрада бериш, тупроқ унумдорлигини сақлаш тупроқ ирригация эрозияси кузатилмаганлиги натижасида минерал ўғитлар самарадорлиги яхшиланганлиги сабабли ғўзани ҳосил тўплаши яхшиланиб, назорат оддий эгатлаб суғорилганга нисбатан ўғитни сувда эритиб, фаоллаштирилиб томчилатиб суғорилган вариантда пахта ҳосили назоратга нисбатан 5,8-6,7 ц/га кўп бўлди. (2-жадвал)

Adabiyotlar:

1. Abdukarimov A. Farg'ona vodiysini o'tloqi-soz tuproqli yerlarida g'o'za va bug'doyni amal davrlarida zovur suvlarini jilovlashning tuproqni meliorativ holatiga ta'siri // Farg'ona filialining 70 yilligiga bag'ishlangan tarixiy va ilmiy maqolalar to'plami. –Farg'ona: O'zbekiston, 1997. –B. 53-55.
2. Xamidov M., Jurayev U., Xamrayev K. Vliyaniye rasteniy fitomeliorantov na normy promyivnykh polivov na zasolennykh pochvax. Selskoye khozyaystvo Uzbekistana. –Tashkent, 2016; №2. –S. 39-40.
3. Xamrayev K., Jo'rayev U. Kollektor zavur suvlarining mineralizatsiya darajasini biologik usulda kamaytirish// O'zbekiston qishloq xo'jaligi. Ilovasi Agro ilm.–Toshkent, 2014; Maxsus soni.-B. 39-40.
4. Bezborodov GA., Kamilov B.S. Vodnyy i pitatelnyy rejim pochvy pri kapelnom oroshenii xlopchatnika. Sb. nauch. rabot po kapelnomu orosheniyu. Tashkent, 1995, s 60-68, (Moskva 2001 g)
5. Jurakulov, B., Artikov, A., Z. Kapelnoye orosheniye xlopchatnika aktivirovannoy vodoy. Moskva 2001g. sNTI “Voprosy melioratsii” № 3-4. 11-14str.

Annotation

The article describes the influence of the irrigation method and mineral nutrition on fine fiber in the soil and the growth. The article describes the influence of the irrigation method and mineral nutrition on fine fiber cotton on the change in nutrients in the soil and the growth, development and productivity of cotton. When the water and dissolved mineral nitrogen were fed by laser light and drip irrigation was carried out, the dry residue in the layer of 0-50, 50-100 CM of soil was 0,406-0,417 and 0,414-0,420% chlorine ion was 0,023-0,025% and the dry residue was 0,8-09% less than the Improved soil supply with nutrients, cotton yield was 5,8-6,7 s/h more than control in the option watered with drip with FAO water compared to irrigation in the simple method.

Key words: Land reclamation, drip irrigation, soil, fertile, mineral fertilizers, absorption capacity, productivity, growth, development, erosion, absorption, nitrogen, phosphorus, potassium, deficiency, humus. drip irrigation, soil, fertile, mineral fertilizers, absorption capacity, productivity, growth, development, erosion, absorption, nitrogen, phosphorus, potassium, deficiency, humus.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУПРОҚ СТРУКТУРАСИНИ ЯХШИЛАШНИНГ МУХИМ ОМИЛЛАРИ

Алланазаров Б, Бекбанов. А.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети

Кириш. Республикамиздаги экологик мухитни бузилаётганлиги, атмосферадаги чанг тўзонларни пайдо бўлиши, иқлимнинг кескин ўзгариши. Биосферадаги hozirgi холати кескин ўзгариш хаммаси бориб орол денгизининг қуриши оқибатида пайдо бўлмоқда.

Бизга маълумки Амударё тўлиб оқиши ер ости сувларини харакатини орол денгизи тамон харакатлашишга мажбур қилар еди, афсуски дарё ўз оқиш ўзанини

йўкатганлиги сабабли ер остки сувлар харакати тўхтаб, тупроқ таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, тажриба натижалари шуни кўрсатадики тупроқнинг шўрланиш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда бу эса ўз навбатида тупроқлардаги микроорганизмга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шуни айтиш керакки бизнинг тупроқларимизда азот миқдори 0,07 дан 1,15 % атрофида бўлиши айрим ҳолларда 0,03 % гача камайиб кетади ёки 0,2-0,25 га ошиб туради.

Ишнинг мақсади. Республикаимизнинг суғориладиган ерларнинг аксариятида микрофлоранинг бойлиги ҳамда унинг яшаш учун ғоятда қулай шарт-шароит мавжудлиги тупроқ гумусининг миқдори ва сифат ҳолатига чуқур таъсир этади. Тупроққа қанчалик гумус яъни органик ўғит солиш ёки табиий манбалардан фойдаланиш тупроқ таркибидаги яъни хайдалма қатламдаги микроорганизмларни 1,5-2 баробар оширишига имкон яратади.

Органик ўғит солинган тупроқларда умумий азот миқдорининг 1-2% оширишни ва минерал шаклга киришиши ва ўсимликлар томонидан ўзлаштириш қобилияти кескин ошади бу эса ерларимизнинг шўрланиш даражасини кескин камайтириб юборади.

Олдинги даврларда амударёни тўлиб оқиши ҳар бир гектар майдонга 16-тонналаб лойқа тупроқ массасини олиб келар еди, бу эса тупроқ таркибини анорганик моддалар бойитиб тупроқ структурасини яхшилар эди, афсуски бу ҳолат ҳозир такророланмаяпти шунинг учун ҳозир ўзимизда мавжуд бўлган табиий манбалар ва бошқалардан унумли фойдаланганда тупроқ флорасини яхшилаш имконияти мавжуддур.

Малумат ва методлар. Бу илмий ишни ёзишда асосан агрохимёвий ва тупроқни анализ қилиш, тупроқ таркибидаги Cl , SO_4 тузларнинг йиллар давомида кузатиш, аниқлаш методларидан фойдаланилди. Янада бир-қатор олимларнинг изланишлари шукур ўрганилди.

Натижалар. Олиб борилаётган илмий натижалар шуни кўрсатадики Республикаимиз ўзининг юқори нитрофикация қобилияти билан характерли хусусиятга эга Тупроқнинг озик режими жумладан суғориладиган яъни шўри яхши ювиладиган тупроқлардаги азотнинг нитрат формадаги етарли даражада бўлиб уларни ўсимликларга қабул қилиш даражасини ошириш учун дукакли екинларни екиш орқали Қорақолпоғистон тупроқларини яхшилашимиз ҳозирги экологик муҳитни енгишимизга имкон яратиб беради.

Қорақолпоғистон Республикаимизда тупроқларида олиб берилган илмий тажрибалар шуни кўрсатадики ҳаракатга формадаги азот асосан нитратлардан иборатдир, ёзги ойларда тупроқда бўладиган аммиакли азот миқдори ҳар 1<2 тупроқ ҳисобига 1-2 мг дан ошмайди. Бунинг сабаби суғориладиган тупроқларнинг юқори биологик хусусияти бўлиб, амид, амин ва аммиакли формадаги азотлар тезда минераллашиб нитратларга айланиб қолади.[1]

Нитратли бирикмалар сувда яхши ерувчанлигини туфайли ҳаракатчан бўлади. Шунга кўра нитрат формадаги азот сув билан тупроққа 1-2м чуқурликкача ювилиб тушиш ва капиллярлар орқали юқорига чиқадиган сув билан ер юзасига кўтарилиш қобилиятига эга бўлиб, бу жараёни нормаллаштириш учун тупроқ намлигини 60 % миқдорда тутиб туриш ёки дукакли донли екинларни екишимиз орқали алмашлаб екишни жорий этиш мумкин.[2]

Ҳозирги замон талаби Тупроқ қатламидан сувга осон эрувчан тузлар ювилиб кетгандан кейин тупроқнинг биологик фаолиятини ошади, бу эса тупроқ унумдорлиги самарадорлигининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Шуни қайд қилар эканмизки тупроқнинг пастки қатламларида аэроб микрофлоранинг фаолияти суст боради, чунки бунда кислород ва энергетик материаллар етишмайди охири ўсимлик учун лаёқатли формадаги азот ва фосфор танқислиги сезилиб қолади.[2]

Тажриба натижаси шуни кўрсатадики тупроқнинг 0-20 см қатламида ўстирилган ўсимликларнинг баландлиги фарқ қилиб ғўза мисолида тажриба ўтказилган ўртача 48,6 см гача 20-40 см ли қатламда ўстирилганда 29,8 см 40-60 см ли қатламда ўстирилганда 25,6 см гача бўлган. Бу эса шу қатламларда микроорганизмларни яшаш ва уларнинг сонига боғлиқ бўлиб шу сабабли Республикаимизда тупроқ биологияни яхшилаб ўрганишимиз зарурдир. Қорақолпоғистон Республикаси пахташилиқ районлари

тупроқлари шўл зонасыга кирип автоморф, ярым гидроморф ва гидроморф тупроқларга киради. [5]

Хулоса:

1. Амударё сув оқимларининг кескин пасайиб кетиши ер ости сувларининг харакатига уз таъсирини курсатиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида тупроқнинг структурасига ва шурланиш даражасининг йилдан-йилга маълум миқдорда ошиб бормоқда.

2. Ер ости сувлари Орол денгизи томон харакатланиши секинлашмоқда, бу Орол денгизининг қуришида асосий сабаблардан бири хисобланади. Амударё катта коллектор вазифасини бажарар еди, лекин унда сувнинг камлиги, саёзлиги, кумлар билан кумилиб қолганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

3. Тупроқнинг шурланиш даражаси йилдан-йилга секин ошиб бориши натижасида, тупроқдаги микроорганизмлар турлари ва сонига хам таъсир қилиши натижасида камайиб бориш ҳолатлари кузатилмоқда.

4. Бу ҳолатларни камайтириш тупроқ структурасини яхшилайдиган микроорганизмлар фаолиятини жадаллаштирадиган, куп майдонларга дуккакли-донли екинлар екиш орқали тупроқ флорасини яхшилаш мумкин бўлади.

5. Тупроқ қатламларида микроорганизмларнинг сонини узгаришлари, ўсимлик хосилдорлигига уз таъсирини курсатмоқда, яъни ғуза усимлигини 0-20см қатламдаги тупроқда устирилганда буйи 48,6см бўлса, 40-60см қатламда 25,6см бўлган.

6. Ер юзасидан сувнинг хавога буғланиши, йиллик ёғингарчиликка нисбатан олганда 6 баробар кўп, яъни 200мм ёғин ёғса 1200мм сув буғланади. Буни олдини олиш учун ер бағирлаб ўсадиган, соявор ўсимлик турларини кўпроқ екиш орқали тупроқнинг микрофлорасини ва шўрланиш даражасини камайтириш мумкин.

References:

1. "Methods of conducting field experiments" – Toshkent 2007.
2. P.V.Protasov, F.K.Qodirxojaev – "Use of fertilizers in cotton growing" – Toshkent 1981.
3. I.I. Chembarisov, B.A. Baxriddinov – "Feature of the effect of irrigation on the mineralization of river waters of the Amudarya basin" – Nukus 1998.
4. R.Steyner, I.Idelberg, Dj. Ingrem – "Microbial world" – Moscow 1979.
5. Sattarov.J, "Agrochemstriy" Toshkent.

Annotation

We know that the overflow of the Amu Darya forced the movement of groundwater to the Aral Sea. Unfortunately, as the river loses its flow, groundwater stops flowing and affects the soil composition, and experimental results show that the salinity of the soil is increasing from year to year, which in turn affects the microorganisms in the soil. It should be noted that the content of nitrogen in our soils is from 0.07 to 1.15%, in some cases it decreases to 0.03% or increases to 0.2-0.25. The richness of the microflora in most of the irrigated lands of the country and the availability of very favorable conditions for its existence have a profound effect on the quantity and quality of soil humus. The amount of humus in the soil, ie the use of organic fertilizers or the use of natural sources will increase the number of microorganisms in the soil by 1.5-2 times. In the past, the flooding of the Amudarya River resulted in 16 tons of muddy soil per hectare This would improve the soil structure by enriching the soil composition with inorganic substances, Unfortunately, this situation is not repeated now, so there is an opportunity to improve the soil flora with the effective use of existing natural resources and others.

Key words. Soil, structure, groundwater, salinity, fertilizer, factor.

УДК: 911.6 (575.172)

**«ЖАП» ЖЕРГИЛИКЛИ ГЕОГРАФИЯЛЫҚ ТЕРМИНИ ХӘМ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ОЙКОНИМЛЕРИ**

Балтабаев О. О.

Әжинияз атындағы Нәкис мәмлөкетлик педагогикалық институты

Кирисиў. Топонимлер узақ тарийхый дәўирлер жемиси болып, ол филология, география, тарийх, этнография, археология сыяқлы илимлер ушын бай материаллар дереги болып есапланады. Топонимлерди үйрениў арқалы биз белгили бир тарийхый

дәуірлерде жасаған халықтың дүнья қарасы, тарихы хәм турмысы хаққында мағлыұматларды анықлауымыз мүмкин. Топонимлер хаққында белгили географ алым Э.М.Мурзаев: «Газета оқығанда да, радио тыңлағанда да ўақыя хәм хәдийселерди көбинесе географиялық атамаларға байланыстырып оқыймыз. Хәзирги заман жәмийетин географиялық атамаларсыз көз алдымызға келтире алмаймыз» деп жазған еди [10.6-7]. Соның менен бирге, топонимлердин пайда болыўында жергиликли географиялық терминлердин тийкарынан, топотермин (топотермин – *топонимлер* қурамында келип топоним пайда етиўде тиккелей қатнасқан терминлер)лердин әхмийети үлкен. Олар көпшилиқ ўақытта топонимлер қурамында келип географиялық объекттин түрин анықлаўда гилт ўазыйпасын атқарып келген.

Жумыстың мақсети. Белгили топонимист илимпазлар «Хәр қандай географиялық атамаларды үйрениўди терминлерден баслаў керек» деген пикирди басшылыққа алады. Сонлықтан географиялық атамалардың пайда болыўында жийи қатнасқан жергиликли географиялық терминлерди (топотерминлерди) илимий жақтан тереңирек үйрениў мақсетке муўапық деп билемиз. *Жап* жергиликли географиялық термини гидронимиялық термин болып, тийкарынан суў объектлери атамаларында келеди. Биз бул мийнетимизде *жап* жергиликли географиялық термининиң мәниси, тарихый-этимологиялық анализи, Қарақалпақстан Республикасы топонимиясында тийкарынан ойконим (грекше “*oikos*” – *үй, жасаў орны, мәкан*)лерди пайда етиўдеги роли хәмде *жап* термини қатнасқан ойконимлердин қарақалпақ кирилл хәм латын алфавитинде жазылыўына тоқталып өтиўди мақсет еттик.

Материал хәм методлар. Бул илимий мийнетимизди жазыў барысында тийкарынан систематикалық, тарихый-этимологиялық анализ усылларынан пайдаланылды. Соның менен бирге, Э.М.Мурзаев, Х.Х.Хасанов, Қ.Әбдимуратов, С.Қораев, З.Досимов, Қ.Сейтнязов, М.Миракмалов сыяқлы географ, филолог, этнограф алымлардың усы бағдардағы жумыслары терең үйренилди хәм олардың пикирлери басшылыққа алынды.

Нәгийжелер хәм додалаўлар. Жергиликли географиялық термин есапланған *жап* термини Қарақалпақ тили түсиндирме сөзлигинде *ишинен суў ағызыў ушын қазылған арна, канал* деп берилген [5.176]. *Жап* – *егин майданларына суў алып барыў ушын қазылған үлкен салма. Жап көлеми жағынан салмадан үлкен болады.* Бул жергиликли географиялық топотермини Республикамыз аймағында *канал* термини менен синонимлес болып, екеўи барабар қолланылады [1.151]. Айырым изертлеўшилер *жап* терминин иран тиллерине тийисли болған *аб/об «суў»* сөзиниң өзгерген варианты деп есаплайды [6.12-13].

Махмуд Қошғарий сөзлигинде *жап* термини *сел ойып кеткен терең жер* деп көрсетилген [7.156].

Э.Мурзаевтың жазыўынша *жап* термини *үлкен салма, суўғарыў каналы* деген мәнислерди билдиреди [9.173].

Белгили алым З.Досимовтың билдириўинше *жап* термини ески жазба дереклерде *қазылған салма* деп көрсетилген [3.70].

Ш.Кәримхожаев *жап* терминин иран тиллеринен аўысқан деп көрсетеди хәм *жап* – *суў ағызыў уқыбы бойынша орташа суўғарыў тараўы* деп жазады [4.66].

Белгили топонимист алым М.Миракмалов өзбек тилиндеги *ёб, ёп* терминлерин қарақалпақшада *жап* деп көрсетип өткен [8.147].

Хорезмде *орта хәм киши суўғарыў тармағын жап* деп атайтуғын болса, Тәжикстанның айырым орынларында *дәрьяны* усылай атайды екен [2.42].

Улыұмаластырып айтқанда *жап* жергиликли географиялық термини тийкарынан түркий тиллес халықлар жасайтуғын аймақларда бир – бирине жақын болған мәнислерде келеди хәм жүдә көплеген топонимлердин пайда болыўында тиккелей қатнасады. *Жап* топотерминин Республикамыз аймағында көплеген суў объектлериниң атамаларының қурамында қатнасыўы менен бирге халық жасаў пунктлериниң атамаларының пайда болыўында да көриўимизге болады (1-кесте).

Төмендеги кестеде (1-кесте) Қарақалпақстан Республикасы аймағында *жап* топотермини жәрдемінде пайда болған базы ойконимлерди келтирдик.

Жап топотермини жәрдеминде пайда болған елатлы пунктлер атамалары (ойконимлер)			
№	Қарақалпақ кирилл алфавитинде жазылыуы	Қарақалпақ латын алфавитинде жазылыуы	Жайласқан орны (район аты)
1.	Абатжап	Abatjar	Шоманай
2.	Алымжап	Alimjar	Шоманай
3.	Ақжап	Aqjar	Хожели
4.	Бағжап	Baǵjar	Елликқала
5.	Бағжап	Baǵjar	Төрткүл
6.	Байжап	Bayjar	Хожели
7.	Бегжап	Begjar	Хожели
8.	Бегжап	Begjar	Шоманай
9.	Бегжап	Begjar	Қанлыкөл
10.	Бесжап	Besjar	Шымбай
11.	Бозжап	Bozjar	Әмиўдәрья
12.	Вахумжап	Vaxumjar	Әмиўдәрья
13.	Гөне Таслыжап	Góne Tashjar	Хожели
14.	Ғаррыжап	Ǵarrijar	Шоманай
15.	Жалпақжап	Jalpaqjar	Әмиўдәрья
16.	Жалпақжап	Jalpaqjar	Кегейли
17.	Жамбасжап	Jambasjar	Шымбай
18.	Жаңажап	Jańajar	Хожели
19.	Иванжап	Ivanjar	Хожели
20.	Киши Бозжап	Kishi Bozjar	Әмиўдәрья
21.	Қосжап	Qosjar	Қанлыкөл
22.	Қошажап	Qoshajar	Төрткүл
23.	Қумжап	Qumjar	Әмиўдәрья
24.	Қосжап	Qosjar	Шоманай
25.	Майжап	Mayjar	Қанлыкөл
26.	Майжап	Mayjar	Шымбай
27.	Матаржап	Matarjar	Әмиўдәрья
28.	Машынажап	Mashinajar	Хожели
29.	Оржапаўыл	Orjarawıl	Шымбай
30.	Отаўжап	Otawjar	Шымбай
31.	Сазанжап	Sazanjar	Шымбай
32.	Салыжапаўыл	Salijarawıl	Хожели
33.	Сарманжап	Sarmanjar	Шымбай
34.	Сейтекжап	Seytekjar	Қараөзек
35.	Соржап	Sorjar	Кегейли
36.	Суўханжап	Suwxanjar	Төрткүл
37.	Тағжап	Taǵjar	Шымбай
38.	Тазабағжап	Tazabaǵjar	Төрткүл
39.	Тазажап	Tazajar	Әмиўдәрья
40.	Тазажап	Tazajar	Шоманай
41.	Таза Таслыжап	Taza Tashjar	Хожели
42.	Таллыжап	Talljar	Шоманай
43.	Таржап	Tarjar	Әмиўдәрья
44.	Таслыжап	Tashjar	Хожели
45.	Үлкен Бозжап	Úlken Bozjar	Әмиўдәрья
46.	Үшжап саға	Úshjar saǵa	Әмиўдәрья
47.	Ханжап	Xanjar	Хожели
48.	Шегежап	Shegejar	Хожели
49.	Шегелижап	Shegelijar	Әмиўдәрья
50.	Шўйитжап	Shúyitjar	Шымбай

Кесте Қарақалпақстан Республикасы паспорты (01.01.2015) хәм картографиялық мағлыұматлардан пайдаланылып дүзилди.

Қарақалпақстан Республикасы аймағында жәми 1200 ге жақын халық жасау пунктлери бар болса соннан 50 халық жасау пунктлериниң атамаларының пайда болыуында *жсап* топотерминин көрсек болады.

Жуўмақлаў. Жоқарыдағы мағлыўматлардан көринип турғанындай *жсап* жергиликли географиялық терминин тек ғана суў объектлери атамаларында емес бәлким елатлы пунктлер атамаларында да көриўимиз мүмкин. Бул дегени жергиликли географиялық терминлерди илимий жақтан едеде тереңирек үйрениў хәмде топотерминлер үстинде илимий изертлеўлер алып барыўды талап етеди. Себеби жергиликли географиялық терминлер хәр қандай географиялық объекттиң түрин анықлаў ушын гилт ўазыйпасын атқарады. Соның менен бирге, елимиздиң географиялық объект атамаларының дурыс жазылыўы, олардың этимологияларын анықлаў хәмде бул атамаларды қарақалпақ латын графикасына аўдармалаўда хәзирги күнниң талабы болып табылады.

References:

1. Abishev G.M. Toponyms Consisting of Hyronymic Terms. // KSU Khabarshy. Nukus. 2017. №2 (35). – p.180.
2. Gulomov P.N. The Dictionary of School Geography Names and Concepts. – Т.: “Ukhituvchi”, 1994. –p.144.
3. Dusimov Z. Toponymy of Khorezm. – Т.: “Fan”, 1985. – p.104.
4. Karimkhojaev Sh. The Elements of Arab and Persian Languages in the Farming Terminology of the Karakalpak Language. // UzAS KK Branch Khabarshy. Nukus. 1970. №4(42), – p.104
5. The Explanatory Dictionary of the Karakalpak Language, v.2, G-K. – Nukus “Karakalpakstan”, 1983. – p.388.
6. Kurbanov M. D. Lexical and Grammatical Features of the Geographic terms in the Karakalpak Language. // abstract, dissertation for the degree of Candidate of Philological Science. Nukus, 2011, – p.23.
7. Makhmud Khashgharii. The Dictionary of Turkic Words. (Devonu lughotit turk) v. 3. – Т.: “Fan”, 1963. – p.463.
8. Mirakmalov M.T. Folk Natural Geographic Terms. (Monography). – Т.: “Fan va Tekhnologiya”, 2009. – p.176.
9. Murzaev E M. The Dictionary of Folk Geographic Terms. – М.: 1984. – p.653.
10. Khasanov Kh. The Secrets of Geographic Names: Overall Scientific Explanation. – Т.: “Uzbekiston”, 1985. – p.120.
11. Passport of the Republic of Karakalpakstan (01.01.2015).

Annotation

*Since the independence of our country, extensive research has been conducted in the field of language, history, geography and all other areas. Much attention is paid to the study of the history, language and geographical names of our country. Geographical names contain a lot of information, through which we can identify a lot of historical, ethnographic, linguistic information. Also the role of local geographical terms in the formation of geographical names is great. With this in mind, our article focuses on the historical and etymological study of the term *zhap*, which is a local geographical term, and the names of settlements (*oikonim*) formed in the territory of the Republic of Karakalpakstan using the term *zhap*. *Zhap* is a canal dug to convey water in it. *Zhap* is a large irrigation ditch dug to irrigate fields under crop. *Zhap* is much larger than a ditch. Some *oikonims* containing the term *zhap* are listed in the table, and their names are spelled correctly in the Karakalpak Cyrillic and Latin alphabets.*

Key words. *Toponymy, oikonim, local geographical term, toponymic term, zhap.*

УЎТ: 633.11.52.543.865

БУҒДОЙНИНГ КОНСТАНТ ҲОЛАТГА КЕЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАР ДОННИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Жўраев Д.Т.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали.

Кириш. Бугунги кунга келиб Дунё ғаллачилигида суғориладиган шароитда саноат талабини қондира оладиган, кучли дон берадиган буғдой навларини яратиш борасида кенг миқёсда селекцион жараён ташкил этилиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда хамда ҳосилдор дон сифати юқори навлар яратган ва жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш йўналишида “Касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ериклим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш”; муҳим масалалардан бири қилиб кўрсатилган. Ҳар бир тупроқ ва иқлим шароитига мос яратилган навлардан, шунингдек фан ютуқлари ва илғор техник воситалардан унумли фойдаланиш асосида бошоқли дон экинларини ҳосилдорлик ва дон сифатини ошириш мумкин. Қишлоқ хўжалик соҳасида бошоқли ва дуккакли дон экинлари дон ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан, биринчи навбатда, юқори маҳсулдор навлардан фойдаланиш уларни биологик хусусиятларини ўрганиб, улар билан тўғри муносабатда бўлиш ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам экиш сифати юқори бўлган юқори навдор уруғликдан экилгандагина ҳамда уруғларни кўпайтириш жараёнида барча агротехника қоидаларига тўғри амал қилинса, касаллик ва хашоратлардан ҳоли бўлса, у у ҳеч қачон ирсий хусусиятларини, патенциал ҳосилдорлик имкониятларини йўқотмайди. Шунинг учун республикада селекцияда янги нав яратиш ва уруғлик етиштиришга, унинг сифат кўрсаткичларига катта эътибор қаратилмоқда.

Олимларимизнинг таъкидлашича, республика ғаллачилигида асосий муаммолардан бири дон сифатини оширишдир. 2003 йилги буғдой ялпи дон ҳосилининг 0,2 фоизи 2-синф, 90,8 фоизи 3-синф, 7,4 фоизи 4-синф ва 1,8 фоизи синфсиз бўлиб, донни клейковина миқдори 2-гурӯҳни ташкил этган ва бу кўрсаткичлар ҳали-ҳануз ижобий тарафга ўзгаргани йўқ.

Буғдой унининг нонбоплик хусусияти асосан клейковина миқдори ва сифати билан баҳоланади. Клейковинанинг кулранг ва қора рангларда бўлиши доннинг пишиб етилиш даврида, сақлаш ёки қайта ишлашда ноқулайликларга дуч келганлигидан далолат беради. Буғдой донидаги клейковина таркибида 3 хил оқсил мавжуд: улар эримайдиган фибрин, қисман эрийдиган казеин ва глиадин. Клейковина миқдори ва сифати, буғдой донининг технологик ва озиқавийлигини баҳоловчи кўрсаткич эканлиги тажрибаларда аниқланган.

Юқори температура ўсимликларнинг дон тўлишига, дон оғирлигига ва дон сонига ҳалақит беради ва натижада ҳосилдорлик камайишига олиб келади [2].

Буғдой етиштирувчи шартли суғориладиган минтақаларда 2020-2050 йилларда иқлим ўзгариши натижасида 26-51 фоиз генетик ўзгаришлар бўлиши мумкин [3]. Иссиқликка чидамсиз навларда иссиқлик, ҳосилдорлик ва 1000 та дон вазнига таъсири айниқса катта бўлади [4].

Дондаги оқсил ва клейковинани пасайиши ҳосилдорликни ошиши, тупроқда ўсимликнинг ўзлаштириши осон бўлган азот миқдорини камлиги туфайли юзага келади. Аммо бу масалани кузги буғдойга солинадиган азот миқдорини ошириш ҳисобига ҳал қилиб бўлмайди [5]. Селекция ашёларини таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар маҳсулдорлик, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати ҳисобланиб, улар бир қанча белги ва хусусиятларнинг йиғиндисидан иборат [6].

Қишлоқ хўжалик соҳасида бошоқли ва дуккакли дон экинлари дон ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан, биринчи навбатда, юқори маҳсулдор навлардан фойдаланиш уларни биологик хусусиятларини ўрганиб, улар билан тўғри муносабатда бўлиш ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам экиш сифати юқори бўлган юқори навдор уруғликдан экилгандагина ҳамда уруғларни кўпайтириш жараёнида барча агротехника қоидаларига тўғри амал қилинса, касаллик ва хашоратлардан ҳоли бўлса, у у ҳеч қачон ирсий хусусиятларини, патенциал ҳосилдорлик имкониятларини йўқотмайди. Шунинг учун республикада селекцияда янги нав яратиш ва уруғлик етиштиришга, унинг сифат кўрсаткичларига катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот тажрибаларини жойлаштириш, дала ва лаборатория шароитида фенологик кузатувлар, баҳолаш ва таҳлил қилиш Б.А.

Доспехов (1985) ва Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1985, 1989) услубий кўлланмаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти сифатида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, Қашқадарё филиали ҳамда Ғаллаорол илмий тажриба станциясида яратилган 30 та кузги юмшоқ буғдойнинг таёр ҳолатга келган констант шакллари олинган.

Олинган натижалар: Республикамиз воҳа ва водий шароитларида олиб борилган агроэкологик нав синаш тажрибасида 30 та юмшоқ буғдойнинг нав ва линиялар уч қайтариқда ўрганилди ва ўсимликларнинг ўсув даврлари бўйича фенологик кузатувлар, биометрик ва дон сифати таҳлиллари олиб борилди. Буғдой унининг нонбоплик хусусияти асосан клейковина миқдори ва сифати билан баҳоланади. Клейковини миқдори ва сифати деганда-буғдой хамирини сувга ювилган, асосан сувда эримайдиган оксиддан ташкил топган, гидратланган гель-резинасимон масса тушунилади. Клейковина оч рангли, кулранг ва қора рангларда бўлиши мумкин. Аммо, фақат оч рангли клейковина энг яхши эластиклик ва чўзилувчанлик хусусиятига эга. Клейковинанинг кулранг ва қора рангларда бўлиши доннинг пишиб етилиш даврида, сақлаш ёки қайта ишлашда ноқулайликларга дуч келганлигидан далолат беради.

Буғдой унининг нонбоплик хусусияти асосан клейковина миқдори ва сифати билан баҳоланади. Дон сифати юқори яъни кучли буғдой яратишда албатта клейковина миқдорини ўрганиш муҳимдир. Қашқадарё шароитда нав ва констант шаклларнинг клейковина миқдори 23,9-30,9 % оралиғида бўлганлиги аниқланиб, ушбу кўрсаткич Кеш-2016 навида 28,0 %, Шукрона навида 27,6 % ни ташкил этди. Дон сифати бўйича энг муҳим кўрсаткич клейковина миқдори юқори бўлган KR15-9019 констант шаклида 30,1 %, GCB-18/2017-11 констант шаклида 29,0 %, GCB-15/2017-8 констант шаклида 28,7 %, AC-2008-Д-6 констант шаклида 29,6 %, AC-2007-Д-4 констант шаклида 29,3% ҳамда AC-2006-С-27 констант шаклида эса клейковина миқдори 30,6 % эканлиги билан бошқа констант шакллардан ажралиб турди.

Анджон шароитда нав ва констант шаклларнинг клейковина миқдори 16-31,0 % оралиғида бўлганлиги аниқланиб, ушбу кўрсаткич AC-2008-Д4 констант шаклида 31 %, AC-2009-Д7 констант шаклида 30 %, AC-2009-Д-8-9 констант шаклида 29 %, KR15-РҮТ-13-970 констант шаклида 29,8 %, GCB-8/2017 констант шаклида 29 %, GCB-8/2017, GCB-8/2017, GCB-8/2017, KR-17 SAL, Кеш-2016 нав ва тизмаларида 28,0 % ни ташкил этди.

Олимларнинг фикрича тадқиқот натижаларига кўра ҳосилдорликни белгилашда 1000 дон дон вазни муҳим жиҳатдир. Бу кўрсаткич буғдойнинг қайси навга мансублигини белгилашга имкон беришдан ташқари, ўсув даври давомида айниқса дон тўлиш пайтида ташқи муқит омиллари қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввур беради.

Доннинг йириклиги ва тўлалигини билдирадиган кўрсаткичдир бу 1000 та дон вазни ҳисобланади. Бу наводорлик белгиси бўлиб, шунинг билан биргаликда кучли даражада тўлишиш давридаги иқлим шароитга боғлиқдир деб таъкидлайди. Буғдой донининг катталиги ўсиш даврининг давомийлиги хусусан, бошоқлаш, пишиб етилишнинг чўзилиш даврига боғлиқ бўлишини илмий тарзда аниқланган. Ўрганилган нав ва тизмаларнинг 1000 та дон вазни кўрсаткичи Анджон шароитида ўртача 41.4-53.2 гр. оралиғида бўлганлиги аниқланиб, энг юқори кўрсаткичлар KR15-РҮТ-13-970 констант шаклида 53.8 гр., GCB-15/2017 констант шаклида 53.2 гр., KR-15-9019 констант шаклида 53.0 гр., AC-2008-Д-6 констант шаклида 51.0 гр., AC-2006-Д27 констант шаклида 50.9 гр., AC-2009-Д8-9 констант шаклида 50.6 гр., KR-12-18, AC-2008-Д4 констант шаклларида 48.0 гр. Ташкил этган бўлса Қашқадарё шароитида бу кўрсаткич ўртача 32.7-45.6 гр гача бўлганлиги кўзатилиб, андоза навда 39.3 гр ни

ташқил қилган бўлса, тажрибадаги 15 та тизмаларнинг 1000 дон дон вазни турлича андоза навга нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

1-жадвал

Қашқадарё ва Андижон шароитида нав ва тизмаларнинг клейкавина миқдори ва 1000 дон дон вазни.

№	Нав ва тизмалар	Клейкавина миқдори, %		1000 дон дон вазни, гр.	
		Қашқадарё шароитида	Андижон шароитида	Қашқадарё шароитида	Андижон шароитида
1	АС-2005-С19	26,4	27	39.5	44
2	АС-2006-Д20	27,6	27,6	41.6	43
3	АС-2006-С27	30,1	18,8	42.1	50,9
4	АС-2007-Д4	29,3	28	40.1	45,6
5	АС-2007- Д5	27,2	28	35.6	45,2
6	АС-2008-Д2	26,4	28	39.8	44,8
7	АС-2008-Д4	25,7	31	38.1	48
8	АС-2008-Д6	29,6	28	45.6	51,8
9	АС-2009-Д7	26,4	30	38.7	44,9
10	АС-2009-Д8-9	27,6	29	37.8	50,6
11	GCB-7/2017	23,8	27,8	38.1	44,7
12	GCB-8/2017	28,4	29	38.0	43,2
13	GCB-9/2017	27,3	28	38.4	42,6
14	GCB-10/2017	27,2	25	37.7	47,4
15	GCB-13/2017-6	27,8	28	39.8	41,4
16	GCB-14/2017-7	26,3	26	38.5	44,7
17	GCB-15/2017-8	28,7	28	32.7	53,2
18	GCB-16/2017-9	28,2	28	39.5	46,4
19	GCB-11/2017	29.0	16	37.2	42,6
20	GCB-17/2017	23,9	24	42.1	43
21	KR15-9808	26,6	27,2	41.4	42,2
22	KR15-ПҮТ-13-521	27,9	20	44.6	53,8
23	KR17-SAL	26,6	28,1	38.1	47,4
24	Шахрисабз-1	27,7	21	38.7	47,4
25	KR15-FAW-inn-52	28,1	20	42.1	44,7
26	KR12-18	25,6	25,2	41.4	48,1
27	КЕШ-2016	28	28	39.3	44,7
28	ШКУРОНА	27,6	21	37.4	41,4
29	KR15-ПҮТ-13-970	25,2	29,8	40.7	45,2
30	KR15-9019	30,1	25	42.5	53

Хулоса. Натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки воҳа ва водий шароитларида ўрганилган 30 та нав ва тизмалар орасидан ҳосилдорликни белгиловчи 1000 дон дон вазни ва дон сифати буйича энг муҳим кўсаткич клейковина миқдори юқори бўлган тизмалар танланди ва селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди.

Адабиётлар:

1. Абдукаримов Д. Дала экинлари хусусий селекцияси. Тошкент. 2007. б. 85.
2. Schapendonk, A.H.C.M., H.Y. Xu, P.E.L.V.D. Putten and J.H.J. Spiertz, Heat-shock effects on photosynthesis and sink-source dynamics in wheat (*Triticumaestivum*L.). *NJAS-Wageningen J. Life Sci.*, 55:2007. –PP. 37–54.
3. Ortiz R., Sayre K. D., Govaerts B., Gupta R., Subbarao G. V., Ban T., Hodson D., Dixon J. M., Ortiz-Monasterio J. I. and Reynolds M. Climate change: can wheat beat the heat? *Agro Ecosystem Environ.* 126:2008. –PP. 46-58.
4. Paliwal R., Roder M. S., Kumar U., Srivastava J. P. and Joshi A. K. QTL mapping of terminal heat tolerance in hexaploid wheat (*Triticumaestivum* L.). *Euphytica.* 153:2012. –PP. 135-151.

5. Халилов Н.Х., Орипов Р.О., Бобомирзаев П.Х., Омонов А., Зиядуллаев З.Ф. Суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштириш технологияси. –Самарқанд, 1994. –Б. 16.
6. Алимов Д.А. “Зарубежные образцы - как исходный материал для селекции” //Аграрная наука: достижения и перспективы: Материалы науч. конференция. –Тошкент, 2002. –Б. 41.

Annotation

This article presents the results of studies to determine the technological quality, and in particular, the gluten and weight parameters of 1000 grains of newly created and currently prepared varieties and lines of soft wheat in the soil conditions of the Steppe (Kashkadarya) and the Valley (Andijan).


МИНТАҚАДА ҚИЗИЛМИЯ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

Ибрагимов М.Ю, Закимов А.М, Жолмурзаев О.М.

Мавзунинг долзарблиги. Амударёнинг қуйи минтақасида халқ хўжалиги учун фойдали ўсимликлардан бири силлиқ қизилмия (*Glycyrrhizaglabra.L*) ўсимлиги ҳисобланади. Ўнинг илдиз хомашёсида тўрли хил доривор маҳсуотлар ишлаб чиқарилади ҳамда пичани чорва моллари учун юқумли ем хашак сифатида фойдаланилади. Кейинги йилларда минтақада салбий экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ўсимликнинг илдиз хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг ошиши ва илдиз йиғиш ҳажмининг жадал ўсиши сабаби унинг табиий захиралари кескин камайиб кетмоқда. Шу сабабдан силлиқ қизилмия ўсимлигини етиштиришни ривожлантиришда унинг экма плантацияларини барпо қилиш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2970 сонли «Ўзбекистон Республикасида силлиқ қизилмия ўсимлигини етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни кўчатириш тўғрисида»ги (2017 йил 16 май), Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамасининг №63 сон, «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 27 январь) ва Вазирлар Маҳкамасининг №38 «Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва саноат усулида қайта ишлашни схемали ташкил этишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги (2019 йил 15 апрел) қарорлари қабул қилинди шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020йил 10 апрелдаги ПК-4670 сонли «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу соҳани янада ривожлантиришдаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Қарорда Республикада қизилмия ўсимлигини экиб кўпайтириш ҳудудлар шароитида Қорақалпоғистон Республикаси Сирдарё ва Хоразм вилоятлари белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ВА
ЭКСТРАКТИНИ ДУНЁ БОЗОРЛАРИДА ХАРИД ҚИЛАДИГАН ДАВЛАТЛАР



1-расм.Мамлакатимизда етиштирилган қизилмия ўсимлигининг маҳсулотлари дунёнинг кўплаган давлатларига экспорт қилинмоқда

Қизилмия ўсимлиги маҳсулотини экспорт қилишда Хитой ва Жанубий Корея мамлакатлари билан кенг ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Бу давлатлар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб туманларида илдизни қайта ишлайдиган қўшма қархоналар қўрилиб ишга тўқилиб берилди. Республика саноатининг тараққий этишида маҳсул эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналар фаолияти алоҳида ўрин тутди. Нукус шаҳрида ташкил этилган “Нукус фарм” эркин иқтисодий зонасида ҳозирда замонавий муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаларини барпо этиш мақсадида автомобил йуллари, табиий газ, электр ичимлик суви тармоқлари, алоқа ва телекоммуникация иншоотлари бунёд этиш ишлари амалга оширилган. Умумий қиймати 16,3 млн. доллар бўлган 4 та лойиҳа жойлаштирилмоқда ва уларнинг амалга оширилиши натижасида 465 та янги иш ўрни яратилади ва 57,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 6,1 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Ўзбекистонда фермерлар ёввойи қизилмия ўсимликларини йиғиб, қизилмия илдиларини қизилмияни қайта ишлаш қархоналарига сотадилар. Қизилмия барглари ва жароҳатлари чорва учун озуқа сифатида ишлатилади. Қизилмия ишлаб чиқариш Ўзбекистон учун уч жиҳатдан фойдали эканлиги исботланди: экологик, иқтисодий ва ижтимоий. Орол денгизининг қурғоқчилиги, тўпроқнинг шўрланиши, иқлим ўзгариши, қўм бўронлари ва сўв танқислиги каби экологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, қизилмия етиштиришни экологик хавфнинг салбий таъсирини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга ва ерни тиклашнинг арзон варианты ҳисобланади.

Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Доривор ўсимликлар агроэкологияси ва интродукцияси» кафедрасида 2010 йилдан бошлаб «Амударё куйи минтақасида силлиқ қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L) ўсимлигининг биоэкологияси ва уни кўпайтириш ўслубларини ўрганиш мавзусидаги илимий тадқиқот ишлари оидиб борилмоқда.

Президент қарори ва кўп йиллик тадқиқотлар ишлари натижаларига асосланиб минтақада қизилмия ўсимлигини етиштириш технологиясини такомиллаштиришдаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан. Худудлар қизилмия ўсимлигининг табиий захираларини ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиши керак бўлади. Бунда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар бир туманда ва фермер хўжаликлари ва ўрмон хўжалиқларига тегишли бўлган ер майдонларида қизилмия ўсимлигини табиий захирасини аниқлаш ва асраш бўйча ишлари олиб бориши зарур. Олинган маълумотлар асосида илдиз хом ашёсини йиғиб олиш учун квоталар беришни ташкил этиш керак.

Иккинчидан. Минтақада қизилмия ўсимлигини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлаш ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда туманларда «доривор ўсимликлар плантациясини» ташкил этишни шу йилнинг ўзида амалга ошириш лозим.

Ўчинчидан. Худудларда қизилмия ўсимлигини экма плантацияларини барпо қилишда ўсимликлар экиб кўпайтириш ва илдиз хом ашёсини йиғиб олинган майдонларда яргидан ўсимликларнинг униб чиқишни тامينлаш технологиясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсимликнинг экма плантацияларини яратишда ўсимликнинг уруғидан ва илдиэпоя қаламчасидан экиш услубларидан фойдаланиш мумкин. Бу борода Президент қарориди жойларда доривор ўсимликлар уруғчилигин ташкил этиш вазифаси белгиланган. Шунинг учун ташкил этилган кластер тартибиди уруғчилик ва илдиэпоя қаламчасини тайёрлайдиган хўжалиқлар ташкил этиш лозим. Ўсимликнинг плантацияларини барпо этишда илдиэ хом ашёсини йиғиб олинган майдонлар тўпроғига ишлов бериш (рекультивация) ўслубини қуллаш орқали қизилмия захираларини қайта тикланиши мумкин. Бу борода «Қарақалпақбойя» ОАЖ қархонасининг иш тажрийбасидан фойдаланиш мумкин. Бу қархонага ажратилган ер майдонларида ўзоқ йиллардан берли бу ўслуб кенг қўлланилиб келинмоқда (ҳар 4-5 йилдан бир жойда ўсимликлар янгидан ўстирилиб унинг маҳсулоти йиғиб олиниб келинмоқда).

Тўртинчидан. Плантациялар барпо этиш худудларда ўсимликнинг ер ўстки бўлимини (пичанин) ўриб йиғиб олиб ва уларни чорвачилиқда ем-хашак сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш керак бўлади. Изланишлар натижасида худудларда

янгидан қизилмия ўсимлигининг экма плантацияларини ўсимликнинг ер ўсти бўлимини ҳар йили ўриб йиғиб олишишларини ташкил этиш зарур. Бунда биринчидан ўсимликнинг ер ўстки бўлимини ҳар йили ўриб олинишида ўсимликнинг илдиз тизимини ривожланиши тезлашади ва илдиз ҳосили юқорилайди. Иккинчидан ҳудудда чорвамоллари учун озуқа базаси яратилади. Унинг пичнининг ишлатилиши сифати бедага тенг келади. Плантацияларда биринчи ва иккинчи йилларида ўсимликнинг пичанини ўриб йиғиб олиш бир марта олиб борилади. Кейинги йилларида ўриб йиғиш ишлари ўсимликнинг вегетацияси даврида икки март олиб борилади.

Бешинчидан. Қизилмия асалчи ўсимликлар гуруҳига мансуб бўлиб унинг экма плантацияларини барпо этилган хўжаликларда кўшимча асаларичилик тармоғида ташкил этиш мумкин. Ўсимликнинг гуллаш давомлилиги бир ярим икки ойга чўзилади шу сабабдан асалчиликни ривожлантиришга қулайли шароитлар яратилади.

Олтинчидан. Қизилмия мелиорант ўсимлик гуруҳига мансуб бўлиб ўсимликни қишлоқ хўжалиги экинларини алмошлаб экишда яхши самарадорлиги тўғрисида маълумотлар кўплаб топилади. Шу сабабдан тўпроғи шўрланган ҳудудларда тўпроқ мелиоратив ҳолатни яхшилашда ғоза, дон ва савзавот экинларни алмошлаб экишда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ўсимлигини етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш тўғрисида» ги (ПФ-2970 сонли 2017 йил 16 май) қарори.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштиришни ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (63 сон 2018 йил 27 январь) қарори.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги (138 сон 2019 йил 15 феврал) қарори.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёввойи ҳолда усувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (ПҚ-4670 сон 2020 йил 10 апрел) қарори.
- 5.Кузиев А.Ш. Силлиқ қизилмия етиштириш бўйича қўлланма. Ташкент 2016, 23 б.
- 6.Ибрагимов М.Ю. Гаипов М.Х, Закимов А.М. Қарақалпақстан Республикаси аймақларида боян өсимлигин егип көбейтиў хэм жетистириў агротехнологиясы. Нөкис «Қарақалпақстан». 2019, 31 б.

Annotation

This article reveals the need to grow licorice in the conditions of the Republic of Karakalpakstan. The current state and legal framework of the industry is also analyzed. At the same time, the forecast parameters for the production of licorice root in the Republic of Karakalpakstan are given. It is based on the need to export industrially processed licorice products with added value, taking into account the potential of the region. The issues of improving the technology of cultivation of licorice were also considered. The study provides recommendations for further enhancing the region's potential in the production and processing of licorice.

ПРЕДПОСЕВНАЯ ЭЛЕКТРОМАГНИТНАЯ ОБРАБОТКА СЕМЯН ХЛОПЧАТНИКА УВЕЛИЧИВАЕТ СОЛЕУСТОЙЧИВОСТЬ РАСТЕНИЙ

Ибрагимова З., Давронов К., Рахимбаева А., Бекмухамедов А.

Национальный университет Узбекистана им. М.Улугбека,

Введение. Для повышения устойчивости растений к различным неблагоприятным факторам среды (засоленность, недостаток влаги, повышенные температуры, низкие температуры, насекомые вредители и т.д.) применяют предпосевное закаливание семян. Оказалось, что закаливание по отношению к одному вредному фактору способствует повышению устойчивости растений к другим вредным факторам. Это связано с тем, что закаливание основано на кратковременном стрессировании растений, причем сила

вредного фактора – стрессора должна быть достаточной, чтобы стимулировать развитие адапционных реакций в растениях, но не слишком большой, чтобы не истощить полностью ресурсы надежности у растения. Различные стрессоры приводят к развитию цепочки одинаковых неспецифических реакций в клетках растений. Эти реакции, следующие [1]:

1. Повышение проницаемости мембран, деполяризация мембранного потенциала плазмалеммы.
2. Вход Ca^{2+} в цитоплазму (из клеточных стенок и внутриклеточных компартментов: вакуоли, ЭС, митохондрий).
3. Сдвиг рН цитоплазмы в кислую сторону.
4. Активация сборки актиновых микрофиламентов и сетей цитоскелета, в результате чего возрастает вязкость и светорассеивание цитоплазмы.
5. Усиление поглощения O_2 , ускоренная трата АТР, развитие свободно-радикальных реакций.
6. Возрастание гидролитических процессов.
7. Активация и синтез стрессовых белков, углеводов, аминокислот аланина и пролина, которые участвуют в защитных реакциях, стабилизируя цитоплазму.
8. Усиление активности H^+ -помпы в плазмалемме, препятствующей неблагоприятным сдвигам ионного гомеостаза.

Семена можно стрессировать (закаливать) кратковременным воздействием как известных вредных факторов (повышенное содержание солей, недостаток влаги, высокие или низкие температуры [1], так и, возможно, некоторыми физическими воздействиями, так как предпосевная обработка семян ультразвуком, электромагнитными полями различных частот (от низких до сверхвысокочастотных), инфракрасным и ультрафиолетовым светом, и даже слабым рентгеновским излучением усиливает их полевую всхожесть и в конечном итоге - урожайность растений [2]. Возможно, что, мощным естественным стрессором являются магнитные бури, так как они увеличивают всхожесть семян [3], а в годы повышенной солнечной активности урожайность всех сельскохозяйственных культур повышена [4].

Так как обработка растительных тканей слабыми низкочастотными (НЧ) импульсными электромагнитными полями (ЭМП) увеличивает концентрацию в клетках кальция [5] и аланина [6], возможно, что и стимулирующее действие этих полей на растения обусловлено неспецифическим их стрессированием, т.е. закалкой.

Цель работы. Существующий способ заделки семян против повышенного содержания соли путем замачивания семян в 3% растворе NaCl, отмывки и затем их подсушивания достаточно трудоемкий способ. На основании идеи о взаимозаменяемости различных способов заделки растений целью настоящей работы явилось исследование возможности использования простой и дешевой электромагнитной заделки для повышения солеустойчивости хлопчатника.

Материалы и методы. Эксперименты по изучению эффекта предпосевной электромагнитной заделки семян хлопчатника на солеустойчивость растений проводили в вегетационных сосудах (по 12 сосудов на каждый вариант). Использовали старые семена хлопчатника сорта 108 Ф с пониженной всхожестью. В первом варианте семена замачивали в течение 3 часов в воде и высаживали в вегетационный сосуд. Во втором варианте семена замачивали в течение 1 часа в 3% растворе NaCl (закалка семян), затем промывали водой в течение 2 часов и высаживали в вегетационный сосуд. В третьем варианте семена замачивали в течение 3 часов в воде и обрабатывали в течение 30 мин генератором электромагнитных импульсов (16 Гц, 500 нТл). Первый полив осуществляли водой, содержащей 1% NaCl. Далее все поливы осуществляли чистой водой без соли.

Результаты и их обсуждение. Результаты эксперимента представлены в таблице. Анализ данных фенологических наблюдений и конечной урожайности показывает, что электромагнитная закалка увеличивает солеустойчивость хлопчатника также, как и замачивание семян в 3% растворе соли.

Как показали лабораторные тесты, для электромагнитной закалки семян достаточно 20 – 30 мин обработать семена в электромагнитном поле с частотой 16 Гц и затем в течение 2 – 3 часов высадить семена во влажную почву. Технически это легко осуществить, если установить генератор на тракторе, а антенной будет служить посевной агрегат. При этом посевные работы можно будет проводить как обычно, а времени от погрузки семян в посевной агрегат до их высаживания в почву будет вполне достаточно для электромагнитной закалки семян.

Таблица

Результаты фенологических наблюдений за растениями хлопчатника, высаженными из предварительно обработанных семян в вегетационных сосудах (по 4 семени на сосуд). После подсчета полевой всхожести проростки прореживали до 1 проростка на сосуд. Посев был осуществлен 25 апреля 2006 г. Каждый вариант опыта проводили в 12 сосудах. Представлены средние значения \pm среднее отклонение.

Показатель	Интактные семена Полив водой	Интактные семена полив 1% NaCl	Закалка в 3% NaCl полив 1% NaCl	Электромагни тная закалка. Полив 1% NaCl
Полевая всхожесть, % проросших семян на 7 сутки	70,4	37,2	64,1	61,7%
Высота растений, см на 20 день после посева	12,3 \pm 2,5	7,4 \pm 1,2	9,8 \pm 2,8	10,1 \pm 2,5
Высота растений, см на 40 день после посева	38,6 \pm 4,4	22,5 \pm 3,2	32,3 \pm 3,5	33,4 \pm 3,9
Высота растений, см на 60 день после посева	52,4 \pm 2,2	41,3 \pm 3,8	47,4 \pm 3,1	47,7 \pm 3,1
Площадь листовых пластинок на 60 день после посева, см ²	35,6 \pm 6,4	11,3 \pm 1,2	28,3 \pm	25,4 \pm 5,4
Концентрация пролина в листьях ммоль/г сухой массы	1,58 \pm 0,23	44,67 \pm 3,56	91,6 \pm 7,21	87,26 \pm 6,22
Количество плодоэлементов на одном растении во время активного цветения на 70 день после посева	8,7 \pm 3,2	4,1 \pm 1,4	8,0 \pm 2,9	7,8 \pm 2,9
Количество коробочек на 1 растении в конце вегетации на 150 день после посева	12,7 \pm 3,0	5,7 \pm 1,1	9,6 \pm 2,8	9,4 \pm 2,5
Количество раскрытых коробочек	8,5 \pm 1,9	3,4 \pm 0,3	6,0 \pm 1,4	5,9 \pm 1,5
Количество хлопка сырца на растение, г	44,5 \pm 2,7	13,9 \pm 1,2	30,5 \pm 2,6	30,2 \pm 2,3
Количество хлопка сырца на 1 коробочку, г	5,24 \pm 0,86	4,10 \pm 0,74	5,08 \pm 0,81	5,13 \pm 0,82
Вес волокна на 1 коробочку	1,78 \pm 0,23	1,21 \pm 0,22	1,72 \pm 0,25	1,72 \pm 0,22
Вес семян на 1 коробочку	3,46 \pm 0,49	2,28 \pm 0,53	3,36 \pm 0,54	3,41 \pm 0,47
Выход волокна, %	34,14	29,51	33,8	33,52
Длина хлопкового волокна, мм	31,5 \pm 0,5	24,7 \pm 0,5	29,3 \pm 0,5	29,2 \pm 0,5
Количество семян в коробочке, шт	28,4 \pm 1,3	19,3 \pm 1,4	26,5 \pm 1,5	26,7 \pm 1,3

Выбор частоты 16 Гц обусловлен тем, что в наших предварительных экспериментах эта частота максимально увеличивала вход кальция в цитоплазму протопластов из проростков пшеницы. Согласно циклотронным гипотезам действия ЭМП [7], эта частота, возможно, является циклотронной для ионов кальция, которые движутся в постоянном магнитном поле Земли (≈ 50 мкТл).

Идея использования источников ЭМП для предпосевной обработки семян не нова. Этот метод часто называют электромагнитной стимуляцией семян. Основным недостатком электромагнитной стимуляции, препятствующим её широкому внедрению в растениеводство является её плохая воспроизводимость (на уровне 70%) [8].

В работе Тонких А.К. с соавт. [3] показано, что возмущения магнитосферы во время магнитных бурь выполняют роль мощного стимулирующего фактора, на фоне которых стимуляция семян искусственным ЭМП не проявляется относительно контроля, так как и контрольные семена оказываются простимулированными магнитной бурей.

Магнитограммы на день проведенной электромагнитной закалки семян можно скачать с сайта www.izmiran.rssi.ru Института земного магнетизма ионосферы и распространения радиоволн РАН и предсказать результаты проведенной электромагнитной закалки.

В работе Ахмеджанова И.Г. с соавт. [9], показано, что предпосевная обработка семян хлопчатника НЧ ЭМП увеличивает устойчивость растений к сосущим насекомым вредителям за счет увеличения толщины и изменения структуры листьев.

Выводы. Таким образом, предпосевное электромагнитное стрессирование (закалка) семян хлопчатника может использоваться на практике для увеличения устойчивости растений к засолению, насекомым вредителям и, возможно, к другим вредным факторам среды.

Литература:

1. Полевой В.В. Физиология растений. М. Высшая школа. 1989. 464 с.
2. Карасенко В.А., Заяц Е.М., Баран А.Н., Корко В.С. Электротехнология. Москва. Колос. 1992. 304 с.
3. Тонких А.К., Эгамбердиева Л.Ш., Раджабов З., Мавлонова С.А. // Вестник НУУз. 2011. №2. С.35-38
4. Каменир Э.А., Кириллов А.К. //Биофизика. 1992. Т.37. №3. С.613-623.
5. Эгамбердиева Л.Ш. //Тез. Респ. конф. «Биология, экология ва тупроқшунослиқнинг долзарб муаммолари» УзМУ. Тошкент. 2008. С.164-165.
6. Ben-Izhak Monselise E., Parola A.H., Kost D// Biochem. Biophys. Res. Commun. 2003. V.302. No.2. P.427-434
7. Узденский А.Б. //Биофизика. 2000. Т.45. №5. С.861-867.
8. Музалевская Н.И. В кн.: «Влияние солнечной активности на атмосферу и биосферу Земли». Москва. Наука. 1971. С.119.
9. Ахмеджанов И.Г., Клят В.П., Мавлонова С.А., Иргашева С.У., Тонких А.К. //Вестник НУУз. 2011. №2. С.25-27.

Annotation

Action of presowing processing of the cotton seeds by a pulse electromagnetic field on salt resistance of plants in experiments in vegetative vessels is studied. It is shown, that presowing processing of seeds by a pulse electromagnetic field increases salt resistance plants as well as preseeding soaking of seeds in solutions 3 % NaCl. On the basis of our experiments and literature data, presowing processing of seeds by an electromagnetic field can be considered as hardening of seeds against various harmful factors of environment.

Key words: *presowing processing of seeds, cotton, impulse electromagnetic fields*

ТУРЛИ ЧИГИТ ЭКИШ ВА ЧИЛПИШ МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Ибрагимов Б., Тешаев Ф.Ж., Алланазаров С.Р.

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий- тадқиқот
институту (ПСУЕАИТИ).*

Кириш. Дунёда иқлимниг ўзгариши туфайли қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишнинг имконияти пасайиб бормоқда. Бунга қишда етарлича совуқ бўлмаганлиги сабабли тупроқда зараркунандаларнинг қишдан сақланиб чиқишига қўлай шароит юзага келиб, экинларга зарар келтираётганлиги, баҳор ойларида сурункали ёмғир, шамол эрозияларининг кучайиши туфайли олинган кўчатларнинг йўқотилиши, ёз фаслида иссиқ гармсел шамоли оқибатада ҳосил элементларининг тўкилиб кетиши ва бошқа шу кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Мамлакатимизда илгари экилган ва экилиб келинаётган ғўза навларининг мақбул экиш муддатлари турли тупроқ иқлим шароитига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда шу тавсиялар асосида экиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Лекин, таъкидлаб ўтилганидек иқлимнинг ўзгариб туриши ва ташқи табиий омиллар туфайли экилган ғўза навларидан белгиланган кўчат қалинлигига эришиб бўлмаёпти. Шу туфайли экстримал шароитларга бардошли, серҳосил, тола сифати юқори ва пишиб етилиши турлича бўлган ғўза навларини танлаб олиб, уларнинг мақбул экиш муддатларини республикамызнинг турли тупроқ иқлим шароитларида илмий ишлар олиб бориш зарур ҳисобланади.

Амалга ошириладиган агротехник тадбирлар, айниқса чигит экиш, чилпиш ва дефолиация ўтказишни амалга оширишда ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш талаб этилади. Чунки, ғўзанинг нав хусусиятига кўра чигитнинг униб чиқиш қобиляти, шохланиш типи турлича бўлганлиги учун ҳам уларнинг нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда экиш ҳамда чилпиш муддатларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ғўза эрта ёки кеч муддатларда экиб парваришланганда, унинг биомассаси турлича бўлиши маълум ва бу натижада чилпиш агротадбирини мақбуллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ғўзада чилпиш агротадбирини эрта муддатларда ёки кечиктириб ўтказиш, вегетатив органларининг турлича бўлишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бу тадбирларни комплекс ҳолда амалга ошириш лозим.

Ишнинг мақсади. Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни қисман ҳал қилиш мақсадида, Фарғона вилояти шароитида ўрта толали ғўза навларининг турлича пишиш хусусиятларига кўра экиш муддатларини мувофиқлаштириб, чигитни бир текис қийғос ундириб олиш ва бақувват, соғлом кўчатлар ҳосил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ғўзани ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаши учун қулайлик яратиш мақсадида, ғўза тупида ҳосил элементларини тўкилишини камайитириш ва ғўза навларининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда мақбул чилпиш муддатларини аниқлаш ҳамда уларда дефолиация ўтказишни самарадорлигини ошириб, фермер хўжалиқларига илмий асосланган тавсиялар бериш ҳисобланади.

Материал ва методлар. Илмий ишни бажариш учун Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари танлаб олиниб, ўрта толали “Бухоро-8”, “Султон”, “С-8290” ғўза навларининг мақбул экиш ва чилпиш муддатлари ишлаб чиқилган. Олинган ҳосилни қисқа муддатларда сифатли йиғиштириб олиш учун ЎзДЕФ дефолиантининг мақбул меъёрларини қўллаш режалаштирилган. Тадқиқотларни олиб боришда ЎзПИТИда қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаларидан фойдаланилди [1]. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар эса Б.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1979) қўлланмаси асосида таҳлил қилинди [2].

Натижалар ва муҳокамалар. Маълумки, ҳар қандай етиштирилаётган экинларнинг асоси ҳосил олиш ҳисобланса, унда бажариладиган ҳар бир агротехник тадбирларнинг асосий вазифаси ҳосилдорликни оширишга қаратилган бўлади. Шу

ўринда айтиб ўтиш керакки, ғўзани парваришlashда унинг экиш муддатларига, кўчат қалинлигига ва чилпиш агротадбирлари инсон томонидан бажарилиб, улар ўз муддатида олиб борилганда кутиладиган ҳосилдан ортиқроқ ҳосил олишга эришиш мумкин. Қолаверса, ғўза дефолиациясидан самарали фойдаланиш ҳам ғўза ҳосилдорлигига бевосита таъсир этиб, унинг 1-терим салмоғини ошириш эвазига олинган пахта хомашёсини юқори навларга топширишга эришиш мумкин. Шунингдек, чилпиш агротадбири амалга оширилганда ғўзанинг бўйига ўсиши тўхтаб, тупроқдан олинадиган озуқалар ҳосил элементлар тақсимланади ва кўсаклар салмоғининг ошиши ва кўпроқ ғўза тупларида сақланиб қолиниши эвазига ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади.

Ўза ҳосилдорлигига кўплаб агротехник тадбирлар каби, чилпишнинг ҳам ўзига хос таъсири бор. Ўза ўсимлигининг ётиб қолишига чилпишнинг таъсири ўрганиб чиқилганда, ўсимликнинг энгашиб қолишига ўсимлик бўйи, кўсаклар миқдори ва уларнинг ўсимликда жойлашуви таъсир қилиши аниқланган. Чилпиш ўтказилган ўсимликларнинг чилпиш ўтказилмаган ўсимликларга нисбатан 2-3 баробар кам энгашганлиги ва асосий пояси бақувват бўлган, кўсаклари пастда жойлашиш имконини берувчи агротехникани кўллаб чилпиш ўтказиш, пояларнинг ётиб қолишини сезиларли камайтириш ёки батамом бартараф этиш мумкинлигини исботлаган [3].

Шу нуқтаи назардан изланишларда кеч пишар, урта пишар ва эрта пишар ғўза навларида турли экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш ва дефолиация агротадбирларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Фарғона вилояти шароитида 2019 йилги олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Бухоро-8 ғўза навини парваришлаб, чигит 10-15 апрель кунлари экилганда 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосилдорлик мос равишда 35,4-36,0 ц/га ни ташкил этиб, чигит 20 апрелда экилган вариантга нисбатан 3,2-2,6 ц/га ҳосилнинг паст бўлганлиги аниқланган бўлса, 25 апрелда чигит экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда ҳосилдорлик 39,8 ц/га тенг бўлганлиги ва ушбу вариантда бошқа экиш муддатларига нисбатан энг юқори ҳосил олинганлиги кузатилди. Чигит бироз кечкироқ муддатда яъни 30 апрелда экилган вариантда ҳосилнинг бироз камайганлиги аниқланди. Шунингдек, ғўза нави 5 майда экилиб унга вегетация даврида Сожеан препарати билан ишлов берилганда ҳосилдорлик 35,7 ц/га ни ташкил этганлиги ва 25 апрелда экилган вариантга нисбатан ҳосилдорлик 4,1 ц/га паст бўлганлиги билан ифодаланди.

Султон ғўза навини 10-15 апрелда экиб, 13-14 ва 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосилдорлик ўртача 32,7-33,8 ц/га ни ташкил этиб, 25-апрелда экилган вариантга нисбатан 2,2-1,1 ц/га ҳосил кам бўлганлиги кузатилган бўлса, чигит 20 апрель куни экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда ўртача ҳосилдорлик 34,5 ц/га ни ташкил этди. Ушбу ғўза навида энг юқори ҳосилдорлик 25-апрелда экилган вариантдан олинди, мос равишда 34,9 ц/га ни ташкил этганлиги ва 30-апрелда чигит экилган вариантга нисбатан 0,4 ц/га ҳосилдорликнинг ошганлиги аниқланди. Таъкидлаб ўтиш жойизки Султон ғўза навида 20 ва 30 апрель оралиғида экилган экилган ғўзаларда олинган ҳосилдорлик бир-биридан катта фарқланмади. Чигит 5-май куни экилиб Сожеан препарати билан кимёвий чилпиш ўтказилган вариантда ҳосилдорлик 34,1 ц/га ни ташкил этди ва ушбу вариантда ҳам 25-апрелда чигит экилган вариантда нисбатан 0,8 ц/га кам бўлганлиги кузатилди.

Шунингдек, эрта пишар С-8290 ғўза навини 10-15 апрелда экиб, чилпиш 13-14 ва 12-13 ҳосил шохида ўтказилган вариантларда ҳосилдорлик ўртача мутаносиб равишда 30,8-32,4 ц/га ни ташкил этди ва 25 апрелда экилган вариантга нисбатан 3,0-1,4 ц/га ҳосил камайганлиги кузатилди. С-8290 ғўза навида энг юқори ҳосилдорлик чигитини 25-30 апрель кунлари экилиб, 11-12 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантлардан олинди ва мос равишда 33,8-33,7 ц/га ни ташкил этди. Чигит 5 май куни экилиб Сожеан препарати билан кимёвий чилпиш ўтказилган вариантда ҳосилдорлик 32,3 ц/га ни ташкил этди ва ушбу вариантда ҳам 25-30-апрелда чигит экилган вариантларга нисбатан 1,5-1,4 ц/га ҳосилнинг кам бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Ўза навларида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, (2019 й)

№	Варинтлар номи			қайтариқлар			Ўртача ҳосил
	Экиш муддатлари	Чилпиш муддатлари	Дефолиация ўтказиш тартиби	I	II	III	
Бухоро-8 ўза нави							
1	10.04	13-14 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 8,0 л/га	35,5	35,9	34,8	35,4
2	15.04	13-14 ҳосил шохи		36,0	36,4	35,7	36,0
3	20.04	12-13 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 7,5 л/га	38,5	39,1	38,1	38,6
4	25.04	12-13 ҳосил шохи		39,3	40,2	39,8	39,8
5	30.04	11-12 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 7,0 л/га	38,1	38,8	37,9	38,3
6	05.05	Сожеан (Ўсув даври давомида)		35,9	36,3	34,9	35,7
Султон ўза нави							
1	10.04	13-14 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 7,0 л/га	32,4	33,1	32,5	32,7
2	15.04	12-13 ҳосил шохи		33,6	34,1	33,8	33,8
3	20.04	12-13 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 6,5 л/га	34,1	34,9	34,6	34,5
4	25.04	11-12 ҳосил шохи		35,1	35	34,7	34,9
5	30.04	11-12 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 6,0 л/га	34,6	34,9	34,1	34,5
6	05.05	Сожеан (Ўсув даври давомида)		33,7	34,5	34,1	34,1
С-8290 ўза нави							
1	10.04	13-14 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 6,5 л/га	30,5	31,2	30,8	30,8
2	15.04	12-13 ҳосил шохи		32,2	32,5	32,4	32,4
3	20.04	12-13 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 6,0 л/га	32,0	32,2	31,9	32,0
4	25.04	11-12 ҳосил шохи		33,5	34,1	33,8	33,8
5	30.04	11-12 ҳосил шохи	ЎзДЕФ 5,5 л/га	33,6	33,9	33,7	33,7
6	05.05	Сожеан (Ўсув даври давомида)		32,1	32,8	32,0	32,3

НСР=0,42 ц/га Sx=1,1%

Хулосалар. Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, Бухоро-8 ўза нави 20-25 апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда энг юқори ҳосилдорликка эришилиб, 38,6-39,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, Султон ва С-8290 ўза навларида энг юқори ҳосилдорлик чигит 25 апрелда экилиб, 11-12 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантлардан олинди ва мос равишда 34,9-33,8 ц/га тенг бўлганлиги қайд этилди. Алоҳида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, умумий навлар орасида энг юқори ҳосил Бухоро-8 ўза навини эртаки экилган муддатларида олинган бўлса, Султон ва С-8290 ўза навларини бироз кечки муддатларда экилганда олинганлиги маълум бўлди. Шунингдек, экиш муддатларига бевосита чилпишнинг коррелиацион боғлиқлиги борлиги ва бу борада тадқиқотларни давом эттириб, барча агротехник тадбирларни табақалаштириб қўллаш эвазига кутилаётган ҳосилнинг ошишини таъминлаш мумкинлиги ўз исботини топди.

Адабиётлар:

Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПТИ-Тошкент, 2007.–145 б.

Доспехов Б. Методика полевого опыта. М. 1979. –С. 294-297.

Яшева Е., Габдурашидов И. Ўзани ётиб қолишга чеканканинг таъсири// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 1987; №7– Б. 13.

Annotation

This article presents data on the effect of sowing dates on seed-lint yield of cotton depending on the agronomic measures of plant topping and defoliation. The research was carried out in the conditions of meadow-loamy soils of Fergana province, with upland late ripening cotton variety "Bukhara-8", medium ripening "Sultan", early maturing cotton varieties "S-8290". The selected varieties were planted and grown in six sowing dates where the full germination, growth and development as well as maturation were observed. Taking into account the biological characteristics of cotton varieties, the growth and maturation depending on the sowing period, the optimal germination times and defoliation norms were determined. It was found that the yield between the treatments differed due to the yield accumulation, the weight of one cotton boll, ripening and the implementation of the measures of plant topping and defoliation.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР

Ибрагимов Б.Т, Юлдашев И.Ж, Вахабов Б.В, Дўсматов Х.Д, Муслимов Б.А.
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академиси

Бугунги кунда экология барқарорликни таъминлаш, атроф муҳит тозалигини асраш бутун инсоният ооидида турган энг долзарб масалалардан биридир. Олиб борилган экалогик кузатув ва тадқиқот натижаларига кўра, кимё саноатининг чиқиндилари аммиакнинг атмосфера ҳавосидаги асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан, ҳозирги кунда атмосфера ва атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқишини камайтириш, табиий сув манбаларидан тартибли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, шу ва бошқа йўллар билан экологик тизим издан чиқиши ҳамда инсон соғлигига етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш долзарб муммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши атроф муҳитга, жумладан иқлимга, сувга, тупроққа, ўсимликлар дунёсига, ҳайвонлар ва одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Атмосферанинг ифлосланиши натижасида йирик шаҳарлар ва саноат марказлари микроиқлимида яққол ўзгариш сезилади. Бу ҳудудларда ҳаводаги аэрозоллар куёш нурунинг кўп қисмини ютиб олиб, уни ерга кам ўтказиши. Ифлословчи моддалар концентрациясининг ошиши натижасида бундай жойларда булутли ва туманли кунлар кўпайиб, куёшли очик кунлар сони камайиб бормоқда.

Соҳа бўйича умумий чиқиндилар миқдоридида аммиак улуши 14,4% ни ташкил этади. Андижон, Қўқон, Навоий, Фарғона, Чирчиқ, Самарқанд шаҳарларида жойлашган кимё саноатининг асосий корхоналаридаги ишлаб чиқариш технологиялари эскирганлиги бунга сабабдир. Республикадаги кўчмас манбалар умумий чиқиндилари миқдорининг 10% ва транспорт чиқиндиларининг 8,2% азот оксидлари улушига тўғри келади. Саноатда ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноат турлари азот оксидлари чиқиндилари чиқарадиган асосий объектлар ҳисобланади (жадвал). Мазкур мажмуа улушига республика бўйича ушбу чиқиндиларнинг 86,8% тўғри келади. Бироқ, ушбу чиқиндиларнинг республика бўйича 54,9% ва тармоқ бўйича 26,7% энергетика улушига тўғри келади. Ҳозирги кунда иссиқлик электр энергетикаси тизими ва иссиқлик энергетикаси марказларидаги асосий қувватлардан 30 йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланиб келинмоқда. Бунда ёқилғини ишлатиш самарадорлиги 33-35% ни ташкил этади. Ёқилғидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқишини оширади ва мазкур объектлар жойлашган шаҳарларда ва турар жойларда ҳавонинг ифлосланиш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Фарғона, Навоий, Қўқон шаҳарларида атмосфера ҳавоси азот оксидлари билан нисбатан кўпроқ ифлослангандир.

Таъкидлаш керакки, атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар жами чиқиндиларининг ярмидан кўпини углерод оксиди ташкил этади. Автомобил шаҳарлар атмосферасига 70% гача углерод оксиди чиқади. Машинасозлик заводлари яқинида ва транспорт ҳаракати оқими кучли чорраҳаларда атмосферанинг ушбу таркибий қисм билан ифлосланиш даражаси юқори. Республика бўйича углерод оксиди чиқиндиларининг 53,8% ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноатини ўз ичига олган мажмуа улушига тўғри келади.

Атмосферанинг умумий чанг босиши кўрсаткичи Ўзбекистоннинг 28 та саноат шаҳарларида кузатилади. Шаҳарлар ҳавосини ифлослайдиган чанг таркибида ёниш жараёни натижасида ҳосил бўладиган қурум мавжуд. Саноат марказлари атрофида ўрнашиб қоладиган чанг таркибида турли минерал моддалар, металллар оксидлари, силикатлар, қурум, фторидлар, маргимуш оксиди, сурма, селен бор. Йирик саноат шаҳарларидаги чанг таркибида ўзига хос аралашмалар орасида кадмий, мис, кўрғошин, никель, рух, марганец каби металллар аниқланган[1].

Минтақамизда, шу жумладан республикада атмосфера - атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва экологияни соғломлаштириш мақсадида, табиатга

антропоген таъсиротларни камайтириш зарур. Бунинг учун турли хил чиқиндилар учун махсус жойлар ташкил этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини янада такомиллаштириш, атмосферага захарли газлар чиқишининг олдини олиш учун корхоналар мўриларини замонавий филтрлар билан жиҳозлаш талаб этилади. Шунингдек саноат ишлаб чиқаришида имкон қадар захарли моддалардан фойдаланишдан воз кечиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, минтақада жойлашган қўшни давлатлар билан келишган ҳолда дарёлар сувларидан режали фойдаланиш, сув манбаларига ифлос чиқинди сувларнинг тушишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалигида захарли кимёвий моддалардан фойдаланмаслик, ўсимликларни биологик йўл билан химоя қилиш усулларини янада ривожлантириш, табиий қўриқхоналар биосферасининг бузилишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади.

Чанг каттиқ заррачалардан иборат бўлиб, уларнинг дисперси ва компоненти ушбу заррачаларнинг (табиий ёки антропоген) пайдо бўлишига боғлиқдир. Унинг таркибига минераллар, эрувчан тузлар, металллар оксидлари ва органик бирикмалар киради. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган яхши химояланмаган кумли ерлар, Қизилқум, Қорақум ва Оролқум (Орол денгизининг қуриган қисми) чўллари шўр ерларининг юзаси атмосферага чанг тушишига сабаб бўладиган йирик табиий манбалар ҳисобланади. Орол денгизининг қуриган қисмидан қум ва тузларнинг шамол таъсири остида юзага келиши йилига ўртача 40-45 млн тоннага етади. Қум ва тузлар қўчишининг асосий жараёни Орол қирғоқ бўйидаги 100 км га тенг ҳудудда содир бўлади. Оролдаги чанг таркибида сульфат тузлари 25-48%, хлорли тузлар 18-30%, карбонат тузлар 10-20%ни ташкил этади [1].

Хусусан “Тожиқ алюминий компанияси” (TALCO) Давлат унитар корхонаси йилига 800 минг тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, йилига атмосферага 400-500 тонна фторли водород ва бошқа захарли газларни чиқармоқда [6]. Бу эса атмосфера ҳавоси ва атроф муҳит экологик тизимининг бузилишига олиб келиб, Сурхондарё вилоятининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлган Сариосиё, Узун, Денов ва Олтинсой туманлари аҳолисининг соғлигига, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Талко» фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосферадаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса ҳатто 3-4 баравар ошиб кетаяпти. Бу ҳам жуда жиддий экологик талофат ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, атмосфера, тупроқ, сувнинг ифлосланиши натижасида боғлар барбод бўлмоқда, экинларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетмоқда. Олинаётган ҳосил, масалан, мева ва сабзавотлар таркибида фторидлар тўпланиши йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан 11-19 баравар, буғдойда 5-6,5 баравар юқори. Чорвачилик ҳам таназзулга юз тутди. Тадқиқотлар натижаси сут таркибидаги фтор нормадан 9-13 баравар, гўшзда 10,9 фоиз юқори эканини кўрсатмоқда [6]. «Талко»нинг чиқиндилари аҳоли, биринчи навбатда, аёллар ва болалар ўртасида турли сурункали касалликларнинг кўпайишига асосий сабаб бўлмоқда. Аҳоли орасида ва ҳайвонот дунёсида буқоқ, флюороз, остеодистрофия, остеопороз, остеомаляция, рахит ва бошқа модда алмашинуви билан боғлиқ эндемик, экзотик касалликларнинг ошганлигига табиий омиллар эмас, балки атмосферанинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши сабаб бўлмоқда.

2018 йилда Қорақалпоғистонга ёпирилган туз бўрони кўпчиликти ташвишга солиб қўйди. Жойларга чиқиб, ушбу туз аралаш чанг тўзоннинг қишлоқ хўжалигига зарари мутахассислар ва олимлар томонидан ўрганилиб чиқилди ва тузли қумлар қишлоқ хўжалиги экинлари баргларига ўрнашиб, устки қисмини қоплаб олган ҳамда баргларини куйдириб, қовжиратиб қўйганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг ҳудудда бронхиал астма ва аллергия ренит касалликлари авж олди. Мана шундай муаммоларнинг олдини олишда саксовулзорлар барпо қилиш зарур.

Олиб борилган экологик тадқиқот ва изланишлар тахлили шуни кўрсатдики, қурғоқчилик офати ҳам Ўзбекистонга хос бўлиб, илгари бунга деярли эътибор

берилмаган. Лекин кейинги йилларда экологиянинг ҳаддан ташқари бузилиши, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқа сабаблар оқибатида бизнинг минтақада ҳам бундай офат айнан ҳозирги пайтда кузатилмоқда[4]. Қурғокчиликда одамларнинг ўлими, дарахтларнинг, экинзорларнинг қуриши, кучли ёнғинларнинг чиқиши ва турли хил касалликларнинг тарқалишига имконият яратилади. Кейинги йилларда ҳосилдор ерлар сув ва шамол эрозияси, ер ости сувларининг кўтарилиши, қурғокчилик, оғир металллар ва бошқа кимёвий захарли моддалар билан ифлосланиши натижасида ўз ҳосилдорлигини йўқотмоқда. Тупроқда захарли моддаларнинг меъёрдан ортиқ йиғилиб қолиши натижасида, унинг физикавий, кимёвий, агрокимёвий ва биологик хусусиятлари ўзгариб кетмоқда.

Атроф-муҳит, ҳаво, сув ҳавзаларининг захарланиш даражаси белгиланган меъёрлардан юқори бўлиб, катта ҳудудлар чиқиндиҳоналарга айланмоқда. Минтақада табиий ландшафтлар ўзгариб, ўсимлик ва ҳайвонот олами ривожланишида муаммолар вужудга келмоқда. Хавфли экологик муҳит аҳолига, айниқса болалар саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Шунингдек атмосфера ҳавосига саноат корхоналари ва турар-жой коммунал хўжалик чиқиндилари жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда захарли моддаларнинг миқдори дунёнинг 200 дан ортиқ шаҳрида меъёрдан анча ошиб кетган. Атмосферада азот ва углерод оксидлари ошиб бормоқда [2].

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Орол табиий ҳудудлари ҳам экологик жиҳатдан қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Орол денгизи бассейнидаги барча сув ресурсларидан тўлиқ ва тартибсиз фойдаланилиш натижасида сув денгизга деярли етиб келмаяпти. Бу эса денгиз сувининг чекинишига, бунинг натижасида атрофдаги ерларнинг шўрланишига, экин майдонлари ҳосилдорлигининг кескин пасайишига олиб келмоқда. Орол кризиси - денгизнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши, инсоният тарихидаги энг йирик, ўз таъсир доирасига денгиз бассейнида яшайдиган 35 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудни олган экологик ва гуманитар ҳалокатдир. 1994 йилга келиб Орол денгизи сув сатҳи кўрсаткичи 32,5 м.гача, ҳажми - 400 куб, км дан пастга, сув юза майдони эса 32,5 минг. кв.км.гача камайди, сувнинг минералланиши икки баробар ошди [6].

Хукуматимиз томонидан орол бўйи ҳудудида атроф муҳитнинг тозалиги , экологик тизимни тиклаш учун яшил ҳудудларни майдонини кенгайтириш услубияти кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, бугун бу ерда олиб борилаётган ишлар кишини лол қолдиради. Оролбўйи ҳудудини экологик инновация ва технологиялар зонаси деб бежизга аташмади. Оролнинг қуриган майдонида саксовул ва бошқа экинларни экиш ишлари катта ҳажмда шиддат билан амалга оширилмоқда. [7].

Бундай яшмл ҳудудларни барпо қилиш услубияти орқали, ҳимоя ўрмонзорларни барпо қилиш 2018 йил 17 декабрдан бошланиб, Қорақалпоғистон Республикасидан 217, республиканинг 11 вилоятидан 290, жами 507 муҳандислик ва қишлоқ қурилиш техникалари Оролнинг қуриган майдонига сафарбар қилинди. Мўйноқдан 45 километр узоқликда, Оролнинг қуриган тубида штаб ташкил қилинди. Шу кунга қадар 77 минг 997 гектар майдонда қум сақловчи ариқлар тортилди. 27 минг 215 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди ва кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, самолётлар ёрдамида 18 парвоз амалга оширилиб, жами 4 минг 400 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди. Ушбу ишга тегишли олимлар ҳам жалб қилиниб, тупроқ таҳлиллари олинмоқда. Оролнинг қуриган тубида ўтказилаётган тадбирларга 1 минг 300 дан ортиқ киши жалб қилинган, улардан 900 таси уруғ теришга ва қолганлари экишда иштирок этмоқда. 2018 йил бу ерда 500 минг гектар майдонга экилган саксовул, 2019 йил эса 460 минг гектар майдонга экилган саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари келажакда ҳудудда чорвачилик ривожланишига, биохилма-хиллик ортишига ишонч уйғотмоқда [7-8].

Атроф муҳитнинг экологик софлиги сақлаш учун кукаламзарлаштириш услубияти ва усулини қўллаган ҳолда, 2020 йилнинг апрель ойига қадар яна 700 минг гектар жойга кўчат ўтказиш ва уруғ сепиш ишлари амалга оширилди. Бунга 2400 тонна чўл саксакул ва қандим, қорабарақ каби чўл ўсимликлари ўруғлари экишга эришилди. Бунинг илмий ва амалий натижасига асосан, Фанда саксакул табиатнинг мўъжизаси

хисобланади. 8 ёшдаги саксауул 10-12 тонна зарали кумни сақлайди. Саксовул ўзидан кислород чиқаради ва ҳавонинг ифлосланишининг олдини олади, бу ҳозирги олиб борилаётган тадбирнинг экологик мазмуни. Саксауул экилган жойда гумус пайдо бўлиши ва бошқа ўсимликларнинг ҳам ўсиб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Олиб борилган тадқиқотлар ва кўзатишлар натижасига асосан ҳозирги кунда орол бўйида ёввойи ҳайвонлар ва қушлар кўпайишни бошлади. Ўрмонзорлар пайдо бўлгандан кейин ҳудудда яйловлар пайдо бўлади, чорвачилик ривожланади. Бу эса иқтисодий масалаларга ечим бўлади ва унинг натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланади.

У ерда доривор ўсимликларни экиш, асаларичилик ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни олиб бориш имкониятлари пайдо бўлади. Оролдаги учган захарли тузлар гармсел шамоллари орқали юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқаб, қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлигини 20-30 фоизгача камайтириб юбормоқда. Экилаётган чўл ўсимликлари ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Оролнинг қуриган тубини ўрмонзорга айлантириш ана шундай экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга ечим бўла олади. Ушбу муаммога тегишли чора кўрилмаганда 20-30 йилдан сўнг аҳвол бундан ҳам ёмон тус олган бўлар эди. Шу билан бирга, ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг йиллар давомида белгиланган меъёрлардан ўнлаб маротаба ортиқ қўлланилиши, ахлатга мосланмаган майдонларга чиқиндилар чиқариш тупроқ, атмосфера ҳавоси, ер ости ва ер усти сувларини ифлослантирмоқда[4]. Бундан ташқари Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида жойлашган чиқиндихоналардаги радиоактив кумларнинг шамол билан тарқалиши атроф минтақаларда экологик ҳалокатни келтириб чиқариши реал хавфга айланган.

Кучли шамол ҳам инсонлар ҳаётига ва халқ хўжалигига жиддий зарар етказадиган офатдир. Бу офат узоқ давом этувчи ва бузиш кучига эга. Бу офатнинг тезлиги 30-90 м/с.га етади. Ўрта Осиё минтақаларида шамолнинг кучи 40-60 м/с.га, Ўзбекистоннинг Ховос, Бекобод туманларида эса 50-60 м/с.ни ташкил этади. Кучли шамолнинг пайдо бўлиши, яъни атмосферада мувозанатнинг бузилиши натижасида ҳаво оқими жуда катта тезликда ҳаракатланиб, баъзи жойларда, у ўрама ҳаракатга айланиб кетади [3].

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бутун жаҳонда дарахт ва яшил манзаралар сонини кескин кўпайтириш орқали атмосфера ва инсониятни экологик толафат сақлаб қолишнинг ягона конструктив ечими эканлиги ҳаммамизга аёндыр. Бу тадбирларнинг давлат сиёсати даражасида ижросини таъминлаш ҳар бир давлатни асосий сиёсий тамойили бўлмоғи лозимдир.

Бу тадбирлар ўз навбатида атмосфера ва атроф-муҳитнинг оғир металллар ва захарли газлар билан ифлосланишининг олдини олади, экологиянинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтиради, сув манбаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, уларнинг ифлосланишининг олди олинади, биологик хилма-хиллик сақлаб қолинади, қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар олинишига эришилади, экологик тоза биосфералар ва табиий кўриқхоналар сақлаб қолинади.

Атмосфера ва атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши, уларни зарарсизлантириш чораларининг кўрилмаслиги, табиий сув манбалари ва бошқа ресурслардан тартибсиз фойдаланиш экологик тизимга ва шу орқали инсоният саломатлиги ҳамда ҳайвонот оламига салбий таъсир кўрсатади. Агарда ҳозирдан жиддий чоралар кўрилмаса, экологик ҳалокатга, энг асосийси инсонларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Адабиётлар:

1. Мухитдинов М.М., Потапов А.И., “Экология”, Ташкент. “Фан”, 2009, 432 б.
2. Айзман Р.И., Кривошеков С., Г., Омельченко А.О. – Основы безопасности жизнедеятельности и первой медицинской помощи. – Новосибирск: Сибир. Университет нашриёти. 2005, – 464 б.

3. Степановских А.С. “Охрана окружающей среды” – Москва “ЮНИТИ-ДАНА” 2001, 560 б.
4. Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш атласи. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. “Kartografiya” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси. Т.: 2008. – 63 б.
5. Репин. Ю.В., -“Безопасность и защита человека в чрезвычайных ситуациях”. – Москва. Дрофа. 2005. 192 б.
6. www. econews.uz-Ўзбекистоннинг экологик маълумотлар портали.
7. www. mchs.gov.uz.
8. www. Ziyo net.uz

Annotation

This research paper discusses environmental issues, the negative impact of harmful substances on the environment, the desertification process, the negative impact of industrial facilities on the environment, the improper use of water resources, the negative impact of these factors on human health, disease prevention measures and expected results. The analysis of practical work is described in detail. Air pollution has been extensively studied for its negative impact on the environment, including climate, water, soil, flora, animal and human health. In addition, ideas and scientifically based conclusions are given about the ecological system, expanding the area of green spaces to restore the ecological system, scientific methodology and design decisions to preserve the ecology and ecological purity.

Key words: *atmosphere, pollutants, ecology, erosion, natural landscapes, fluorine compounds, transport, chemistry.*

СИЛЛИҚ ҚИЗИЛМИЯ ЕТИШТИРИШДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Ибрагимов М.Ю, Даўлетмуратов И, Хожаниязов Н, Алланов М.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Мавзунинг долзарблиги. Сўнги йилларда мамлакатимизда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликларни етиштирадиган плантацияларни ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида ёввойи ҳолда ўсувчи 400 дан ортиқ доривор ўсимликлар тарқалган. Шундан биттаси силлиқ қизилмия (*Glycirrhызaglabra*L) ўсимлигининг илдиз хом ашёси йиғиб олиниб чет давлатларга экспорт қилишмоқда. Ҳозирда минтақада бу ўсимликнинг экма плантациялари барпо этиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил 10 апрел №4670) қарори қабул қилинди.[1]. Ушбу қарорда силлиқ қизилмия ўсимлигини етиштириш ихтисослаштиридиган ҳудудлар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари киритилган. Шу сабабдан эндиликда республика ҳудудларида бу ўсимликнинг экма плантацияларини барпо этишга катта аҳамият бериш лозим. Ўсимликнинг ўсиб ривожланишида ва ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш деҳқончилик да долзарб муаммолардан ҳисобланади[2]. Бу борада Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Доривор ўсимликлар агроэкологияси ва интродукцияси» кафедрасида илк бор Силлиқ қизилмия ўстиришда минерал ўғитлардан фойдаланиш масаласини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Дала тажрибалари 5 вариантда олиб борилди. 1. Ўғит берилмаган (назорат); 2. фон-Р₉₀кг+К₅₀кг; 3. фон+N 100кг; 4. фон+N150 кг; 5. фон+N₁₀₀кг+20т/га гўнг. Изланишлар 25 апрелда уруғдан ва илдиз-поя қаламчасидан экилган майдонларда олиб борилди. Фосфор, Калий ва гўнг экишдан олдин берилди. Ўсимликнинг ўниб чиқиши ўғит берилмаган майдонларда ва рангга нисбатан 2-5 кўн олдин юз берди. Ўсимлик

биринчи-иккинчи йили вегетация охиригача ўсув фазасида бўлади. Ўсимликнинг бўйига ўсиши минерал ўғитлар берилган далаларда ўруғдан экилган майдонларда 59-77 см (назорат), илдизпоя қаламчасидан экилганда ўғит берилганида 67-87 см (назоратда 65 см). ўсимликдаги ёшшоҳлар сони биринчида 4-6 дона (назоратда 3-5), иккинчида 6-9 дона (назоратда 5 дона). Қизилмия ўсимлиги ривожланишининг ўчинчи йилдан бошлаб генератив органлари ривожлана бошлайди (1- жадвал).

1- жадвал

Биринчи йили минерал ўғитлар берилган майдонларда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши (ўсимлик ривожланишининг ўчинчи йили 2017-2019 йил)

Тажриба вариантлари	Ўсимликнинг ривожланиш фазалари					
	Ўниб чиқиш	Шоналаш	Гуллаш	мевалаш	Меванинг пишиши	қуриш
1.Ўригдан экилган майдонлар						
1. Уғит берилмаган	22.04	21.05 (10%)	1.06 (10%)	30.07 (10%)	13.10 (10%)	25.10
2. Фон-Р90 кг+К50 кг	22.04	19.05 (15%)	30.05 (15%)	29.07 (15%)	10.10 (15%)	25.10
3. Фон+N100 кг	20.04	17.05 (20%)	27.05 (20%)	28.07 (20%)	7.10 (20%)	23.10
4. Фон+N150 кг	19.04	15.05 (25%)	25.05 (25%)	27.07 (25%)	27.09 (25%)	23.10
5. Фон+N100 кг+20т/га гунг	17.04	13.05 (50%)	23.05 (50%)	25.07 (50%)	27.09 (50%)	21.10
Илдиз поя қаламчадан экиш						
1. Уғит берилмаган	21.04	19.05 (50%)	25.05 (50%)	29.07 (50%)	30.09 (50%)	21.10
2. Фон-Р90 кг+К50 кг	20.04	17.05 (75%)	23.05 (75%)	27.07 (75%)	29.09 (75%)	21.10
3. Фон+N100 кг	18.04	17.05 (50%)	22.05 (50%)	25.07 (50%)	29.09 (50%)	19.10
4. Фон+N150 кг	17.04	15.05 (75%)	22.05 (75%)	25.07 (75%)	27.09 (75%)	19.10
5. Фон+N100 кг+20т/га гунг	15.04	13.05 (100%)	21.05 (100%)	23.07 (100%)	25.04 (100%)	19.10

Бунда минерал ўғитлардан фойдаланилганда усимликнинг ривожланиш фазалари жадал суратларда ўтиши малъум болди. Минерал ўғитларга қушимча гектарига 20 тоннадан гунг берилганда уруғидан экилган майдонларга ўсимликда 50% гуллар очилиб мевалар ҳосил қилади, илдиз поя қаламчалардан экилган майдонларда эса 100% гуллар очилиб мевалар ҳосил қилиши кузатилди.

Ўсимликнинг бўйига ўсиш ва ёшшоҳларининг ривожланиши минерал ўғитларга қўшимча гектарига 20 т/га гунг берилган майдонларда кучли бўлади. Минерал ўғитлар берилганида ўруғдан экилган майдонларда бош илдизининг узунлиги биринчи йили 59-72 см (назоратда 41 см), иккинчи йили 113-129 см (назоратда 67 см), ўчинчи йили 113-129 см (назоратда 109 см), илдиз поя қаламчасидан экилган майдонларда тегишлича 60-87 см назоратда 52 см), 79-92 см (назоратда 71 см), 125-135 (назоратда 119 см).

Ўсимликнинг униб чиқиши ўсимликнинг вегетациясини ўчинчи йилида апрел ойининг 15-22 санасида бошланади. Лекин гул очган ва мевалар сони вариантлар бўйича фарқ қилади. Минерал ўғитлар берилганда уруғидан экилган майдонларда 15-50 % ўсимликлар гуллаб мевалайди (назоратда 10%, илдизпоя қаламчасидан экилган майдонларда эса 75-100% ўсимликлар гуллаб, мевалайди (назоратда 50%). Ўсимликлар октябрь охирида қуриш бошланади. Ўсимлик ривожланишининг бешинчи йили вариантлар бўйича илдиз хомашёси ҳосилдорлиги ўрганилди (1-жадвал).

Минерал ўғитларнинг силлиқ қизилмия ўсимлигининг илдиз ҳомашёсига таъсири (ўсимлик ривожланишининг бешинчи йили)

Таъриб вариантлари	Ҳосилдорлик, т/га	
Ўғит берилмаган (назорат)	5,5 ± 0,7	2,1 ± 0,3
Фон-Р90 кг+К50 кг	6,7 ± 1,0	3,1 ± 0,3
Фон+N100 кг	7,5 ± 0,8	3,6 ± 0,5
Фон+N200 кг	8,3 ± 0,9	5,3 ± 0,7
Фон+N150 кг	9,7 ± 1,3	5,7 ± 0,7
Фон+N100 кг+20т/га гўнг	11,7 ± 1,5	7,5 ± 0,9

Минерал ўғитлар берилган майдонларда ўсимлик илдиз ҳомашёси ҳосилдорлиги (қуруқҳолда) 3,1-7,5 т/га (назоратда 2,1 т/га). Энг юқори ҳосилдорлик минерал ўғитларга қўшимча 20 т/га гўнг берилган майдонларда (7,5 т/га) тўпланади.

Хулоса. Силлиқ қизилмия ўсимлигини экиб кўпайтиришда минерал ўғитлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Минерал фонга (Р₉₀К₅₀ кг) гектарига азот ўғитини фон (Р₉₀К₅₀ кг)+N₁₀₀+20 т/га гўнг бериш тавсия этилади. Минерал ўғитлардан фойдаланиш ўсимлик ривожланишининг биринчи йилида қўлланишади шу сабабдан экишга ишлатиладиган маблағлар миқдори ўнча катта бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёввойи ҳолда усувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (ПҚ-4670 сон 2020 йил 10 апрел) қарори
2. Журецкий З.И. Физиологические и агрохимические основы применение удобрении, 1963.
3. Бахиев А. Заросли солодки голой в нижнем течении Амударьи, 1976. 113.
4. Михайлов М.А., Мирзаалиев Д.Д. Семенное и вегетативное размножение солодки голой в Азербайджане // Вопросы изучения и использование солодки в СССР, 1966. 82-85 с.
5. Ибрагимов М.Ю., Гаипов М.Х., Закимов А.М. Қарақалпақстан Республикасы аймақларида боян өсимлигин егип көбейтиў хэм жетистириў агротехнологиясы, Нөкис, «Қарақалпақстан» 1949 30 б.

Annotation

The article studies the most important medicinal plants of industrial importance in the country, the most versatile in terms of level of use - smooth licorice plant with a range. Also, the importance of mineral fertilizers in the cultivation of smooth licorice. The importance of the root of the smooth licorice plant in agriculture and industry is revealed. The use of mineral fertilizers in the cultivation of smooth licorice gives good results, and in this regard, the calculation of the funds used for planting in the first year of plant development is given.

МАИШИЙ-КОММУНАЛ ОҚОВА СУВЛАРИНИ СУВ ЎСИМЛИКЛАРИ ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШНИ ЎРГАНИШ.

(Тошкент шаҳар Салар аэрация станцияси мисолида)

Исмаилхўжаев Б.Ш., Абдуқодирова М.Н., Арипов И.К.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институту*

Гулистон давлат унверситети

Кириш. Маълумки, сув ресурслардан мукамал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни асосий вазифаларидан бири саноат корхоналар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва маиший-коммунал тармоқлардан чиқадиган оқова сувларни тозалаб турли мақсадларда ишлатиш экологияни устувор йўналиш бўлиб, бунда айниқса шаҳар оқова сувларни биологик тозалаш муҳим аҳамиятга эгадир [1].

Сув ресурсларини тежаш ва сув манбаларини тоза гигиеник ҳолда сақлаш мақсадида турли оқова сувларини биологик тозалаш усулини такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳозирги вақтда ўзининг долзарблиги борасида ажралиб туради. [2] Бунда айниқса, маиший-коммунал оқова сувларни биологик усулда

тозалаш бўйича олиб борилаётган ишлар устувор йўналишлардан бири ҳисобланади, чунки шаҳарсозликни ривожланиши ҳамда аҳоли сони ошиб бориши, ушбу соҳада ишлатиладиган сув ресурсларига бўлган талабни янада кучайтиради, ва чиқинди оқова сувлар янада ортишига олиб келади.

Аҳоли пунктларида шаклланган оқова сувларни илғор технологиялар асосида тозалаш ва тозаланган оқова сувларни кишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб бериш энг долзарб муаммолар қаторига киради. Буларни ҳисобга олиб, биз Тошкент шаҳар Салар аэрация станциясида шаклланган оқова сувларни биологик усулда тозалаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Ишнинг мақсади. Тошкент шаҳар Салар аэрация станциясида шаклланган оқова сувларни сув ўсимликлари ёрдамида биологик тозалаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Материал ва методлар – тадқиқотлар Тошкент шаҳар Салар аэрация станциясида олиб борилди. Оқова сув намунаси аэрация станциясини тозалаш иншоотида кириш қисмидан олинди. Биологик тозалаш объекти сифатида оқова сувга чидамли турини танлаб олиш учун сув ўсимликлари коллекциясидан (ЎзФА Ботаника институтидан) қуйидаги турларни (пистия, эйхорния, азолли, ряска, вольфия) танладик. Ушбу ўсимликлар Бинокор аэрация станциясидан олиб келинган 100% ли оқова сувда 5 кун ўстирдик. Шу вақт ичида ўсимликларни кунлик ўсиш, морфологик ҳолати ва ҳосилдорлигини аниқлаб бордик.

Ҳосилдорликни аниқлаш ҳўл биомассани тарозида тортиш усулида олиб борилди. Оқова сувни тажрибадан олдин ва тажрибадан кейинги физик ва кимёвий хусусиятлари Ю.Ю.Лурье усули бўйича олиб борилди. Танлаб олинган оқова сувга чидамли ўсимлик турларини оқова сувни тозалаш даражаларини аниқлаш учун, лаборатория шароитида 25 л шарсимон аквариумда оқова сувни турли концентрацияларда (100, 50, 25%) ҳамда назорат варианты сифатида Тамия минерал озуқа муҳитида сув ўсимликларини 1-ҳафта ўстирдик ва кунлик ўсиши ва морфологик ҳолатини кузатиб бордик.

Натижалар ва муҳокамалар. Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, синаб кўрилган 5 та тур сув ўсимликлари ҳолати, ўсиши ва ҳосилдорлиги оқова сувда ўсганда турлича бўлиб, улар ичида ушбу оқова сувга чидамли турлар пистия ва эйхорния ўсимликлари эканлиги аниқланди. Пистия ҳосилдорлиги 1 м² да 400 г (Хўл биомасса) га етганлиги кузатилади. Эйхорния ўсимлиги ҳосилдорлиги 350 г га етган бўлиб, уларни баргларида тажриба сўнгида сарғайиш ҳолатлари рўй берди. Қолган ўсимликларни ҳосилдорлиги 37-70 г ни ташкил қилди.

Пистия ва эйхорния ўсимлигини морфологик ҳолатда 5 кун давомида ўстирганда кам ўзгариш бўлганлиги кузатилди, қолган 3 та тур сув ўсимлигида, айниқса вольфия сув ўсимлиги танасида ўсиш даврида ўзгариш вужудга кела бошлади ва 5-кунда биомассани ўсиши секинлашиб ҳосилдорлиги камая бошлади. Азолла ўсимлигида ҳам 3 кундан кейин ушбу ҳолат рўй бера бошлади. Бошқа тадқиқотчиларнинг олиб борган ишлари натижаларида ҳам пистия ва эйхорния ўсимликлари турли оқова сувларида яхши ўсиб ривожланиши кўрсатиб ўтилган [3].

Тажриба натижаларига асосланиб, сув ўсимлигини шу икки тури – пистия ва эйхорния ўсимликларини лаборатория шароитида оқова сувини тозалаш даражаларини аниқлаш бўйича тажрибаларни давом эттирдик. Шуларни ҳисобга олиб 2 тур сув ўсимлигини маиший-коммунал оқова сувда ўстириб уларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўргандик. Оқова сувларни ишлаб чиқариш шароитида биологик тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун аввало, лаборатория шароитида сув ўсимлигини оқова сувда ўсиши, ривожланишини ўрганишимиз ва оқова сувни физик-кимёвий таҳлил қилишимиз зарур бўлади. Бу натижалар сув ўсимликларини тозалаш даражаларини аниқлашга ҳамда ишлаб чиқариш шароитида синаб кўришга имкон яратади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, пистия ўсимлиги 25 ва 50% озуқа муҳитларида 100% ли озуқа муҳитига насбатан яхши ўса олмади, аммо 100% озуқа муҳитда яхши ривожланиб, ҳосилдорлиги юқори бўлганини кузатдик. Эйхорния ўсимлиги ҳам 25, 50 % озуқа муҳитда яхши ўса олмади, лекин 100% оқова сувда қониқарли даражада ўсди,

аммо пистияга нисбатан эйхорния ўсимлигининг хосилдорлиги бироз камроқлиги аниқланди. Пистия ўсимлигини хосилдорлиги ҳаттоки 100% оқова сувда, назорат вариантга нисбатан ҳам юқори бўлиб, ушбу оқова сувга чидамли эканлиги кузатилди.


1-жадвал

Пистия сув ўсимлигини оқова сувларни турли концентрацияларда (25%, 50% 100%) ўстирилгандан олдинги ва кейинги физик-кимёвий таркиби (7 кунда лаборатория шароитида)

кимёвий кўрсаткичлар	тажрибагача	тажрибадан кейин (25%)	тажрибагача	тажрибадан кейин (50%)	тажрибагача	тажрибадан кейин (100%)
Ҳиди	1,25	0,3	2,5	0,5	5,0	1
Ранги	1	0,57	2	0,95	4	1
pH	3,32	2,25	4,5	3,1	9,0	6,7
КББТ ₅ , мгО ₂ /л (БПК ₅)	14,0	10	28,0	24	56,0	6,1
Фосфатлар, мг/л	1,16	0,76	1,61	1,35	3,1	1,3
Мис, мг/л	0,64	0,48	1,28	0,67	2,6	0,9
Аммиак, мг/л	1,14	0,95	1,90	1,58	3,8	2,1
Темир, мг/л	0,37	2,17	0,75	3,00	1,5	1,0
Хлоридлар, мг/л	12,17	10,15	24,35	18,15	48,7	24,2
Хром, мг/л.	0,20	0,02	0,40	0,03	0,8	0,4
Сульфатлар, мг/л.	14,1	9,75	19,5	11,3	39,0	18,0
Нитратлар, мг/л.	1,63	0,21	2,25	0,44	3	0,6
Нитритлар, мг/л.	0,81	0,08	1,13	0,16	1,5	0,3

Эйхорния сув ўсимлигини оқова сувларни турли концентрацияларда (25%, 50% 100%) ўстирилгандан олдинги ва кейинги физик-кимёвий таркиби (7 кунда лаборатория шароитида)

кимёвий кўрсаткичлар	тажрибагача	тажрибадан кейин 25%	тажрибагача	тажрибадан кейин 50%	тажрибагача	тажрибадан кейин 100%
Ҳиди	1,25	0,51	2,5	0,9	5,0	1
Ранги	1	0,6	2	0,87	4	1
рН	4,48	2,2	5,74	4,50	9,0	7,3
КББТ ₅ , мгО ₂ /л (БПК ₅)	14,0	11	28,0	23	56,0	6,3
Фосфатлар, мг/л	1,56	0,76	2,01	1,53	3,0	2,5
Мис, мг/л	0,64	0,65	1,28	0,83	2,5	1,0
Аммиак, мг/л	1,54	0,95	1,98	1,58	3,8	2,5
Темир, мг/л	0,37	2,93	0,75	3,75	1,5	4,8
Хлоридлар, мг/л	17,69	12,17	24,35	22,68	48,7	29,04
Хром, мг/л.	0,2	0,03	0,40	0,04	0,8	0,1
Сульфатлар, мг/л.	19,0	9,75	24,38	19,5	39,0	31,20
Нитратлар, мг/л.	2,19	0,21	2,81	0,44	3,6	0,8
Нитритлар, мг/л.	1,10	0,08	1,41	0,16	1,8	0,3



Бунга сабаб мазкур сув ўсимликлари табиатда ҳам органик моддаларга бой бўлган сув ҳавзаларида учраши кузатилган[4].

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатаптики, оқова сув пистия ва эйхорния ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига акс таъсир килмас экан, аксинча, уларнинг ўсишини тезлаштирар экан. Хаттоки, оқова сувнинг суюлтирилмаган вариантыда ҳам пистиянинг ўсиши жадаллашган. Чунки, шу сув таркибидаги органик ва минерал моддаларнинг миқдори бошқа вариантларга нисбатан кўп бўлганлиги сабабли, унинг ўсиши тезлашган бўлиб, оқова сувини водопровод суви билан суюлтирилмасдан тўғридан-тўғри унга пистия ва эйхорния ўсимликларини кўпайтирса бўлар экан.

Оқова сувларни турли концентрацияларда ва стандарт озука муҳитида сув ўсимлиги пистия ва эйхорния ўстириб, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўзгарганидан сўнг, уларни тозалаш хусусиятларини аниқлаш мақсадида сув ўсимлиги ўстирмасдан аввал ва ўстиргандан сўнг 7 кун ўтгандан сўнг гидрокимёвий таҳлил ўтказдик.

Сувларни физик-кимёвий таҳлиллари шуни кўрсатадики (1 ва 2-жадвал) сувнинг хиди 5 баллдан 1 балга тушган, муаллақ моддалар бошқа оқова сувни турли концентрация вариантларида 10 баробар, қуруқ қолдиқ 50 % гача, умумий азот 90-100 % гача, хлор 50 %, сульфат 45 %, кислородга бўлган эҳтиёж 90 % га камайганлигини кузатиш мумкин. Пистия ва эйхорния сув ўсимликларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (чорвачилик, чўчкачилик) оқова сувларида ўстирилганда ҳам ўхшаш натижалар олинган [5].

Пистиянинг оқова сувни кислородга бўлган талабни қондириш бўйича кўрсаткичлари эйхорния ўсимлигига нисбатан, биров баландроқ, бу фарқ фақатгина кимёвий кўрсаткичларда эмас, яъни ўсимликнинг ҳосилдорлигида ҳам кўришимиз

мумкин. Бунга сабаб юкорида қайд этганимиздек пистия ўсимлиги барглари йирик бўлиб сатхини кенг бўлиши, бунда фотосинтез жараёни жадал кечиши ва бунинг натижасида ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлаши ва иллизини зич бўлиб, бақувват бўлиши, озиқ моддаларни фаол ўзлаштиришига имкон яратиши асосий омиллардан бири бўлиб, хамда табиатда пистия ўсимлиги ушбу оқова сув таркибига яқин сув манбаларида тарқалиши катта роль ўйнаган бўлиши мумкин.

Хулосалар- демак, лаборатория шароитида олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, эйхорния ва пистия ўсимликлари Салар аэрация станциясига келаётган оқова сувларни таркибидаги турли моддаларни ўзлаштириб сезиларли даражада тозалаш хусусиятига эга экан. Ўтказилган тажриба натижалари мазкур сув ўсимликларини ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

- 1.17.12-04B2.61. Изучение механизмов, участвующих в удалении опасных загрязнителей микроводорослями из сточных вод: лабораторное изучение. Assessment of the mechanisms involved in the removal of emerging contaminants by microalgae from wastewater: a laboratory scale study / Matamoros Víctor, Uggetti Enrica, García Joan, Bayona Josep M. // J. Hazardous Mater. [[Электронный ресурс]]. - 2016. - 301. - С. 197-205. - Англ.
2. 17.11-04B2.51. Кинетика потребления фосфат-анионов и катионов аммония микроводорослями из муниципальных сточных вод / Темнов М. С., Маркин И. В., Санталов Р. Д., Бушковская А. И., Еськова М. А. (г. Саратов, ул. Пугачевская, 117, кв. 50) // Инновации в пищевой технологии, биотехнологии и химии: Материалы Международной научно-практической конференции, Саратов, 2017. - Саратов, 2017. - С. 207-209. - Рус.
- 3.16.01-04B2.52. Одновременная ремедиация биогенов из жидкого анаэробного дигестата и городских сточных вод микроводорослью *Scenedesmus* sp. AMDD, выращиваемой в непрерывных хемостатах. Simultaneous remediation of nutrients from liquid anaerobic digestate and municipal wastewater by the microalga *Scenedesmus* sp. AMDD grown in continuous chemostats / Dickinson K. E., Bjornsson W. J., Garrison L. L., Whitney C. G., Park K. C., Vanskota A. H., McGinn P. J. // J. Appl. Microbiol. [[Электронный ресурс]]. - 2015. - 118, № 1. - С. 75-83. - Англ.
- 4.Шоякубов Р.Ш., Холмуродов А.Г., Кутлиев Ж., Хайдарова Х.Н., Хасанов О., Жуманиязова Г.И. Рекомендации по эффективной биотехнологии очистки сточных вод с использованием пистии телорезовидной. Ташкент., РЦНТИ Узинформагропром, 1993. –30 с.
- 5.Исмаилходжаев Б., Хидирбоева Г., Холматов У. “Микроскопик сув ўтлари ва сув ўсимликлари биотехнологиянинг истиқболли объектлари” Микроорганизмлар ва биосфера. Халқаро Симпозиум материали. Т: 2015 63-64 б.
- 6.Лурье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. -М.: Химия 1984. с.-447.
- 7.Шоякубов Р. Юксак сув ўсимлиги – Пистияни турли саноат ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришдан чиқадиган оқова сувларни тозалаш самарадорлиги. // Альгология, микология ва гидроботаниканинг долзарб муаммолари мавзусидаги халқаро илмий - амалий конференциянинг мақолалар тўплами Т:, 2009. 259-262 б.
- 7.Лурье Ю. Гидрохимические анализы воды. 1984 М.; Химия-298с.

Annotation

The article provides data on 5 species of aquatic plants grown in municipal wastewater; choosing the most sustainable species; the cultivation of selected aquatic plants Pistia and eichhornia in wastewater of various concentrations; their morphological conditions; growth; development and fertility, as well as the physical and chemical properties of wastewater before and after the cultivation of aquatic plants. The results obtained showed that aquatic plants Pistia and Eichornia 100% rapidly develop in sewage waters, have high fertility and improve physicochemical properties.

ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ВА ЯЙЛОВ ЕРЛАРИ ТУПРОҚЛАРИДА МОНИТОРИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Исмонов А.Ж., Қораев А.Х., Қаландаров Н.Н., Мамажанова Ў.Х

Тупроқшиunosлик ва агрокимё илмий тадқиқот институти.

Кириш. Орол денгизини қуриб бориши натижасида, Амударё дельтасида қурғоқланиш жараёни кучайиб, ҳозирги кунда 1960 йилларга нисбатан кўллار майдони 15 мартадан ортиқ камайган, ер ости сувлари сатҳи 8 мартагача пасайиши, узоқ масофа - 500 км гача оралиғида гектарига 2,0 тоннагача туз ва қумларнинг тарқалиши аниқланган. Натижада, 50 йил ичида тупроқ қопламларида ўзгаришлар содир бўлган ва гидроморф тупроқлар майдони 630 минг гектардан 80 минг гектарга камайган, шўрхоқлар майдони 85 минг гектардан 273 минг гектарга ортган, иқлим ўзгариши 150-200 км оралиғида кузатилиши ва бошқа бир қанча салбий ҳолатлар содир бўлиши қайд этилган. Кейинги йилларда иқлим ўзгариши, хусусан ёғингарчиликнинг кам бўлганлиги минтақада туз ва сув мутаносиблигини бузилишига, ерларнинг шўрланишига, унумдорлигига ва натижада қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини нисбатан камайишига олиб келган.

Бундай салбий ҳолатлар, республикаимиз ҳудудларида тарқалган яйлов ва суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер турларида учраб, мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник муаммоларига айланган. Тупроқлар деградациясининг олдини олиш ва улар оқибатларини бартараф этиш орқали, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, тупроқ қопламидан самарали фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш мамлакатимизда энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб келган.

Ишнинг мақсади. Жанубий Оролбўйи минтақаларининг қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонлари тупроқлари комплекс ўрганилиб, суғориладиган ва яйлов ер майдонларида содир бўлаётган жараёнлар чуқур илмий нуқтаи назардан ёндошган ҳолда, тупроқларда кечаётган салбий жараёнларни тупроқ хосса-хусусиятларига, экологик-мелиоратив ҳолатидаги ўзгаришлар қайд этилган ҳолда, тупроқлар деградациясини олдини олиш, шўрланган, эрозияга учраган, гумус ва асосий озика моддалари камайган ерларни соғломлаштириш, тупроқларни унумдорлигини тиклаш, ошириш ва муҳофаза қилишга асосланган самарадор услублар ва технологияларни қўллаш орқали тупроқлар унумдорлигини яхшилашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Материал ва методлар. Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларидан мониторинг тадқиқот объектлари сифатида 15та калит майдон(КМ)лари ажратилган. Ажратилган калит майдонларни ҳар биридан учта 1 гектарли стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонлар(СЭМ ва ЯСЭМ)да дала тадқиқотлари ўтказилган. Мониторинг тадқиқотларини ўтказиш учун танланган калит майдон массивларига: Қўнғирот туманидаги Равшан, Шуманай туманидаги Шуманай, Хўжайли туманидаги Охунбобоев ва Хамза номли, Амударё туманидаги Қиличбой, Нукус туманидаги Нукус, Чимбой туманидаги Майяб, Тахтақўпир туманидаги Ўзбекистон, Мулк ва Жанадарё, Тўртқўл туманидаги Я. Эломонов номли, Мўйноқ туманидаги Мўйноқ, Қозоқдарё, Оққалъа ва Ўрмон хўжаликлари ер майдонлари кирган. Мониторинг тадқиқотлари олиб бориш учун танланган асосий доминант тупроқ гуруҳлари, Амударёнинг замонавий ва қадимги дельтасида энг кўп тарқалган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жадал фойдаланиладиган, турли геоморфологик районларда жойлашган ҳамда ўзида бугун Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ қопламларини ифодалайди.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларидан танланган 15 та калит майдонлардан ажратилган 45та бир гектарли СЭМ ва ЯСЭМ ларида, 1:5000 масштабдаги мониторинг тупроқ текширув ишлари бажарилди. Тадқиқотларда СЭМ ва ЯСЭМ тупроқларидан қазилган кесмаларини ҳар биридан

генетик қатламлар бўйича тупроқ намуналари ва сизот сувлари очилганда улардан кимёвий таҳлиллар учун намуналар олиниб, махсус кимёвий таҳлиллар бўлимларни лабораторияларида бажарилган.

Ўтказилган мониторинг тадқиқотларининг услубий асосини, Республикамизда чоп этилган [1;2], шунингдек геохимёвий, киёсий-географик, лаборатория-аналитик таҳлил услублари ташкил этади.

Тадқиқотлар даврида тупроқ ва сувлардан олинган намуналарда кимёвий таҳлиллар ҳамда тадқиқот изланишлари [3] институтда ишлаб чиқилган, республикада умумқабул қилинган услублар асосида амалга оширилган.

Натижалар ва муҳокамалар. Қорақалпоғистон Республикасида ўрганилган калит майдон(КМ)лардан танланган 1 гектарли стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонлар(СЭМ ва ЯСЭМ)да мониторинг тупроқ тадқиқот ишлари бажарилган. Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ қопламларини ҳолатларини тўла очиб бериш мақсадида, суғориладиган ва яйлов ерларида тупроқ тадқиқотларини олиб борилиб, тупроқ ва сув намуналарини кимёвий таҳлил натижалари асосида, турли геоморфологик районларда тарқалган тупроқларнинг ҳолати, уларда кечаётган салбий жараёнлар тўғрисида маълумотлар олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ва яйлов ер майдонлари(СЭМ ва ЯСЭМ)да олиб борилган тупроқ мониторинг тадқиқотларида қуйидаги салбий ҳолатлар аниқланган:

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларида, ер ости сизот сувлари сатҳи 2010 йилда ўртача 1,35-2,20 см., 2017 йилда ўртача 1,30-1,85 см ва 2018 йилда ўртача 1,27-1,50 см. жойлашганлиги қайд этилган ва ушбу ҳолатлар Мўйноқ, Қўнғирот, Шуманай, Қонликўл, Хўжайли ва Нукус туманларининг гидроморф тупроқларда аниқланди.

- Суғориладиган тупроқларини қуйи қатламларида сувда осон эрувчан тузларни шаклланиши ва доғларни пайдо бўлганлиги 2016 йилда аниқланган бўлса, 2017 йилда тупроқларни ҳайдов ости қатламларидан бошлаб сувда осон эрувчан тузларни майда кристаллари шаклида тўпланиб бориш жараёни кузатилган ва 2018 йилда туз кристаллари тўлиқ шаклланган ҳамда бундай ер майдонлари Қонликўл, Хўжайли, Нукус, Чимбой, Мўйноқ ва Тахтақўпир туманлари ер майдонларида аниқланди. Шунингдек, мелиоратив ҳолати ўта мураккаб бўлган Тахтақўпир, Чимбой, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус, Қонликўл ва Хўжайли туманларининг жами суғориладиган ер майдонларини 60-70% ўта мелиоратив ҳолати ёмон ерлар бўлиб, саҳроланишга учраган.

- 2018 йилда суғориладиган гидроморф тупроқларда гумус билан кам таъминланган ер майдонлари 53,5%, ўртача 46,0% ва етарли даражада 0,5% ер майдонларини ташкил этган ва бундай ерлар яъни, гумус билан кам даражада таъминланган суғориладиган ер майдонлари Қўнғирот, Хўжайли, Беруний, Эллиққалъа, Кегейли, Чимбой, Тахтақўпир ва Қонликўл туманларининг асосий қишлоқ хўжалик ер майдонларида қайд этилган.

-Қишлоқ хўжалигига яроқли суғориладиган ер майдонларида дегумификация (гумусга камбағаллашув) жараёнларига Қўнғирот туманида

49,6%, Эллиққалъада 85,2%, Нукусда 100%, Амударёда 51,7%, Кегейлида 100%, Тўртқўлда 51,6% ва Тахтақўпир туманларида 67,5% ташкил этади.

-Суғориладиган тупроқларни асосий озиқа моддалари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда, ҳаракатчан фосфор билан 83,8% кам ва жуда кам даражада, 11,5% ўртача ва 4,7% етарли даражада; алмашинувчи калий билан жуда кам ва кам даражада 71,8%, ўртача даражада 19,5% ва етарли даражада 8,7% ер майдонлари таъминланганлиги қайд этилган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича суғориладиган гидроморф тупроқларнинг 84,8% ҳаракатчан фосфор билан; 72,0% алмашинувчи калий билан кам таъминланган бўлиб, бундай тупроқлар жадал равишда деградацияга учраган. Масалан, Хўжайли тумани жами суғориладиган ер майдонларининг 78,0% ҳаракатчан фосфор билан, алмашинувчи калий моддалари билан 76,0% жуда кам даражада таъминланган.

- Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ қопламларида, 2018 йилда шамол эрозияси натижасида суғориладиган ер майдонларига кумларни учуриб келиб ётқизилиши жараёнлари жадаллашган, бундай ҳолат Тўрткўл туманининг Ёмбошқалға ҳудудларида, Чимбой туманининг Майяб ва Бўзатов массивлари, Қораўзак туманининг Қораўзак массиви, Кегейли ва Тахтақўпир туманларининг Мулк, Ўзбекистон массивлари ҳамда чўл зоналарига туташган ҳудудларида қайд этилган.

- Ўрганилган маълумотларга кўра (2017-2018й), Қорақалпоғистон Республикаси жами суғориладиган тупроқ қопламларининг кучсиз шўрланган ер майдонлари 31,0%, ўртача 30,3%, кучли 15,1% ва жуда кучли шўрланган ер майдонлари 15,1% ташкил этган.

- Мониторинг режим кузатувларида аниқланишича жанубий Оролбўйи ҳудудларидаги Мўйноқ, Қўнғирот, Қонликўл, Шуманай, Амударё, Чимбой, Хўжайли ва Тўрткўл туманлари суғориладиган ер майдонларини гумус ва озика моддалари билан таъминланганлик даражаси салбий томонга ўзгариб бораётганлиги қайд этилди, бу эса ўз навбатида юқоридаги туманларда саҳроланиш жараёнлари жадал кечмоқда [4].

- Ўрганилган табиий яйлов тупроқлари таркибида магний ва натрий миқдорининг ортиб бориши натижасида, шўрхокланиш жараёнларини кенгайиб борганлиги Мўйноқ туманидаги Мўйноқ, Оққалға, Қозоқдарё, Орол массивлари ва Ўрмон хўжаликларида, Тахтақўпир туманидаги Мулк ва Жанадарё, Чимбой туманидаги Майяб ва Бўзатов массивлари ва Қонликўл туманидаги Сариалтин массивларида аниқланган. Ушбу туманлар саҳроланиш жараёнларига жадал учраганлиги қайд этилган [5;6].

Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ва яйлов ер майдонлари унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерлардан самарали фойдаланиш, аниқланган салбий жараёнларни бартараф этиш ва кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида қуйидаги илмий асосланган чора тадбирларни жорий этиш тавсия этилади:

Агрокимёвий тадбирлардан–кишлоқ хўжалиги экинларини ўғитлашда, тупроқ таркибидаги шўрланишлар таъсирида ўғитлар самарадорлиги 50% камайиб бориши аниқланганлиги боис, кучли шўрланган суғориладиган ер майдонларига гектарига 150-160 кг азот, 125-140 кг фосфор ўғитларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, кузда шудгор қилинмайдиган сизот суви юзага яқин ерларда минерал ўғитларни юқори меъёрда сепиш ва икки ярусли плугларда баҳорги шудгорлаш тавсия этилади.

-Суғориладиган ер майдонларига кузги шудгор олдида фосфорли ўғитларни 70%, калийли ўғитларни 50% ҳамда органик ўғитлардан гектарига 20-30 тонна ёки компост шаклида 15-20 тоннадан солиш тавсия этилади. Шунингдек, фосфорли ва калийли минерал ўғитларни тақчиллигини ҳисобга олиб, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида ноанъанавий агрорудалардан (бентонит, глауконит ва б.) фойдаланиш тавсия этилди.

-Қорақалпоғистон Республикаси шароитларида ерларни текислаш, бегона ўтлардан тозалаш, томчилатиб (боғдорчиликда) суғориш сувни 50% гача тежайди ва бошқа агротехник тадбирларни камайишига олиб келади. Ғўзадан бўшаган паст балли майдонларда шўрга чидамли, кўп йиллик озикабоп, дуккакли, мой берувчи ҳамда сабзавот-полиэкинларини юқори агротехника талаблари асосида етиштириш мақсадга мувофиқ.

Агромелиоратив тадбирлардан - фитомелиорация экинлари сифатида, кучли ва жуда кучли шўрланган ерларда “*ширинмия-пахта*”, “*ширинимия-маккажўхори-пахта*” схемасида алмашлаб экиш тизимини қўллаш зарур. Бундай ерларда шўрга чидамли, дуккаклилар, илдиз системаси саноат ва тиббиёт соҳасида қимматбаҳо хомашё ҳисобланган “*ширинмия*” ўсимлигини ўзлаштирувчи ва кучли мелиорацияловчи экин сифатида қўллаш орқали тупроқ қатламларидаги тузлар миқдорини камайтириб, сизот сувлари сатҳини пасайтирилади.

Мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ва яйлов ерларини мелиоратив ҳолатини мунтазам равишда яхшилаб бориш, ердан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини янада ошириш, ерларни

унумдорлигини яхшилаш борасида талабчанликни янада ошириш бўйича керакли чора-тадбирларни белгилаш зарур.

Адабиётлар:

1. Қўзиёв Р., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги. Тошкент. 2011, 138 бет
2. Қўзиёв Р., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. Тошкент. 2013, 52 бет
3. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. издание 5-е. Ташкент. 1977. 25-49 бетлар
4. Исмонов А.Ж. Почвенные ресурсы Республики Узбекистан. Вестник Кыргызского национального аграрного университета им. К.И. Скрябина. № 5 (41). г. Бишкек. 2016. стр.60-64.
5. Қўзиёв Р., Сектименко В.Е, Исмонов А.Ж. Ўзбекистон Республикаси тупроқ копламлари Атласи. Тошкент.2010. 48 бет
6. Қўзиёв Р., Исмонов А.Ж. Мониторинг засоления почв в Узбекистане. Руководство по управлению засоленными почвами. План реализации Евразийский почвенного партнерства. ЕСФС/ ФАО Рим. 2017. 26-28 стр.

Annotation

The article describes the negative processes occurring in the soils formed on the territory of the South Aral Sea region. According to the data obtained, it was found that 84.8% of irrigated hydromorphic soils of the Republic of Karakalpakstan are poorly supplied with mobile phosphorus and 72% of soils with exchangeable potassium, which indicates their degradation. The area of irrigated hydromorphic soils, low in humus, is 53.5%, in the middle - 46% and in the rich enough - 0.5%. 49.6% of irrigated lands are subject to dehumification processes in Kungrad district, 85.2% in Ellikkala district, 100% in Nukus district, 51.7% in Amudarya district, 100% in Kegeili region, 51.6% in Turtkul region and in Takhtakupyr district 67.5%. A very difficult reclamation state of irrigated soils of the Takhtakupyr, Chimbay, Kungrad, Muinak, Nukus, Konlikul and Khojeyli districts and 60-70% of irrigated lands undergo an extremely difficult reclamation state and are subject to desertification.

Keywords: soil monitoring, irrigated hydromorphic soils, humus, mobile phosphorus, exchange potassium, salinization, degradation

ПИТАТЕЛЬНЫЙ РЕЖИМ ДЕГРАДИРОВАННЫХ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ

Каримбердиева А.А., Кузиёв Ж.М

Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

Введение. Сохранение и повышение плодородия орошаемых почв Республики на сегодняшний день является одной из основных задач сельскохозяйственного производства. За последние годы, за счёт интенсивного использования орошаемых земель заметно ухудшились агрохимические, агрофизические, физико-химические, экологические и другие свойства почв, то привело к резкому снижению плодородия почв и урожайности возделываемых сельскохозяйственных культур. Большие площади орошаемых земель Приаралья подвержены засолению, эрозийным процессам, загрязнению почв, снижению содержания гумуса и питательных элементов и т.д.

Одной из основных причин снижения плодородия этих почв и урожайности возделываемых культур, является нарушение в почвах соотношений между элементами питания. Особая роль в повышении плодородия почв и урожайности культур принадлежит не только макроэлементам – азоту, фосфору и калию, а также микроэлементам, так как они играют важнейшую роль в усвоении питательных веществ растениями, участвуя в ферментативных реакциях, протекающих в растении и т. д [1,2,3].

Источником микроэлементов для растений является почва, поэтому сохранение соотношения между элементами питания одна из важнейших проблем в сельскохозяйственном производстве республики. При интенсивном земледелии вынос

макроэлементов (азота, фосфора, калия и др.) с урожаями возделываемых сельскохозяйственных культур восполняется за счёт внесённых минеральных удобрений, а вынос микроэлементов не восполняется и теряется безвозвратно, за счёт этого в почвах нарушается соотношение между элементами питания, что ведёт к негативным последствиям.

В связи с вышеизложенным, считаем необходимым изучение содержания макро- и микроэлементов в орошаемых деградированных почвах Южного Каракалпакстана.

Целью работы является изучение обеспеченности орошаемых почв Южного Приаралья, развитых на различных аллювиальных отложениях Амударьи и подверженных процессу деградации, макро- (азот, фосфор, калий) и микроэлементами (медь, цинк, марганец, бор).

Материалы и методы. Объектами исследований явились:

1. Ново- и староорошаемые луговые аллювиальные почвы, легко- и среднесуглинистые, развитые на древних аллювиальных отложениях Амударьи. Берунийский район, массив «Киётабад».

2. Ново- и староорошаемые луговые аллювиальные почвы, легко- и среднесуглинистые. Элликалинский район, массив «Янгиер».

Плодородие изученных почв охарактеризованы основными агрохимическими показателями: содержание гумуса, валовых и подвижных форм азота, фосфора, калия и микроэлементов – меди, цинка, марганца и бора. Полевые и аналитические работы проведены по единым общепринятым руководствам [4,5].

28-43	0,50	0,050	0,148	1,56	12,50	134	0,60	0,055	0,112	1,31	10,30	105
43-55	0,46	0,041	0,126	1,25	10,50	110	0,48	0,039	0,081	1,15	7,80	97
55-61	0,35	0,028	0,084	1,09	5,20	88	0,31	0,032	0,074	1,06	3,31	81
61-73	0,33	0,020	0,070	1,00	3,30	88	0,32	0,029	0,053	0,98	2,52	74
73-91	0,28	0,010	0,050	0,90	2,80	79	0,29	0,010	0,040	0,80	2,04	65
91-131	0,22	0,014	0,048	0,80	2,80	78	0,24	0,013	0,040	0,81	2,19	58
131-160	0,20	0,014	0,038	0,90	2,51	75	0,22	0,011	0,041	0,80	2,20	64

мг/кг га, кузда эса 6,24 мг/кг га, қўйи қатламларда баҳорда 1,49 мг/кг га, кузда эса 1,95 мг/кг га камайганлиги маълум бўлган бўлса, ҳаракатчанг калий миқдори баҳорда сурим қатламида 63 мг/кг га, қўйи қатламида 2 мг/кг га, кузда 8 мг/кг камайиши аниқланди.

Тажриба даласининг тупроғи даслабки вақитда гумус билан жуда паст даражада таъминланган тупроқлар груҳига киради. Тупроқдаги умумий азот, фосфор ва калий миқдори бўйича кам таъминланган тупроқлар икки груҳга киради. P_2O_5 ва K_2O миқдори бўйича олинган маълумотларга кўра тажриба даласи тупроғи P_2O_5 билан жуда кам таъминланган тупроқ груҳлари қаторига киради.

Тадқиқотни ўтказиш 2017-2019 йиллари вақитларида энг мақбул ғўзани суғориш тизими 80-80-60 % бўлган вариантларда тупроқдаги аламшинувчи K_2O миқдори баҳорда маромида бўлган бўлса амал даври оқирига келиб анча камайганлигидан маълумот беради.

Хулоса. Юқоридаги маълумотларни таҳлил этиб хулоса қилганимизда жанубий минтақада тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаси шимолий минтақада тарқалган тупроқларга нисбатан бироз юқорилиги билан фарқланди.

Адабиётлар:

1. Белоусов М.А. Физиологическое и агрохимическое исследование по корневому питанию хлопчатника // Тр. ВНИИ хлопководства, 1972, вып. 19.С.3–22.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент, 2007. -44-46 бетлар.
4. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. – СоюзНИИ. – Тошкент, 1973. – С. 1-225
5. Панкова Е.И., Айдаров И.П., Ямнова И.А., Новикова А.Ф., Благоволин Н.С. Природные антропогенные засоленные почв бассейна Аральского моря (география, генезис, эволюция) - Москва, 1996.-187 с.
6. Исашов А., Мамаджанова Н. Агротадбирларнинг ғўзани суғориш тартиблари ва меъёрларига таъсири. Agro ilm-o'zbekiston qishloq hojaligi jurnali. Тошкент,-2018 й. №5 (55) б-78-79.

Abstract

Our field experiments conducted in 2017-2019 at the Karakalpak Agricultural Research Institute and at the Turtkul branch of the Karakalpak Agricultural Research Institute differed in terms of agrochemical composition of soils. The agrochemical composition of the soils of the southern region was found to be much lower than that of the northern region. The amount of humus in the southern and northern regions also fluctuated in the range of 0.70-0.81% in the surim layer, and in the range of 0.22-0.30% in the sheep layer.

УДК: 631/635(575:172)

ЭКОЛОГИК МУАММОЛИ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамбетназаров Б.Б

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Кириш: Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини бўлиб, тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва тизимли институционал ислохатларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Республика иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, унинг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш»

вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини рағбатлантириш ва ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади [1].

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилди, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлат қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам салмоқли ўринга эга. Ўзбекистон 2019 йилнинг якуни бўйича кичик тадбиркорларнинг ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳа улуши 59,4 фоиздир [10]. Худудлар кесимида қаралса ЯИМдаги улуши Қорақалпоғистон Республикасида кесимида (54,4 %) 12 – ўринни эгаллайди [11]. Бу эса ўз набаотида минтақалар миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар таркибий тўзилмасини такомиллаштириш, минтақанинг табиий ва иқлим хусусиятларига асосланган кичик аграр тармоқларидан (боғдорчилик, узумчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқалар) оқилона фойдаланиш, фермер хўжалиқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бизнес юритишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб –қўватлашни таъминлайдиган кўп омилли эконометрик моделлар асосида илмий тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ишнинг мақсади: Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар иқтисодий муносабатларнинг муҳим субъекти ҳисобланиб, улар ўз хўжалиқ фаолиятини иқтисодий, ҳуқуқий ва мулкӣ жавобгарлиги эвазига ихтиёрий равишда амалга оширади. Ишлаб чиқариш воситаларига тўла эгаллик қилиш ва ишлаб чиқаришни эркин ташкил қилиш тадбиркорлар мустақиллигининг асоси ҳисобланиб Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни рағбатлантириш йўналишларини ва услубларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Материал ва методлар: Иқтисодиёт назариясига тадбиркорлик тушунчасини XVIII асрнинг бошида инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон киритган эди. Унинг фикри бўйича «Тадбиркор- ноаниқлик шароитида ечим қабул қилувчи ва ўз хатти-ҳаракатлари туфайли даромад қилувчи ва йўқотишларга тайёр бўлган шахс» деб таъриф берилган [4.20]. Француз иқтисодчиси Ж.Б.Сэй ўзининг “Сиёсий иқтисод» асарида (1803) тадбиркорни, ўз ҳисобидан ва таваккал қилиб ва ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳамда фойдасини қабул қиладиган шахс сифатида ифодалаган. Унинг асосий ғояси тадбиркорларнинг фаол иштирокини маҳсулот этиштиришда деб тан олишдир. Америкалик иқтисодчи Ж.Кларк, Сэйнинг фикрини бирмунча бошқача кўринишида изоҳлайди. У ўз асарида «Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар доим тўртта омил қатнашади: 1) капитал; 2) моддий неъмат ишлаб чиқариш воситаси ва ер; 3) тадбиркорлик фаолияти; 4) ишчи меҳнати» Ҳар бир омилга ишлаб чиқаришдан тушган фойданинг бирон бир ҳиссаси тўғри келиши шарт деб ҳисоблайди. Булар, «тадбиркорлик фаолияти – фойда; моддий неъмат-рента; капитал-фоиз; ишчи меҳнати-иш ҳақини олиб келади» деб тарифлайди.

Англиялик иқтисодчилар Д.Рикардо ва А.Смит иқтисодиётни бир-бирини тўлдириб тўривчи бошқарувчи механизм сифатида талқин қилади. А.Смит ўз рисоласида тадбиркорликка, тадбиркор-капитал эгаси, ва у ёки бу тижорат тури билан боғлиқ ғояни амалга оширишда таваккалчиликка йўл қўяди, бир ишга маблағ сарфлашда ҳар доим маълум даражада таваккалчилик элементлари борлигини таъкидлайди. Шу сабабли, А.Смитнинг фикриша, тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойда тадбиркорнинг таваккал қилиб иш қилгани учун тўловдир. Тадбиркор ўзи ишлаб чиқаришни ташкил қилади, режалаштиради, ва ишлаб чиқариш натижаларига эгаллик қилади. Яъни, А.Смит, корхона эгаси тадбиркор деб тушунади. [5.41].

И.Шумпетер ўз асарларида тадбиркорни инноватор сифатида тарифлайди, яъни тадбиркор янги ғояларни тарғиб қилиб ҳамда унинг фаол элемент деб ҳисоблайди [6.28]. П.Друкернинг фикрича тадбиркор – ҳар қандай соҳада, янгилик яратувчи, амалиётчи ва бошқарувчи деб тарифлайди [7.56].

Ушбу концепциянинг моҳиятини очиб беришга турли ёндашувларни таҳлил қиладиган бўлсак, тадбиркор инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи, шахсий салоҳиятига ва муваффақиятли фаолият олиб борувчи маълум бир тажрибага эга бўлган шахс сифатида тушинилади.

Республикамиз иқтисодчи олимлари С.Ғуломов «Тадбиркор тўла ёки қисман моддий мавлағига ёки молиявий ресурсларига эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини ташкил этиш учун ишга солади» деган тарифлаган. [8.8]. Э.Эгамбердиев ва Ҳ.Хўжакулов «Тадбиркорлик, янги фикр ва ғояларни излаш, таҳлил қилиш, ўзини ташаббускорлик, яратувчанлик қобилиятларини юзага чиқариш, ўз фаолиятида муффақиятларга эришишдир» [9.144]. Шунингдек, Орол бўйи экологик шароитида ижтимоий – иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг илмий ва услубий асослари ҳамда бандлик масалаларини Медетуллаев.Ж.М., Аимбетов Н.К., Убайдуллаев.Қ., Исаков Ж., Мусағалиев. А.Ж., Адильчаев Р.Т., Сауханов., Сеилбеков.Б.Б сингари иқтисодчи – олимлар асарларида ёритиб берилган¹.


Бугунги кунда минтақадаги кескин иқтисодий-экологик шароитда қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни рағбатлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш муаммоси, шунингдек, экологик таъсирни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан самарали тақсимотини таъминлашни рағбатлантиришнинг замонавий концепциясини қўллаш имкониятларини тизимли тадқиқ этиш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг назарий ва услубий ечимлари етарли даражада ўрағнилмаганлиги мазкур тадқиқот ишимиз йўналишини танлашда асос бўлди.

Тадқиқотлар олиб боришимиз натижасида ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, бозор иқтисодиётининг барча ички ва ташқи бўғинларини ҳаракатга келтиришнинг имконияти йўқлиги. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилашнинг сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин (1-расм).

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрел кунги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [2] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаасининг 1998 йил 27 майдаги “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қабул қилинган Қарор ва Фармонлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг шароит ва имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилди.

¹Медетуллаев Ж.М. Земельный потенциал Каракалпаксан как объект комплексных исследований // «Вестник КГУ». – 2009. - №4-5, с. 38-40.; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): И.ф.д. дисс- – Т., 2000. – 283 б.; Убайдуллаев.Қ. Оролбўйи экологик шароитида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни моделлаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.д. дисс- – Т., 2005. – 293 б.; Исаков Ж. Механизм реализации и этапы подготовки проведения. // Biznes-Daily mrdia. Илмий-амалий, иқтисодий ойлик журнали -2019. №7(139); Мусағалиев.А.Ж., Эффективные пути совершенствования механизма хозяйствующих субъектов. Том II: Актуальные вопросы экономика и управления:междунар. науч конф – 2011. С 127-128.; Адильчаев Р.Т. Минтақада кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш омиллари. // Иқтисод молия/ Экономика и финансы.- 2017. №4, с 41-44.; Сауханов Ж. Аграр секторда ташки самара (экстерналий)лар таъсирини оптимал тарзда тартибга солиш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Автореф. дисс. икт.фан. ном. – Т., 2011.; Сеилбеков Б.Б. Қорақалпоғистон Республикаси аграр секторида иқтисодий ислохотлар ва уларни чуқурлаштириш йўналишлари. Дисс.икт.фан.ном. –Т., 2009. – 145 б.;


Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари



Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари уларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ва йўналишлари бўйича қуйдагича таснифлаш мумкин (2-расм)

Фермер ва дехқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таснифи



Натижалар ва методлар: Илмий изланишларимизнинг ҳам асосий мақсади ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётини юксалтириш имкониятларидан бири бўлмиш тадбиркорлик фаолиятдан унумли фойдаланишни таъминловчи механизм яратишдан иборат. Илмий тадқиқотларимизнинг асосий моҳияти ҳам ушбу хусусият ва ўзига хослигини ифода этишига алоҳида эътибор беришига ҳаракат қилишдан иборатдир.

Тажрибалар шуни кўрсатиб келмоқдаки, ҳозирги кунда экологик талабларни ҳисобга олувчи механизмларни такомиллаштириш, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантиришларни кўшайтириш керак. Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес субъектларининг экологик талабларига жавоб бериш борасидаги ягона рағбатлантириш механизмларини ҳар бир иқтисодий минтақанинг хусусияти, географик жойлашуви, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини инобатга олиши зарурдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистан Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ФП-1987 сонли “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаасининг 1998 йил 27 майдаги 232 - сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.4
4. Предпринимательства в конце XX века. М., 1992. 20-с.
5. Основы предпринимательства. Под. ред. Проф. В.М.Власовой М.: Финансы и статистика 1994. –с 41.
6. Шумпетер И. Теория экономического развития. – М., 1982. -28 с.
7. Друкер П.Ф.Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. – М., 1992. -56 с.
8. Ғуломов С.С., Семенов Б.Д. Тадбиркорлик ва кичик бизнес – Т.: ТДАУ, 1998. -8 бет.
9. Э.Эгамбердиев, Ҳ.Хўжақулов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: “Маънавият”, 2003. – 144 б.
10. <https://russian.doingbusiness.org/ru/data/exploreeconomies/uzbekistan>
11. Krstat.uz

Annotation

This article provides suggestions and recommendations on the development of modern approaches to agricultural activities in the environmental conditions of the Aral Sea region, the definition of entrepreneurship promotion strategies with considering the specificity of agriculture including the application of internal resources and methods.

ЯНГИ ВА РАЙОНЛАШТИРИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Мамбетназаров Б.С, Отеулиев Ж.Б.

Қорақалпоқ давлат университети

Тошкент давлат аграр университети

Кириш. Кейинги йиллари Қорақалпоғистон ҳудудида 5-6 йилда сув танқислиги бўлмоқда. Ҳозирги кунда кузатилаётган Оролбўйи минтақасида иқлимнинг ўзгариши шароитида деҳқончиликнинг сувга бўлган талабин такомиллаштириш, тупроқ хосса - хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирини аниқлашда табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ва иқлим шароитига мос келадиган янги, истикболли ғўза навларини мақбул суғориш муддатлари ва меъёрларининг тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Лаборатория ва дала тадқиқотлари тасдиқланган услублар бўйича амалга оширилди ҳамда ўларнинг таҳлилари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, Тошкент, 2007 йил). Тупроқнинг механик таркиби Н.Г.Качинскийнинг (М.П.Братчевнинг модификацияси) гексометафасфат натрий билан ишлов бериш услубида. Тупроқнинг макро ва микроагрегати таркиби Н.И.Савинова усулида, тупроқнинг ҳажм оғирлиги цилиндр усулида, тупроқнинг солиштирма оғирлиги пикнометр усулида, ғоваклиги ҳисоблаш усулда, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида, тупроқнинг дала нам сиғими 2,0 x 2,0 м бўлган майдоншаларда сув тутириш усулида, тупроқ намлик захираси термостада кептириш ва тарозида ўлчаш усулида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Жанубий минтақа жойлашган Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Тўрткул тумани тажриба хўжалигининг (№16-кесма) ва Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Чимбой тумани тажриба хўжалигининг (№28-кесма) суғориладиган ерларининг

агрофизикавий хоссаларини аниқлаш учун тажриба даласининг тупроқ кесмалари ер ости сувларигача ковланиб, уларнинг генетик қатламлари ажратилиб, тузилиши бўйича агрофизикавий хоссалари ўрганилди. Республикамизда кейинг йилларда бир қатор тез пишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касалликларга ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Янгидан яратилган ғўза навларини суғоришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, кенг майдонларга қўлланилмоқда.

Олиб борилган тажриба майдонларида ерта баҳорда, ҳар бир суғоришлардан кейин ва мавсум охирида тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари ўрганилди.

Тупроқнинг унимдорлигини белгиловчи асосий омилларидан бири, сув ўтказувчанлик, ҳажм оғирлиги, солиштирама вазн оғирлиги, ғоваклиги ва донадорлигидир. Тупроқнинг мақбул ҳажм массаси унинг намлик, озика, иссиқлик ва ҳаво режимини муқобиллаштиради, натижада ўсимлик яхши ўсиб ривожланади ва юқори ҳосил олишга қулай имконият яратилади. Мавсум давомида ғўзани парваришлашда агротехник тадбирлар тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзанинг мақбул муддат ва меъёрларда суғориш тупроқни юза қатламининг зичлашишини камайтириб, ғоваклигини оширади ва намлик сақлайди.

Олинган маълумотлари бўйича шимолий минтақаси ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг механик таркибида кумлоқ ва соз заррачаларининг кўплиги, жанубий минтақанинг ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг механик таркибида кум заррачаларининг кўплиги аниқланди. Тупроқнинг механик таркибидаги ўзгаришлар унинг агрофизикавий, агрохимёвий, сув ва туз режимларининг ўзгаришига олиб келади ва ғўзанинг суғориш тизимин аниқлашда тупроқ-иқлим шароитин ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ келади.

Тадқиқот олиб борилган майдонларда амал даври бошида тупроқларнинг донадорлиги аниқланиб борилди. Жанубий ва шимолий ўтлоқи тупроқларнинг макро ва микроагрегатларин аниқлаганимизда ўзига хос макро ва микроагрегатларга эга эканлиги маълум бўлди. Шимолий минтақанинг ўтлоқи-аллювиал тупроқларида 0-30 см чуқурликда макроагрегатлар 2,98%, микроагрегатлар 97,02% бўлди, жанубий минтақа тупроқларининг 0-30 см қатламида макроагрегатлар 4,10% ни, микроагрегатлар 95,90% ташкил этади.

1-жадвал

Ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг макро ва микроагрегатлар микдори

Минтақа	Тупроқ қатлами, см	Тупроқ заррачалари, мм, %			3-0,25 мм заррачалар микдори, %
		3-1	1-0,25	<0,25	
Шимолий	0-30	0,11	2,87	97,02	2,98
Жанубий	0-30	0,17	3,93	95,90	4,1

Ўзани суғориш билан ўтлоқи-аллювиал тупроқлардаги макро ва микроагрегатларнинг ювилишини ўрганганимизда амал даври оқирига келиб аграномик жиҳатдан қимматли бўлган заррачаларга (3,0-0,25 мм) суғориш меъёрлари таъсирида тупроқ донадорлиги 0-30 см қатламда 70,3-85,6% ни ташкил этади.

Жанубий минтақадаги ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг физикавий хоссалари (2017 й)

Тупроқ қатлами, см	Баҳорда			1-сувдан кейин			Амал даври охирида					
	Ҳажми й вазни, г/см ³	Солиштир ма вазни, г/см ³	Ғовакли ги, %	Ҳажми й вазни, г/см ³	Солиштир ма вазни, г/см ³	Ғовакли ги, %	ЧДНСга нисбатан 70-70-60%			ЧДНСга нисбатан 80-80-60%		
							Ҳажми й вазни, г/см ³	Солиштир ма вазни, г/см ³	Ғовакли ги, %	Ҳажми й вазни, г/см ³	Солишти рма вазни, г/см ³	Ғоваклиг и, %
0-10	1,30	2,74	52,6	1,38	2,74	49,6	1,38	2,73	49,5	1,36	2,78	51,1
10-20	1,34	2,74	51,1	1,35	2,74	50,7	1,40	2,74	48,9	1,34	2,74	51,1
20-30	1,35	2,72	50,4	1,34	2,73	50,9	1,40	2,73	48,7	1,34	2,75	51,3
30-40	1,32	2,72	51,5	1,34	2,71	50,6	1,38	2,70	48,9	1,38	2,70	48,9
40-50	1,35	2,70	50,0	1,38	2,70	48,9	1,40	2,71	48,3	1,40	2,70	48,1
50-60	1,33	2,70	50,7	1,35	2,70	50,0	1,38	2,70	48,9	1,38	2,70	48,9
60-70	1,31	2,70	51,5	1,30	2,68	51,5	1,40	2,69	48,0	1,39	2,70	48,5
70-80	1,34	2,70	50,4	1,32	2,71	51,3	1,40	2,70	48,1	1,39	2,69	48,3
80-90	1,42	2,70	47,4	1,40	2,70	48,1	1,40	2,70	48,1	1,40	2,69	48,0
90-100	1,40	2,68	47,8	1,40	2,70	48,1	1,40	2,71	48,3	1,40	2,70	48,1
0-30	1,33	2,73	51,3	1,35	2,74	50,7	1,39	2,73	49,1	1,35	2,76	51,1
0-50	1,33	2,72	51,1	1,36	2,72	50,0	1,39	2,72	48,9	1,36	2,73	50,2
0-70	1,33	2,72	51,1	1,35	2,71	50,2	1,39	2,71	48,7	1,37	2,72	49,6
0-100	1,34	2,71	50,6	1,35	2,71	50,2	1,39	2,71	48,7	1,38	2,71	49,1

Амал даврида тупроқ заррачаларининг ювилиши суғориш меъёрларига боғлиқ бўлиб, гектарига 600-800 м³ меъёрида суғорганнимизда агрегатлар муғдорига таъсир этмади, агар даврий суғориш меъёри гектарига 1000-1100 м³ бўлганда сувда ювилишига бардошли тупроқ заррачаларининг миқдори камайганлигидан ёки 0-30 см қатламда 70,1-72,3% бўлганлигидан маълумот беради.

Бу тупроқларнинг ҳажм вазнига, солиштирама оғирлиги ва умумий ғоваклигига даврий суғориш меъёрларининг таъсирини ўрганганнимизда амал даври бошида ҳайдов қатламида ҳажм вазни 0-30 см дан 0-70 см гача 1,33 г/см³ ни, 0-100 см да эса 1,34 г/см³ ни, биринчи сувдан кейин 0-30 см чуқурликда 1,35 г/см³, 0-50 см да 1,36 г/см³, 0-70 см да 1,35 г/см³ ва 0-100 см да 1,35 г/см³ бўлди, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғорилганда амал даври охирида 0-30 см да ва 0-100 см да ўртача 1,39 г/см³ ни ташкил этиб, ЧДНСга нисбатан 80-80-60% суғорилганда 0-30 см да 1,35 г/см³, 0-50 см да 1,36 г/см³, 0-70 см да 1,37 г/см³ ва 0-100 см да 1,38 г/см³ бўлди.

Солиштирама вазни барча қатламларда 2,68-2,78 г/см³ оралиғида тебираниб турди.

Ғоваклик суриш қатламларда юқори бўлиб, қўйи қатламларда унинг миқдори 47,4-48,3% бўлган бўлса, кузда энг яхши кўрсаткиш суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60% суғорган вариантнимизда ўртача 0-30 см қатламида 51,1% ни, 0-50 см қатламида 50,2% ни, 0-70 см қатламида эса 49,6% ни ва 0-100 см қатламида 49,1 % ни ташкил этди. (2-жадвал).

Жанубий минтақа тупроқларнинг ғоваклиги шимолий минтақага тарқалган тупроқларга нисбатан бироз юқорилиги маълум бўлди. Бу минтақада ҳам тупроқларнинг ҳажм вазни, солиштирама оғирлиги ва ғоваклиги суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % га нисбатан 80-80-60 % бўлганда нормал ҳолатда бўлди.

Демак тупроқларнинг механикавий таркибидаги заррачаларнинг ўзгариши унинг кўп хоссаларини белгилайди. Тупроқнинг агрофизикавий хоссаларининг ўзгаришига олиб келади ва ғўзанинг суғориш тизимини аниқлашда Қорақалпоғистоннинг тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ келади.

Хулосалар. Юқоридаги маълумотларни таҳлил этиб хулоса қилганнимизда турли суғориш тизимлари, ўтлоқи-аллювиал ерларида ғўзанинг суғориш тизимини боғлиқ тупроқнинг ҳажм массаси, солиштирама оғирлиги ва ғоваклиги ўзгариб боради. Ғўзанинг суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан 80-80-60% тартибида ўтказганнимизда тупроқнинг агрофизикавий хоссалари макбул даражада бўлганлиги кўзатилди.

Адабиётлар.

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент, 2007. -44-46 бетлар.
2. Дурдиев Н. Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқ агрофизик хоссаларининг ўзгариши. AGRO ILM-O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI Тошкент,-2018 й. №2 (52) 6-80-82.
2. Качинский А.А. Физика почвы. – Москва, Высшая школа, 1965. – С. 22-28.
3. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. – СоюзНИХИ. – Тошкент, 1973. – С. 1-225

Abstract

Our field experiments conducted in 2017-2019 at the Karakalpak Agricultural Scientific Institute and at the Turtkul branch of the Karakalpak Agricultural Scientific Institute differed in terms of agrophysical composition of soils. By the end of the application period, macro- and micro-aggregates, volume weight and porosity were maintained at a normal level of 70-70-60% in our variants, where the pre-irrigation soil moisture was 80-80-60 relative to the limited field moisture capacity.

**ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИГА СУҒОРИШ
ТАРТИБЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Мамбетназаров Б.С, Кунназаров У.Б, Ҳабибуллаев А.

Қорақолпоқ давлат университети

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Кириш. Республикамизда турли хил тежамкор технологияларни қўллаш бўйича сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув истеъмолчи уюшмаларнинг сувга бўлган талабин қаноатланиши ва ишонишлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан Қорақолпоғистон ҳудудида экилаётган ғўза навларини суғориш тизимини аниқлаш ва сув истеъмолчи уюшмаларга такомиллаштирилган суғориш тизимини ишлаб чиқиш зарурати бўлмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсивусулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаётфаолиятига салбий таъсирини юмшатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қорақолпоғистон Республикаси вазирлар кенгашининг 2017 йил 21 ноябрдаги 245-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат этади.

Ишнинг мақсади. Қорақолпоғистон Республикаси ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитига мос келадиган такрорий экин сифатли ҳосил берадиган янги **маккажўхори** навларини мақбул суғориш тизимини ҳамда сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш.

Материал ва методлар. Республикамизда кейинги йилларда бир қатор тез пишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касалликларга ва зараркунандаларга бардошли янги маккажўхори навлари яратилмоқда. Мазкур маккажўхори навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Янгидан яратилган маккажўхори навларини суғоришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, кенг майдонларга қўлланилмоқда. Маккажўхорининг суғориш усулларини тупроқни агрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш мақсадида 2019-2020 йилларда Қорақолпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба далаларининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Олиб борилган тажриба майдонларида эрта баҳорда, ҳар бир суғоришлардан кейин ва мавсум охирида тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари ўрганилди.

1-жадвал

Тажриба даласининг тупроғининг сув сиғимлигини аниқлаш

Тупроқ катламлари, см	24.04.2019	26.04.2019	28.04.2019	Уртача гр
0-10	25,3	22,7	22,4	23,5
10-20	23,1	21,9	20,4	21,8
20-30	21,4	20	22,1	21,2
30-40	21,7	19,5	20,4	20,5

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 08.02.2017.

40-50	20,7	19,2	18,3	19,4
50-60	20,1	20,2	21,9	20,7
60-70	25	24,7	24,5	24,7
70-80	26	24,8	24,9	25,2
80-90	24,4	24,6	25,7	24,9
90-100	24,5	23,8	23,5	23,9
0-30				22,2
0-50				21,3
0-70				21,7
0-100				22,6

Эрта баҳорда дала тажрийба майдонининг тупроқларининг тўлиқ дала нам сиғимини аниқлаш 2x2 майдончага чеккалари 30 см бийикликда поллар олиниб 400-450 литр сув қуйилди. Сўнг усти пакет билан бекитилди. Ҳар икки кундан ҳар 10 см.дан 1 метргача тупроқ намуналари олинди. Олинган тупроқ намуналари лаборатория шароитида термостатда 6 соат давомида 105⁰ С да қуритилди. Таҳлил натижалари қуйдагича бўлди. Тўлиқ дала нам сиғимини аниқлаганимизда ўртача 0-30см.да 22,2 гр, 0-50 см.да 21,3 гр, 0-70 см.да 21,7 гр ва 0-100см.да 22,6 гр ни ташкил этди.



1-расм. Тажриба даласининг тупроғининг тўлиқ дала нам сиғими

Тупроқнинг унимдорлигини белгиловчи асосий омилларидан бири, сув ўтказувчанлик, ҳажм оғирлиги, солиштирама вазн оғирлиги, ғоваклиги ва донодорлигидир. Тупроқнинг мақбул ҳажм массаси унинг намлик, озиқа, иссиқлик ва ҳаво режимини муқобиллаштиради, натижада ўсимлик яхши ўсиб ривожланади ва юқори ҳосил олишга қулай имконият яратилади. Мавсум давомида маккажўхорини парваришлашда агротехник тадбирлар тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади.

Маккажўхорининг мақбул муддат ва меъёрларда суғориш тупроқни юза қатламининг зичлашишини камайтириб, ғоваклигини оширади ва намлик сақлайди.

Тажриба даласи тупроғи механик таркибига кўра енгил, қўйи томонга оғирлашган, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар бўлиб, кўчсиз ва ўртача даражада шўрланган. Сизот сувлари жойланиш сатҳи амал даврининг бошида 1,7-2,0 м, амал даврининг охирида 2,3-2,6 м атрофида бўлди.

Тажриба 6 вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда олиб борилди. Ҳар бир вариантнинг майдони $4,8 \cdot 100 = 480$ м² ташкил этиб, 1 яруста жойлаштирилди. Тажрибанинг умумий майдони эса 2,67 га.ни ташкил этди.

Тажриба даласида тупроқнинг ҳажм массаси, солиштирама оғирлиги ва ғоваклиги амал даври бошида умумий фонда ва охирида вариантлар бўйича аниқланди.

Натижалар ва муҳокамалар. Илмий тадқиқотлардан олинган натижаларга кўра амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламида 1,48 г/см³, 0-50 см қатламида 1,58 г/см³, 0-70 см қатламида 1,76 г/см³ ни ташкил этган бўлса, 0-100 см қатламида бу кўрсаткиш 1,69 г/см³ га тенг бўлиб, солиштирама оғирлиги 0-30 см

қатламида 2,68 г/см³, 0-50 см қатламида 2,68 г/см³, 0-70 см қатламида 2,67 г/см³ ва 0-100 см қатламида 2,68 г/см³ ташкил этиб, ғоваклиги 0-30 см қатламида 47,5, 0-50 см қатламида 43,5, 0-70 см қатламида 44,2 ва 0-100 см қатламида бўласа 46,9 % ташкил этди.

Амал даври охирида маккажўхори навларини ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида 1-2-0 тизимида суғорилган вариантларда тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,35, 0-50 см қатламда 1,38, 0-70 см қатламда 1,36, 0-100 см қатламда эса 1,34 г/см³ ни, солиштирма оғирлиги 0-30 см қатламида 2,47 г/см³, 0-50 см қатламида 2,43 г/см³, 0-70 см қатламида 2,42 г/см³ ва 0-100 см қатламида 2,46 г/см³ ташкил этиб, ғоваклиги 0-30 см қатламида 48,0, 0-50 см қатламида 46,7, 0-70 см қатламида 44,5 ва 0-100 см қатламида бўлса 43,1 фоизни ташкил этди. ЧДНСга нисбатан 80-80-60% суғориш тартибида 1-3-0 тизимида суғорилган вариантларда тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,36, 0-50 см қатламда 1,38, 0-70 см қатламда 1,44, 0-100 см қатламда эса 1,49 г/см³ ни, солиштирма оғирлиги бўлса 0-30 см қатламида 2,75 г/см³, 0-50 см қатламида 2,64 г/см³, 0-70 см қатламида 2,63 г/см³ ва 0-100 см қатламида 2,60 г/см³ ташкил этиб, ғоваклиги 0-30 см қатламида 41,1, 0-50 см қатламида 46,4, 0-70 см қатламида 44,7 ва 0-100 см қатламида бўласа 44,2 фоизни ташкил этди.

Хулоса. Шўрланган ўтлоқи-аллювиал ерларида маккажўхорининг суғориш тизимига боғлиқ тупроқнинг ҳажм массаси, солиштирма оғирлиги ва ғоваклиги ўзгариб боради. Маккажўхорининг суғориш тизимин ЧДНСга нисбатан 80-80-60% тартибида ўтказганимизда тупроқнинг агрофизикавий хоссалари макбул даражада бўлганлиги кўзатилди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 08.02.2017.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007.Б.
3. Агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик анализларни аниқлаш услублари,- ЎзПИТИ, 2000.

Abstract.

The article provides information on the conduct of scientific research in the conditions of meadow-alluvial soils of the experimental fields of the Karakalpak Agricultural Research Institute in 2019-2020. When we determined the agrophysical properties of the soil of the experimental field in 2019, it was found that in the early spring the porosity was higher in the stratum layer, while in the autumn the irrigation regime remained normal. Experimental testing In 2019-2020, the Karakalpak Agricultural Research Institute conducted research in the experimental fields. The experimental field soils are light in mechanical composition, heavier on the sheep side, meadow-alluvial soils, immobile and moderately saline. The article cites the results of the experiment. In the experimental field, the volumetric mass, specific gravity and porosity of the soil were determined on the general background at the beginning of the application period and on the options at the end.

Keywords: Soil porosity, soil volume weight, specific gravity, agrophysics, meadow-alluvial soils

К ВОПРОСУ АНАЛИЗА МЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАСТИТЕЛЬНЫЙ ПОКРОВ ДЕЛЬТЫ АМУДАРЬИ

Мамутов Н.К.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Введение. В современных условиях на формирование растительного покрова дельтовых равнин низовьев Амударьи, в первую очередь значительное влияние оказали климатические изменение, антропогенной нагрузки и а также естественные процессы. В настоящее время, в связи с увеличением антропогенной деятельностью на всем Земном шаре и ее экосистемы претерпевают постоянные изменения и отклонения от своего природного состояния. Эти постоянные антропогенные изменения всегда

происходят на фоне общей длительной динамики экосистемы, вызванной совокупным воздействием комплексных факторов [1,2,4]. В то же время нарушения часто инициируются незначительными воздействиями ограниченного характера, на первый взгляд и в начале отмечаются на небольших органических участках, которые со временем, при определенных условиях, могут увеличиваться в размерах, образуя значительные территории.

В связи с этим для прилегающих территорий важнейшими в настоящее время являются климатические изменения и антропогенной нагрузки, в то время как, для дельтовых экосистем изменения гидрологического режима являются определяющими фактором [1,3,5,6]. В естественных условиях гидрологический режим реки Амударья формирует режим грунтовых вод в пойме и водный режим пойменных биотопов, возникновение и функционирование экосистем, в то время, как на внепойменных территориях динамика экосистем полностью зависит от климатических изменений и антропогенной нагрузки [2,5]. До настоящего времени в научной литературе нет полной ясности, являются ли современные климатические изменения следствием глобального антропогенного воздействия или это лишь естественные флуктуации климата земли. Однако сегодня уже известно, что факторы, так называемого косвенного или регионального антропогенного воздействия, приводят к полной смене одних экосистем на другие. Таким образом, по этому анализ климатических изменений в применении к оценке и прогнозу динамики экосистем как, так и дельтовых пустынных территорий, является сегодня является важной задачей, решение которой будет способствовать не только сохранению естественных экосистем, но сможет способствовать также ориентации некоторых отраслей народного и сельского хозяйства.

Методика исследований. В естественных условиях различные сообщества организмов имеют, как правило, различную толерантность к изменению условий местообитаний, а отдельные виды обладают значительной пластичностью к экстремальным гидрологическим и климатическим значениям, которые выработаны в процессе продолжительной эволюции, в этой связи ведущую роль в жизни экосистем играют средние величины, а предельно допустимые максимальные и минимальные значения основных лимитирующих факторов среды, который определяют диапазон их выживания. В связи с этим в данной работе выполнялось для целей оценки состояния и динамики наземных дельтовых экосистем Амударья, анализу подвергались только среднегодовые и среднемесячные метеорологические величины, а также абсолютные годовые и месячные максимальные и минимальные их значения.

В ходе выполнения данной работы мы использовали методы исторических, экологических и географических аналогов, методы геоботанической индикации, сравнительно-морфологический метод изучения почвенных профилей и другие. Информация, накапливаемая по различным направлениям в форме различных таблиц Excel и Word, стала частями гидрологической, климатической, геоботанической и почвенной баз данных, для анализа которых использовались методы статистической обработки.

Основные результаты. На основе проведенного анализа данных установлено, что с конца 2002 года в дельте Амударья отмечаются климатические аномалии, ранее не имевшие место: многократное увеличение количества выпадающих осадков, возникновение поздних весенних заморозков, летних ливней. В связи с этим, учитывая важную роль климата в развитии процессов современного переувлажнения и засоления почв, а также появление в последнее время большого количества работ, касающихся существенных климатических изменений были выполнены исследования с целью установить наличие возможных климатических изменений в регионе [2,3,4]. Оценке были подвержены основные для наземных экосистем параметры за многолетний период с тем, чтобы в дальнейшем определить реальную возможность современного существования дельтовых экосистем, а также выявить объективные климатические условия и возможность корректирования сроков проведения опытных экспериментальных исследований по восстановлению растительности на экологически

дестабилизированных экосистемах [3, 7, 8].

В этой связи статистический анализ проводился на основе суточных данных метеостанций наиболее приближенных к региону дельты Амударьи, входящих в состав глобальной международной сети метеорологических данных метеостанции Чимбай (Каракалпакия; 42.9°с.ш., 59.8°в.д.).

На основе анализа многолетних климатических данных за длительный период позволил установить, что основной тенденцией в сезонном перераспределении осадков является их повышение зимой и осенью. При этом в дельте Амударьи характерно увеличение количества атмосферных осадков в зимне-весенний период, а также удлинение периода их выпадения с марта-апреля вплоть до мая – июня, чего абсолютно не наблюдалось ранее.

В многолетней динамике температур воздуха региона в дельте Амударьи наблюдается существенное достоверное повышение их средних значений на 0.6-3.6°С их абсолютных минимальных годовых и сезонных значений на 1.5-7.2°С, а также повышений их абсолютных максимальных значений за теплое и по отдельным сезонам года на 0.9-4.1°С.

Многолетние изменения в распределении осадков и температуры воздуха в дельте Амударьи выявленные на основании анализа их трендов, оказались чрезвычайно сходными: они направлены на ощутимое усиление летней жары, удлинение теплого времени года, а также потепление и повышение годового атмосферного увлажнения, за счет холодного полугодия, а также зимнего и осеннего сезонов года [3,7,8].

В результате анализа индексов засушливости показал, что в дельте Амударьи повышется тенденция, связанная с потеплением и иссушением в годовом цикле за счет соответствующих изменений как в холодном, так и в теплом полугодиях, преимущественно осенью, зимой и весной. При этом максимальные однонаправленные изменения происходят осенью, а также летом.

В дельте Амударьи особенно существенное увеличение месячного количества осадков за 2002 и 2003 год произошло в июне. В июне 2002 года оно составило 13-кратное увеличение по сравнению с нормой 1937-1965 гг., т.е. по сравнению с периодом до развития Аральского кризиса, а в мае 2003 года – 7-кратное увеличение. Близкая ситуация характерна для апреля-мая 2002-2006 годов, а также для осенне-зимнего периода в отдельные годы 2002-2009 гг.

В связи с анализом многолетних трендов проводился также сравнительный анализ температурного режима и характера выпадения атмосферных осадков за последние годы (2002-2018 гг.) в сравнении с историческим периодом до развития Аральского кризиса по данным метеостанция Чимбай. Анализировались суммарное количество атмосферных осадков и средняя температура воздуха.

Многолетний анализ температурного режима в дельте Амударьи показал, что в последние годы (2002-2018 гг.) в распределении среднемесячной температуры воздуха отмечались определенные тенденции.

- существенное повышение фактических среднемесячных температур воздуха в зимний период. Даже несмотря на резкие погодичные колебания среднемесячных температур воздуха зимой, в зимние месяцы наблюдается общее потепление воздуха в среднем на 2.5°С по сравнению с периодом до активного антропогенного воздействия, которое особенно сильно проявляется в феврале (повышение на 2.4-5°С) и марте (повышение на 2.9-6.3°С)

- Наблюдалось существенное (в среднем на 2.2°С) похолодание фактических среднемесячных температур воздуха, в весенне-летний сезон (с апреля по июнь месяц) по сравнению с периодом до активного антропогенного воздействия (на 4-4.4°С в апреле, на 0.7-0.9°С в мае и на 1.4-1.5°С в июне).

- Зафиксировано значительное потепление в летне-осенний период с июля по ноябрь (2002-2018 гг.) по сравнению с периодом до антропогенного воздействия. Особенно заметное потепление отмечается осенью: в среднем на 5.5-5.8°С в октябре и на 1.2-2.9°С в ноябре. Летнее потепление существенно меньше по амплитуде и

достигает в среднем 1.2-2.2°C для разных месяцев (с июля по сентябрь).

В заключение необходимо отметить что, в дельте Амударьи достоверное значимое изменение климата сопровождается резкими быстрыми колебаниями геотермического режима от года к году, особенно заметными в холодный период, для которых характерны тенденции:

- значительного потепления в весенне-летне-осенний период (с мая по октябрь) на фоне общего годового потепления;

- периодического резкого колебания температур зимой (минимальных и среднемесячных) от очень низких ($t_{av}=-15.1C$, $t_{min}=-32.2C$) до высоких ($t_{av}=-1.0C$, $t_{min}=-12.3C$);

- периодического (через 2-5 года) резкого колебания увлажненности территории: от максимального (240-300 мм) до минимального (89 мм) суммарного годового количества атмосферных осадков.

Выводы

1. В настоящее время в дельте Амударьи изменения климата проявляются в значительном потеплении в весенне-летне-осенний период на фоне общего годового потепления, в увеличении количества выпадающих атмосферных осадков сопровождается резкими быстрыми колебаниями термического режима и увлажненности территории от максимальных до минимальных значений.

2. Для проведения практических экспериментальных работ по восстановлению кормовых угодий на экологически измененных территориях в дельте Амударьи повышение зимних температур, наряду с увеличением осадков зимой, можно рассматривать как положительный фактор, в то время как существенное снижение весенних температур наряду с многократным повышением сумм весенних атмосферных осадков и возникновением летних ливней является препятствием, затрудняющим проведение фитомелиоративных работ в связи с заморозками и образованием значительной солевой корки поверхности почвенного покрова.

3. В связи с антропогенной аридизацией территории, изменению климата и уменьшением речного стока рек Амударьи, погибающие тугайные леса, кустарниковые и травяные сообщества, вышедшие из режима затопления в связи с зарегулированием стока, необходимо преобразовывать в сорно-ксеро-галофитные продуктивные сообщества, путем посадки кустарников местных видов саксаула, кандыма и черкеза, а также терескена, житняка, мятлика и кейреука в деградирующих растительных сообществах.

Литература:

1. Бахиев А.Б., Новикова Н.М., Мамутов Н.К. Пастбища и сенокосы низовьев Амударьи. Нукус, Каракалпакстан. 1989. 68 с.
2. Золоткрылин А.Н. Климатическое опустынивание. М.: Наука. 2003. 246 с.
3. Кузьмина Ж.В., Трешкин С.Е., Мамутов Н.К. Влияние климатических изменений и полива на формирование растительности опытным путем в обсохшей части Аральского моря //Аридные экосистемы. — Т. 9. — №21. -2004. -С. 82-94.
4. Кузьмина Ж.В., Трешкин С.Е., Мамутов Н.К. Результаты опытного формирования естественной растительности на засоленных землях обсохшей части Аральского моря //Аридные экосистемы. Т. 12. -№29. -2006. - С. 27-39.
5. Мамутов Н.К. Трансформация луговой растительности в условиях аридизации Южного Приаралья. Автореф. дисс. на соискание степени кандидата биологических наук. — М, 1991. 22 с.
6. Новикова Н.М., Мамутов Н.К., Трешкин С.Е. Микроочаговые процессы при рассолении солончаковых почв //Микроочаговые процессы-индикаторы дестабилизированной среды. М., 2000. — С.133-139.
7. Трешкин С.Е., Бахиев А.Б., Мамутов Н.К. Результаты экспериментальных исследований по созданию галофитных пастбищ в Южном Приаралье. Часть 1 // Вестник ККО АН РУз. № 4. - 2008. - С. 103-108.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҶАСИДАГИ ЕЧИМЛАРИ

Махатова А. А.

Чирчиқ давлат педагогика институти

3-курс талабаси

Кириш. Ҳозирги кунда республикада олиб борилаётган улкан ислохотлар ва қурилиш тизимининг анчайин ривожланиб бораётгани мамлакатимизнинг катта ютуғи ҳисобланади. Лекин, бу ривожланишлар кичик-кичик экологик муоммоларни вужудга келтириб чиқармоқда.

Ҳаммага маълумки, республикада Экология партияси 2018-йили ташкил топган бўлиб, бошқа партияларга нисбатан ёш бўлганлиги сабабли ўз натижалари билан аҳоли ишончини қозонолмаяпти. Вужудга келаётган экологик муоммолар сони кундан-кунга ортиб, ўз ечимини топмай қолмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ўрмон ресурсларини камайиб бораётганлиги, Орол денгизи муаммосини халқаро миқёсга олиб чиқишимизга қарамай уни сақлаб қолмаётганлигимиз, ер ресурсларидан унумли фойдалана олмаслигимиз оқибатида ерларнинг шўрланиши, интенсив боғларни тартибсиз жойлашиши оқибатида юзага келаётган экологик муаммолар, завод ва фабрикалардан чиқаётган чиқинди, кимёвий газлар ва ифлосланган сувларнинг аҳоли турмуш тарзига салбий таъсирларини олишимиз мумкин.

Ишнинг мақсади. Мамлакатимизнинг жами ер майдони 44 896,9 минг гектар. Шундан республика умумий ер майдонининг 25 фоизи, яъни 11 242,3 минг гектардан ортиғи ўрмон фондига тўғри келади.

Ўзбекистонда ўрмон билан қопланган майдоннинг 2,300 минг гектардан ортиғи ёки 81 фоиз чўл ҳудудидаги саксовулзор ва бутазорлардан, 447 минг гектари ёки 16 фоиз тоғ ва адирлар, қолган 3 фоизи водий ва тўқай ўрмонзорларни ташкил қилади. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси томонидан ҳар йили республикада 42–45 минг гектардан ошқ майдонда янги ўрмонзорлар барпо қилинмоқда. Хусусан, 18 минг гектари Оролнинг қуриган тубида, 22 минг гектари Қизилқум чўлларида, 2–5 минг гектари тоғолди ва текисликларда экилади. Ўрмон барпо қилиш мақсадида ҳар йили 45 млн. дона ниҳол ва кўчат, 300 тоннадан ортиқ уруғ тайёрланмоқда. Экилган дарахтларни 30–35 минг гектари ўрмон билан қопланган майдонга ўтқазилади. Ушбу кўрсаткич, республикаимизнинг умумий майдонига нисбатан ҳисобланганда бор йўғи 0,07 фоизни ташкил қилмоқда. (1)

Ўрмонлар – табиат учун ҳам, инсоният учун ҳам кенг маънода жуда ҳам керакли манбаа ҳисобланади. Масалан, ўрмонлар тоза сувни сақлаб туради, тупроқдаги, қолаверса ҳаводаги намликни барқарор ушлаб туради, бундан ташқари, ўрмонларда ўсадиган мева ва доривор ўсимиклар нафақат ҳайвонлар учун, балки инсонлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари ҳайвон турларини сақлашда, популяцияни барқарор ушлаб туришда ҳам ўрмоннинг аҳамияти катта.

Шу билан бир қаторда, ўрмон хўжалигининг ҳам ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бор. Буларга:

- Ҳозирги кунда дунё бўйлаб содир бўлаётган салбий экологик вазиятларни республикаимиз бўйлаб содир бўлишига йўл қўймаслик;
- Экологик муаммолар юзага келган тақдирда ҳам минимал даражада уларни табиатга ва инсониятга салбий таъсирини камайтириш;
- Республикаимизда экологик вазиятларни яхшилаш;
- Бетақдор табиатимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш;
- Ҳайвонот оламининг ўзига хос ноёб турларини сақлаб қолиш;
- Популяцияни барқарорлаштириш;

Статистик маълумотларга қарасак, ҳар йили республикада ўрмон хўжалиги томонидан 42 минг гектар ер майдонида ўрмон барпо этиш ишлари амалга оширилади. Ушбу келтирилган ер майдонининг 39 минг гектари чўл минтақасига тўғри келади. Шу жумладан, Орол денгизининг қуриган қисмидаа 17 минг гектар майдонга чўл ўсимликларидан сунъий ўрмонзорлар ташкил этилмоқда. Бундай сунъий ўрмонзорларни ташкил этиш учун чўл ҳудудларида ўсувчи, шўрга ва иссиққа, қаттиқ қурғоқчиликка чидамли бўлган саксовул, черкез, қандим каби ўсимлик турларидан фойдаланиб келинмоқда.

Материал ва методлар. Республикада худудида жойлашган Орол муаммоси долзарб бўла туриб, бу муаммонинг қисман бўлса ҳам бартараф этилиши бўйича олиб борилаётган максимал ҳаракатлар қувонарли ҳол, албатта. Лекин инсоният ушбу муаммоларни вужудга келишига бевосита ва билвосита сабабчи бўлганидек, уларни бартараф этишга ҳам қаттиқроқ киришиши керак.

Масалан, агар инсон онгига экологик муаммоларни нақадар дахшатли оқибатларга олиб келишини аниқроқ ва вақтлроқ сингдирилмаса, бу қилинаётган барча ишлар керакли даражада самара бермайди. Инсоният аввало экологик билимларни таълим соҳасидан бериб боришни бошлаши керак.

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан республикада таълим тизимида бир қатор ўзгартириш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, билим даргоҳимизнинг пойдевори хисобланган мактабларимизда ҳам бир қатор янгиликлар, ўзгаришлар кузатилмоқда. Шундай ўзгаришларга мисол қилиб, юқори синфлар яъни 10-11 синфларнинг қайтадан жорий этилишини олишимиз мумкин. 10-11 синфларнинг қайтадан очилиши таълим тизимида бир қатор қийинчиликларни юзага келтиргани ҳам рост. Сабаби, айнан юқори синфлар яъни 10-11 синфларда ўтиладиган мавзуларнинг давомийлиги, ўқув дарсликларининг сифати кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Шу аснода кўпчилик фанларда фанларнинг давоми сифатида янги китоблар, янги боблар ўқув тизимида кириб келди. Бундай ўзгаришлар экология фанини ҳам четлаб ўтмади. Экология 11-синф дарслигидан ўрин олиб, биология фанининг бўлаги бўлиб қолди.

Экологиянинг фан сифатида алоҳида синфларга ўтилиши жуда қувонарли ҳол албатта, лекин биологиянинг ажралмас қисми бўлиб қолиши бироз ачинарли. Савол туғилади, нега Экология республикада 1-синфдан бошлаб ўқитилмайди? Ёки юртимизда экологик аҳвол шунчалик қониқарлими? Ахир бутунжаҳон глобал муаммосига айланган –“Орол денгизи” муаммоси айнан республикада худудида жойлашганку? Ҳозирги кунда шу муаммога жаҳон экспертлари жуда оғриқли муносабат билдиришмоқда. Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти атрофида кучли тери касалликлари, бўқоқ, қон босими, болаларнинг ногирон туғилиши бизни нега бунчалик бефарқ қолдирмоқда? Ҳавода кучли оғир металлларнинг кўпайиши нафас тизими касалликларига олиб келмоқда. Атрофимизда шунчалик аянчли экологик муоммолар мавжуд бир пайтда, Экология фанининг бошланғич билим даргоҳимиз бўлмиш мактабларимизда фақат 11-синфдагина ўтилишини қанчалик тўғри деб баҳолаймиз?

Экологияни математика, она-тили, мусиқа каби фанлар қаторида бошланғич синфдан ўтилиши болаларда бошланғич экологик билимларнинг тўғри тадбиқ қилинишида катта ёрдам беради. Агар чуқурроқ олиб қаралса, экологиянинг бошланғич тушунчалари атрофимизда содир бўлаётган барча нарсаларга эътиборни кучайтиради. Мисол учун, ҳаммага маълум бўлган айтилавериш сийқаси чиқиб кетган мавзу- “Ахлат қутилари” мавзуси. Нега шунча тушунчалар, шунча фикрлар, шунча гаплардан сўнг ҳам шаҳар ва туманларда ахлатлар кўча-кўйларда, йўлларнинг устида ётибди? Нега шунча сарф-харажатлар билан олинган, ўрнатилган ахлат қутилари ёки бузиб ташланмоқда, ёки ўғирлаб кетилмоқда? Биргина Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрини мисол қилиб оладиган бўлсак 2017-2018 йиллар ҳисобида шаҳар ҳокимияти тасарруфи билан Чирчиқнинг деярли барча одамлар гавжум кўчаларига, бозор, кафе ва дўконлар атрофларига, бекатларга, мактаб, лицей, коллеж ва институтлар яқинига ахлат қутилари ўрнатилган. Буларнинг барчасига ҳокимлик ва бошқа мутассадди ташкилотлар

томонидан катта микдорда пул маблағи ажратилган. Лекин, афсуски хали тўлик ўрнатиш ишлари якунланмасидан ахлат кутилари инсонлар томонидан юлиб олинган, ўғирлаб сотиб юборилган. Хўш, нега шундай? ...

Экология фанини алоҳида фан сифатида бошланғич синфлардан жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шу даврдан бошлаб, болаларга атроф-муҳитга, табиатга муҳаббат уйғонишини таъминлаш, уни асраб-авайлаш кераклиги тўғрисидаги тушунчаларни сингдириб бориш лозим. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати орқасида мудҳиш ходисалар содир бўлаётганини таҳлил этишга ўргатиш лозим. Куз ойларида ҳар кунги кузатадиган бир мисол – баргларни ёқиб юбориш мавзусини олайлик. Баргларни ёқиб юбориш нафақат инсон саломатлигига балки табиатга ҳам ножўя таъсир кўрсатади. Барг таркибида органик модда глюкоза бор. Ҳар қандай органик модда кучли температура таъсирида ўзидан сув, азот оксиди ва карбонад ангидрид газини чиқаради. Лекин, баргни республикамизда жуда кучсиз оловда намланган ҳолатда ёқишади. Бу ундан юқорида курсатилган моддалардан ташқари инсон соғлиғи учун зарарли бўлган токсинлар ажралиб чиқишига олиб келади. Дарахтларда кечаётган ҳар хил касалликларда ҳам баргнинг ўз ўрни бор. Негаки, дарахт ўсади, мева солади, мева пишади, инсон уни териб олиб ўз эҳтиёжига ишлатади. Кузда ҳазонрезгилик рўй беради, инсонлар уни йиғиб ёқиб юборишади. Биологик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ҳазон чириб ўсимликларга озуқа бўлиб хизмат қилиши керак. Демак инсон ўсимликларни озуқасиз қолдирмоқда. Бу табиатнинг ўз-ўзини янгилаб бориш схемасининг бузилишидир. Юқорида келтирилган фактларнинг ҳаммаси бу экологик билимнинг шаклланмаганлигидан далолат беради.

Ўқувчиларга бошланғич синфлардан экология ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларини ошириб бориш, мактабларда экология фанини алоҳида фан сифатида бошланғич синфдан ўқитиш, умумий ўрта таълимнинг барча синфларида, керак бўлса ҳамма фанларнинг ичига экологик билимларни киритиш орқалигина биз экологик тоза мамлакатни барпо эта оламиз. Япония-дунё бўйича “Энг экологик тоза” мамлакат саналади. Сабаби, уларнинг таълим тизимида ҳам ўқувчиларга ёшлик давридан бошлаб атроф-муҳитни асраб-авайлаш, тоза сақлаш каби тушунчалар бериб борилади. Япония фуқоролари ўзи истиқом қилаётган ҳудудни доим озода сақлайдилар. Уларда чиқиндини қайта ишлаш тизими ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Чиқиндиларнинг келиб чиқишига қараб, улар алоҳида сақланади. Завод ва фабрикалардан ажралиб чиқаётган газни ҳавога филтрлаб берадиган филтрлари мавжуд. Республикамиз иқтисодиётини асосини ташкил этувчи заводларимиздан ажралиб чиқаётган зарарли моддалар ҳавога тўғридан-тўғри йўналтирилиб юборилмоқда. Қоидага кўра, завод ва фабрикалардан ажралиб чиқаётган зарарли моддаларни филтрлаш лозим. Бу ҳам юртимизда “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” доирасидаги ташкилотларнинг етарлича ишламаётганлигидан далолат беради. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” доирасидаги ташкилотлар заводларни доимий назоратга олиши орқали бу муаммоларни қисман ҳал этишимиз мумкин.

Хулоса. Экология биология фани билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам мактабларда ўтиладиган – 5-6 синфларда Ботаника, 7 синфларда Зоология, 8 синфларда Одам ва унинг саломатлиги ҳамда 9-10 синфлардаги Умумий биология фанларини ўқитишда ҳар бир бобда, ҳаттоки ҳар бир мавзуда экологияга оид тушунчаларни киритиш лозим. Масалан, 7 синфда зоология фанидан “Балиқлар” мавзуси ўтилаётган вақтда, ўқувчиларга балиқларни доимий овлаш уларни қирилиб кетишига сабаб бўлиши, 10 синфда органик оламнинг кимёвий таркибини ўрганиш давомида, тирик модда тушунчасини киритиш, тушунтириш, ҳар бир мавзуга экологик тушунчаларни тўғри татбиқ этиш - келажак авлодни юксак экологик билим билан таъминлашни кафолатлайди.

Ўз юртимизни “Яшил ўлкага” айлантирайлик. Безарар ва мусоффо ҳаводан тўйиб нафас олайлик. Ҳаммаси ўз қўлимизда. Юртимизни соғлом келажаги - бизнинг қўлимизда.

Мен Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Биология ўқитиш методикаси 3-курс талабаси Махатова Айдинай бундан бир йил олдин Тошкент

вилояти Қибрай туманида жойлашган 1-сон умумтаълим ўрта мактабининг 5- синф ўқувчилари учун “Экодунё” тўғарагини ташкил қилдим. Бу тўғарак орқали ўша ҳудуддаги ёшларни экологик билимларни ошириш ҳамда бўлажак ўқитувчи сифатида ўз касбий маҳоратимни ошириш мақсадида фаолман. Сизларни ҳам экологик жиҳатдан фаол бўлишга чақираман.

Адабиётлар:

1. Акимова Т.А. и др. Учебник для ВУЗов. М.: Юнити-дана, 2001. - 343 с.
2. Турсунов Х. «Экология» Тошкент 2005й.
3. Турсунов Х. «Барқарор ривожланиш» Тошкент 2009 й.
4. Шодиметов Ю.Ижтимоий экологияга кириш Т-1994й.
5. Эргашев А. Умумий экология Т-2003й.

Annotation

This article discusses some of the problems in the country, including the ecological crisis in the forest fund and the Aral Sea, people's indifference to the environment, the formation of basic ecological knowledge and skills of the younger generation and their solutions.

Key words. Ecology, Aral Sea, Forest Fund, Ecological Culture, Ecodunyo, Primary Ecological Education.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ: ЎТМИШ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Машарипов А. А.

Ургенч давлат университети

«Барқарор ривожланиш» нима эканлигини билиш учун унинг тарихига назар ташлаймиз. Мазкур концепцияни яратилиш тарихига чуқур назар ташлайдиган бўлсак, у айнан халқаро ҳамжамиятнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид ҳаракатларидан бошланганлигини кўриш мумкин.

Табиий муҳитнинг инқирозли вазиятда эканлигини тушуниб етган бир гуруҳ фан, маданият, маориф ва давлат арбобларидан иборат бўлган кишилар юзага келган салбий экологик оқибатдан чиқиб кетиш режасини ишлаб чиқиш мақсадида «Рим клуби»ни тузишди. “Рим клуби” аъзоларининг 1970 йилда «Ўсиш чегараси» китоби, фаолият ҳисоботи тариқасида, жуда кўп нашрда ва тилларда чоп этилди.

Унда замонамизнинг кўзга кўринган кишилари Ер қуррасидаги аҳолининг ўсишини табиий ресурслар имкониятига монанд равишда мўътадиллаштиришни таклиф этишади. Улар геометрик равишда кўпаяётган Ер юзи аҳолисини арифметик равишда кўпаяётган табиий бойликларнинг ресурс имкониятлари «кўтара олмаслиги»ни улар халқаро ҳамжамиятга тушунтирмоқчи эдилар.

Бундай «чегара билмайдиган» глобал экологик муаммолар бутун инсониятни ва айниқса, жадал ривожланаётган ҳамжамиятни зарбага келтирди. Мазкур турдаги экологик муаммоларга мисол қилиб Орол денгизининг қуриши, Чернобил АЭСсининг фалокатга учраши, Саҳрои Кабирдаги чўлланиш жараёнларининг кучайиши каби экологик инқирозли ҳолатларни олсак бўлади.

«Рим клуби»нинг ҳисоботи 1972 йилнинг 5 июнида Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида Бутунжаҳон «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» Конференциясини чақиритишга асос бўлди. Айнан Стокгольм Конференциясидан бошлаб давлатлар ўртасидаги муносабатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари алоҳида баҳс ва музокаралар мавзусига айланди. Эндиликда экологик муаммоларнинг ечимини топиш глобал миқёсдаги хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили эканлигини ҳамма тушуниб етган эди.

Стокгольм Конференцияси тавсияномасига биноан Бирлашган Миллатлар ташкилотининг (БМТ) Бош ассамблеяси Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (ЮНЕП) ташкилотини шакллантирди. Универсал халқаро ташкилотнинг қароргоҳи биринчи бор Африка қитъасида, яъни Кения пойтахти Найробиде шаҳрида жойлаштирилди. Конференциянинг очилиш куни (5 июнь) ҳар йили дунёда Бутунжаҳон атроф - муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Стокгольм конференцияси қарори билан Бутунжаҳон атроф - муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага БМТга аъзо барча давлатлар бадал тўловларини тўлаб туриш мажбурияти юкланди.

Дунё ҳамжамиятининг янги барқарор ривожланиш концепцияси биринчи мартаба 1987 йил БМТнинг Бутунжаҳон атроф - муҳит ва ривожланиш бўйича Комиссияси томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур Комиссия ўзининг Гро Харлем Брундтланд концепцияси деган номини олган «Бизнинг умумий келажагимиз» маърузасида ҳозирги авлод одамларини ҳаётий эҳтиёжлари қондирилишини келаси авлоднинг муносиб ҳаётга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиб, дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланиш концепцияси моделини яратди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил декабрь ойидаги 44/428-сонли резолюциясида барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида БМТнинг махсус конференциясини чақириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва у алоҳида мавзу тариқасида кўрилиб, кун тартибига киритилди. *Барқарор ривожланиш концепцияси – давлатлар ва бутун дунё ҳамжамиятининг хусусият, моҳият ва таркибий жиҳатдан бир меъёрда (стабиль) ривожлантирувчи қарашлар тизимидир.*

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида энг муҳим воқеа - 1992 йил 3-14 июнь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг «Атроф-муҳит ва ривожланиш»га доир конференцияси (АМРК) ҳисобланади. Чунки, унинг ишида дунёнинг 170 дан зиёд, жумладан Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан 7 давлат вакиллари иштирок этган ва унда 130 та давлатнинг ҳукумат бошлиқлари иштирок этишган.

Конференциянинг мақсади - давлатларнинг барқарор ривожланиши ва тинч-тотув яшашини таъминлаш учун экотизимларга тушадиган босимни камайтириш. Конференция иштирокчилари иккинчи минг йилликнинг тўқнашувида умуминсоний вазифалардан бўлмиш куйидаги уч асосий ҳужжатни:

- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланишга доир Рио Декларацияси;
- Ўрмонлардан оқилона фойдаланишни сақлаш ва уни ўзлаштириш мезонлари тўғрисидаги Баёнот;
- XXI аср кун тартибини ишлаб чиқдилар.

«Атроф-муҳит ва ривожланиш»га доир конференцияси (АМРК) Рио-92 Конференциясида қабул қилинган муҳим ҳужжат «XXI аср кун тартиби»дир. Ушбу юз йиллик дастур 4 бўлим, 4 боб ва умумий ҳажми 300 варақдан ортиқ капитал халқаро ҳужжатдир. Унда 2000 йил ва ундан кейинги юз йил ичида, Конференцияда, таклиф этилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, кўйилган мақсадга эришиш учун атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида барча инсоният куч ва ғайратининг асосий йўналиши батафсил ва атрофлича таърифланган. Унинг ҳар бир бобида атроф-муҳит муҳофазасига доир ўртага ташланган саволларни ечиш йўллари ва ривожланиш соҳалари кўрсатилган.

Йоханнесбург Саммити - барқарор ривожланишнинг глобаллашуви. Нуфузли «Атроф-муҳит ва ривожланиш» Конференциясининг 10 йиллигини сарб-ҳисоб қилиш мақсадида, яъни «Рио-10»дан сўнг, 2002 йилнинг 26 августидан то 4 сентябригача Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида БМТнинг «Барқарор ривожланиш» рукни остида Бутунжаҳон Саммити (БРБС) бўлиб ўтди.

Рио-92 (АМРК) дан фарқли ўлароқ ушбу Саммит давлатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг барқарор ривожланишига доир жиддий ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини топишга интилиш учун чақирилган эди. Саммитда ижтимоий ҳаётнинг экологик муаммолари давлат ва минтақаларнинг бир маромда ривожланишида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мўътадиллигини таъминловчи энг муҳим элементи сифатида кўриб чиқилди. Бутунжаҳон Саммитининг бошқа шунга ўхшаш учрашувлардан фарқи шунда эдики, унда иштирок этаётган давлатлар ва ҳукумат бошлиқлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлари, саноат ва бизнес вакиллари кўплиги ва хилма-хиллигидир. Марказий Осиё давлатларидан

Бутунжаҳон Саммитида Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон делегациялари ҳам қатнашди.

Бутунжаҳон Саммити қарорларини «бажариш режаси» принциплари барқарор ривожланишнинг уч таркибий қисми: иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига жавоб беради. Барқарор ривожланишнинг асосий вазифалари ва талаблари куйидагилар:

- қашшоқликни йўқотиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг барқарор бўлмаган моделларини ўзгартириш;
- иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг табиий ресурслар базасини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш.

Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссия маърузасида «Барқарор ривожланиш учун таълим келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятига таҳдид солмайдиган ҳолатни олдини олиш орқали иқтисодий, экологик ва ижтимоий соҳаларни қамраб олган кўп қиррали муаммоларни ўз ичига олади.

Шунингдек, БМТ ни Европа иқтисодий комиссиясининг 2005 йилда қабул қилинган барқарор ривожланиш учун таълим стратегиясида «Таълим, инсон ҳуқуқларидан бири бўлиши билан бирга, барқарор ривожланишга эришиш, самарали бошқарув, асосланган қарор қабул қилиш ва демократияни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир».

Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди, ўз сиёсатининг стратегик йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини ҳар тарафлама такомиллаштирди. Бугунги кунда Оролбўйи минтақасида халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган. Шу сабабли «атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш» Ўзбекистонда муҳим стратегик вазифага айланди. Бу эса экологик сиёсатни конструктив-рационал ташкиллаштириш, институционал тизимини такомиллаштириш усуллари, воситалари, йўллари илмий-назарий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Ўтмишда атроф-муҳит ҳолатига эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик Орол денгизи қуриши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби бир қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларни пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу муаммолар бугунги иқлим ўзгариши кузатилаётган бир шароитда янада яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлаётир. Шундай экан ҳозирги кунда Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўймоқда.

Ўтган йиллар мобайнида, мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида муайян тажриба орттирилди. Бироқ соҳадаги вазифаларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Бу эса давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этяпти.

Республикаимизда ўтган даврда ушбу вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар қилинди. Бу борада илк қадам сифатида жамоат ташкилотлари ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилди. Мазкур фуқаролик институтига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни учун квоталар ажратилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар ўз навбатида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишларида жамоатчилик иштироқи фаоллигини ошириш имконини берди.

Президентимиз 2018 йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, «...2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент қуйи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол

ва ташаббускор бўлиб ишлашни муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент куйи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамланишига хизмат қилади”.

Ташаббускорлар томонидан мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида тўпланган тажрибалар асосида янги сиёсий партияни ташкил этиш зарурати вужудга келгани, экологик сиёсий партиянинг асосий эътибори эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишни мамлакат ҳар бир фуқаросининг умумий ишига айлантиришга қаратилиши зарур эканлигини қайд этиб ўтдилар. Шу тариқа мамлакат тарихида ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси ва унинг вужудга келиши экология ва атроф-муҳит масалаларига бўлган эътиборни янада кучайтиришга замин бўлди.

Шундай экан, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг қулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилиш барқарор ривожланишнинг асосий гаровидир.

Adabiyotlar.

1. Barqaror kelajak sari. O'quv-metodik qo'llanma. -T : CHINOR ENK, 2013.
2. O'zbekiston Respublikasida atrof tabiiy muhit muhofazasi va tabiiy resurslardan foydalanishning holati to'g'risida Milliy ma'ruza (2002-2008 yy.). – T.: Chinor ENK, 2006.
3. Uzbekistan: na puti k ustoychivomu razvitiyu. Povestka dnya na 21 vek. T. 2002.
4. Xolmo'minov J.T. Ekologiya va qonun. –T.: “Adolat”, 2000.
5. Hamdamov I., Bobomurodov Z., Hamdamova E. Ekologiya. Toshkent, “Fan va texnologiya”. 2009.

Annotation

This article discusses the issues of sustainable development, its causes, founders, significance and processes of historical formation. They also talked about activities aimed at sustainable development today, about the work done in this direction in the country. It was also noted that in the current environmental situation in the region, sustainable development is important for the region.

Keywords: Sustainable development, conference, environmental issues, environment.

УДК 63

ВЛИЯНИЕ ЗЕРНОВО - БОБОВЫХ КУЛЬТУР НА ПЛОДОРОДНОСТЬ ПОЧВ

Мирзаев Л., Садуллаев А.

*НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии возделывания хлопка
Каракалпакский государственный университет*

Введение. В условиях Республики Каракалпастан сичтавшимся северным регионом достаточно не обоснован сроки использование минеральных удобрении и нормы по уходу посевов в системе севооборота. Поэтому остается актуальным определение направлении изменения процессов в почвах (агрохимический, агрофизический и мелиоративный) в данном регионе.

Особенно считается важной задачей разработка приемлемых нормативов использование минеральных удобрении для получения высокого урожая хлопчатника посеянных после основных посевных культур например, как подсолнух, кукуруза, кунжут, рис, соя и др. Потому что, в любых почвенно- климатических условиях севооборот посевных культур и агротехнология ухода не только влияет на агрофизические качества почв, но и на все другие качества например, как агрохимические и мелиоративные [4,5,6].

Поэтому мы поставили перед собой цель научно обосновать влияние приемлемых минеральных удобрении на плодородность хлопчатника после посева зерново- бобовых культур посеянных с целью повышения плодородности почвы на

территории Республики Каракалпакстан в регионе Приаралье. То есть, был проведен опыт посвященной приемлемой, удобряющей системе хлопчатника посеянных через год после посева культуры например, как озимые пшеницы, кукуруза, кунжут и соя в условиях лугово-аллювиальных почвах региона.

Методы исследования. Методы исследования были выполнены путем проведение полевых опытов. Проведение опыта, фенологическое наблюдения, взятие проб из почв и растения была проведена на основе методов “Методика полевых опытов” (Доспехов, 1985), “Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур” (1964) и “Методы полевых опытов” (2007)

Основные результаты. В проведенном опыте были посеяны сорта пшеницы “Краснодар-99”, сои “Орзу”, кунжута “Каршига” и подсолнуха “КК-60”.

С целью определения влияние посевных культур на гумус и активную форму НПК в составе почв в проведенных опытах была проанализирована количество обменного калия и активного фосфора, гумуса, нитратного и аммонийного азота в почвенных слоях по вариантам перед посевом и в конце периода срока действия этих культур. Агрохимические анализы взятых проб из почвы перед опытом показывают, что в глубине 0-30 см слоях почвы (обработанные) гумус составляют 0,797%, N-NH₄ - 10,2 мг/кг, N-NO₃ - 7,3 мг/кг, активный P₂O₅-28 мг/кг и обменный K₂O эса -118 мг/кг.

Полученный агрохимический анализ показывают, что степень обеспеченности питательными веществами в почвах проводимых опытов считаются низкой.




Рис. 1. Количество гумуса % в почве в конце срока действия зерново- бобовых и масляных культур

В варианте посева пшеницы на глубине почв (обработанные) 0-30см количество гумуса составляют 0,788%, N-NH₄ -10,2 мг/кг, N-NO₃-7,3 мг/кг.

То есть, в относительных анализах перед посевом (2018 -2019 гг.) в слоях почв 0-30см (обработанные) в варианте посева озимых пшениц, количество гумуса составляло 0,009%, а количество N-NH₄ понизился на 0,4 мг/кг, N-NO₃ - 0,2 мг/кг.

Но самое высокое понижение питательных веществ наблюдалось в варианте посева кукурузы, по исходным данным в слоях почвы 0-30см гумус составлял 0,782 %, -NH₄ -8,7 мг/кг, N-NO₃ - 6,8 мг/кг

Это показывают что у кукурузы усвоение питательных веществ из почвы выше по сравнению с другими культурами.

По исходным данным в варианте посева кунжута в слоях почвы количества питательных веществ понижена, но форма азота повышена на 0,2 мг/кг по сравнению с первоначальным количеством. Такое положение характеризуется с изменением формы азота

В варианте посева сои наблюдается выше указанные анализы. То есть в конце срока действия в слоях почвы 0-30см наблюдается самое высокое количество питательных веществ (количество гумуса 0,799%, N-NH₄ -10,9 мг/кг, N-NO₃ -7,6 мг/кг).

Эти цифры показывают, что относительно по исходным данным количество гумуса повышается на 0,002%, а N-NH₄ на 0,7 мг/кг, N-NO₃ на 0,3 мг/кг.

Мы такое состояние прокомментируем, что этот вид культуры по сравнению с другими видами не только сохраняет питательные вещества в почве, но при использовании приемлимой агротехники могут быть влиять на повышение плодородности почвы.

Выводы

1. Агрохимические анализы взятых проб из почвы перед опытом показывают, что в глубине 0-30 см слоях почвы (обработанные) гумус составляют 0,797%, N-NH₄ -10,2 мг/кг, N-NO₃ – 7,3 мг/кг, активный P₂O₅–28 мг/кг и обменный K₂O эса -118 мг/кг.
2. В варианте посева пшеницы на глубине почв (обработанные) 0-30см количество гумуса составляют 0,788%, N-NH₄ -10,2 мг/кг, N-NO₃-7,3 мг/кг.
3. В варианте посева кунжута в слоях почвы количества питательных веществ понижена, но форма азота повышена на 0,2 мг/кг по сравнению с первоначальным количеством.
4. В варианте посева сои в конце срока действия в слоях почвы 0-30см наблюдается самое высокое количество питательных веществ (количество гумуса 0,799%, N-NH₄ -10,9 мг/кг, N-NO₃ –7,6 мг/кг).

Литература :

1. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент, 1963. -439 с.
2. Методика Госсортоиспытания сельскохозяйственных культур. –М.: Колос, 1964. –184 с.
3. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Издание 5-е, Ташкент, 1977.
4. Турсунходжаев З.С. Научные основы севооборотов на землях Голодной степи. Из. “Узбекистан”, Ташкент, 1972.
5. Расулов А. После промежуточной культуры. // ж. Сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент 1987 г., №2. стр. 18.
6. Реймов Н.Б. Приемы вовышения плодородия почвы и продуктивности хлопковых севооборотов на засоленных почвах Каракалпакистана. Автореферат диссертации канд. с.-х. наук: 06.01.01. Ташкент, 1993.

Abstract

The article was scientifically analyzed a large number of nutrients in the treated layers of soil (0-30 cm) at maturity effect of soy, according to the study systems of cotton and soybean in rotation of crops on the territory of the Aral Sea in the Republic of Karakalpakstan. The increase in the amount of humus by 0.002%, -NH₄ by 0.7 mg/kg and N-NO by 0.3 mg/kg at the end of the season relative to the primary agrochemical indicators of soils was scientifically justified.

Keywords: sunflower, corn, sesame, rice, soy, mineral fertilizers, standards, development.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЕР ОСТИ СУВ РЕСУРСЛАРИ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ

(Сирдарё вилояти ер ости сув ресурслари мисолида).

Одилов С.А., Кулматов Р.А., Мирзалиев М.А.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

Кириш. Сув ресурслари инсон ресурсларини ривожлантириш ва инсон саломатлиги ва фаровонлиги учун ҳамда ва барқарор ривожланиш мақсадларига ва бошқа ижтимоий, экологик ва иқтисодий мақсадларга еришиш учун муҳим манбадир [1].

XX асрнинг охириги чорагида ўртача йиллик ҳароратнинг глобал ўсиши ёғингарчилик ва буғланишнинг ўзгаришига олиб келди, бу эса ўз навбатида ер усти ва ер ости сув ресурслари микдорининг ўртача йиллик ўсиши ёки камайишига сабаб бўлмоқда [2].

Ўрта Осиё давлатлари орасида Қирғизистон ва Тожикистон ер усти сув ресурсларига бой мамлакатлар ҳисобланади ва шу сабабли ер ости сув ресурсларидан унчалик даражада фойдаланмайди. Туркменистоннинг ер ости сув захиралари катта эмас ва унинг барча сув ресурсларининг тахминан 2,5% ни ташкил қилади. Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳавзасининг қуйи қисмида жойлашган Қозоғистон ва

Ўзбекистон нисбатан кам ер усти ва ер ости сув ресурсларига эга ва ер ости сувларига юқори даражада боғлиқ [3].

Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида тобора ўсиб бораётган аҳолиси ва табиий экотизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик эҳтиёжларини қондириш, барқарор ривожланишини таъминлаш учун сув ресурсларига бўлган талаб жуда юқори бўлган мамлакат ҳисобланади. Ер ости сувлари мамлакат сув ресурсларининг муайян қисмини ташкил этади ва аҳоли учун ичимлик мақсадларида, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, саноат ҳамда яйловларни сув билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди [4]. Сув ресурслари танқислиги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин бўлган асосий омиллардандир. Мамлакат кейинги йилларда сув етишмаслиги, сув ресурсларининг қамайиши ва ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан мавжуд ер усти ва ер ости сув ресурслари ва уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига боғлиқдир [5].

Ушбу ишнинг мақсади. Иқлим ўзгаришлари шароитида Сирдарё вилояти ер ости сувларининг 2010 йилдан кейинги вақт оралиғида сифат ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда вилоят ер ости сув ресурслари трансчегаравий ҳудуддалигини ҳисобга олган ҳолда, сифат ўзгаришларига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганишдан иборат.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотда вилоят ер ости сувларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ишлари 2010 йилдан кейинги йилларда Мирзачўл гидрогеология станцияси ходимлари томонидан кузатув кудукларидан олинган намуналар “Ўзбекгидрогеология” давлат унитар корхонасининг “Гидрохимия” лабораторияси анализ усулларида фойдаланиш орқали аниқланди ва бошқа олинган маълумотлар чуқур статистик қайта ишланди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Тадқиқот объекти.

Сирдарё вилояти ($68^{\circ}05^1 - 69^{\circ}10^1$ шарқий узунлик ва $40^{\circ}09^1 - 41^{\circ}01^1$ шимолий кенглик) Республикамининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, майдони $4,3$ минг км^2 [6]. 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоят аҳолиси. $836,9$ минг киши.

Иқлими. Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароити ва географик жойлашувига кўра ўзига хос ҳудудда жойлашган. Вилоятнинг иқлим шароити кескин континентал бўлиб, қуруқ ва жазирама ёзи билан ажралиб туради. Ёғингарчилик, асосан, қиш ва баҳор фаслларида кузатилади [7].

Вилоятнинг гидрометеорологик маълумотлари ер ости сувларининг миқдор ва сифатига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири саналади.

Ҳозирда вилоятда Ховос, Сирдарё, Марказий ва Дўстлик ер ости сувлари конлари (ЕОСК) мавжуд бўлиб, бу кон сувларидан ижтимоий, иқтисодий ва саноат тармоқларида кенг фойдаланилади. Бу конлар ичида Ховос ва Марказий ЕОСК лари трансчегаравий конлар ҳисобланиб, улар Тожикистон ва Қозоғистон республикалари билан чегарадош. Дўстлик кони Жиззах вилояти билан, Сирдарё ЕОСК эса Тошкент вилояти билан чегарадош. Вилоятда ЕОСК сувлари аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади [8].

Ер ости сувларининг кимёвий таркиби.

Ер ости сувларининг асосий қисми вилоят аҳолиси томонидан ичимлик мақсадларида ишлатилганлиги сабабли кимёвий таркибини доимий мониторинг қилиб бориш лозимдир. Шу билан бирга ер ости сувлари сифатини аниқлаш ва баҳолаш ушбу сув ресурсларидан халқ хўжалигида айнан қайси мақсадда фойдаланишни билишда, вақт ўтиши билан табиий ва техноген манбаларнинг салбий таъсирларини баҳолашда, ер усти катта сув ҳавзалари яқин ҳудудларида жойлашган ЕОСКлари ва ер усти сув ҳавзаси ўртасидаги боғланишларни, бошқа кўшни давлат чегаралари ҳудудларида жойлашган ер ости сув конларида эса унга таъсир этувчи омилларни баҳолашда ва муҳофаза қилишда ишончли манба бўлиб хизмат қилади.


Вилоят ер ости конлари сувлари сифатини аниқлаш ва баҳолашда Охунбобоев, Бешбулоқ, Бахт, Сардоба – I, Гулистон – II, Мирзачўл сув олиш иншоотларидан (СОИ)

олинган сувлар таркиби ўрганилди (1-расм). Вилоятда ер ости сув сифатини ўрганувчи кузатув нуқталари кўплигини инобатга олган ҳолда, уларнинг сифатини ўрганишда юқорида кўрсатилган катта СОИлари танлаб олинди.

Ер ости сувлари таркибидаги минерализация, умумий қаттиқлик, хлор элементи ва сульфат тузлари миқдорининг 2010, 2013 ва 2016 йилар давомидаги ўзгариш динамикаси 1-расмда кўрсатилган.

1а-расмда 2010-2016 йиллар оралиғида Охунбобоев, Бешбулоқ, Бахт, Сардоба – I, Гулистон – II, Мирзачўл СОИлари сувлари таркибидаги минерализация миқдорининг ўзгариш динамикаси тасвирланган бўлиб, бу сув олиш иншоотлари ичида Сардоба – I СОИ суви минерализацияси миқдори энг юқори, Бешбулоқ СОИ суви минерализацияси миқдори энг паст бўлиб турибди. Сув минерализациясининг ичимлик сувининг гигиеник талаблари ва сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Давлат Стандарлари (ЎзДСт) бўйича рухсат этилган меъёри (РЭМ) 1000 мг/л эканлигини ҳисобга олсак, бу СОИлари суви минерализацияси РЭМ дан ошмаган. Мониторинг натижалари тадқиқот йиллари давомида СОИлари суви таркибидаги минерализация миқдорининг ошиши ва камайиши 2010-2013 йилларда 14,0-98,0 мг/л гача ўзгарган бўлса, 2013-2016 йилларда 4,0-188,0 мг/л гача ўзгарган. Энг катта ўзгаришлар Сардоба – I сув олиш иншоотида тўғри келади. Бунга СОИ аҳоли яшаша манлизига яқинлиги, ер усти ирригация тармоқлари мавжудлиги ҳамда ушбу ҳудуддаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшимаслиги сабаб бўлиши мумкин.

2010-2016 йиллар оралиғида Охунбобоев, Бешбулоқ, Бахт, Сардоба – I, Гулистон – II, Мирзачўл СОИ сувларининг умумий қаттиқлиги миқдорининг ўзгариши динамикаси таҳлилдан ушбу сув олиш иншоотлари ичида Бешбулоқ СОИ суви қаттиқлиги энг юқори, Гулистон – II СОИ суви қаттиқлиги эса энг паст кўрсаткичларни кўрсатиб турибди (1б-расм). Ер ости сувларининг умумий қаттиқлиги ЎзДСт бўйича РЭМ 7,0 мг-экв/л эканлигини ҳисобга олсак, бу СОИ лари суви умумий қаттиқлиги РЭМ дан ошмаган. 2010-2013 йиллар оралиғида сувнинг умумий қаттиқлик миқдорининг ошиши ва камайиши 0,1-1,0 мг-экв/л ва 2013-2016 йиллар оралиғида эса 0,1-1,4 мг-экв/л гача ўзгарган.



1-расм. Ер ости сувлари минерализацияси, умумий қаттиқлиги, хлор ва сульфат миқдорларининг ўзгариш динамикаси (2010-2016 йилларда)

1с-расмда 2010-2016 йиллар оралиғида Охунбобоев, Бешбулоқ, Бахт, Сардоба – I, Гулистон – II, Мирзачўл СОИлари сувлари таркибидаги хлор миқдорининг ўзгариш динамикаси берилган бўлиб, бу СОИ-лари ичида Бешбулоқ СОИ суви таркибидаги хлор миқдори энг паст, лекин СОИ сувлари таркибидаги хлор миқдори кўрсаткичлари бир-бирига яқин. Хлор элементи ЎзДСт бўйича РЭМ 250,0 мг/л эканлигини ҳисобга олсак, бу СОИ суви таркибидаги хлор миқдори РЭМ дан ошмаган. 2010-2013 йиллар оралиғида сув таркибидаги хлор миқдорининг ошиши ва камайиши 2,0-48,0 мг/л ва 2013-2016 йиллар оралиғида эса 1,0-14,0 мг/л гача ўзгарган.

Тадқиқот йилларидаги Охунбобоев, Бешбулоқ, Бахт, Сардоба – I, Гулистон – II, Мирзачўл СОИ-лари сувлари таркибидаги баъзи оғир ва зарарли элементларнинг миқдори ҳамда ер ости сувлари таркиби ушбу элементларнинг миқдорини солиштириш мақсадида ичимлик сувининг гигиеник талаблари ва сифатини назорат қилиш ЎзДСт бўйича РЭМ миқдорлари ҳам берилган (1-жадвал).

Барча СОИлари суви таркибидаги магний элементи миқдори 2010-2016 йиллар давомида ўзгаришларга учраган бўлса-да, РЭМ миқдоридан ошмаган. Магний элементи 2013 йилда Бешбулоқ ва 2016 йилда Сардоба – I СОИ-да аниқланмаган бўлса, энг катта миқдори 2010 йилда Гулистон – II ва энг кичик миқдори 2016 йилда Бахт СОИда аниқланган.

Ер ости сувлари таркибидаги мис элементи миқдори тадқиқот йиллари давомида жуда кам ўзгаришларга учраган ва РЭМ ошмаган. Мис элементи 2016 йилда Сардоба – I СОИда аниқланмаган бўлса, энг катта миқдори 2013 йилда Гулистон – II, энг кичик миқдори эса 2016 йилда Бешбулоқ СОИда аниқланган.

Тадқиқот йиллари оралиғида ер ости сувлари таркибидаги бериллий элементи миқдори ҳам РЭМ миқдоридан ошмаган. Бериллий элементининг энг катта миқдори 2010 йилда Бахт, энг кичик миқдори эса 2013 йилда Гулистон – II СОИда аниқланган.

Молибден элементининг энг катта миқдори 2010 йилда Гулистон – II, энг кичик миқдори эса 2016 йилда Охунбобоев ва Бешбулоқ СОИда аниқланган. Ер ости сувлари таркибидаги мишьяк элементининг миқдори ҳам энг катта миқдори 2010 йилда Бахт, энг кичик миқдори эса 2016 йилда Бешбулоқ СОИда аниқланган. Кўрғошин элементи миқдори РЭМ ошмаган ва энг катта миқдори 2013 йилда Гулистон – II, энг кичик миқдори эса 2013 йилда Охунбобоев СОИ-да аниқланган.

Селен элементи миқдори ҳам РЭМ миқдоридан ошмаган ва энг катта миқдори 2013 йилда Гулистон – II, энг кичик миқдори эса 2016 йилда Бахт СОИ-да аниқланган. Стронций элементининг энг катта миқдори 2010 йилда Сардоба - I ва Гулистон – II, энг кичик миқдори эса 2016 йилда Бешбулоқ СОИда аниқланган.

Ер ости сувлари таркибидаги баъзи оғир элементларнинг миқдори, мг/л

Т/р	Сув олиш иншооти номи	Йил-лар	Mn	Cu	Be	Mo	As	Pb	Se	Sr
Ўз ДСТ бўйича РЭМ			0,1	1,0	0,0002	0,25	0,05	0,03	0,01	7,0
1	Охунбобоев	2010	0,0024	0,0069	-	0,005	0,0045	-	0,00051	1,3
		2013	0,001	0,0052	0,00004	0,0033	0,0049	0,00004	0,0061	0,8
		2016	0,0055	0,0019	0,000026	0,0015	0,0023	0,0007	0,0032	0,75
2	Бешбулоқ	2010	0,0049	0,0058	-	0,0034	0,0015	-	0,001	0,83
		2013	-	0,002	-	0,0019	-	-	0,0037	0,50
		2016	0,0003	0,0009	0,000011	0,0015	0,0006	0,0002	0,00057	0,47
3	Бахт	2010	0,002	0,0068	0,00009	0,0033	0,0067	0,0016	0,0016	1,2
		2013	0,0025	0,0031	-	0,003	0,0031	0,0003	0,0023	0,5
		2016	0,00037	0,0007	0,000039	0,0036	0,0029	0,0007	0,00025	0,55
4	Сардоба - I	2010	0,0047	0,0076	-	0,023	0,0028	-	0,0067	5,3
		2013	0,0041	0,0029	-	0,01	-	0,0005	0,0022	2,0
		2016	-	-	-	-	-	-	-	-
5	Гулистон - II	2010	0,019	0,0071	-	0,016	0,0021	-	0,0046	5,3
		2013	0,00041	0,016	0,000008	0,0039	0,0041	0,003	0,0082	1,0
		2016	0,002	0,0026	0,000018	0,004	0,0023	0,00028	0,0018	2,1
6	Мирзачўл	2010	0,0025	0,0082	-	0,0024	0,0029	-	0,0004	4,0
		2013	0,0056	0,0036	0,00003	0,0048	0,003	0,00009	0,0073	1,8
		2016	0,0038	0,0035	0,000009	0,015	0,002	0,0004	0,0027	2,0

Хулосалар. Вилоят ер ости сув ресурслари кимёвий таркиби буйича аҳолини ичимлик суви билан таъмилашда ишончли манба ҳисобланади.

Тадқиқот йилларда ер ости сувлари таркибидаги кимёвий элементлар миқдорлари РЭМ ошмаган. Ер ости суви минерализацияси 2010-2013 йилларда 14,0-98,0 мг/л гача, 2013-2016 йилларда эса 4,0-188,0 мг/л гача ўзгарган. Вилоят ер ости сувлари таркибидаги бошқа кимёвий элементлар миқдорлари ҳам вақт ва масофада ўзгаришга учраган.

Ер ости сувлари сифати таҳлилларига кўра, бошқа СОИларига караганда, Бешбулоқ СОИ суви таркибидаги кимёвий элементлар миқдорлари энг кам, Сардоба – I СОИ суви таркибидаги кимёвий элементлар миқдорлари энг кўп булган.

Вилоятда ер ости сувини ифлослантирувчи ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлувчи манбалар қишлоқ хўжалигида ҳосил бўладиган коллектор дренаж (зовур) сувлари, чорвачилик комплекларининг окова сувлари, автомобилларни ювиш шахобчалари ва бошқа шунга ўхшаш техноген объектлар бўлиши мумкин.

Ер ости сувлар сифатини мунтазам мониторинг қилиш бевосита инсонлар саломатлиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, сувлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Вилоятнинг ер ости сув манбалари трансчегаравий характерга эга ва мавжуд ер ости сув конларини чегарадош қўшни давлатлар (Козогистон. ва Тожикистон) билан ҳамкорликда оқилона фойдаланишни ва муҳофаза қилишни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Вода для устойчивого мира. 2018–2028 годы. Доклад ООН о развитии водных ресурсов мира, 2018.
2. Джамалов Р.Г., Сафронова Т.И. - Ресурсы подземных вод: их изменение под влиянием климата и распределение по странам мира в начале XXI века, 2009.
3. E.Lee, R.Jayakumar, S.Shrestha, Z.Han. Assesment of transboundary aquifer resources in Asian: Status and progress towards sustainable groundwater management. Journal of Hydrology: Regional studies 2018, 20, 103-115.
4. F.Zhang, Y.Chang, H.Dong, Z. Huang. Asian groundwater and environment; Science Press: China, 2019.
5. P.A. Кулматов, Problems of Sustainable Use and Management of Water and Land Resources in Uzbekistan, Journal of Water Resource and Protection, 2014, 6, 35-42.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2006. 655-656 бет.
7. С.П. Аникаева. - Агроклиматические ресурсы Ташкентской и Сырдарьинской областей Узбекской ССР. Гидрометеоиздат., Ленинград.1974г.
8. Б.Д.Абдуллаев, А.А.Мавлонов, Т.Э.Мавлянов. Организация и ведение Государственного мониторинга подземных вод Республики и решение вопросов трансграничных территорий. ГП «Институт ГИДРОИНГЕО». 2006г.

Annotation

In the context of climate change, the quality of transboundary groundwater the Syrdarya region after 2010 were identified and assessed. Groundwater quality indicators for 2010-2016 were compared with the permissible standards of the State Standards of Uzbekistan.

The factors that negatively affect the quality changes region's transboundary groundwater were studied.

Keywords: *Syrdarya region, climate change, groundwater, quality and quantity changes, permissible norms.*

ИССЛЕДОВАНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ЛИГНОСУЛЬФОНАТОВ В РАСТВОРАХ

Палуаниязова Д.А., Сабуров Х.М., Есимбетов А.Т.

Каракалтакский государственный университет

Введение. В настоящее время технические лигносульфонаты (ТПДА), нашли широкое применение в качестве закрепителей почвы и песков, поверхностно-активных веществ, способных устранять экранирующий эффект расплавленной элементной серы и других нерастворимых генераций, образуемых по ходу гидрохимического окисления

сульфидных минералов [1]. При этом опыт автоклавного выщелачивания цинксодержащих концентратов с использованием ТПДА выявил нестабильность и ухудшение их функциональных характеристик во времени при повышенных температурах и давлении кислорода. Ограниченность данных по свойствам растворов и закономерностям развития межфазных процессов с участием лигносульфонатов затрудняет их целенаправленный подбор. В настоящей работе приведены экспериментальные результаты идентификации и исследования ассоциативно-диссоциативных, кислотно-основных, поверхностно-активных свойств растворов лигносульфонатов с различным молекулярно-массовым распределением.

Экспериментальная часть. При проведении исследований использовали различающиеся по молекулярным массам фракции лигносульфонатов, выделенные препаративной ультрафильтрацией (1.5 МПа, $T=30-35^{\circ}\text{C}$) из промышленных сульфитных щелоков целлюлозно-бумажных предприятий. Средневзвешенные молекулярные массы (M) лигносульфонатов в каждой из фракций определяли по методу седиментационного равновесия. Для дальнейших исследований использовали технический образец лигносульфоната ПДА№1 со средневзвешенной молекулярной массой 16900, а также два, фракционированных по молекулярным массам образца: низкомолекулярный - ПДА№2 ($M=9250$) и высокомолекулярный - ПДА№3 ($M=46300$). Состав и структурные характеристики образцов устанавливали методами ИК-спектроскопии (FTIR Spectrometr B-Rad-FTS-175, диапазон волновых чисел $400-5000\text{ см}^{-1}$; спектральное разрешение 0.5 см^{-1} , абсолютная погрешность $\pm 0.1\text{ см}^{-1}$), а также по результатам элементного анализа и электронной микроскопии (Hitachi S – 4800, SEM/EDX, 20кВ). Элементный состав образцов представлен в таблице 1.

Таблица 1

Элементы	Образцы модифицированных лигносульфонатов		
	ПДА №1	ПДА №2	ПДА №3
C	33.9	29.0	41.7
O	46.8	54.5	38.2
S	9.5	5.5	5.4
Na	5.7	6.6	0.8
K	0.18	0.04	-
Mg	0.80	-	-
Ca	-	-	3.0
прочие	3.12	4.36	10.9

На спектрограммах всех трех образцов проявляются характерные для лигносульфонатов полосы поглощения [2]: 3420 см^{-1} , $1510-1610\text{ см}^{-1}$, $1039-1042\text{ см}^{-1}$, $1210-1190\text{ см}^{-1}$, 655 см^{-1} и $540-520\text{ см}^{-1}$, $1675-1640\text{ см}^{-1}$, $1720-1715\text{ см}^{-1}$. По данным микроэлектронного сканирования образцов установлено, что высокомолекулярная разновидность лигносульфонатов образует сфероидальные и дискообразные агрегаты размерами до 200 нм. В низкомолекулярном (ПДА№2) и нерасфракционированном (ПДА№1) образцах преобладают анизометричные по структуре микрообразования лигносульфонатов размером до 60 нм. Дополнительную информацию о функциональном составе устанавливали по результатам физико-химического и химического анализов растворов исследуемых образцов лигносульфонатов. Наличие диссоциируемых и гидролизуемых групп в составе лигносульфонатов устанавливали по изменению (векторно и численно) характеристик рН и удельной электропроводности (κ , мкСм), а также диэлектрической проницаемости (ϵ , отн. ед.), как свежеприготовленных их растворов, так и выдержанных во времени (τ , не менее 3 суток) при различных температурах ($20-90^{\circ}\text{C}$). Количественные закономерности кислотно-основного превращения лигносульфонатов в исследуемых образцах устанавливали с использованием кондуктометрического и потенциометрического методов титрования стандартизированными ($0.001-0.100\text{ н.}$) растворами ряда кислот (HCl , HNO_3 , H_2SO_4) и гидроксида натрия. Для обеспечения количественного превращения функциональных групп целенаправленно варьировали в растворах

концентрации лигносульфонатов ($C=ПДА$, 0.016-0.32 г/дм³), а также режимы (температура и продолжительность) экспозиции их совместно с титрантами. Характеристики поверхностного натяжения растворов лигносульфонатов (СПДА, 0.001- 1.50 г/дм³) определяли по методу капиллярного поднятия уровня жидкости [3].

Результаты и обсуждение. Анализ удельной электропроводности (табл.2) растворов с различным содержанием лигносульфонатов свидетельствует, что легко диссоциируемые группы преобладают в составе низкомолекулярной разновидности ПДА№2. По мере увеличения концентрации высокомолекулярной разновидности лигносульфонатов вплоть до 0.04-0.06 г/дм³ отмечается аномальное уменьшение электропроводности, как в свежеприготовленных, так и выдержанных во времени растворах. Аналогичный эффект в растворах низкомолекулярной разновидности ПДА№2 проявлял ПДА в более широком интервале концентраций (до 0.1 г/дм³). Рассчитанные значения степени диссоциации (α , %) лигносульфонатов в растворах исследуемых образцов представлены в таблице 2. В разбавленных растворах (< 0.016 г/дм³) низкомолекулярной разновидности лигносульфонатов ПДА№2 на долю ионизированных форм приходится не менее 50%, что в 2 раза больше чем в растворах двух других разновидностей.

Таблица 2

Некоторые физико-химические характеристики растворов лигносульфонатов

Образцы	C , г/дм ³	α , мкСм	α , %	$\sigma \cdot 10^{-3}$, Дж/м ²
ПДА №1	12.40	9.4	22.0	0.04
ПДА №2	17.0	21.5	90.5	0.04
ПДА №3	8.5	7.9	13.0	0.64

Степень диссоциации растворов ПДА уменьшалась по мере увеличения молекулярных масс лигносульфонатов и в изоконцентрационных (0.01 г/дм³) по содержанию растворах ПДА№2, ПДА№1, ПДА№3 составила соответственно 91%, 22% и 13%. При повышенных концентрациях (свыше 0.04 г/дм³) всех трех разновидностей сульфонов α не превышает 20%. В растворах высокомолекулярной разновидности ПДА№3 значения рН стабилизировались на уровне 4.6-4.8 во всем интервале вариаций их концентраций. В растворах лигносульфонатов с меньшей молекулярной массой (ПДА№1 и ПДА№2) выявлены концентрационные области, при которых наблюдались два экстремума в показателях рН; при СПДА=0.035-0.045 г/дм³ - максимумы (рН=4.9-5.2), а при ПДА=0.11-0.13 г/дм³ - минимумы (рН=4.4-4.7). В более концентрированных растворах (свыше 0.12 г/дм³) ПДА№1 и ПДА№2 наблюдалась тенденция к увеличению рН. Увеличение температуры (до 50°С) и продолжительности экспозиции (до 24 часов) растворов благоприятствует количественному гидролизу низкомолекулярных сульфонов, в том числе и в составе ПДА№1, существенный прирост показателей α и рН фиксировали в их разбавленных растворах (до 0.04 г/дм³). При аналогичных режимах обработки растворов высокомолекулярной разновидности (ПДА№3) показатели рН практически не изменялись, что согласуется с выводами, представленными в работе [4]. Авторы этой работы указывают, что сульфоновые группы в составе высокомолекулярных сульфонов в меньшей степени подвержены процессам гидратации из-за формирования в растворах развитой трехмерной сетки; локализация кислотных групп во внутренней структуре ограничивает их доступность и создает стерические осложнения для развития процессов гидролиза. Таким образом, в ряду исследуемых образцов гидролизу с образованием слабокислых групп в большей степени подвержены низкомолекулярные сульфонаты; в связи с обратимостью процессов гидролиза характеристики равновесного состояния определяются формируемой в растворах величиной рН. Наибольшую степень превращения отмечали в их разбавленных растворах (ПДА < 0.035-0.045 г/дм³). В составе лигносульфонатов к числу активных, с позиций гидратирования, функциональных групп относят

ионизированные и молекулярные формы эфиров серной кислоты ($-\text{OSO}_2\text{O}$) и сульфонов, производные фенола и карбоксилатов, а также продукты кето-енольной таутомерии. Определение их количественных содержаний, в том числе и в продуктах гидратации, осложняется неоднозначностью изменения показателей активности (рК) каждой из групп в зависимости от молекулярно-массового состава, структурного и химического состава лигносульфонатов. Кислотно-основные превращения лигносульфонатов являются обратимыми, что в режиме замедленного титрования, сопровождалось существенным дрейвом скачка потенциала в обратном направлении. В связи с тем, что характеристики равновесного состояния лимитируются значениями рН, то степень кислотно-основного взаимодействия лигносульфонатов в растворах закономерно уменьшалась по мере увеличения концентрации лигносульфонатов. Гидратацию лигносульфонатов лимитируют не только равновесные значения рН, но и стерические факторы, связанные с локализацией активных функциональных групп (фенольных, карбоксильных, сульфонатных) во внутренней структуре внутри- и межмолекулярных ассоциатов. Последнее характерно в большей степени для высокомолекулярных разновидностей лигносульфонатов. Образование ассоциатов в растворах усиливалось по мере уменьшения рН и увеличения количественных содержаний лигносульфонатов.

Чаткальский район: ЧАТКАЛЬСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, сел. Ходжикент, 16.06.1921, *Дробов 3*; окр. сел. Невич, 25.06.1947, *Пятаева 25*; окр. перевал Камчик, 21.08.1973, *Пахомова, Пратов, Цукерваник 6*); I-1-d **Кураминский район:** ЧАТКАЛЬСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, долина Карабаусай, в 2–3 км на Ю от урочища Кекрель, 08.07.1939, *Демурина 25*), КУРАМИНСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, среднее течение р. Кошрабат, 22.06.1924, *Коровин 370*; междуречье Ангрэн-Чирчик, в 3 км на В от сел. Кайнар, 14.05.1953, *Бутков, Майлун, Словинский 371*; басс. р. Ангрэн, долина Кызылча, 08.07.1966, *Бегимкулов 24*); I-1-e **Чоркесарский район:** КУРАМИНСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, Чоркесар, 13.05.1950, *Бондаренко, Майлун 170*; по дороге из киш. Мазар до киш. Чадак, 07.06.1950, *Бондаренко, Майлун 545*), ЧАТКАЛЬСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, верх по Гавасаю, в 10 км от киш. Гава, 17.07.1936, *Скорородов, Азатян 55, 556, 576, 599*); I-1-f **Приташкентский район:** (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, басс. р. Келес, 09.08.1921, *Аболин, Попов 8020*; окр. г. Ташкент, Капланбек, 01.04.1922, *Симонова*; окр. г. Ташкент, верхний Ялангач, 16.06.1936, *Михайлова*). I-3 **Фергано-Алайский округ.** I-3-b **Восточно-Алайский район:** АЛАЙСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, Фергана, окр. киш. Чарвак, 09.07.1926, *Коровин 2*). I-4 **Нуратинский округ.** I-4-a **Нуратинский район:** НУРАТИНСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, горы Койташ, киш. Османсай, 00.06.1931, *Кобранова 484*; перевал через Нурата, киш. Саукбулак, 02.08.1931, *Касименко 1425*); I-4-b **Актауский район:** АКТАУСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, киш. Кокбулак, 01.07.1937, *Демурина 368*; в 2 км на СВ от киш. Каунчи, 07.07.1937, *Демурина 453*). I-5 **Кухистанский округ.** I-5-a **Северо-Туркестанский район:** ТУРКЕСТАНСКИЙ ХРЕБЕТ (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, заповедник Гуралаш, по р. Гуралаш, 00.08.1937, *Коротоква, Васильковская 304*); I-5-b **Малгузарский район:** МАЛГУЗАРСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, окр. Музбулак, 06.05.2011, *Азимова*); I-5-c **Ургутский район:** ЗАРАФШАНСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, ущелье р. Джам, киш. Тегирман, 16.06.1937, *Гранитов, Долгих 58, 60*; окр. сел. Ургут, гора Чахмоглык, ущелье р. Камансай, 27.06.1936, *Гнездоило 311*). I-6 **Западно-Гиссарский округ.** I-6-a **Кашкадарьинский район:** ГИССАРСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, горы к Ю от Яккабаг, киш. Бовашады, 12.06.1927, *Культиасов, Гранитов 475*; басс. р. Кашкадарья, окр. сел. Ишкент и сел. Хосун, 17.06.1956, *Пятаева 132*; долина р. Лянгар, выше киш. Лянгар, 26.06.1970, *Бутков 100*); I-6-b **Таркапчигайский район:** ГИССАРСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, предгорья и низкогорья на Ю от г. Гузар, окр. Дехканабад, 09.06.1935, *Кудряшев 557*; предгорья и низкогорья на ЮВ от г. Гузар, урочище Курганташ, 14.06.1935, *Гнездоило 108*; киш. Акрабат, 22.08.1935, *Гнездоило 165*); I-6-c **Байсунский район:** ГИССАРСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, горы Чульбаир, окр. киш. Сина, 02.06.1929, *Введенский 219*; киш. Байсун, 09.08.1940, *Кудряшев 301*; окр. сел. Сарыассия, 31.07.1947, *Пятаева 3*); I-6-e **Сурхан-Шерабадский район** (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, окр. г. Денау, 19.06.1936, *Лепешкин, Мухамеджанов 10*). I-7 **Гиссаро-Дарвазский округ.** I-7-a **Сангардак-Тупалангский район:** ГИССАРСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, ущелье Сангардак, 02.08.1931, *Меркулович*; окр. сел. Хувратанг, 14.08.1947, *Пятаева 181 188*; окр. киш. Зомбаг, 03.09.1947, *Сумневич, Джангузаров*; басс. р. Тупаланг, ближе моста Кштут, 13.09.1947, *Пятаева 642*). I-8 **Пянджский округ.** I-8-a **Бабатагский район:** БАБАТАГСКИЙ ХР. (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, горы Бабатаг, пойма р. Сурхандарья, 10.06.1940, *Букасов 38*; Шурчинский лесхоз, участки Каранау и Айбулак, 05.07.1957, *Адылов 586*). II-1 **Центрально-Ферганский округ.** II-1-a **Кайраккум-Язъяванский район** (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, опытная станция Ассаке, 30.08.1931, *Закржевский*; Папский р-н, в пределах Ферганской долины и Чаткальского хребта, 08.07.1936, *Скорородов, Азатян 416, 419*). II-2 **Средне-Сырдарьинский округ.** II-2-a **Чиназский район** (as *Asperula humifusa* (M.Vieb.) Besser, Ташкент, Бозсу, 12.07.1919, *Шикин*; окр. г. Ташкент, между Саларом и Бозсу, 09.06.1921, *Введенский 933, 934*; около киш. Хаджи, 10.05.1924, *Березин 1040*; правый берег Чирчика, 26.05. 1940, *студенты*; окр. киш. Бектемир, 28.06.1941, *Бутков*); II-2-b

Мирзачульский район (as *Asperula humifusa* (M.Bieb.) Besser, ст. Золотая Орда, 16.06.1938, *Васильовская* 93). **II-4 Бухарский округ II-4-а Средне-Зеравшанский район** (as *Asperula humifusa* (M.Bieb.) Besser, Кадан, 16.06.1963, *Хайдаров* 1770); **II-4-с Каршинско-Карнабчульский район** (as *Asperula humifusa* (M.Bieb.) Besser, правый берег р. Кашкадарья, в 12 км от сел. Тусары, 25.06.1956, *Пятаева, Абдуллаев* 263). **II-8 Устюртский округ II-8-а Северо-Устюртский район** (as *Asperula humifusa* (M.Bieb.) Besser, Восточный чинк, в 12 км на СВ от КС-7, северная сторона спуска Комсомольск, 11.10.1969, *Сарыбаев* 36; Восточный чинк, в 45 км на ЮВ от мыса Актумсык, 17.10.1969, *Сарыбаев* 15; Восточный чинк, 10.10.1973, *Пратов, Сапаров*). Все – TASH.

Мазкур тур Ўзбекистоннинг Тоғли-Ўрта Осиё ва Турон провинцияларида кенг тарқалган (харита).



Харита. *Galium humifusum* M.Bieb.нинг Ўзбекистонда тарқалиши.

Хулосалар. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон флораси учун тайёрланган янги нашрдаги маълумотлар Оролбўйи худуди флорасини ҳам ўз ичига олади. Бу эса келгусида ҳозирги Оролбўйи маҳаллий флорасини ёритишда даслабки маълумотлар бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Миллий гербарийдаги ноёб маълумотлар келажакда ботаниканинг флора, систематика, география ва экология тармоқлари бўйича олиб бориладиган илмий ишлар учун ноёб-илмий объект сифатида хизмат қилади ва дунё миқёсидаги нуфузини оширади.

Бу нуктаи-назардан, флора таркиби ва ундаги ўзгаришларни аниқлаш ишлари табиатни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган маҳаллий флорадаги камёб ва эндем турларни, замонавий ареаллари ва экологик маконларини тўлиқ тасвирлаш, сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқишда ноёб-илмий объект сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Бондаренко О.Н. Определитель высших растений Каракалпакии. –Ташкент: Наука, 1964. –С. 258-260.
2. Коровина О.Н., Бахиева А., Таджетдинов М.Т., Сарыбаев Б. Иллюстрированный определитель высших растений Каракалпакии и Хорезма. – Ташкент: Фан, 1983. Т.2. –С. 157-162.
3. Пахомова М.Г. Род *Galium* L. / Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. Т. 8. –Т.: Фан, 1987. –С. 290-310.
4. Сенников А.Н. (ред.). Флора Узбекистана. Т. 1-2. –Т.: Навруз, 2017. –173, 200 с.
5. Сенников А.Н. (ред.). Флора Узбекистана. Т. 3. –Т.: Маънавият, 2019. –201 с.
6. Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов. – Л.: Наука, 1987. – 439 с.
7. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанический журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). –С. 1105-1130.

8. Шербает Б.Ш. Флора и растительность Каракалпакии. –Нукус: Каракалпакстан, 1988. –304 с.
9. Brummitt R.K., Powel C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. – Kew, 1992. – P. 15–686.
10. International Plant Names Index [Электронный ресурс].–URL: www.ipni.org (Accessed 22 January 2020).

Abstract

As part of research on digitization of the collection of the TASH, an inventory of samples of the genus of Galium L. (Rubiaceae Juss) genus was conducted. This article presents the results of the analysis of about 900 thousand samples collected since 1900. The main collectors were scientists who worked in various scientific institutions of Uzbekistan in 1909-1984. These facts indicate that the Galium species in the national Herbarium of Uzbekistan are mainly represented by classic specimens.

And presents about the distribution the genus of Galium L. which in Uzbekistan. A type and ecological data are also provided. The geographical distribution species of Galium was analyzed. Compiled GIS maps.

Key words: Aral Sea, flora, Herbarium specimen, Galium, TASH.

СИЛЛИҚ ШИРИНМИЯНИНГ УРУҒИДАН УНУВЧАНЛИГИГА СТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Тажетдинов Н.Д., Атабаева Х.Н.
Тошкент давлат аграр университети

Кириш. Бугунги кунда Оралбўйи ўтлоқли - аллювиал тупроқларида доривор силлиқ ширинмияни (*glycyrrhiza glabra* L) уруғидан етиштиришда стимуляторларнинг таъсири бўйича илимий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Қарақолпоғистоннинг шўр ерлари шароитда силлиқ ширинмияни уруғидан кўпайтириш мақсадида геогумат, аминамах ИФО ва калифос ИФО биостимуляторларни қўлланишнинг мақбул муддат ва меъёрларини аниқлаш олинган кўчат қалинлигини урганиш ва маъдан ўғитлардан фойдаланиш меъёрларини аниқлаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот услублари: Тадқиқотлар лабаротория шароитида силлиқ ширинмия (қизилмия) нинг уруғини ҳар ҳил биостимулятор билан кўкаришини текширилиб борилди. Лабаротория шароитида ўтқазилган тажриба тизими келтирилган. Геогумат Аминамах ИФО ва Калифос ИФО биостимуляторларнинг қизилмия уруғининг кукаришига таъсири урганилди.

Лабаротория тажрибаси учта такрорлашда олиб борилди, ҳар вариантларга талаби бўйича 100 дона уруғ солинди ва уч сутка давомида ивителиб ивитилган уруғ иссиқхонадаги тупроққа экилиб кўкарувчанлик даражаси аниқланди ва фенологик кузатувлар олиб борилди.

Қизилмия уруғининг кўкарувчанлиги ҳар ҳил ҳарорат шароитида урганилди ёки 5-10⁰С, 10-15⁰С, 15-20⁰С ва 20-25⁰С, ҳарорат шароитида кузатилди.

Тажриба натижалари: Силлиқ ширинмиянинг уруғининг унувчанлигининг паст даражада эканлиги айрим тадқиқотлар уруғ муртагининг етилмаганлиги (Соколовский, 1938), уруғ қобиғининг физиковий ва кимёвий хоссаси муртак уруғида крахмалнинг ёқлиги (Лучинна 1967) билан боғлиқ деп ҳисоблайди. О.А.Ашурметов (1987) эса уруғ спермодермаларининг ўзига хос тузилиши билан боғлиқлигини исботлайди.

Шунинг учун кўп олимлар уруғга ҳар ҳил ишлов бериш орқали унинг унувчанлигини оширишга ҳаракат қилишган (А.Бахиев, 1995; Бадалов, 1999; Қаршибоев, 1991; Камалова, 1995; Шамсуллаева 1999; Нигматин 2015 ва бошқалар).

Экиш олдида уруғнинг унувчанлигини ошириш мақсадида пўстлоғини бузиш (скарафикация). Бу ҳақида унувчанлик 15-17% дан 30% гача ошган. Ишқаланган уруғни 0,035% каҳорба кислотасида 24 саот ивителиш ҳам унинг унувчанлигини 55-60%

га ошган. Туркманстон шароитида (Б.Б.Кербабаев) уруғга ишлов бермасдн экканда 4-16% униб чиққан.

Кўзив.А.Ж. (2000) петри касочасига жойлаштирилган уруғларни термостатда (29-30⁰С) бир ой давомида ундириб куришган. Тажрибанинг бешинчи куни 38,6 %, ун иккинчи куни 53,0%, игирманчи куни 60,4%, оттизинчи куни 62,1% бўлган.

Қарақалпоғистоннинг шўр ерларида силлиқ ширинмия уруғининг кўкариши учун бир ой давомида кутиш ижобий натижа бермаслиги аниқланган. Силлиқ ширинмия ёвойи ҳолдаги уруғи тегишли озика билан таъминланмаган уни маданийлаштириш мақсадида мувофиқ келади ва уруғидаги биокиёвий жараёнларин жадаллаштириш мақсадида ҳар ҳил стимуляторларнинг ёрдамида кўкарувчанлигин кўпайтириш бўйича лаборатория ва дала шароитида илимий тадқиқот ишлари бажарилди.

Лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлигин аниқлаш учун Геогумат, Аминмах ИФО ва Калифос ИФО стимулятор билан ҳар ҳил меъёрада ивителиб, кукарувчанлиги аниқланди. Энг юқори унувчанлик 5 мл Геогуматни 10 литр сувга аралаштириб ширинмия уруғин уч сутка ивителиб экилганда 84,7%. Аминомах ИФО стимуляторин фойдаланилганда 71,6%, Калифос ИФО стимуляторин фойдаланганда 60,9% бўлди.

Уруғнинг ҳар ҳил ҳарорат шароитида унувчанлигин аниқлаш мақсадида лаборатория тажрибаси ўтказилди. Олинган маълумотлар маълумоти бўйича энг юқори унувчанлик ҳароратнинг кўкарилишига боғлиқ бўлиб 10⁰С да стимуляторлар бўйича тегишлича уч кунда 24,0; 15,7; 10,1% бўлса 25⁰С да уруғларнинг унувчанлиги стимуляторлар бўйича тегишлича 87,3; 71,6; 60,9; бўлди офтаб қизиборган сари унувчанлиги ортиб борганлиги кузатилди.

Силлиқ ширинмия уруғини стимулятор ярдамида ивителиб экилиб, плёнка билан бостирилганда очик ҳавода экилган уруғга нисбатан 12,5-17,4 %, кукарувчанлиги юқори булди.

Силлиқ ширинмия уруғининг ҳар ҳил биостимуляторлар ёрдамида тупроқнинг шўрланиш даражасин боғлиқлигин аниқлаш мақсадида лаборатория шароитида тажрибаларин ўтказдик. Шўр тупроқларда уруғнинг униб чиқиши жуда паст, ширинмия уруғи кучли шўрланган тупроқда 1,0-1,3%, кукариб чиқади, айрим вақтлари умуман ниҳол бермайди, ўртача шўрланган тупроқларда уруғнинг кўкариши секинлашади. Бу эса унувчанлик тезлигини,тезлигини ниҳоллар ривожланиши сусайтиради. Кам шўрланган тупроқларда уруғнинг кукарувчанлиги 70-90% бўлди. Қарақалпоғистоннинг шўр ерларида ширинмия уруғини экиш учун шўр ювиш тадбирини алоҳида этиборга бериш керак.

Юқарида қайт этилганимиздек, илимий тадқиқотнинг асосий мақсади тупроқ шароитида кўчат етиштиришга ва унинг ўсиб ривожланишига қаратилган. Ана шу мақсадга эришиш учун уруғларнинг унувчанлигидан келиб чиқиб, турли тизимда ва вариантларда бажарилган тажрибалардан ширинмиянинг иссиқхона шароитида ўсиб ривожланишига батафсил тўхталиб ўтамыз.

Дастлабки тажриба иссиқхонада қўйилди. Уруғ 2-3 см чуқирликда тупроққа 60-см кенгликда тегишли стимулятор билан ивителиб уруғни сепиб экилди.

Униб чиққан ниҳоларнинг ўсиш ва ривожланиши кузатилди. Орадон 7-10 кун ўтгач 1-тажрибанинг I -вариантида 62,7 %, II-вариантида 55,6 %, III-вариантида 48,7 % ўсиб чиқди. 2-тажрибада сепилган уруғлар тупроқнинг шўрланиши туфайли ҳар ҳил фойзда ниҳол олинди.Орадан яна 10 кун утгаш унувчанлик 1-шўрланмаган тупроқларда 2-вариантида яъни 83,5-92,4% ни, II-тажрибада эса кам шўрланган вариантда 62,3%, ўртача шўрланган тупроқда 31,7%, кучли шўрланган вариантда умуман униб чиқмади.

Март ойининг охирига келиб униб чиққан ниҳоллардан 1-вариантида 43,1% ҳақиқий барг чиққазиб поя баландлиги 7,2 см га, 2-вариант бу курсаткиш 24,2% бўлиб ўсимлик баландлиги 5,3 см га, 3-вариантида бу курсаткиш 20,3% бўлиб 5,0см ни ташкил этади.

Апрел ойининг охирига келиб ниҳолларнинг яшовчанлиги шўрланмаган тупроқларда 80,7- 90,5 % бўлди, 90,5-93,2 % ниҳоллар мураккаб чин барглар ҳосил қилиб, поянинг баландлиги 36,5-42,3 см га етади. кам шўрланган тупроқда 46,7-55,4 % ва баландлиги 38,3-40,5 см бўлди. Август ойида яни 20.08 да юқоридаги мос ҳолда букурсаткишлар 87,3-76,5 ва 70,3 см ни ташкил этади.

Бундан кўринадики тупроққа экилган уруғларнинг унувчанлиги ва ниҳолларнинг яшовчанлиги фойдаланган стимулятор турига, тупроқнинг шўрланишига боғлиқ бўлди.

Силлиқ ширинмия уруғига Геогумат стимулятор фойдаланиб кам шўрланган тупроқга экилганда ўсиб ривожланиши юқори бўлди. Демак дала шароитида ерни шўри яхши ювилган кам шўрланган далаларда Геогумат стимулятори билан силлиқ ширинмия уруғин ивитиби экса боладиганлиги аниқланди.

Дехқончилик асосан шўр ювиш тадбирларин ўтқозиш билан амалга оширилади. Шўр ювиш ишлари асосан кузда ўтқазилади. Қизилмияни уруғидан кукартиш учун тегишли шўр ювиш тадбирлари ўтқазилади.

Ўтлоқли аллювиал тупроқлари озиқа элементлар билан кам таъминланган шунинг учун қизилмия экилган далаларда маъдан уғитлар бериш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилади.

Хулосалар: Силлиқ ширинмия уруғини лаборатория шароитида Геогумат, Аминомах ИФО ва Калифос ИФО стимуляторларида фойдаланган ҳолда унинг кукариб чиқиши яхшиланди. Яъни Геогумат ерларда уруғнинг унувчанлиги 87,3 %, Аминомах ИФО 73,5% ва Калифос ИФО 68.7 % бўлди. Дала шароитидаги тажрибаларда Геогумат стимулятори билан ивитиби экилганда унувчанлиги 80,7 % ни ташкил этди.

Қарақалпоғистон Республикасининг ўтлоқли-аллювиал тупроқлари шароитида деҳқончиликка ноанъанавий ўсимликларни киргизишни тақазо этади. Силлиқ ширинмияни уруғидан кукартиб, стимуляторни уруғ ва маъдан и уғитларнинг тупроқ унимдорлигини ошириш ўртача шўрланган тупроқларнинг милоратив ҳолатини яхшилашдаги мақбул меъёр ва нисбатларнинг самарадорлиги аниқланди.

Адабиётлар

Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 63-сонли қорари. Ташкент 2017 йил 16 май.

1. Мусаев С.М. Плоднность и лабораторные всхожест семян дикорастую шей солодки голой (*Glycyrrhiza glabra* L) с Апшерона. Изд-во УзССР сер. биол. и мед. наук», №5. 1962.

2. Арабова Н.З. Мисиров С. Доривор усимлик уругларини лаборатория шароитидаги унувчанлиги, Ўзбекистон усимликлар оламидаги биохилмахиллик: муаммо ва ютуқлар // Республика илмий амалий аижумани материаллари. Қарши 2018 й. 132-133 бет.

Annotation

Based on the data obtained, we conducted laboratory experiments to determine the dependence of the degree of salinity of the soil using various biostimulants on the seeds of smooth licorice. In the laboratory, its germination was improved by effective use of Geogumat Aminomax IFO and Califos IFO biostimulants

СИЛЛИҚ ШИРИНМИЯНИНГ ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Тажетдинов Н.Д., Атабаева Х.Н..

Тошкент давлат аграр университети

Қириш. Бугунги кунда Оралбўйи ўтлоқли - аллювиал тупроқларида доривор силлиқ ширинмиянинг (*glycyrrhiza glabra* L) тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсири бўйича илимий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Қарақалпоғистонинг шўр ерлари шароитида силлиқ ширинмияни уруғидан купайтириш мақсадида геогумат, аминомах ИФО, ва калифос ИФО биостимуляторларни қўлланишнинг мақбул муддати ва меъёрларини аниқлаш,

олинган кўчат қалинлигини урганиш ва маъдан уғитлардан фойдаланиш меъёрларин аниқлаш ҳамда ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларни ўтказиш “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых районах”, “Методика экономической эффективности использования в сельской хозяйстве результатов научно-исследовательских и отчетно-конструкторских работ новой техники, изобретений и рационализаторский исследований” Б.А.Баранов ҳамда тажриба маълумотларини математик- статик таҳлили Б.А.Доспехов услуби ва Microsoft Word Excel компьютер дастуридан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот ўтказилган йилларда биостимуляторларда силлиқ ширинмиянинг ўсиб ривожланишига таъсири, уруғ экиш меъёри ва маъданли уғитлар меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий ҳоссаларига таъсирин урганиш мақсадида тажриба ўтказилган йиллари тупроқ кесмаси қозилиб 0-30 ва 30-50 см чуқурликдан тупроқ намуналари олинди биринчи, иккинчи ва учунчи йилги амал даври бошида ва охирида аниқланиб борилди.

Тажриба қуйишдан олдин (2017-й) беш нуктада 0-30, 30-50-см қатламда амал даври бошида агрохимёвий жихатдан юқори болган заррачалар (1-0,25 мм) урганилганда макро агрегатла миқдори 15,7% ва микро агрегатлар миқдори 84,3% бўлди. Тадқиқот натижалари таҳлига кура, амал даври охирига келиб силлиқ ширинмияга стимулятор билан ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъдани уғитлар меъёрининг таъсирин урганганимизда, стимуляторлар билан ишлов берилган вариантда биринчи йили амал даври охирида макро агрегатлар миқдори 13,9% ва микро агрегатлар миқдори 86,1% бўлди.

1-жадвал

Ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг макро ва микроагрегатлар миқдори

Тупроқ қатлами, см	Амал даври бошида		Амал даври охирида, стимуляторлар билан ишлов берилип, гектарига 12 кг уруғи экилган ва маъданли уғитлар N ₅₀ , P ₈₀ , K ₁₀₀ кг/га меъёрда кулланганда	
	Тупроқ заррачалари, мм, %		Тупроқ заррачалари, мм, %	
	1-0,25	<0,25	1-0,25	<0,25
2017 йил				
0-50	15,7	84,3	13,9	86,1
2018 йил				
0-50	12,8	87,2	10,7	89,30
2019 йил				
0-50	11,3	88,7	9,2	90,8

Тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлаганда ширинмиянинг ўсиб ривожланишига стимуляторлар ёрдамида таъсир этганда амал даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламда 1,30 г/см³, 30-50 см да 1,32 г/см³ ва ўртача 1,32 г/см³ бўлди. Иккинчи тажрибада яъни 12 кг/га уруғ экилган вариантларда амал даври охирида 0-30 см қатламда ҳажми вазни 1,30 г/см³, 30-50 см қатламда 1,32 г/см³ ва ўртача 0-50 см қатламда 1,33 г/см³ бўлди. Ширинмияга мақбул маъдан уғитлар меъёрин аниқлаш бўйича ўтказилган ушинчи тажрибада амал даври бошида 0-50 см қатламда тупроқ вазни 1,32 г/см³ бўлиб амал даври охирида 0-30 см да 1,32 г/см³, 30-50 см да 1,30 г/см³, ва ўртача 0-50 см да 1,33 г/см³ бўлди.

Ўтказилган дала тажрибаларда амал даври бошида ва охирида тупроқнинг ғоваклиги ўрганилди. Биринчи тажрибанинг мақбул вариантыда амал даври охирида 0-30 см да тупроқ ғоваклиги 50,5 %, 30-50 смда 51,3 ва 0-50 см да 50,9 % ташкил этди.

Иккинчи тажрибада яъни гектарига ширинмия уруғини 12 кг/га меъёрда экилган вариантда тупроқ ғоваклиги амал даври бошида 0-30 см да 50,5, 30-50 см, 51,3 ва 0-50 смда 51,8% бўлиб, амал даври охирида тегишлиша 50,8-51,1 % ни ташкил этди. Тупроқнинг солиштира оғирлиги бўйича олинган маълумотларни биринчи йилги

тажрибанинг амал даври охирида ўзгаришлари кузатилмади. Айтиб ўтиш керак тупрокнинг асосий агрофизик хоссаларига ширинмия ўсимлигининг таъсири иккинчи ва учинчи йилларда ва амал даври охирида кузатилди. Иккинчи йилги биринчи вариантда ширинмияга икки мартаба биостимулятор билан ишлов берган вариантда ўсимликларнинг макро ва микро зарачаларига таъсири ўрганганимизда амал даври бошида макро зарачалар 0-30 см да 12,8%, 30-50 см да 15,9% ва ўртача 0-50 см да 14,3 % бўлди. Микро зарачаларга тегишлиша 87,2, 84,1 ва 85,7 % ни ташкил этди.

Силлиқ ширинмиянинг ўсиши ва ривожланишига экиш меъерининг таъсирин аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибада ширинмиянинг мақбул ўсиши ва ривожланиши учун экиш меъёри гектарига 12 кг экилганлиги юқорида кўрсатилиб ўтилган еди. Шу вариантда тупрокнинг агрофизик хоссаларин ўрганганимизда иккинчи йилги ширинмия амал даври охирида биринчи йилга нисбатан тупрокнинг макроагрегатига таъсир етиб 0-30 см ли қатламда 10,7 % га этади ва микроагрегатлар 89,30 % бўлди 30-50 см қатламда макроагрегатларнинг ўзгариши 0,5-1,2 % бўлди. Иккинчи йили ширинмиянинг амал даври охирида тупрокнинг ҳажм вазнига таъсирин ўрганганимизда 0-30 см қатламда 1,3 г/см³ ва 30-50см қатламда 1,38г/см³ бўлиб ўртача 0-30 см қатламда 1,36 г/см³ бўлди, маъданли ўғитлар N₅₀, P₈₀, K₁₀₀ кг/га меъёрда қўлланганда тупрокнинг ҳажм вазни 0-30 см қатламда 1,36 г/см³, 30-50 см қатламда эса 1,48 г/см³ ни кўрсатиб, амал даври бошидаги ҳажм вазнига нисбатан 0-30 см қатламда 0,12 г/см³, 30-50 см қатламда 0,08 г/см³ ортганлиги аниқланди.

Тупрокнинг ғоваклиги бўйича олинган маълумотларда иккинчи йилги амал даври охирида 0-30 см қатламда 49,6% ни, 30-50 см қатламда 45,0% ни ташкил этиб амал даври бошига нисбатан 0-30 см қатламда 4,0% га, 30-50 см қатламда 2,3% га ошганлиги аниқланди. Ушбу вариантда амал даври охирида тупрокнинг солиштирма оғирлиги 0-50 см қатламда 2,70 г/см га етди.

Олиб борилгаган тадқиқотлар натижасига кўра (2019-й) энг яхши кўрсаткишлар силлиқ ширинмияни стимуляторлар билан ишлов берилганда, гектарига 12 кг уруғи экилган вариантда ва маъданли ўғитлар N₅₀, P₈₀, K₁₀₀ кг/га меъёрда қўлланганда тупрокнинг макроагрегати 0-30 см қатламда 11,3% микро агрегатлар миқдори 88,7% ни ташкил этди. Ҳажм вазни 0-30 см қатламда 1,37 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,44 г/см³ ни ташкил қилиб, амал даври бошига нисбатан 0-30 см қатламда ҳажм вазни 0,06 г/см³ га 30-50 см қатламда эса 0,04 г/см³ га камайганлиги кўзатилиб, тупрокнинг ғоваклиги 0-30 см қатламда 49,3 % ни, 30-50 см қатламда 46,7 % ташкил этди. Учунчи йилги силлиқ ширинмия даласининг амал даври охирида 0-30 см қатламда 2,72 г/см³ ва 30-50 см қатламда 2,68 г/см³ ни ташкил этди.

Силлиқ ширинмияни ўсиришнинг барча усулларида яъни стимуляторлардан фойдаланиш мақбул уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрида тупрокнинг асосий агрофизик хоссаларига ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Чунки ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши яхши бўлишига боғлиқ тупроқда анғиз ва илдиш колдиклари кўпроқ бўлиши тупроқ зарачаларининг яхшиланишига олиб келади.

Хулоса. Шўр ўтлоқли-аллювиал тупроқларда силлиқ ширинмиянинг ўсиш ривожланиш даврида стимуляторда мақбул ўғит ва уруғ меъерин қўлланилганда учунчи йили амал даври охирида 0-30; 30-50 см қатламдаги макроагрегатлар 3,2; 3,5 ва 3,7% ни ҳажм массаси назоратга нисбатан 0,05; 0,06 ва 0,07 г/см³ га кам бўлганлиги, ғоваклиги 0,8-2,5% гача ортганлиги аниқланди. Ўтлоқли-аллювиал тупроқларда силлиқ ширинмия ўсимлигининг амал даврида геогумат стимуляторин 2,0 мм 10 литр сувда ривожланиш даври бошида ва гуллаш даврида фойдаланиш 12 кг/га меъёрда уруғ экиш ва N₅₀ P₁₀₀ K₁₅₀ кг/га қўлланилганда, тупрокнинг 0-30; ва 30-50 см қатламларида чиринди миқдори назоратга нисбатан 0,010-0,017% га, умумий азот 0,002-0,003% ортганлиги кўзатилди.

Адабиётлар:

1. Мусаев С.М. Плоднoшeниe и лаборoтoрные всхожест семян дикорастую шей солодки голой (*Glycyrrhiza glabra* L) с Апшерoна. Изд-во УзССР сер. биoл. и мед.наук», №5. 1962.
2. Арабoва Н.З. Мисирoв С. Дoривoр ўсимлик уругларини лаборатория шарoитидаги унувчанлиги, Узбекисoн усимликлар oламидаги биoхйлмахиллик: муаммо ва ютуклар //Республика илмий амалий айжумани материаллари. Карши 2018 й. 132-133 бет.

3. Бадалов М.М., Ашурметов О.А., Апросиди Г.С., Хожаматов К.Х., Ширинмияни кўпайтириш ва етиштириш агротехникаси. Ташкент-1996-й. 16-б.
4. Кўзиев А.Ж. Силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*L) уруғидан кўчат етиштириш ва ўстиришнинг биоэкологик асослари. биол.фанлари. номзоди. Илимий даражаси учун дисс... Автореф. Ташкент 2000-й 21 бет
5. Каримов.АХ. Мелорация засоленных земель и лакрица Ташкент Университет 2015-г 192-стр.

Abstract

In order to study the effect of smooth sweeteners on the growth and development of bio stimulants, seed sowing norms and mineral fertilizers on the agro physical and agrochemical properties of the soil in the years of the experiment, soil samples were dug at depths of 0-30 and 30-50 cm in the first, second and third years. Was determined at the beginning and end of the period.

УДК: 631.4

КОСОНСОЙ АДирЛАРИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Турсунов Ш.Т., Исмонов А.Ж., Турсунова Г.Х.

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти.

Кириш. Бугунги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришда унинг энг муҳим ажралмас қисми бўлган суғориладиган тупроқлар ва унинг унумдорлигини ошириш бўйича кенг камровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Адир тупроқларининг антропоген омиллар яъни, суғориш ва ишлов беришлар таъсирида кечаётган жараёнларни ва унинг хосса-хусусиятларидаги ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил қилиш, унумдорлигини баҳолаш, тупроқ карталарини тузиш ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[1]. Шундан келиб чиқиб, адир тупроқларининг келиб чиқиши, хосса-хусусиятлари ва унумдорлигини суғориш таъсирида ўзгаришини аниқлаш ҳамда ўзига хос мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, адирли ерларда тарқалган суғориладиган тупроқларни муҳофаза этиш ва ҳозирги унумдорлик ҳолатини сақлаш, тиклаш муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг мақсади. Фарғона водийси шимолий қисмида жойлашган Косонсой тумани адирлари суғориладиган тупроқлари ўрганилиб, тупроқларда кечаётган салбий жараёнларни тупроқ хосса-хусусиятларига таъсири, экологик-мелиоратив ҳолатидаги ўзгаришлар қайд этиш, тупроқлар деградациясини олдини олиш, шўрланган, эрозияга учраган, гумус ва асосий озиқа моддалари камайган ерларни соғломлаштириш, тупроқларни унумдорлигини тиклаш, ошириш ва муҳофаза қилишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Материал ва методлар. Тадқиқот жойи сифатида 2017-2018 йилларда ўтказилган тупроқ тадқиқотларида ўрганилган, Косонсой дарёси ҳавзасида адирлар минтақасида жойлашган А.Навоий номли массивнинг суғориладиган типик бўз тупроқлари танлаб олинган.

Туман худудининг турли геоморфологик районлардан тузилганлиги, гидрогеологик, тупроқ-иқлим, ирригацион-хўжалик шароитлари, деҳқончилик маданияти, ерлардан фойдаланиш даражаси, тупроқ хоссалари ва мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлиги бўйича бир-биридан катта фарқланувчи худудларидан иборатлиги ўзига хос агроландшафтни вужудга келтирган. Тадқиқотларда тупроқлардан кимёвий таҳлиллар учун тупроқ намуналари олинди, уларда тупроқларни барча хосса-хусусиятлари, агрохимёвий таркиблари ва бошқа хоссалари ўрганилди.

Тупроқ тадқиқотлари асосини, Республикамизда нашр этилган [2;3;4] ва Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган, умумқабул қилинган қўлланмаларидан фойдаланилган.

Натижалар ва муҳокамалар. Ўрганилган ҳудуд тоғ олди ва тоғ ости суғориладиган адир тупроқларнинг ўзлаштирилганлик даврига кўра тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, морфологик хосса-хусусиятлари, гумус ва озика моддаларини тупроқ қатламларидаги миқдори, сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва ювилиши натижасида бошқа ҳудудларга таъсири, механик таркиби бўйича эскидан суғориладиган тупроқларда бошқа даврий суғоришларга нисбатан ил заррачалар миқдори юқорилиги, баъзи ҳолатларда қатламларнинг ўрта қисмида тўпланиши кузатилди, бу эса тупроқ қатламларида ички нураш жараёнларига боғлиқлиги ҳамда деҳқончиликда қишлоқ хўжалигида узоқ йиллардан бери фойдаланиб келаётганлигидан далолат беради.

Адир тупроқларини антропоген омиллар таъсирида ўзгаришга учраши ўз навбатида рельеф экспозицияси (нишаблиги), сув ўтказувчанлиги ва бошқа омилларнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Рельефининг ҳолати, тупроқларнинг таркиби ва сув ўтказмайдиغان қатламнинг шакллари ҳисобга олиб илмий тавсиялар асосида ўзлаштириш, адирларни асраб қолиш ва суғоришнинг агротехник усулини такомиллаштириш, суғориш иншоотларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қабиляр муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Аллювиал-пролювиал ётқизикларда шаклланган [5;6] Косонсой дарёси ёйилмасининг ўрта қисмида жойлашган А.Навоий номли массивда тарқлаган суғориладиган типик бўз тупроқлар механик таркибига кўра, асосан ўрта баъзи қатламлар оғир, енгил қумоқли ва қумлоқли бўлиб физик лой (<0,01 мм) заррачалар миқдори 18,1 дан 46,9% гача, жумладан ўрта қумоқда 31,0-44,9%, оғир қумоқда 46,9%, енгил қумоқда 23,3-28,5% ни, қумлоқда 18,1% ни ташкил этади ҳамда механик заррачалар орасида йирик чанг (0,05-0,01 мм), майда чанг (0,1-0,05 мм) ва ил (<0,001 мм) заррачалари етакчилик қилиб, улар мос равишда 335,9-58,4%, 6,5-21,3% ва 4,1-16,5% ни эгаллайди, ил заррачалари суғориш даврига боғлиқ ҳолда тўпланганлиги кузатилди (жадвал).


Ўрганилган ҳудуднинг суғориладиган типик бўз тупроқлардаги гумус ва озика моддалар жумладан, гумус миқдори кенг ораликда тебраниб ҳайдов қатламида 0,91-1,13%, айрим ерларда 0,55-0,65%, ҳайдов ости қатлаמידан қуйига томон камайиб 0,29-0,81% ни ташкил этиб жуда кам, кам ва ўртача, умумий азот 0,028 дан 0,082%, углеродни азотга нисбати 6,0-8,0 гача кузатилади.

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг механик таркиби, % ҳисобида

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Тупроқ заррачалари миқдори % да, ўлчами мм. да								Тупроқни механик таркиби бўйича номланиши
		Қум			чанг			ил	физик лой (<0,01 мм)	
		>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001			
Аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган Косонсой дарёси ёйилмаси ўрта қисми.										
Суғориладиган типик бўз тупроқлар										
420	0-32	1,0	0,1	4,5	52,7	13,0	17,6	11,1	41,7	Ўрта қумоқ
	32-53	0,5	0,1	17,0	48,9	2,9	14,1	16,5	33,5	Ўрта қумоқ
	53-81	0,5	0,1	20,9	37,2	12,7	13,4	15,2	41,3	Ўрта қумоқ
	81-116	1,0	0,1	16,9	37,1	11,3	18,0	15,0	44,9	Ўрта қумоқ
	116-152	1,0	0,1	16,1	35,9	14,0	21,3	11,6	46,9	Оғир қумоқ
1395	0-31	1,5	0,1	15,5	51,5	11,7	13,7	6,0	31,4	Ўрта қумоқ
	31-54	0,5	0,1	5,5	58,4	13,1	12,9	9,5	35,5	Ўрта қумоқ
	54-88	0,1	0,1	25,5	43,3	11,0	8,7	11,3	31,0	Ўрта қумоқ
	88-110	0,1	0,1	25,1	46,2	12,8	6,5	9,2	28,5	Енгил қумоқ
	110-150	0,1	0,1	18,2	49,4	11,6	11,4	9,2	32,2	Ўрта қумоқ
1424	0-34	6,5	0,5	11,8	50,9	10,0	13,3	7,0	24,3	Енгил қумоқ
	34-65	4,5	0,5	13,3	58,4	9,1	10,1	4,1	23,3	Енгил қумоқ
	65-94	0,5	0,5	24,1	56,8	5,8	7,7	4,6	18,1	Қумлоқ
	94-140	0,1	0,1	21,8	53,6	9,2	10,5	4,7	24,4	Енгил қумоқ

Ҳаракатчан фосфор ҳайдов қатламида 17,3 мг/кг ўртача, кесманинг қуйи қисмига томон камайиши кузатилиб миқдори 3,33-12,0 мг/кг ни ташкил этгани ҳолда жуда кам ва кам таъминланган. Умумий фосфор 0,103-0,169% ни ташкил этган. Ҳаракатчан калий ҳайдов қатламида 270 мг/кг, ҳайдов ости кесманинг қуйи қисмига томон камайиб 58-180 мг/кг жуда кам, кам ва ўртача таъминланган гуруҳларга мансуб. Умумий калий 2,03-2,09% ни ташкил этади.

Суғориладиган типик бўз тупроқлари асосан шўрланмаган баъзан кам шўрланган тупроқ қатламлар учраб, сувда осон эрувчи тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори шўрланмаган тупроқларда 0,0655-0,245%, кам шўрланган тупроқларда 0,120-0,255% миқдорларида кузатилди. Умумий ишқорийлик (HCO_3) 0,030-0,046%, хлор иони миқдори 0,010-0,025% кўрсаткичларида тебраниб туради. Тупроқлар асосан сульфатли баъзида хлорид-сульфатли шўрланиш типига мансуб.



Расм. Наманган вилояти Косонсой тумани Дўстлик массиви суғориладиган адир тупроқларини тупроқ картаси, 2018й.

Тадқиқотлар натижалари асосида ўрганилган ҳудуд тупроқ картаси тузилди (расм). Бунда тупроқ картасининг экспликациясида қуйидаги маълумотлар келтирилади: тупроқнинг номи, механик таркиби, шўрланиш даражаси, эрозия (емирилиши), гипслашганлиги, тошлоқлиги, ер ости сувининг чуқурлиги ва ҳокозолар.

Ушбу тузилган картадан массивдаги суғориладиган адир тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишда фойдаланилади.

Бунда кишлоқ хўжалиги экинларини уларни хосса хусусиятлари ва сифатини ҳисобга олиб жойлаштириш, ҳосилдорлигини режалаштириш, юқори унумдор тупроқларга ғўза, унумдорлиги паст бўлган тупроқларга дуккакли, бошоқли ва оралик экинларни экишда қўлланма сифатида фойдаланилади.

Хулоса. Ўрганишлар ва таҳлил натижалари асосида изланиш ўтказилган адир ҳудудида жойлашган массив суғориладиган тупроқлари асосан ўрта баъзан оғир, енгил кумоқлардан тузилган механик таркибли бўлиб, гумус ва озика элементлари билан жуда кам, кам ва ўртаса таъминланган, шўрланмаган баъзи ҳолатларда кесманинг қуйи қатламларида карбонатларнинг ювилиши натижасида тўпланиш ҳосил қилиб кам шўрланиш ҳолатлари мавжудлиги кузатилган.

Ушбундан келиб чиқиб салбий ҳолатларни олдини олиш чораларини кўришда тузилган тупроқ картаси кишлоқ хўжалигида фойдаланиб келаётган кластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар учун қўлланма сифатида фойдаланишни тўғри йўлга қўйилса, келажакда адирли ерларни ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ва у ерлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Кўзиёв Р., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. Тошкент. Saydana-print МЧЖ нашри. 2013, 52 бет
3. ЎзПИТИ нинг Ўрта Осиё тупроқларида агрокимёвий таҳлиллар. Тошкент, 1973, 138 бет
4. Тошқўзиёв М.М. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари микдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар. Тошкент. 2006. 24 бет
5. Исмонов А.Ж., Турсунов Ш.Т. Косонсой ёйилмаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлиги. ЎзМУ Хабарлари, Тошкент, 2011. 116-120 бетлар
6. Турсунов Ш.Т., Турсунова Г.Х. Адир суғориладиган тупроқларининг ҳозирги ҳолати. ЎзФА маърузалари, 2-сон. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "ФАН" нашри. Тошкент, 2015. 85-88 бетлар

Annotation

The article contains research materials of the last year, according to the results of studies of the mechanical composition, humus and nutrients, their supply is observed in different ways. In the arable layer, mobile phosphorus is 17.3 mg/kg and is very low and low grades. In the arable layer, the exchange potassium is 270 mg/kg, their amount decreasing down the soil profile of the subsoil layer averages 58-180 mg/kg, and they are very low- and middle-income due to the availability. Typically non-saline irrigated typical serozems are sometimes slightly saline, the amount of water-soluble salts of non-saline soils is 0.065-0.245%, and slightly saline 0.120-255%. These soils are mainly sulphate sometimes chloride-sulphate type salinization. The soil map shows agro-production groups of soils, areas of erosion, plastering, rockiness and the depth of the groundwater of the irrigated typical serozems.

Keywords: *Adyr, irrigated soils, humus, mobile phosphorus and exchange potassium, mechanical composition, salinization, soil map*

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ Утегенов О.Д.

Ўзбекистан Республикаси Божхона қўмитаси, Божхона институти

Кириш: Дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёда ҳар тўртинчи одам ўлимининг сабаби ифлосланган муҳитдир, атроф-муҳитнинг зарарли омиллари дунёдаги 100 дан ортиқ хавфли касалликларни келтириб чиқармоқда, улар ҳар йили 12,6 млн. одамнинг барвақт ўлимига сабаб бўлмоқда, шу жумладан, биргина хавонинг ифлосланиши туфайли ҳар йили бутун дунё бўйлаб 5,5 млн. киши вафот этмоқда»[1]. Шу нуқтаи назардан экология соҳасида таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларининг жорий этилиши фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш воситаси сифатида баҳолашиб ҳамда жамоатчиликнинг экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги экологик назорат функциясини ривожлантиришда Экологик партиянинг ўрни каттадир.

Ишнинг мақсади: жамоатчилик томонидан экологик назоратни амалга оширишда нодавлат ноижорат ташкилоти ҳисобланган Экологик партиянинг фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш борасида кучли сиёсат юритилиши, фуқароларнинг шу соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ва қафолатли ҳимоя қилишни янги босқичга кўтаришнинг объектив зарурияти мамлакат сиёсий майдонига дунёнинг аксарият давлатлари тажрибасида кузатилаётган экологик муаммолар билан шуғулланувчи сиёсий кучни жорий қилишни тақоза этди. Шундай сиёсий куч бўлиб Ўзбекистон Экологик партияси юзага келди.

2019 йилда Экологик партия ташкил этилиши учун муҳим ташкилий замин ҳозирлаган. Чунки, 2008 йилда юртимизда фаолият юритаётган 260 дан ортиқ экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлган[2].

Ў.Р.Ҳамраев таъкидлаганидек, Экоҳаракатнинг экологик қонунчилик қоидаталабларини амалга оширишдаги фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, жамоат экологик назорати; жамоат экологик экспертизаси; жамоатчилик эшитуви; давлат органлари билан ҳамкорлиги; жамоатчилик ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва бошқалар ҳисобланади. Экоҳаракат томонидан атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича корхоналар, марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг «жамоатчилик эшитуви» йўлга қўйилганлиги ижобий самара берди[3].

Материал ва методлар: Хусусан, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга ушбу қонун атроф табиий муҳитга зарар келтиради деб ҳисобласалар, давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 1-ва 17-бандларидаги ваколатларидан келиб чиқиб, Президентга вето қўйишни сўраб мурожаат қилиш; давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, экологик қонунчиликни бузган ҳокимларга чора кўришни сўраб Президентга таклиф киритиш; экологик қонун ҳужжатларига зид бўлган республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш, бекор қилиш ҳақида давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, Президентга ташаббус билан чиқиш; давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 4-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, экология соҳасидаги у ёки бу халқаро шартномани имзолаш ёки республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Президентга мурожаат қилиш; жамоатчилик назоратини амалга оширилиши мониторинги натижалари бўйича ўз ҳисоботларини давлат бошлиғига ахборот тариқасида тақдим этиш; давлат бошлиғига кейинги йилни экологияга оид долзарб масалаларга доир ном билан номлаш ҳамда уни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини тақдим этиш; Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқаётган давлат органларининг агар ушбу қарор лойиҳаси предмети экологияга оид ёки унга боғлиқ бўлса, қоида тариқасида, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг лойиҳа бўйича фикрлари ва таклифларини кўриб чиқиши шартлиги, қарор лойиҳасини ишлаб чиқарувчи орган Ўзбекистон экологик ҳаракатининг лойиҳаси бўйича фикрлари ва тавсияларини қарорга илова қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматига кўриб чиқиш учун тақдим этиши; экологияга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши лойиҳасини таклиф этиш[4]. Фикримизча, ҳозирги вақтда Экологик партиянинг ваколатларини тегишли тарзда мустаҳкамлаш масаласи ўз долзарблигини йўқотганича йўқ.

Натижа ва муҳокамалар: Мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасидаги вазифаларнинг кўлами экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг турли қатламларига мансуб фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашни тақозо этади.

Бундай муҳим ҳаётий мақсад ва вазифаларни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг саломатлигини сақлаш соҳасида фаолият юритаётган миллий ва чет эл жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ижобий тажрибаларини ўзлаштирган сиёсий куч – сиёсий партия бажаришга қодир эканлигини эътироф этиш зарур.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида бошқа шундай сиёсий ташкилотлардан фарқ қилади. Унинг ўзига хос айрим хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

а) ушбу партия фаолиятининг объекти аниқ белгиланган. Яъни объект – атроф муҳит бўлиб, партиянинг бирдан бир вазифаси табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва атроф

муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида иштирок этишдир;

б) ўз фаолиятини амалга оширишда жамиятнинг маълум бир қатламини эмас, балки ҳамма қатламларини қамраб олади;

в) Экологик партиянинг фаолияти биргина миллий манфаатлар билан чекланмасдан, бутун дунёда тан олинган глобал муаммо – экологик муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшиш каби вазифани ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, ҳаракат вакиллари парламент қўйи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашнинг муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қўйи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман[4]. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамланишига хизмат қилади», дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг янги босқичидаги кейинги қадам сифатида, Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолиятида тўпланган тажрибалар асосида янги сиёсий партияни ташкил этиш зарурати вужудга келди.

Мазкур партиялар юзага келишининг асосий сабабларидан бири глобал экологик муаммоларнинг долзарбланиши ва сонининг ошишидир. Ўзбекистонда экологик партияни ташкил этиш ҳаётий заруратдир[5].

2018 йил 14 ноябрь кунини «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Тошкент шаҳрида экология, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, олий ва ўрта таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ОАВ вакиллари иштирокида янги экологик сиёсий партия тузиш бўйича ташаббускор гуруҳининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу партияни тузиш бўйича 67 нафардан иборат ташкилий кўмита тузилди. 2018 йил 1-17 декабрь кунлари 14 та ҳудудда Ўзбекистон Экологик партияси таъсис съезидига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар сайлаш бўйича ҳудудий конференциялар бўлиб ўтди. Ҳудудий конференцияларда 1509 нафар иштирокчи қатнашди. Мазкур конференцияларда мукобиллик асосида 250 нафар делегатлар Ўзбекистон Экологик партияси таъсис съезидига сайландилар. Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий мақсадларига давлатнинг барқарор ривожланишга қаратилган экологик сиёсатида кўмаклашиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун қулай атроф муҳит яратиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захираларни асраш давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг иши бўлишига эришишдан иборат. Таъкидлаш лозимики, Ўзбекистон Экологик партияси мамлакат сиёсий майдонидаги энг ёш партиядир. Шундай бўлишига қарамастан, у қисқа вақт ичида юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган ўз органларининг тузулмасини шакллантиришга улгурди.

Ҳозир партиянинг таркибида 14 ҳудудий, 200 дан ортиқ туман ва шаҳар партия ташкилотлари мавжуд. Кўплаб маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда партиянинг бошланғич ташкилотлари тузулган. Ҳозирда унинг 247000 дан зиёд аъзолари бўлиб, уларнинг 37% аёллар ва 60% ёшлардир.

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан олиб бориладиган жамоат назорати тезкорлиги ва жамиятда рўй бераётган салбий ҳодисаларга ўз вақтида эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Шундай назоратлардан бири аҳоли пунктларида (асосан шаҳарларда) дарахтларни ёппасига кесиш ҳолатларига қарши туриш ва бу соҳадаги қонун бузилишларини қоралаш ишларини амалга оширганидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йилнинг 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармонида кўра давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматли навларини кесишга мароторий эълон қилинган.

Ўзбекистон Экологик партияси амалга оширадиган жамоат назоратининг яна бир ўзига хос хусусияти унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қўмита билан яқин ҳамкорлиги ва унга тавсия ҳамда таклифлар асосида таъсир ўтказа олиши имкониятининг мавжудлигидир. Хусусан, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматли навларини кесишга мароторий эълон қилиш бўйича юқорида келтирилган Экологик партиянинг мурожаатида депутатлар қўмитасига «дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи мажмуавий ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланишини» назорат остига олиш таклиф этилган[6].

Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий вазифаларидан бири давлат бошқаруви органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан **ЭКОЛОГИЯ**, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда экологик ва санитария нормаларига риоя этилишини таъминлаш, мазкур соҳада қабул қилинган қарорларни, шунингдек давлат дастурларини амалга ошириш ишларини фаоллаштиришдан ва унинг бажарилишини таъминлашни назоратга олишдан иборатдир[7].

15 февраль куни Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида коронавирус инфекцияси бўйича аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида давлат органлари мансабдор шахсларининг ахбороти юзасидан жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан партия вакиллари кенг жамоатчилик ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари иштирокида мазкур соҳада давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг жамоатчилик мониторинги ва жамоатчилик эшитуви тадбирлари ўтказилди.

Тадбир режасига асосан коронавирус касаллиги бўйича аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида депутатлар ва кенг жамоатчилик вакилларидан иборат 3 та ишчи гуруҳи жойларда, хусусан Тошкент шаҳридаги И.Каримов номидаги халқаро аэропортда, Шимолий темир йўл вокзалида ҳамда Қозоғистон - Ўзбекистон давлат чегарасининг «Учқаҳрамон» давлат чегара постида давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан мониторинг (кузатув) олиб борилди. Мониторинг яқунлари бўйича жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда ўн тўртта ҳудуддан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган ўттиз уч мингдан ортиқ фуқароларнинг имзолари йиғилди.

	Ж.ғ.	19	19	26	32	29	28	38	53	48	34	24	22
	Ғ.	20	19	27	29	24	21	26	28	29	28	26	27
	Ш.ғ.	1	1	1	2	3	1	1	0	2	0	1	1
Фарғона	Ш.	4	4	7	8	9	11	7	5	5	7	6	5
	Ш.ш.	9	12	13	13	16	17	10	7	10	13	14	12
	Ш.қ.	31	30	25	21	25	22	26	28	26	26	25	27
	Ж.ш.	11	12	8	9	7	7	8	8	8	12	11	10
	Ж.	8	7	6	6	5	5	6	8	7	3	7	8
	Ж.ш.	32	25	19	20	17	17	22	28	31	31	31	31
	Ж.	15	10	14	16	13	15	11	13	14	16	15	17
	Ж.ғ.	6	7	7	8	10	9	8	7	5	4	5	5
	Ғ.	14	12	17	17	13	12	18	19	20	17	15	14
Ш.ғ.	11	16	12	11	15	17	22	19	21	18	13	13	


Эслатма: ш.- шимол, ш.ш.- шимолий шарқ, ш.қ.-шарқ, ж.ш.-жанубий шарқ, ж- жануб, ж.г.-жанубий гарб, г-гарб, ш.г. – шимолий гарб.

Иккинчи йилда эса апрел ойи бошларида эсанг шамолнинг давомийлиги 13 соатдан кўпроқ давом этди, тадқиқотнинг иккинчи йили

4-жадвал

**Апрел ва май ойларида бўлиб ўтган кучли шамоллар ҳақида маълумот
(Улугнор метиостанцияси) 2015-2016 йй**

Бошланган вақти	Тугаган вақти	Давомийлиги	Ўртача тезлиги, м/сек	Кучайган вақтдаги тезлиги, м/с	Изоҳ (ёгин миқдори) м
2015 йил					
26.04, 8 ⁴⁵	26.04, 17 ⁴⁰	8 соат 55 дақиқа	15,0	15,0	4 мм
9.05, 01 ²⁰	9.05, 06 ³⁵	5 соат 45 дақиқа	20,0	22,0	0,3 мм
16.05, 13 ³⁰	16.05, 18 ³⁰	5 соат	20,0	20,0	0,5 мм
2016 йил					
06. 04, 12 ²⁰	06.04, 13 ⁵⁰	1,5 соат	20,0	22,0	0,5
06. 04, 10 ³⁰	07.04, 22 ⁴⁰	13 соат 10 дақиқа	15,0	20,0	3 мм
08. 05, 22 ³⁰	09.05, 5 ⁰⁰	7 соат	20,0	22,0	2 мм
16.05, 13 ³⁰	16.05, 11 ³⁰	10 соат	20,0	20,0	0,5 мм



1-расм. Шамол эрозиясига учраган ерларда пахта хосилини ошириш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш

(Мақолага изох: Республикамизнинг Қорақалпоғистон, Бухоро Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг Марказий Фарғона ҳудуди ҳамда жанубий Қозоғистонда академик Қ. Мирзажонов тезлиги 15 м/

сек дан кучли шамоллар ва уларнинг зарарларини аниқлаб кучли шамолларга қарши турли чоралар ишлаб чиққан ва ҳозирги кунгача қўлланилиб келинмоқда.)

тезлиги кучли шамоллар тўрт марта кузатилди энг кам шамолнинг эсиши 1,5 соат давом этди.

Шамолнинг энг қаттиқ эсиши вақти 22,0 м/сек тезликда эсди. Ёғинлар миқдори кучли шамол вақтида 0,5 дан 3,0 мм гачани ташкил этиб шамолнинг эсиши вақтида ёққан ёмғир парланиб кетганлигини алоҳида айтиб ўтишимиз лозим. Тадқиқотнинг охириги йили ҳам биринчи йилга яқин маълумотлар олинди.

Адабиётлар:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Т, 2007, 147-б.
2. Мирзажанов. Қ. -“Лик центральной Ферганы в прежнее и настоящее время Ташкент-2014 г 249 стр
3. Мирзажонов Қ.М., Рахимов Р.У. Ирригационная эрозия почв и элементы борьбы с ней. Монография “Навруз” босмоҳонаси.-Тошкент. 2015. с.121-134.
- 4.Мирзажанов Қ. М., Нурматов Ш.Н. «Узбекистонда эрозия жараёнлари ва унинг тупроқ хоссаларига таъсири». Пахтачилик ва дончилик, Тошкент,2000, №3–4. Б. 28–30.
5. Холтўраев Ш.Ч. «Чиллаки кузги бугдой навининг озикланиш меъёри ва суғориш тартиби» Илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Тошкент. 2012. Б. 246.

Abstract.

Since the creation of mankind, each sphere has its own difficulties. In agriculture alone, there are about a hundred natural barriers to growing various crops, such as legumes, oilseeds, fiber, vegetables, melons, fruits and citrus fruits, as well as livestock and poultry products. This article contains information about winds with a speed of more than 15 m / s in the Fergana Valley. When growing the above crops, wind at a speed of more than 15 m / s has a negative effect, and this article can destroy the yield of 50% or even 100% of some crops.

Keywords. Central Ferghana, strong winds above 15 m / s, wind erosion, dust storms, mechanical soil, light soil, sowing seeds

УЎТ:633.51:631.675.2:432.3

ЃЎЗАНИ ФЕРТИГАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШДА ТУПРОҚНИ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ СУЃОРИШ МЕЪЁРИГА ВА ПАХТА ҲОСИЛИГИ ТАЪСИРИ

Шамсиев А.С., Б.С Камиллов, М.П.Зиятов, Ж.С.Эшонқулов, Ш.М.Тоғаев,
О.Мухаммадиева

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Маълумки, кейинги йилларда нафақат мамлакатимизда балки, Марказий Осиё давлатларида суғориш сувлари тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Бунинг салбий оқибатлари Орол денгизининг қуриши ва Оролбўйи минтақасида антропоген саҳроланиш ҳамда экологик ноқулай муҳитни келтириб чиқармоқда. Бу эса бевосита трансчегаравий сув ресурсларини оқилона бошқариш ва фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришни тўғри ташкил этишни ҳамда сувни тежашни тақоза этмоқда. Суғорма деҳқончилик шароитида сувни тежаш табиий сув захираларидан самарали фойдалишга асослангандир. Негаки, республикамизда қишлоқ хўжалигида фойланиладиган экин майдонларининг аксарият қисми қурғоқчилик (автоморф) минтақаларида жойлашган ва деҳқончилик юритишда албатта экинларни сунъий суғориш талаб этилади.

Ѓўзани суғоришнинг мақбул муддатлари, меъёрлари ва тизимларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Ѓўзани суғориш муддати ва меъёрини ўсимликнинг илдиз тизимини қамрайдиган қатламдаги тупроқ намлигини энг пастки мақбул чегарасига қараб белгилаш устида олимлар томонидан кўп йиллик изланишлар олиб борилган. Ѓўза мажмуидаги экинлар учун тупроқнинг суғориш олди намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан (ЧДНС) 60-80 фоиз орасида бўлишини кўпгина олимлар таъкидлашган. А.Розановнинг олиб борган тадқиқот натижаларининг маълумотларига кўра, тупроқнинг сув хоссалари сув

ўтказувчанлик билан чамбарчас боғлиқ. Тупроқ заррачаларининг миқдори ҳам сув ўтказувчанлик ва дала нам сифимига алоқадордир. Типик бўз тупроқларнинг она жинси асосан лёсс ва лёссимон ётқизиклардир. Буларнинг ҳаммаси деллювиал ва аллювиал сув ётқизиклари ҳисобланади. Сувга чидамли микроагрегатлар юқори унумдорлигини таъминлайди ва агротехникавий тадбирлар тўғри амалга оширилса, экинлардан юқори ҳосил олиш мумкин. Лёссимон она жинсдан пайдо бўлган типик бўз тупроқлар ўзига хос, физикавий тузилишга кўра биологик фаол, ҳаракатчан, сув ва озика моддалари мавжудлиги билан ажралиб туради. Бу хусусиятларни 0,25-0,25 мм ўлчамдаги микрозаррачалар юзага келтиради. Б.Доспеховнинг аниқлашича тезпишарлиги турлича бўлган ғўза навлари турли тупроқ-иклим шароитларида ривожланиш даврларига қараб, ҳар хил тупроқ намлигини талаб қилади. Шунинг учун ҳар бир ғўза навига мос ҳолда мақбул тупроқ намлиги тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 (65)%, 65-70-60(65)%, 70-70-60(65)%, 70-75-60(65)% ва 75-75-60(65)% тарзда уч ҳадли кўринишнинг биринчиси ғўзани шоналаш давригача, иккинчиси гуллаш-ҳосил тўплаш даврида ва учинчиси кўсақларни очилиши давридаги тупроқ намлиги билан ифодаланади. Эртапишар ғўза навлари суғориш олди тупроқ намлигининг юқори ЧДНСга нисбатан 80-80-60(65)% тартибни талаб этиши исботланган. Шўрланган сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган майдонларда суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-70-65%, 70-80-65% ва 80-80-65% тартибда белгилаш юқори самара беради. Ғўзани ривожланиши даврлари учун ҳам суғориш олди тупроқ намлигини ўзгартириш мумкин. Белгиланган тупроқ намлигидан ЧДНСга нисбатан намлик ўртасидаги фарқ 1-2% дан ошмаслигини таъкидлаб ўтган. М.Ю.Эсанбеков олиб борган илмий тадқиқотларида ҳисобий намлаш қатлами 70-100-70 см бўлган вариантларда ғўзани мавсумий сув меъёри ўртача 3820-4377 м³/га атрофида бўлиб, ҳисобий қатлам 50-50-30 см бўлган вариантларда 2755-2712 м³/га бўлган. Бунда биринчи гуруҳ вариантларида ҳисобий суғориш тартибини сақлаш учун 5 марта суғорилиб, иккинчисидан эса 7 марта суғорилган бўлиб, сувнинг энг юқори самарадорлиги ғўзани мулчаланган эгатлар орқали суғорилган вариантларда кузатилиб 0,83-0,89 м³/ц ни ташкил этган. Ғўза қатор оралари мулчаланмаган вариантларида бу кўрсаткичлар 0,48-0,69 м³/ц ташкил этганлигини таъкидлаган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзани оддий эгатдан ва қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб, эгилувчан қувурлар орқали суғоришда азотли ўғитлардан самарали фойдаланиш агротехнологиясини такомиллаштириш ва унинг ўзлаштириш коэффициентини оширишни илмий асослашдан иборат.

Илмий изланишлар 2015-2017 йилларда ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба участкасида № 86-контурда 1,1 га майдонда ўтказилди. Тупроғи механик таркиби оғир кумоқ, типик бўз, ер ости сувлари 15-18 м пастда жойлашган бўлиб, эскидан суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинади.

Тадқиқотларда ғўзани истикболли, ўрта толали «Наврўз» нави экилди. Суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда олиб борилди. Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир делянка майдони 240 м², уч қайтариқда, бир ярусда жойлаштирилди. Тадқиқотларда барча кузатув ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ (Собиқ ЎзПИТИ)да қабул қилинган услубий қўлланмаси асосида олиб борилди, агротехник тадбирлар хўжалиқда қабул қилган тартибда амалга оширилди.

Ғўзани ўсув даври бошидаги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/соат (2015-2017 йй.)

Аниқлаш муддатлари	Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м ³ соат						Ўртача 6 соат давомида
	1	2	3	4	5	6	
Амал даври бошида							
08.04.2015 й.	449,8	150,9	90,2	75,8	53,1	47,2	903,6
05.04.2016 й.	442,3	150,5	95,6	72,3	55,3	48,8	864,8
06.04.2017 й.	445,0	158,0	84,2	69,7	51,3	45,1	853,3
Ўртача 3 йилда	443,7	156,4	90,0	72,6	53,2	44,7	873,9

Амал даври охирида							
Оддий эгатдан	358,2	130,2	102,8	55,3	42,9	37,2	726,6
Очик эгатдан	360,0	131,4	104,4	53,2	42,4	36,9	730,3
Плётка тўшалган эгатдан	364,2	139,1	110,7	57,4	43,9	37,4	759,7

Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги унинг муҳим сув физик хоссаларидан бири ҳисобланади. Бу бевосита суғориш сувлари меъёрлари ва қатор орасига ишлов бериш сонига боғлиқ ҳолда ўзгариб амал даври бошидан охирига қараб турлича кўрсаткични ташкил этади.

Ўзанинг ўсув даврида ўтказилган суғоришлар ва қатор орасига берилган ишловлар натижасида тупроқ зичлашиши натижасида, унинг сув ўтказувчанлиги оддий эгат орқали суғорилган 1-чи назорат варианты ва оддий эгатдан фертигация усулида суғорилган 2-вариантда 6 соат давомида жами 726,6 м³/соат, эгилувчан қувурлар ёрдамида фертигация усулида суғорилган 4-7 вариантларда 6-соатда жами 730,3 м³/соатни ташкил этган бўлса, эгатни қора полиэтилен плётка тўшаб суғорилган 3, 6 ва 9 вариантларда бу кўрсаткич мос ҳолда жами 759,7 м³/соатга тенг бўлди.

Ўзани суғориш тартиблари ва мавсумий сув меъёри (2015-2017 йй.)

№	Суғориш тартиб ЧДНС га нисбатан %	Тупроқ намлигининг ҳисобий қатлами, См	Суғориш тизими	Мавсумий сув меъёри, м ³ /га брутто, м ³ /га			Ўртача 3 йилда мавсумий сув меъёри брутто
				2015 й.	2016 й.	2017 й.	
1	70-70-60	70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
2		70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
3		50-50-50	1-4-1	2920	3780	3350	3317
4		70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
5		70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
6		50-50-50	1-4-1	2920	3780	3350	3317
7		70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
8		70-100-70	1-4-1	4390	4775	4582	4549
9		50-50-50	1-4-1	2920	3780	3350	3317

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига қараб пахта ҳосили бўйича олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, тажрибада азотли ўғитлар билан анъанавий усулда гектарига 200 кг меъёрда озиклантирилган ва оддий эгат орқали суғорилган 1-вариантда ўртача гектарига 35,9 центнер, азотли ўғитлар билан гектарига 150 кг меъёрда озиклантирилган 2-вариантда 32,0 центнер ва 100 кг меъёрда озиклантирилган 3-вариантда 28,2 центнерни ташкил этди.

Оддий эгат орқали суғорилган ва азотли ўғитлар билан гектарига 200; 150; 100 кг меъёрларда сувда эриган ҳолда фертигация усули билан озиклантирилган 4; 5; 6-вариантларда ўртача гектаридан 34,9; 32,0 ва 27,0 центнер пахта ҳосили олишга эришилди. Қатор орасига қора полиэтилен плётка тўшаб суғорилган ва азотли ўғитлар билан гектарига 200; 150; 100 кг меъёрларда сувда эритган ҳолда фертигация усулида озиклантирилган 7; 8; 9-вариантларда пахта ҳосили ўртача гектарига 38,3; 34,7 ва 30,2 центнерга тенг бўлганлиги аниқланди. Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили қатор орасига қора полиэтилен плётка тўшаб суғорилган ва азотли ўғитлар билан фертигация усулида озиклантирилган вариантларга нисбатан гектаридан ўртача 2,7-3,4 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди. Азотли ўғитлар меъёрига нисбатан. Таҳлил қилинганда энг юқори ҳосил гектарига 200 ва 150 кг меъёрларда олиниб, 100 кг меъёрга нисбатан ўртача гектаридан 7,3-8,1 ва 3,4-4,5 центнер юқори ҳосил олинди. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда такомиллаштирилган усул, яъни азотли

Ўғитларнинг йиллик меъерининг 100 фоизи (200 кг/га) ни эгилувчан қувурлар орқали сувда эриган ҳолда фертигация усулида қўллаш, фосфорли ўғитларнинг 70 фоизи ва калийли ўғитларнинг 50 фоизини шудгор остига, қолган қисмини плёнка билан мульчалашдан олдин солиш, бунда амал даври давомида фазалар бўйича тупроқнинг намланиш ҳисобий қатламларини 50–50–50 см олган ҳолда суғориш меъёри 450–750 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3317 м³/га, 1–4–1 тизимда жами 6 марта суғориш тавсия қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, қатор орасига қора полиэтилен плёнка билан мульчалаб суғориш билан азотли ўғитларни сувда эриган ҳола фертигация усулида озиклантириш, нафақат азотли ўғитларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади, балки ғўзани суғориш сифати яхшиланиб, тупроқнинг эгат бўйлаб бир текисда намланишига ва сув тежамкорлигига эришилди.

Адабиётлар:

1. Розанов А. Н. Сероземы Средней Азии. М., Изд-во АН СССР, 1952, 181-185 с.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М. : Агропромиздат-1985. С-248-255.
3. Эсанбеков М.Ю. Ирригацион эрозиясига мойил бўлган тупроқларда ғўзани суғориш технологияси элементларини такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати Тошкент – 2017 йил. № 18-19-бет.

Annotasiya

Effectiveness of applying different rates of mineral fertilizers with the method of fertigation in furrow irrigation and in mulching with black polyethylene film of cotton in the condition of old irrigated typical sierozem soils of Tashkent province were presented in article.

ВЛИЯНИЕ НОВОГОТЕЧЕСТВЕННОГО РОСТОСТИМУЛИРУЮЩЕГО ПРЕПАРАТА НА РАЗВИТИЕ ХЛОПЧАТНИКА НА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ.

Эгамбердиев Н.Б., Насибов Б.Р., Умаров У.Т.

Ташкентский институт инженеров ирригации сельского хозяйства

Среди неблагоприятных для растений факторов одним из самых распространенных является засоление почвы.

Воздействие хлоридного засоления значительно нарушает корневое питание и водный режим гликофитов, ингибирует процесс фотосинтеза, в результате чего подавляется рост растений и их урожайность(1-3).

Известно, что 90% водных ресурсов Узбекистана используется для орошения, возможности которого были уже исчерпаны к началу 90-х годов. Сейчас при остром водном дефиците на промывку засоленных земель расходуются десятки кубических километров воды (1-3).

особенно остро вопрос дефицита воды, а отсюда и засоленности почв, стоит в Сырдарьинской, Джизакской, Навоинской, Хорезмской, Бухарской областях и зонах Приаралья. Это крайне отрицательно сказывается на урожайности и качестве хлопко-сырца и становится факторами, определяющими экономику, социальные условия и перспективы развития хлопковых регионов (2-4).

Цель работы: Изучить влияние природного препарата навруз на развитие хлопчатника выращиваемого на засоленных почвах.

Лабораторные опыты по определению оптимальной стимулирующей концентрации препарата навруз проводили на гипокотильях хлопчатника сорта Наманган 12. С этой целью семена хлопчатника замачивали в течение 8-12 часов в растворах испытуемых веществ. Перед посевом семена хлопчатника замачивались в растворах препаратов, после посева семян на 3 сутки определяли энергию прорастания, на 5 и 7 сутки - всхожесть и воздействие стимуляторов на длину надземной и корневой части проростков.). Тесты по определению гормонального действия изучаемого препарата проводили на колеоптелях пшеницы сорта Половчанка по методу Бояркина, карликового гороха сорта Пионер гиббереллиноподобное, по методу Муромцева и Русанова, и проростках щирицы цитокининоподобное; Мазин и др., в лаборатории фитотоксикологии Института химии

растительных веществ АН РУз (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси) (4).
 Норма расхода препаратов навруз и витавакс 8 л/т.с (литр тонна семян).

Результаты и их обсуждение

Для определения ростостимулирующей активности на засоленной почве, в лабораторных условиях препаратом Навруз обрабатывались семена хлопчатника сорта «Наманган 12», методом: замочки семян, а затем проращивались в стаканчиках с засоленной почвой. Контрольные семена замачивались в дистиллированной воде. Результаты опытов представлены в таблице №1;

Влияние препарата Навруз на всхожесть семян и рост проростков хлопчатника сорта

Таблица 1

«Наманган 12» (метод замочки семян)

№	Варианты опыта	Норма расхода, л/т.с.	Всхожесть семян на 5-й день	Количество проростков хлопчатника (7-й день)	
				корень, %	стебель, %
1.	Контроль		81,3	100,0	100,0
2.	Препарат Витавакс(эталон)	6,0	90,7	119,8	117,8
3.	препарат Навруз	0,01	87,3	97,1	106,9
4.	препарат Навруз	0,1	87,0	114,0	110,7
5.	препарат Навруз	0,2	88,7	122,8	114,9
6.	препарат Навруз	0,3	89,9	123,4	117,2
7.	препарат Навруз	0,4	89,2	121,1	116,3
8.	препарат Навруз	0,5	89,7	121,9	115,6
9.	препарат Навруз	0,6	88,9	119,1	115,4
10.	препарат Навруз	0,7	87,0	119,9	112,1
11.	препарат Навруз	0,8	86,0	118,7	115,9

Как видно из таблицы №1, наилучшей биологической активностью препарата Навруз, является норма расхода 0,3 л/т.с и 0,5 л/т.с. Активность заключается преимущественно в стимуляции корневой системы проростков. Так, при использовании метода замочки семян, наблюдается хорошая всхожесть проростков, и развитие их корневой части, так рост корня для 0.3 был на 23,4% больше, чем в контроле и на 3,6% больше эталона. Рост стебля превышает контрольные показатели на 17,2% и остается на уровне эталона.

Влияние регулятора роста Навруз на энергию прорастания, всхожесть и рост хлопчатника (полевой опыт) Таблица 2

Варианты опыта	Норма расхода препарата, л/т.с.	Энергия прорас-тания на 7-й день, %	Всхожесть на 14-й день, %	Высота растения на 21-й день, см	Кол-во настоящих листьев на 21-й день, шт.
2019 год					
Контроль		64,7	88,9	10,7	3,5
Препарат Витавакс	5,0	70,2	93,5	12,5	4,0
препарат Навруз	0,3	69,3	94,9	12,5	3,9
препарат Навруз	0,5	70,1	92,1	12,7	4,0

Как показывают наблюдения по энергии прорастания и всхожести семян обработанных перед посевом опытные варианты превосходят контроль по этим показателям и на начальных этапах роста и развития не уступают эталонным вариантам. Так всхожесть в варианте с использованием препарата Навруз достигает 92,1-94,9%, а высота растений в среднем 12,5-15,0 см табл 2.

Влияние препарата Навруз на урожайность хлопчатника (увлажнение семян) препаратом навруз Таблица 3

Варианты опыта	Норма расхода, л/т.с.	Урожайность по повторностям, ц/га			Средний урожай, ц/га	Отклонение, ц/га
Контроль		27,5	27,0	26,6	27,0	--
препарат Витавакс	5,0	29,6	31,5	32,1	31,0	+4,0
препарат Навруз	0,3	31,6	33,8	30,7	32,0	+5,0
препарат Навруз	0,5	30,4	31,7	31,2	31,1	+4,1

Как показали наблюдения по энергии прорастания и всхожести семян обработанных перед посевом опытные варианты превосходят контроль по этим показателям и на начальных этапах роста и развития не уступают эталонным вариантам. Всхожесть в варианте с препаратом Навруз на засоленных почвах в Сырдарьинской области достигает 89,1-93,9%, а высота растений в среднем 10,5-13,0 см табл 3.

Влияние препарата Навруз на урожайность хлопчатника (увлажнение семян) Таблица 4

Варианты опыта	Норма расхода, л/т.с.	Урожайность по повторностям, ц/га			Средний урожай, ц/га	Отклонение, ц/га
Контроль	б/о	27,5	27,0	26,6	27,0	--
Витавакс	5,0	29,6	31,5	32,1	31,0	+4,0
Навруз	0,3	31,6	33,8	30,7	32,0	+5,0
Навруз	0,5	30,4	31,7	31,2	31,1	+4,1

Выводы

1. Лабораторные исследования показали, что наилучшей биологической активностью природный препарат Навруз обладает при нормах расхода 300-500 мл/т.с.; При такой дозе положительно влияет на фенологические показатели и урожайность хлопка.
2. Регулятор роста Навруз в низких концентрациях проявляет ростостимулирующее действие при предпосевной обработке семян.

Литература:

1. Г.Ю. Галицын, Перспективы использования новых биологических индукторов устойчивости растений картофеля к болезням : научное издание Биология растений. - 2006. - № 1. - С. 107-111
2. Давидянц Э.С. Применение регуляторов роста тритерпеновой природы при выращивании озимой пшеницы. Агротехника № 8, Август 2006, С. 30-33.
3. Мустаев Ф.А., Власова О.А. Природный, экологически чистый регулятор роста хлопчатника «Навруз» // 4-я Международная научно-практическая конференция. Экология и речные бассейны: Тез. докл. - Владимир, 2007. - С. 247.
4. Умаров А.А., Кушаева Ф.Х., Ниязметов У.Х., Хидырова Н.К., Маматкулова Н.М., Шахидоятов Х.М. // Биологическая оценка препарата Л-2 и его отдельных компонентов. Доклады Российской академии с\х наук, № 2, 2005, с.13-15.
5. А.С. Шамсиев, Н.Қ. Ражабов Типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўрта толали "Андижон-36", С-6541 навларининг ҳосилдорлиги ва ўғит меъёрларининг таъсири научно-технический журнал "Ирригация и мелиорация" №2(12).2018

Annotation

In this scientific paper are presented scientific results of the local preparation Navruz which is obtained from the scientific research institute, which positively affects the growth and development of plants, the scientific results were tested in the saline lands of Uzbekistan. The positive effect of the natural local preparation Navruz on the cotton grown in saline lands has been proved.

МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТАНИ СИФАТИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА ТОЛА ТОЗАЛАГИЧ УСКУНАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эгамбердиев Ф.О, Бахромов А.А.

Жиззах политехника институти

Кириш. Республикамизда охириги йилларда пахта тозалаш ва тўқимачилик соноати техника ва технологияларини такомиллаштириш, етиштирилаётган пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида дунё бозорида рақобатбардошликни таъминловчи сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта тўқимачилик кластери тизимлари ташкил этилиб унинг таркибига бир қатор тўқимачилик ва энгил саноат корхоналари бириктирилган. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этди. Лекин булар ҳам ҳали етарли эмас. Ўзимизда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, экспортни 15 миллиард долларга етказиш имконияти мавжуд. Келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 бараварга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бунинг учун маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириб, сифатини кескин ошириш соҳа олимлари олдида турган энг зарур вазифадир [1].

Республикамизда етиштириладиган пахтанинг 95 фоизи қўлда терилади. 2020 — 2026 йилларда пахтани машинада териш ва терим машиналарини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ҳамда етказиб бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 21 сон қарори қабул қилинган. Бу қарорнинг ижросини таъминлаш 2 босқичда амалга оширилиши белгилаб берилди. Биринчи босқичда (2020 — 2022 йиллар) Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларига босқичма-босқич терим машиналарини етказиб бериш. Иккинчи босқичда (2023 — 2026 йиллар) республиканинг қолган ҳудудларида пахта ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялашни жорий этишни амалга ошириш назарда тутилган буни 1-жалвалдан кўришимиз мумкин [2].

Ишнинг мақсади. Хозирги кунда бизда асосан қўлда терилганлиги сабабли пахтани ва толани тозалаш жараёнига ўрнатилган техника ва технологиялар ҳам шунга асосланган. Пахтани териш босқичма-босқич пахта териш машиналарида амалга ошрилади ва корхоналарга етказиб берилган пахта таркибидаги кўрсаткичлар ва ифлосликлар миқдори ҳам ошади. Буларни инобатга олиб корхонада қўлланаётган техника ва технологияларни машина теримида мослаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тола тозалаш жараёни, пахтани қайта ишлаш технологик жараёнининг тугалловчи муҳим жараёнларидан бири бўлиб, толанинг сифати ушбу жараённинг самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Охириги йилларда пахта теримида машина теримини яна кириб келиши қўл меҳнатини камайишига, теримнинг самарадорлигини ошишига олиб келмоқда, лекин шу билан бирга терилган пахтанинг намлигини, ифлослигини ошишига сабаб бўлади бу эса ўз навбатида тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонларни ошишига олиб келади. Тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонлар миқдорини камайтиришнинг йўлларида бири, бу тола тозалаш самарадорлигини оширишдир [3.4].

Ҳозирги кунда пахтани дастлабки ишлаш технологиясида ишлаб турган пахта толасини тозалаш машиналарини такомиллаштириш орқали юқори сифатли тола чиқишини таъминлаш, сифатини яхшилаш, самарадорлик ва унумдорликни ошириш долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, тола тозалаш ускунасини конструкцион таҳлил қилиш ва самарали конструкциясини ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда.

2020 — 2026 йилларда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизимидаги ташкилотлар томонидан пахта териш машиналари ишлаб чиқариш ва республика хуудларига етказиб бериш

Т/р	Хуудлар номи	Умумий эҳтиёж	2020 йил						2021	2022	2023	2024	2025	2026
			Жами	май	Июнь	июль	август	сентябрь						
1.	Тошкент вилояти	930	250	50	50	50	50	50	250	250	180			
2.	Сирдарё вилояти	770	250	50	50	50	50	50	250	270				
3.	Жиззах вилояти	1155	300	60	60	60	60	60	350	505				
4.	Қашқадарё вилояти	1481	200	40	40	40	40	40	350	475	456			
5.	Қорақалпоғистон Республикаси	600									200	200	200	
6.	Андижон вилояти	800									200	300	300	
7.	Бухоро вилояти	1100									300	400	300	100
8.	Навоий вилояти	392									100	100	100	92
9.	Наманган вилояти	800									100	300	300	100
10.	Самарқанд вилояти	650									200	250	200	
11.	Сурхондарё вилояти	777									150	250	300	77
12.	Фарғона вилояти	475									74	100	200	101
13.	Хоразм вилояти	340									40	100	100	100
	Жами	10 270	1000	200	200	200	200	200	1200	1500	2000	2000	2000	570


Метод. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта толасини сифатли ишлаб чиқаришда асосий вазифалардан бири тола тозалагич ускунаси бажаради. Илмий тадқиқотлардан маълумки тола тозалаш жараёнидан кейин толани тозалаш самарадорлигини пастлиги ҳисобланади. Бу эса тола тозалаш технологик машина ва жиҳозлари ишчи элементлари конструкцияларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тола тозалаш машиналари толани ифлосликлардан тозалаш усулига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

- аэродинамик;
- механик;
- аэромеханик.

Ҳозирда бизда булардан асосан аэромеханик ускуналардан фойдаланамиз.

Ўтган асрнинг 70 йилида Республикада кенг йўналишда пахтани машина ёрдамида териш олиш ишлари олиб борилган. Машина ёрдамида терилган пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлган. Ишлаб чиқарилган тола эса истеъмолчининг сифатли толага бўлган талабини тўлиқ қондира олмаган. Тола сифатини яхшилаш мақсадида бир барабанли тола тозалагичлар ўрнига ишлаб чиқаришга уч барабанли тўғри оқимли ЗОВП русумли тола тозалагичлар жорий этилган. (1-расм)




1-расм. 1ВП тола тозалагичи схемаси.

1- аррали цилиндр; 2- ажратгич; 3-қабул қилиш бўғизи; 4,6- текис йўналтириш чўткаси;
5- колосникли панжара; 7- жалюзали панжара;
8 -чиқиндилар камераси; 9- устки қопқоқ; 10-олиб кетиш бўғизи;
11- ажратгич-пичоқ.

Уч барбанли тола тозалагичларда машина ёрдамида териб олинган пахтанинг толасини тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 30-40 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган толанинг сифати ёмонлашган [5].

2001 йилга келиб, машина ёрдамида пахта териб олишнинг кескин камайганлиги, пахта қўл билан териш олиш кенг йўлга қўйилганлиги ва тола тозалагичларга сарфланаётган электр энергиясини тежаш мақсадида уч барабанли 3ОВП русумли тозалагичлар бир барабанли 1ВПУ русумли тўғри оқимли тозалагичларга алмаштирилди.



2- расм. 1ВПУ русумли тола тозалагичнинг схемаси


1-тола қабул қилувчи бўғиз; 2- махкамловчи чўтка; 3- жалюзали панжаралар; 4- чиқинди камераси; 5-колосниклар; 6-аррали цилиндр;
7- ажратувчи пичоқ; 8- тола ташувчи бўғиз

Тўғри оқимли 5ВП ва 2ВПМ русумли тола тозалагич ишлаш услуби бўйича 1ВП ва 1ВПУ индивидуал тола тозалагичга ўхшайди ва 90 ёки 130 аррали жинлардан кейин ўрнатилади. Икки барабанли тола тозалагич бир барабанли тола тозалагичлар уланиш жойларини сақлаб қолган.

Натижалар. Толани тозалашнинг асосий камчилиги келаётган толанинг аррали цилиндр арра тишларига тўлиқ илашмаслиги ҳамда шётканинг тез едирилиши оқибатида толаларни бир қисми чиқиндига чиқиб кетишига олиб келади, бу тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Бу камчиликни бартараф этиш мақсадида тола тозалагичда ўрнатилган биринчи аррали цилиндрнинг арра тишларига илашадиган толани оладиган шёткани ейилишини олдини олиш мақсадида махсус конструкцияли йўналтиргич ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш шароитида ишлаётган тола тозалагичларни ишлатишда ва ўтказилган илмий изланишларга таяниб махсус конструкцияли йўналтиргични ускунага ўрнатилган кўриниши 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Йўналтиргич ўрнатилган махсус конструкцияли тола тозалагич

1,9- аррали цилиндр; 2,11-ажратувчи пичоқ; 3-кириш қувури;
4,6 - маҳкамловчи шётка; 5- колосникли панжаралар; 5- колосник;
7-жалюза; 8- ифлослик бункери; 10- чиқиш қувури; 11- чиқинди камераси; 12-махсус
канструкцияли мослама

Тўғри оқимли тола тозалагичларнинг технологик параметрларини такомиллаштириб ишлаб чиқаришда бир қатор илмий изланишлар ўтказилди.

Изланишлар асосида тўғри оқимли тола тозалагичнинг янги схемаси танланди, чизмалар ишлаб чиқарилган [6] махсус конструкцияли йўналтиргич таклиф этилди. Таклиф қилинаётган йўналтиргични 5-расмда кўришимиз мумкин.



5-расм. Таклиф қилинаётган махсус конструкцияли йўналтиргич

Хулоса. Хозирда машина теримига ўтаётганлигимиз муносабати билан 2024-йилгача Республикаимизнинг Тошкент вилояти, Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти ва Қашқадарё вилоятлари 100% машина теримига ўтиши режалаштирилган. Шундай экан пахтани тозалаш корхоналарини ҳам шунга мослаштириш учун технологияларни такомиллаштириш зарурдир. Буни амалга ошириш учун «Зарбдор пахта тозалаш» АЖ да мавжуд тола тозалагич ускунасига махсус конструкцияли мослама ўрнатилган бу мослама тола тозалагичлардан чиқиндига чиқиб кетаётган толаларни асраб қолиш махсулот ҳажмини кўпайтириш ва чоткани ейилишини олдини оладиган махсус конструкцияли тола тозалагич яратилди ва ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовларидан ўтказилди.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 апрель кuni тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 21-сонли қарори “республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”
3. К.И.Жуманийазов, И.З.Аббазов, Ф.О.Егамбердиев. Paxtani mashinada terishning yigirishga ta'sirini o'rganish // “То‘қимачилик иplarini chuqur qayta ishlashning inavatsion echimlari” Respublika miqyosidagi ilmiy-texnikaviy anjuman matriallari to‘plami. Namangan 2019. –B.61-62
4. К.И.Жуманийазов, Ф.О.Егамбердиев, Э.Т.Мухаметшина. Влияние вида сбора хлопка на показатели качества хлопкового волокна // “Materily xvi miedzynarodowej naukowopraktycznej konferencji strategiczne pytania swiatowej nauki - 2020 07 - 15 lutego 2020 Полша 2020. –B.96-99
5. Справочник по первичной обработке хлопка. Книга I, Ташкент – “Меҳнат”- 1994 г., 574 с.

Annotation

In this article, the methods and technologies established in the process of cleaning cotton and fiber are based on the fact that in the republic cotton harvesting is carried out mainly by hand. The need to improve fiber cleaning equipment in order to maintain the natural quality of cotton harvested in cotton picking machines. The fiber cleaning process is one of the most important final processes of the cotton processing technological process, given that the quality of the fiber largely depends on the efficiency of this process. The fiber cleaning equipment used in the workshops was analyzed and information provided about it. Based on the structural analysis of the equipment used in fiber cleaning, the disadvantages and advantages were studied and substantiated. Based on the results of the study, it is recommended to improve the equipment for fiber cleaning and install a specially designed side panel.

Keywords. Cotton, fiber, single-stage, humidity, pollution.

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ШАРАЯТЫНДА ОВОЩ-ПАЛЫЗ ЕГИНЛЕРИН ЖЕТИСТИРИҮ ТЕХНОЛОГИЯСЫ

Юсупов Р.О. Жумашов.Б.А, Генжебаев М.С

Ташкент мамлекетлик аграр университети Нөкис филиалы

Кирисиў. Қарақалпақстан Республикасы топырақ хәм ықлым шараятында овощ-палыз егинлеринен помидор, капуста, баклажан, бурыш, қаўын, ғарбыз, қабақ хәм тағы басқа түрлери көплек егилип келинбекте. Овощ-палыз егинлери өзиниң қурамында хәр қыйлы витаминлердиң хәмде қымбат бахалы азық затлардың көплиги менен ажыралып турады. Республикамыз шараятында овощ егинлери өнимлерин хәр бир жан басына орташа 119 кг, палыз өнимлеринен 19,5 кг қабыл қылыў кереклиги медициналық норма ретинде қабыл етилген. Инсан өзиниң күнделикли азық-аўқат өнимлерине болған талабын, овощ-палыз егинлери өнимлерисиз көз алдымызға келтире алмаймыз [7].

Республикамызда халықты турақлы түрде азық-аўқат өнимлери менен тәмийинлеў мақсетинде хәр гектар суўғарылатуғын жерден алынатуғын овощ-палыз егинлери өнимлериниң муғдарын жоқары хәм сапалы өним жетистириў есабынан кескин асырыўдан ибарат. Буның ушын жоқары сапалы өним алыў ушын алдын хәр бир егинниң биологиясы, өсип-раўажланыў дәўиринде азықлық затларға болған талабы, егиў мүддетлерин анық билиў хәм жетистириў процессиндеги хәр бир илаж өз ўақтында, сапалы өткизилиўин тәмийинлеў зәрүр.

Овощ хәм палызшылықта егиў мүддетлерин дурыс шөлкемлестириў үлкен әхмийетке ийе болып табылады. Себеби, изертлеўлер даўамында егиў мүддетин бир хәптеге кешиктириўдиң өзи зүрәттиликти 20-25%ке кемейиўи анықланған. Овощ-палыз егинлери вегетация дәўиринде азық затларға болған талабы жоқары, бунда көбирек калий, азот хәмде азыкем фосфор төгинлерин өзлестиреди. Вегетация дәўири қысқа болған овощ егинлери минерал төгинлерди тезрек, узын болғанлары әсте ақырын өзлестиреди. Аймақ шараятында топырақтың күшли хәм орташа шорланғанлығын есапқа алып, хәр жылы жергиликли төгинлерден берип турыў мақсетке муўапық болып табылады.

Қарақалпақстан Республикасының топырақ хәм ықлым шараяты өзине өзгешеликке ийе болғанлығы себебли, бул аймақ дийқаншылығында суўғарыў жумыслары айрықша усылларда алып барылады. Овощ-палыз егинлериниң вегетация дәўири даўамында суўға болған талабы олардың тамыр системасының раўажланғанлығы, егиў усылы-нөл ямаса туқым менен егилгенлиги, егиў мүддетлери, изей суўының тереңлиги, топырақ өнимдарлығына, топырақ хәмде ҳаўа райы температурасына байланыслы болады. Соның менен бирге жаз айларының яки вегетация дәўиринде ыссы күнлердиң көп болыўы, артықша суўға болған талабын арттырады.

Республикамыз шараятында хәр жылы вегетация дәүиринде хаўра райы хәр қыйлы болып келеди, нәтийжеде күтилгендей зүрәәт алыўда көплеген қыйыншылықлар жүзеге келеди. Булардан суўдың там-тарыслығы, күннің оғада ысып кетиўи, зыянкес хәм кеселликлердің көбейип кетиўи, жабайы шөплердің мәдений егинлер атызларында раўажланыўының күшейиўи сыяқлы машқалалар ушырайды.

Жумыстың максети. Қарақалпақстан Республикасы шараятында овоц-палыз егинлерин жетистириў технологиясын жетилистириў, өнимлерди сақлаў арқалы халықты жыл даўамында овоц-палыз өнимлери менен тәмийинлеўден ибарат.

Материал хәм методлар. Овоц-палыз келип шығыўы, әхмийети, морфологиялық хәм биологиялық өзгешеликлерин, жетистириў технологиясын үйрениўде Азимов Б.Ж., Бўриев Х.Ч., Азимов Б.Б. (2001), Бўриев Х.Ч. (2002), Зуев В.И., Абдуллаев А. (1977), Қрживец Л.С. (1977), Ибрагимов.М.Ю. х.т.б. (2009) илимий-изертлеў мийнетлеринен пайдаланылады. Лабораториялық хәм атыз тәжрийбеси жумысларын өткериўде Белик.В.Ф. (1992), Азимов. Б.Ж., Азимов. Б.Б. (2002), Доспехов.Б.А. (1986), методикалық көрсетпелеринен пайдаланылды. Зыянкеске қарсы агротоксикологиялық изертлеўлер Ш.Т.Хўжаев (2004) методикалық көрсетпелери тийкарында әмелге асырылды.

Нәтийжелер хәм додалаўлар. Мәмлекетимизде қуяшлы күнлер бир жылда орташа 320 күн болыўы, барлық төрт мәўсимнің изшил алмасыўы кең түрдеги жоқары сапалы аўыл хожалық егинлеринен овоц хәм палыз егинлериниң тийкарғы сортларын жетистириў ушын қолай имканиятлар жарататуғынлығы бүгинги өз ысбатын таппақта. Аймақ шараятында жетистирилген овоц-палыз егинлери мийўелери курамында басқа хеш бир орында ушыраспайтуғын биохимиялық курамға ийе.

Қарақалпақстан Республикасы Арал теңизиниң қурыўы дәўири ишинде өзиниң ықлым хәм топырақ шараяты менен жүдә үлкен айырмашылыққа ийе болған аймаққа айланды. Жайласыў территориясы бойынша Өзбекстан Республикасының 37% ийелеп, арқа бөлими 59⁰-76⁰ шығыс, 36⁰-44⁰ арқа кеңлиги аралығындағы шөл зона поясында жайласқан. Арал теңизиниң қубла тәрепинде, Әмиўдәрьяның төменги ағысы бойлап созылған территория арқа шығысы Қазақстан, қубла-батысы Өзбекстан Республикасының Хорезм ўалааты хәм Туркменстан Республикасының Ташаўыз ўалаятлары менен шегаралас болып келген.

Аймақтың топырақ хәм агроықлымы Арал теңизи хәм тийкарғы суў алып келиўши дереги есапланған Әмиўдәрья суўы менен тиккелей байланыслы болып, кескин континенталь хәм хәдден тыс қурақшылығы менен характерленеди. Қыс хәм жаз айларында хәттеки жақын жайласқан районларында бир-бирине салыстырғанда кескин парық қылатуғын айырмашылықларын көриў мүмкин.

Қарақалпақстан Республикасы егислик майданларының шорланғанлығы себепли, барлық түрдеги овоц егинлерин жетистириўден алдын гүз айында гүзги сүримди өткериў хәмде топырақтың шорын жуўыў сыяқлы ең әхмийетли агротехникалық илажлардан есапланады. Ерте бәхәр келгеннен баслап, фермер хәм дийқанларымыз тийкарғы овоц егинлеринен помидор, бурыш, баклажан, капуста, қыяр, пыяз хәм тағы басқада түрлери егилеп, мол зүрәәт алынбақта. Помидорды егиў мүддети бәхәр мәўсиминиң ыссы келиўине байланыслы туқымнан егиў апрель айының II он күнлигинде егиледи. Нәллерден егиў болса ертеписер сортлар ушын апрель айының II он күнлиги, орта хәм кеш писер сортлар ушын апрелдің III он күнлиги, кеш писер сортлар ушын май айының I он күнлигинде егиледи. Егиў схемасы тийкарынан 70x25(30) см, тегис майданларда 90x25(30) см, 90x40 см схемада егиледи. Төгин бериў жумыслары қыйдан 30-40 т/га, азотлы төгинлерден 180-200 кг/га, фосфорлы 140-150 кг/га, калий 100 кг/га салыныўы усыныс етиледи. Суўғарыў жумыслары дәслеп 9-10 күн аралатып, екинши-үшинши басқышларда хәр 6-7 күнде 500-600 м³/га есабында суўғарылады. Вегетация дәўиринде зыянкес хәм кеселликлерге қарсы усыныс етилген пестицидлерден мүддетинде хәм нормасында ислеў бериў арқалы өнимди сақлап қалыў имканияты бар [6].

Бурыш хәм баклажанлар фермер хәм дийқан хожалықлары майданларында туқымнан апрель айының III он күнлигинде хәм май айының I он күнлигинде егиледи.

Егиу схемасы нәлләр ушын 70x30 см хәм 90x25 см схемаларда егиледи. Төгін бериу жұмыслары қыйдан 25-30 т/га, азотлы төгінлерден 160 кг/га, фосфорлы 120 кг/га, калий 80 кг/га муғдарында салып барылады. Вегетация дәуиринде орташа 14-15 мәрте сууғарылады, 9-12 күн аралатып 500-600 м³/га есабында сууғарылады.

Халқымыз овощ егинлери өнімлерин жыл дауамында азық-ауқат ретинде қабыл етип, булл өнімлерге болған талап күшли. Капуста овощ егинлери ишинде курамындағы витаминлердиң хәмде азықлық затлардың көплиги менен ажыралып турады. Капуста бизиң шараятымызда ерте мүддети 15-30 март аралығы, орта мүддет 1-15 апрель аралығы, кеш мүддет 25 май - 5 июнь аралығында егиледи. Егиу схемасы ерте мүддет ушын 70x30 см, орта хәм кеш мүддетлерде 70x40 см, 90x40 см схемада егиледи. Сууғарыу жұмыслары сортына қарап 8-15 мәртеге шекем дауам етеди. Сууғарыу нормасы 500-600 м³/га есабында сууғарылады.

Палыз егинлеринен қауын өсимлигин жетистириуе топыраққа ислеу бериу үлкен әхмийетке ийе болып табылады. Топырақтың структуралық хәм физикалық қәсийетлери жақсыланып, топырақ өнімдарлығы сақланып қалыуы менен бир қатарда артып хәм барады. Өнип шығатуғын нәлләр актив өсиуи менен бирге, пайда келтиретуғын топырақ микрофлорасы ушын қолай суу-хауа, ыссылық хәм азықлық режими жүзеге келеди. Жабайы шөплер жоғалып, кеселлик қозғатыушылары хәм зыянкеслердиң тиришилик хәрекеті пәсейеди, төгінлер жақсы араласады. Ығаллық жетиспейтуғын аймақларда ығаллық сақланып қалады хәм оннан үнемли пайдаланыу имканы тууылады, ығаллық артықша болған аймақларда болса ығаллықтың артықшасы жоғалады.

Топыраққа ислеу бериу режелестириледи хәм топырақ хәмде ықлым шараятларын есапқа алған халда өткизиледи. Бул илажлар тийкарғы ислеу хәмде егиуден алдын хәм вегетация дәуиринде қатар араларына берилетуғын ислеулерди өз ишине алады.

Қарақалпақстан шараятында қауын өсимлигин жетистириуе органикалық төгінлерден тысқары, көбирек минерал төгінлерден хәзирги күнде де кеңнен қолланылмақта. Минерал төгінлерди салыуда бир неше жыллар дауамында илимий изертлеу жұмыслары алып барылмақта хәмде нәтийжели нормалары өндириксе усынылып өнім муғдарын артырыуда роли жоқары болмақта.

Көпшилик халатларда палызшылық атызларында төмендеги нормада минерал төгінлер бериледи (кг/га) есабында: боз топырақлы атызларда – азот 100-150, фосфор 100-150, калий -50, отлақлы атызларда – азаот 80-100, фосфор – 100-120 хәм калий 50-60 кг. Тәжрийбелерден мәлим гектарына 200 кг.нан артық нормада азот берилсе қауындағы қант муғдарына тәсир етип, қурамында зыянлы нитраттың артыуына алып келеди.

Егинлерге органикалық төгін хәмде калийли, фосфорлы төгінлердиң 75% егиу алдынан бериледи. Азотлы төгін болса екиге бөлип, дәслепп егис алды, соң 3-4 жапырақ болғанда екинши муғдары бериледи. Бул төгінлерди уақтында бериу керек, мийуе салмастан алдын.

Қауын туқымлар егиуде тийкарынан топырақ температурасына қарап егиледи. Топырақтың 8-10 см тереңлигиндеги температура 12-13⁰С болғанда қауын туқымлары егилиу керек. Сондай-ақ туқымларды егиу мүддетин анықлауда хәр бир районның ықлым хәм топырақ шараятына, хәр бир сорттың вегетациялық дәуирине қарап егиу жұмыслары әмелге асырылады.

Бизиң аймағымыз шараятында көпшилик халатларда қарықлап сууғарыу әмелге асырылады. Бунда атыздың тегислиги үлкен әхмийетке ийе, себеби қыялығы жоқары, пәс қарықларда суудың ағыу қыйын кешеди. Сол себепли оқ қарықлардан суу жиберилип, әсте-ақырын қарықлар менен суу ағып барады. Сууғарғанда қауын нәллери үстине суудың шығып кетпеуине итибар қаратыу керек хәмде мийуелердиң қарық ишинде ызғарда қалыуының алды алыныу керек.

Вегетация дәуири дауамында овощ-палыз егинлеринде көбирек бууынаяқлылардың көплеген түрлери ушырасып, буннан зыянкес түрлериниң 40тан аслам түри ушырасады.

Буларға бузаўбас, сым қурты, эпийўайы уховертка, май қоңызы, гүзлик совка, үдеў совка, огород совка, жабайы совка, гамма совка, ғаўаша совкасы, карадринна, бражник, капуста ақ гүбелеги, шалғам ақ гүбелеги, капуста совкасы, капуста күйеси, Азия шегирткеси, Италия шегирткеси, шекшеклер, қаўын шыбыны, нематодлар, блошка, геўик пайда етиўши шыбын, капуста шыбыны, палыз шырынжасы, акация шырынжасы, ерик-қамыс шырынжасы, үлкен ғаўаша шырынжасы, капуста шырынжасы, атыз кандаласы, жоңышқа кандаласы, атанақ гүлли кандала, ыссыхана аққанаты, ғаўаша аққанаты, өрмекше кене, зәң кенеси, цикада, тебеки трипси сыяқлы сорыўшы хәм кемириўшы зыянкеслер зыян келтиреді. Зыянкеслерге қарсы усыныс етилген инсектицид препаратлардан азанғы 5:00-8:00 ўақыт аралығында ислеў беріў арқалы, 80,0-90,0% биологиялық нәтийжелиликке ерисилсе болады.

Жуўмақлаў. Жуўмақлап айтқанда, овощ егинлерин жетистириўде жоқарыда көрсетилген агротехникалық илажларды өз мүддетинде өткерилсе, күтилген өнім алыныўы жоқары дәрежеде болады. Соның менен бирге вегетация дәўириндеги зыянкес, кеселлик хәмде жабайы шөплерге қарсы усыныс етилген пестицидлерди мүддетинде хәмде нормасында қолланыў арқалы ҳасылдарлық сақлап қалынады

Әдебиятлар:

1. Азимов Б.Ж., Бўриев Х.Ч., Азимов Б.Б. Сабзавот экинларининг биологияси. – Ташкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». -2001. – Б. 23-48.
2. Бўриев Х.Ч. «Бахчеводство». – Ташкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». -2002. –Б. 45-75.
3. Зуев В.И., Абдуллаев А. Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси. – Ташкент, «Ўзбекистон». -1977. - 128 б.
4. Доспехов Б.Д. Методика полевых опыта (4-ое изд.). – Москва: «Колос», 1986. – С. 25-340.
5. Крживец Л.С. Қарақалпақстан қаўынлары. – Нөкис, «Қарақалпақстан». – 1977. – 34 б.
6. Ибрагимов М.Ю., Бекбергенов К. Қарақалпақстан шараятында баў-бақша хәм палыз өнімлерин жетистириў усыллары. -Нөкис, 2009.- 5-15 б.
7. Торениязов Е.Ш. Зыянкеслерге қарсы интеграциялық гүрес өткеріўдиң илимий тийкарлары. – Нөкис, “Билим”. – 2014. – Б. 6-34.
8. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нашр). - Тошкент, 2004. -102 б.

Annotation

The article presents the peculiarity of soil and climatic conditions of the Republic of Karakalpakstan, the importance of a certain term for each variety in the cultivation of vegetables-melons crops. Scientific-research works on the technology of specific cultivation of vegetables-melons crops grown in the conditions of the territory have been carried out. Along with this, there are many types of pests that cause damage during the growing season, the measures to combat them.

УДК: 633.18 :631.445.12/5 (575.11)

ЎТЛОҚИ-БОТҚОҚ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ШОЛИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Қашқабаета Ч.Т.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази

Кириш. Бугунги кунда дунё бўйича Хитойда йилига 290,2 млн., Хиндистонда 134,2 млн. ва Индонезияда 51 млн. тонна шоли ҳосили етиштирилмоқда. Шоленинг экин майдони Хиндистонда 44600 минг, Хитойда 30503 минг, Индонезияда 11523 минг, Бангладешда 10700 минг, Таиландда 10048 минг гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, Вьетнам, Бирма, Филиппин, Бразилия, Покистон, Нигерия каби мамлакатларда 2,0-7,7 млн., Камбоджа, Япония, Непал, АҚШ, Мадагаскар, Жанубий Корея мамлакатларида эса 1 млн. гектардан 2 млн. гектаргача майдонларда етиштирилади.⁵

⁵www.worldatlas.com

Дунёда шоли етиштирувчи мамлакатларда юқори ва сифатли шоли ҳосили олишда асосий ва такрорий экинда етиштиришнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда шоленинг муайян тупроқ-иқлим шароитлари учун яратилган эрта, ўрта ва кечпишар навларининг ҳосилдорлик имконияларидан келиб чиқиб парваришlash агротехнологияси элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шолини турли экиш муддат ва меъёрларида етиштириш гуручининг шишасимонлиги, ялтироқлиги, қобикчилиги ва бутун гуруч чиқиши каби технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида янги экин турларини экиш ва уларни етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта майдонларини қисқартирилиши натижасида асосий ва такрорий экин сифатида шоли етиштириш ҳамда ҳар бир минтақа учун шоли уруғчилигини йўлга қўйиш, экин майдонларини кенгайтириш ва аҳолини ушбу маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги яратилган шоли навларининг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар тартибини оптималлаштириш, сув ва ресурсларни тежайдиган илғор агротехнологияларни жорий этиш» масаласи муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгиланган. Бу борада, шоли парваришlash агротехникалари, жумладан, мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини қўллаш сув миқдорини, уруғ сарфини камайтириш самарадорлиги бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон “2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” ги қарори билан шоли экинини 2018 йилдан бошлаб давлат буюртмасига киритилди. Унга кўра 2018 йилда асосий экин сифатида 104,2 минг, такрорий экин сифатида 57,9 минг, жами 162,1 минг гектар майдонда шоли экинини экиш ва ҳосилини давлат режасига асосан топшириш режалаштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли фармоннинг 74-бандида “Хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари серҳосил навлари ва чорва молларининг маҳсулдор зотлари ҳамда турларини маҳаллийлаштириш борасидаги илмий-амалий фаолият ҳамда ҳамкорлигини тизимли ташкил этиш” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида дунёдаги шолчилик соҳаси ривожланган давлатлар тажрибаларини республикамизга жорий этиш, илғор технологияларини республикамизга олиб келиш, кам сув талаб этадиган, шўрга чидамли навларни танлаш ва жорий этиш, ушбу навларнинг дастлабки уруғчилигини ташкил этиш, шолчилик бўйича илмий кадрлар салоҳиятини ошириш, хитойлик олимларни республикамизга таклиф этиш бўйича топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 805-сонли қарори қабул қилинди ҳамда “Давлат эҳтиёжлари учун шоли харид қилишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27-октябрдаги №876- сонли қарори, шунингдек, бир қатор Фармонларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга Давлатимиз томонидан Шолчилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари селекционер олимлари олдига жуда катта вазифалар қўймоқда.

5. el-Newihi H., Dooley C.P., Saad C., Staples J. Impaired exocrine pancreatic function in diabetics with diarrhea and peripheral neuropathy. // Dig. Dis. Sci. -1988.-V.33. -P.705–710.
6. Hardit P.D., Krauss A., Bretz L. Pancreatic exocrine function in patients with type 1 and type 2 diabetes mellitus. // Acta Diabetologica. –2000. - V;37. -P.105–110.

Annotation

In experiments on white rats it was shown that experimental alloxan diabetes leads to a decrease in body weight and digestive organs of rats. At the same time, the histostructure is disturbed not only in the endocrine, but also in the exocrine part of the pancreas. The activity of α -amylase of the pancreas also decreases markedly on the base the background of constant lipase activity.

Keywords: *alloxan diabetes, pancreas, histostructure, acinus, endocrine islets, α -amylases.*

СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Сатторов М.С.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Кириш/Introduction. Одам ва у яшаётган ташқи муҳит бир бутун комплекс ҳисобланади. Одам организми очиқ тизим бўлганлиги учун ўзига керакли моддаларни кислород ва энергия берувчи моддаларни ташқи муҳитдан олади ва ўзида ҳосил бўлган кераксиз моддаларни унга чиқаради. Бундан ташқари ташқи дунёдан организмга тўхтовсиз ахборотлар оқими келиб туради ва уларни таҳлил қилиш орқали организм муҳит шароитларига мослашади. Муҳит омилларининг айримлари организмга салбий таъсир қилганлиги сабабли, организм ўзининг саломатлиги ва меҳнат қобилиятчанлигини сақлаш учун махсус чора-тадбирларни амалга оширади.

Ишнинг мақсади/Aim. Бугунги кунда жисмоний тарбиянинг аҳамияти. Одамнинг саломатлигини маълум даражада ушлаш ва юқори меҳнат қобилиятчанлигини таъминлайдиган омиллар ичида жисмоний тарбия катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ташқи муҳит одам организмга ижобий таъсир қилиши билан бирга, салбий таъсир ҳам кўрсатади. Салбий таъсирлар-абиотик, биотик ва ижтимоий табиатга эга бўлиши мумкин. Жумладан, бундай физик омилларга – ҳаво босими ва температурасининг тебраниши, радиация, шовқин ва бошқ.; кимёвий омилларга – сув, ҳаво, тупроқ, озиқ-овқатлар таркибидаги турли хил моддалар; биологик омилларга – патоген инфекциялар ва вирусларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари фан ва техниканинг тараққиёти фойдали самаралари билан биргаликда, салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқаришнинг механизация ва автоматизацияси, ахборот миқдорининг кескин ортиши, вақт етишмаслиги ва бошқалар одамнинг ҳаракат фаолиятини пасайтиради, асаб-руҳий зўриқишини кучайтиради, стресс ҳолатини келтириб чиқаради ва ўз навбатида, аҳолининг саломатлигига хавф солади.

Материал ва методлар/Materials and methods. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотнинг низомида саломатлик тушунчаси қуйидагича таърифланган:

Саломатлик – бу, тўлақонли жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати ҳисобланади. Одамнинг ташқи муҳит шароитларига адаптацияланишнинг 4 та даражаси ўзаро фарқланади:

- ✓ қониқарли адаптация, одамни функционал имкониятлари етарли;
- ✓ функционал зўриқиш ҳолати;
- ✓ қониқарсиз адаптация, одамни функционал имкониятлари пасайган;
- ✓ организмнинг функционал имкониятлари сезиларли даражада пасайиши, физиологик захиралар тугаган, адаптация йўқолган ҳолат.

Адаптациялаш ишнинг бу даражалари меҳнат қобилиятчанлигининг йўқолиши хавфини кўрсатади ва организмнинг функционал кўрсаткичлари ўзгаришини тавсифлайди (1–жадвал).

Ташқи муҳитга турли хил даражада мослашган одам организмда юрак-қон томиртизимининг айрим кўрсаткичларининг тавсифи

1-жадвал

Ёш (йил)	Юрақуриши сони (марта/мин) ва артериал қон босими	Қониқарли мослашиш	Зўриқиш	Қониқарсиз Мослашиш	Мослашиш йўқолиши
25 ёшгача	ЮУС АҚБ	74,7 114,5/73,0	80,5 127,0/79,0	- -	- -
26-40	ЮУС АҚБ	74,2 115,7/73,8	76,2 131,0/83,3	81,0 142,9/90,3	92,0 183,3/107,0
>40	ЮУС АҚБ	74,8 122/80	75,4 125,5/81,3	76,0 142,6/94,4	80,7 178,0/96,7

Эволюцион тараққиёт жараёни давомида одамнинг кўпчилик органлари ва тизимлари турли хил ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатда шаклланган. Одамнинг фазодаги ҳаракатланиши, ташқи нафас олиши, юракнинг қон ҳайдаши, овқатнинг ҳазм йўлида сурилиши, сийдик–таносил тизими, эшитиш аппаратида товуш тебранишларининг ўтказилиши, кўзнинг изловчи функцияси ва матнни ўқиш, товуш чиқариш ва бошқа кўпчилик функциялар мускуллар қисқариши ҳисобига амалга ошади.

Ҳозирги вақтдаги ҳаракатланиш фаоллигининг чекланиши одамнинг биологик табиатига мос келмайди, организмнинг турли функционал тизимлари фаолиятини бузади, меҳнат қобилиятчанлигини пасайтиради ва саломатликни ёмонлаштиради. Тараққиёт таъсири натижасида одамнинг жисмоний иш бажариши ва ҳаракатлари қанчалик камайса, ҳаракат фаоллиги ортишига эҳтиёж шу даражада ортади. Бундай шароитда оммавий жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта ҳисобланади. Айниқса, аёлларни жисмоний тарбияга жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бўлажак авлоднинг саломатлиги уларнинг соғлиғига боғлиқ бўлади. Болалар ва ўсмирларнинг соғлом ўсиши, катта ёшдаги одамларнинг соғломлиги ва узоқ умр кўриши учун ҳаракат фаоллигининг аҳамиятга катта.

Натижалар ва муҳокамалар/Results and discussions. Охирги вақтда айрим ривожланган давлатларда салбий демографик ҳолатлар (фарзанд туғилишининг камайиши, ўлимнинг ортиши, умрнинг қисқариши) билан биргаликда, физиологик ривожланишнинг чалалиги ҳолати кузатилмоқда. Масалан, бола вақтига етиб, меърийдан бўй ва оғирликда туғилишига қарамадан, функционал ривожланишнинг чалалиги қайд қилинади.

Бу ҳолат организмнинг ҳаракат фаоллиги пастлиги, мускуллар нимжонлиги, тез чарчаш, шамоллаш ва инфекция касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятининг сустлиги, эмоционал реакцияларнинг турғун эмаслиги ва нерв тизимининг кучсиз типлигида кўзга ташланади.

Бунинг оқибатида болаларда жисмоний сифатлар ва малакаларни етарли ривожланмаслиги, семириб кетиш, яссиоёқлик, умуртқа поғонасининг букилиши, яқиндан кўришнинг ривожланиши, болаларда жароҳат олишни кўпайиши кузатилади.

Буларнинг барчаси одамнинг келгуси ҳаётига салбий таъсирини кўрсатади, жумладан ўсмирларда жинсий ривожланишни секинлаштиради, катталарда ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятчанлигини пасайтиради ва эрта қаришга олиб келади.

Фармакологик, психологик ёки педагогик чора-тадбирлар ёрдамида физиологик чала ривожланишга қарши курашишда деярли самара бермайди. Бунда асосий восита-ҳаракат фаоллигини ошириш ҳисобланади ва бу ҳолат -ҳар қандай ёшда узоқ умр кўриш ва соғлом турмуш тарзига олиб борувчи йўл ҳисобланади.

Оммавий жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши фақат соғлиқни сақлаш ва меҳнат қобилиятчанликни оширмасдан, балки аҳолининг айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва зарарли одатлар-чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва наркоманиядан сақлайди.

Бунинг учун аҳолида жисмоний тарбия билан шуғулланишга кучли интилиш ёки хоҳиш бўлишини ташкил қилиш лозим.

Ҳозирги замонда жисмоний юкларнинг камлиги в аҳоли орасида оммавий жисмоний тарбиянинг етарли оммалашмаганлиги одам организми функцияларининг ёмонлашиши ва касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Одам организмнинг соғлом ҳаёт фаолияти учун скелет мускуллари етарли фаолликка эга бўлиши . Мускул аппаратининг иши миянинг ривожланиши ва марказлараро ҳамда сенсортизимлараро алоқанинг ўрнатилишини таъминлайди. Ҳаракат фаоллиги энергия ва иссиқлик хосил бўлишини кучайтиради, организмнинг нафасолиш, юрак–қон томир ва бошқа функцияларининг фаолиятини яхшилади. Ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги барча тизимларнинг соғломлашганини бузиб, гипокинезия ва гиподинамияни келтириб чиқаради.

Гипокинезия – бу, ҳаракат фаоллиги пасайиши ҳолати ҳисобланади.

Бу ҳолат организмнинг физиологик чалалиги оқибатида, чегараланган муҳитда ишбажариш шароитларига, айримкасалликларвабошқасабабларасосидаривожланади.

Айрим ҳолатларда (гипс кўйилганда, жойдан турмасдан ётганда) ҳаракатларнинг тўлиқ йўқолиши ёки **акинизия** ҳолати кузатилади.

Шу ҳолатга ўхшаш ҳолат «**гиподинамия**» тушинчаси ҳам мавжид бўлиб, мускулларни зўриқишини пастлаши билан намоён бўлиб, мускуллар тизимига жуда оз юклама тушади.

Келтирилган иккала ҳолатда ҳам скелет мускулларига юкламалар етарли даражада тушмайди. Бундай ҳолатда ҳаракатга жуда катта биологик эҳтиёж юзага келади, ўз навбатида одамнинг функционал ҳолати ва меҳнат қобилиятчанлиги кескин пасаяди.

Гиподинамия ва гипокинезия келиб чиқишининг асосий омили – бу, мускул қисқаришларининг кучи ва ҳажми узоқ муддатга камайиши ҳисобланади.

Натижада энг аввало организмни энергия сарфининг сезиларли даражада камайиши, тўқималарда нафасни камайиши, умумий газлар алмашинуви, энергия алмашинувини пасайишига олиб келади, кислород талаби ва кислород қарзи ортади, кислородни ишлатиш коэффиценти эса камаяди.

Мускул фаоллигини пасайиши зарур сигналлар – **эфферент** импулслар сонини кескин камайтиради, у эса марказий нерв тизими ва бошқа тизимларга мускул тизимида бўлаётган функционал ўзгаришлар ҳақида ахборат берувчи қайтар афферент импулсларни сонини озайтиради.

Афферент ва эфферент таъсирларнинг жадаллиги ва мускул қисқаришлари частотаси ҳажмини камайиши бош мия катта ярим шарлари постлоғи функциясини бузилишига, тормозланиш жараёнларини устунлик қилишига, мускул кучини пасайишига, статик ва динамик чидамликни пасайишига олиб келади.

Хулоса / Conclusions. Жисмоний тарбия васпорт билан мунтазам шуғулланиш инсон организмда иммунитетни оширади, ташқи муҳит омилларига чидамлилиги ортади ҳамда саломатликнинг асосий гарови ҳисобланади. Ҳозирги замон олимпиада ҳаракатининг асосчиси Пьер де Кубертен таъкидланганидек, 100 та одам жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун, 50 та одам спорт билан шуғулланиши талаб қилинади, шунингдек 50 та одам спорт билан шуғулланиши учун, 20 та одам юқори малакали спортчи бўлиши талаб қилинади, бунинг учун эса 5 та одам хайратланарли натижаларни кўрсатиши керак.

Адабиётлар:

1. Азимов И.Г., Собитов Ш.С., Спортфизиологияси Т., 1993.
2. Светличная Н.К. Спортивная физиология: Учебное пособие. – Т.: ИД “IJOD”, 2007.
3. Хамракулов А.К., Ташмухамедова М.И. Умумий физиологиясидан мустақил текшириш ишлари. Т., 2005.
4. Қурбонов Ш. Қурбонов А.Ш., Жисмоний машқларнинг физиологик асослари. Т., 2003.
5. Pulatova M.D. “Yosh fiziologiyasi” fanidan uslubiy qo’llanma. Т., 2011.

Annotation

This article discusses the fact that man and the external environment in which he lives are a whole complex, and because the human body is an open system, it receives the necessary oxygen and energy from the external environment and releases the unwanted substances formed in it. In addition, due to the constant flow of information from the outside world to the body and its analysis, the body adapts to environmental conditions, the body takes special measures to maintain its health and ability to work, as some environmental factors adversely affect the body.

It is noted that regular physical culture and sports increase immunity in the human body, increase resistance to environmental factors and are the main guarantee of health.

Keywords: Sport, immunity, fatigue, factor, function, health, mental and physical labor, physical education, spine, emotionality, reaction.

ИССЛЕДОВАНИЕ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ И КОНСТИТУЦИОННЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ КЛЕТОЧНОГО СОСТАВА КРОВИ У СПОРТСМЕНОВ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

Султансуюнов А., Нажимов И., Еркудов В.О., Матчанов А.Т.
Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

В настоящее время преобладает понятие о конституции как совокупности функциональных и морфологических особенностей организма, сложившихся на основе наследственных и приобретенных свойств и определяющих его дееспособность и реактивность (Никитюк, 1998). В персонифицированной медицине развивается конституционный подход, предполагающий клиническое обоснование взаимосвязи строения тела и внутренних органов (Еркудов, Пуговкин и др. 2017), его физиологической реактивности и других индивидуально-типологических характеристик организма (Николенко В.Н. и др. 2013). Проблема изучения закономерностей физического развития лиц, юношеского возраста, занимающихся спортом и проживавших в Приаралье актуальна в связи с неблагоприятными экологическим состоянием данного региона.

Ранее нами в ходе изучения типологических особенностей физического развития и функционального состояния спортсменов была выявлено что частота различных типов телосложения была достоверно ($p < 0,05$) у всех спортсменов из северных и южных районов. Каракалпакии Анализ распределения показал, что 65,4% спортсменов из северных и 51% из южных районов имели астеническое телосложение. Хорошее телосложение (нормостеник) наблюдалось у спортсменов из северных районов 30,1% из южных районов несколько больше 36,5%. Крепкое телосложение (гиперстеники) имели спортсмены из северных районов-4,5%, из южных районов-12,5% (Утепбергенов, Матчанов. 2007).

Целью наших исследований являлось исследование антропометрических показателей 80 юношей в возрасте 18-20 лет где определялись следующие показатели: вес тела, длина тела, длина корпуса, верхней и нижней конечности, размеры грудной клетки, размеры таза, показатели массивности костей, толщина подкожного жира, обхват талии (Бунак, 1941).

Проверка статистической значимости указанных показателей у обследуемых различной этнической принадлежности (казахи, узбеки, туркмены, каракалпаки) осуществлялась с помощью теста Краскелла-Уолтса, критерия Манна-Уитни с поправкой на множественность сравнений по Бонферрони. (Еркудов, Пуговкин, 2017)

Соматотип определяли по методике предложенной Саливон, Мельник, 2015.

Определение гематологических показателей осуществляли с помощью автоматических анализаторов совместно с сотрудниками гематологического отдела Нукусского профильного медицинского центра.

Обнаружено, что юноши спортсмены каракалпаки по сравнению со своими сверстниками других национальных групп имеют более уплощенную грудную клетку, низкую массивность костей практически отсутствующую подкожную жировую складку и узкий таз. Спортсмены казахской национальности обладают противоположным набором особенностей: большие размеры грудной клетки, более широкий таз. У юношей спортсменов различной этнической принадлежности анализ данных не выявил статистически значимых отличий в значениях массы и длины тела, длину верхних конечностей, длину нижней конечности поперечный диаметр грудной клетки, обхвата бедер, обхвата талии, ширину коленного сустава, обхват коленного сустава, обхват лучезапястного сустава, толщину кожно-жировой складки на щеке, спине, бедре. Обнаружено, что у юношей длина тела и конечностей не имеют этнических особенностей.

Результаты исследования соматитов показали, что среди всех юношей доля обследованных слептосомным соматитом составила у 18 летних 79,8%, у мезосомных 15,5%, гиперсомных 4,5%. У 20 летних соматиты составляли 58%, мезосомные 19,8%, гиперсомные 3,1%. Установлено, что у юношей лептосомных телосложением имеют

место статистически значимо меньшее значение как массы тела и габаритных размеров грудной клетки, так и толщины кожно-жировых складок в различных местах, а также размеров костей, чем у испытуемых с гиперсомным, мезосомным телосложением. Длина тела и ширину эпифизов бедра была одинакова у представителей всех соматипов.

В таблице представлены результаты гематологических параметров у 18 летних юношей с лептосомным (л), мезосомным (м) и гиперсомным соматитами.

таблица 1

Параметры	Л	М	Г
Концентрация гемоглобина (г/л)	11,0±3,0	12,2±2,2	13,6±2,8
Количество эритроцитов 10 ¹² /л	3,2±0,1	3,9±0,2	4,3±0,2
Гематокрит %	37,9	42,0	48,7
Рост см	163±0,5	169±1,3	173±1,9
Вес	57,6±2,2	60,8±3,7	67,9±2,3

Распределение отклонений в массе тела, определяемых по ИМТ, неоднородно и отличается у обследованных с различными соматитами следовательно наличие выраженного дефицита массы тела, нормальный или избыточной массы тела, а также ожирения зависит от соматита. Анализируя полученные данные, меньшее количество эритроцитов и гемоглобина у юношей с лептосомной конституцией является результатом общего пластического дефицита организма, так как для синтеза гемоглобина и образования эритроцитов необходим нормальный уровень белкового обмена.

В настоящем исследовании показано, что у субъектов с лептосомным типом телосложения сравнительно меньшее количество эритроцитов и гемоглобина в крови сопровождается дефицитом массы тела, которое отсутствует у представителей мезо- и гиперсомного телосложения, а также меньшим объемом жировой ткани и массивности скелета.

У субъектов с гиперсомным телосложением выявлена большая активность лейкоцитарных ферментов по сравнению с людьми лептосомного телосложения, что, по мнению авторов, также является дополнительным фактом, свидетельствующим в пользу особенностей белкового обмена у субъектов с различными типами конституций. Общеизвестна исключительная роль стромальных факторов костного мозга в регуляции гемопоэза. Наблюдаемая в данной работе зависимость особенностей телосложения и количества эритроцитов может служить основанием для формулирования гипотезы, объясняющей механизмы данных различий. Можно предположить, что у подростков и юношей с различными длиной и массой тела, белковым обменом и составом тела имеют место морфологические и функциональные различия гемопоэтического микроокружения стволовых клеток в костном мозге, способные повлиять на дифференцировку эритроцитов.

Интересной закономерностью представляется наличие тромбоцитоза у подростков и юношей гиперсомным телосложением, учитывая корреляцию между повышенным содержанием тромбоцитов и тромбофилией. Клинически значимым является динамическое наблюдение подростков, имеющих избыточному тромб образованию.

В заключение необходимо отметить, что при условии увеличения численности выборки результаты подобных исследований открывают возможность создания нормативных стандартов, позволяющих вести количественную оценку клеточного состава крови у подростков и юношей разного возраста с учетом их конституциональных особенностей.

Применение этих стандартов в клинической практике позволит ограничить ошибочные положительные и отрицательные заключения о снижении и повышении количества эритроцитов, тромбоцитов, концентрации гемоглобина.

Литература:

1. Бунак В.В. Антропометрия. М. Учпед 3 издание, 1941.
2. Еркудов В.О., Пуговкин А.П. и др. Гендерная различия размеров внутренних органов у 17 летних подростков с различными соматитами. Педиатр 2017. Т.8 N5 с.67-73.
3. Никитюк Б.А., Корнетов Н.А. Интегративная биомедицинская антропология-ТОМСК: Издательство Томского Университета. 1998.
4. Николенко В.Н., Никитюк Д.Б., Чава С.В. Отечественная конституционная анатомия в аспекте персонифицированной медицины. Сеченовский вестник 2013 т.14. N4. с 9-17
5. Утепбергенов А., Матчанов А.Т. Исследование антропометрических и физиологических параметров у спортсменов в условиях южного Приаралья. Вестник ККО АН РУз Нукус 2007. N1 с, 15-17.
6. Фелелова В.В., Фелелова Ю.А., Казакова Т.В и др. Изменения активности ферментов основных метаболических путей лимфоцитов крови при пищевой нагрузке у девушек с разным компонентным составом тела (жировым, мышечным, костным). Бюллетень экспериментальной биологии и медицины. 2015.т. 159 N3. с.285-289
7. Саливон И.И., Мельник Способ определения типов телосложения человека по комплексу антропометрических показателей. «Человек и его здоровье» 2015, №1 с. 93-98

Annotation

The comparative characteristics of the ethnic diversity of anthropologic differences of athletes were studied. We also studied the belonging to lepta, meso or hypochromic stomatitis and the number of shaped elements in the blood.

САЛОМАТЛИК ВА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Қодиров А.Қ., Қаршиева Д.Р., Толибова З.Х.

Бухоро Давлат Университети

Кириш: Юрт равнақида ёшларнинг ўрни бекиёсдир. Бунинг учун ёшларни тўғри тарбиялаш, уларни саломатлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда ёшларни саломатлигини таъминлаш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқд[1].

Саломатлик- одамнинг жисмоний, ақлий-руҳий ва маънавий хусусиятларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, кишини узоқ умр кўриши, меҳнат унумдорлиги, аҳил оила яратиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Инсон организмнинг соғлом бўлишида унинг тўғри овқатланиши муҳим ўрин тутди.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, организмнинг нормал ҳаёт кечиришида истеъмол қилинадиган овқат моддаларининг сифати, уларнинг бир-бирига нисбати энергетик қувватларини комплекс ҳолда ҳисобга олишликнинг аҳамияти катта. Шунингдек, агарда одам бутунлай оч қолса организм вақтинча яшар ва бунда у ўз ички захираси ҳисобига яшашлиги экспериментларда тасдиқланган. Бундай овқатланишни эндоген (ички) овқатланиш дейилади.

Ишнинг мақсади: Тўғри овқатланиш қоидаларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни пухта ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш[3]. Аҳоли саломатлигини сақлашда тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш ва соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний маданиятни оширишда йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш;

-соғломлаштириш фаолиятида валеологиянинг асосий қонуниятларидан фойдаланиш;

-соғлиқни сақлаш муҳитни яратиш, мустаҳкамлаш кучаяди, бўлғуси касбий фаолиятида ўзи ва атрофдагиларнинг саломатликларини сақлаш ва мустаҳкамлашда масъулиятли муносабат ортади.

Овқат моддаларининг бир кеча-кундузлик захираси- қуввати одамнинг ёши, жинси, меҳнат фаолияти ва унинг турмуш тарзига кўра тахминан 1700-5000 ккал ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Овқат моддаларининг турларига қараб оксиллар, ёғлар, карбонсувлар ва бошқалар тафовут этилади.

Материал ва методлар: Одам танасининг 20% ва хужайраларнинг куруқ қисми оксиллардан иборат. Шунинг учун уларни кундалик овқат воситалари орқали қабул қилишимиз лозим. Маълумки, оксиллар аминокислоталардан ташкил топади. 20 ва ундан ортиқ аминокислоталардан 10 таси алмаштириб бўлмайдиган ҳисобланади. Масалан: триптофан, лизин, метионин, лейцин, изолейцин, валин, фенилаланин, треонин, гистидин, аргинин. Гистидин ва аргинин айниқса болаларда чақалоқларда алмаштириб бўлмайдиган ҳисобланади. Оксиллар ўзининг биологик қиймати билан бир-биридан фарқ қилади ва у алмаштириб бўлмайдиганларнинг борлиги, ўзаро нисбати ҳазм бўлишлиги кабилар билан ажралади. Масалан, сут, тухум, гўшт, жигардагиси (алмаштириб бўлмайдиганларнинг кўпчилиги) кабилар меъда-ичакларда деярли 97% яхши ҳазм бўлади. Ўсимликлардагиси камроқ - 83-85% ҳазм бўлади. Чунки уларда балласт моддалар мавжуд. Нўхот, ловияда 24-45%, писта, ёнғоқда 20% оксил бор. Оксилларга бўлган талаб жинс, ёш, бажариладиган ишларнинг тури, ирсий хусусияти ва яшаётган ўлкаларига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, бизларда тинч ҳолатдаги одамлар учун норма ҳарбир килограмм массаси учун 1 грамдан камроқ бўлса, болалар ва огириш бажарувчилар учун 1,5-4 г/кг ҳисобланади.

Карбонсувлар- овқат моддалари таркибида моносахаридлар (глюкоза, фруктоза), олигосахаридлар (сахароза, лактоза), полисахаридлар (крахмал, гликоген, клетчатка, пектинлар) бор. Улар одам учунасосий энергетик манба ҳисобланади. Оксидланганида организмда 1 гр.дан 4,4 ккал ҳосил бўлади. Овқат моддалари калорияси бўйича 60% атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардаги ҳазм бўлмайдиган целлюлозанинг аҳамияти катта. У йўғон ичакда холестериннинг чиқиб кетишини таъминлайди, захарли моддаларни ўзига сингдириб олади (адсорбция), пересталтикани яхшилади. Катгалар учун балласт моддаларга талаб 25 г/сутка ҳисобланади.

Ёғлар глицерин ваюқори мой кислоталарининг эфири ҳисобланади. Улар 2 га бўлинади – тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари. Тўйинган ёғ кислоталари ҳайвонот махсулотларида (50%), ўсимликларда эса суяқ ёғлар-да, айниқса писта, жўҳори, зиғир, зайтунда кўплаб учрайди (80-90%). Ёғ ва ёғсимон моддалар хужайра мембранаси, нерв толалари қобиғи таркибида бўлади ва ёғ кислоталар, гормонлар, витаминларнинг синтезланишида қатнашади. Организмда ёғларнинг тўпланиши энергетик захира ҳисобланади. Катта кишилар учун бир кеча-кундуз 80-100 грамм гача ёғ истеъмол қилишлик тавсия этилади ва у 30-35% энергияни таъминлайди. Юқори молекулали тўйинмаган ёғ кислоталари атеросклерозни олдини олади, организмни юқумликасалликларга қаршилигини оширади. Ёғларнинг овқатлилик қиймати таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари, А, Е, Д витаминларини борлиги, ҳазм бўлишлиги ва сўрилишини аниқлашлик билан баҳоланади.

Витаминлар. Ҳозирги кунда витаминларнинг сони 20дан ортиқ ҳисобланади. Улар 2 гуруҳга бўлинади.: сувда эрийдиган витаминлар (В, Р, РР, С,) ва ёғда эрийдиган витаминлар (А, Д, Е, К).

Натижалар ва муҳокамалар: Ўзбекистон Республикаси аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Соғлом авлодни вояга етказишда шахснинг ҳар томонлама камол топишига катта аҳамият берилмоқда[2].

Овқатланишда қуйидагиларга қатъий риоя қилиш лозим:

1. Рационал овқатланишнинг аҳамияти. Одам соғлом ва бақувват бўлишида, организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши, иш қобилиятининг яхши бўлишида рационал (тўғри) овқатланишнинг аҳамияти катта. Овқат моддалари организмда 2 та муҳим вазифани бажаради: Энергетик- яъни овқат моддалари организмда-хужайра ва тўқималарда кислород орқали оксидланиб энергия ҳосил қилади ва у хужайра тўқима ва органларнинг нормал ишлаши, тана хароратининг доимийлигини таъминлаши, одамнинг ҳаракатланиши, иш бажарилиши учун сарфланади. Пластик функцияси эса

оқсиллар курувчи материал сифатида хужайра ва тўқималарнинг таркибий қисмига киради, яъни эскирган хужайра ўрнига янгиларининг пайдо бўлиши ва кўпайишини таъминлайди.

2. Рационал овқатланиш принциплари. Рационал овқатланишнинг асосида 3 хил принцип мавжуд: биринчиси - миқдор принципи суткалик овқатланишда организмда ҳосил бўладиган энергиянинг миқдори, сарф бўладиган энергияга тенг бўлиши керак. Иккинчиси - суткалик овқат таркибидаги оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар, минерал тузлар, сув, витаминларнинг миқдори организмнинг шу моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириши керак.

3. Овқатланиш тартиби (режими). Бунда суткалик овқат миқдори 4 қисмга бўлинади. Масалан, мактаб ўқувчиларининг овқатланиши қуйидагича ташкил қилиниши керак. Яъни эрталабки нонуштанинг калорияси 25-30%, тушлик - 35-40%, кечкиси 15-20% бўлиши лозим. Булардан ташқари қўшимча овқатланиш суткалик овқатланишнинг 10-15%ни ташкил қилиши керак.

4. Овқат рационинг сифати. Овқат рационининг сифат жиҳатидан қимматли бўлиши, яъни, барча озиқ-овқат моддаларининг зарур миқдорда бўлиши, таркибида оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар, минерал моддалар бор бўлган овқат маҳсулотлар қабул қилиниши лозим[4].

Овқатланишнинг олтин қоидалари:

- Оқилона овқатланиш тўғрисидаги адабиётларни кўпроқ ўқиш орқали бу борадаги билим, малака ва кўникмаларингизни ошириб боринг.
- Агар бирон-бир касалликни бошингиздан кечирсангиз ёки қандайдир сурункали касалликларингиз бўлса, овқатланиш таркибини белгилаб олиш учун, албатта врач маслаҳатини олинг.
- Овқат турларини танлашда биринчи навбатда ўз соғлиғингизни эътиборга олинг.
- Доимий ва узоқ вақт бир хил турдаги овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланинг.
- Ҳар доим ўз вақтида овқатланиш зарур.
- Овқат маҳсулотларида зарур овқат моддалари бир-бирига нисбатан мувозанатлашган ҳолда бўлиши керак (оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар).
- Истеъмол қилинаётган овқат маҳсулотлари тоза, муддати ўтмаган ва етарли даражада техник қайта ишловдан ўтган бўлиши керак.
- Доимо яхши кайфиятда иштаҳа билан овқатланиш тавсия этилади.
- Овқат маҳсулотларининг ташқи кўриниши чиройли бўлиши, унинг ранги, ҳиди, кўриниши одам иштаҳасини очиши керак. Овқатланаётганда иложи бўлса, яхши воқеа ва ҳодисалар тўғрисида фикрлаш ёки гаплашиш зарур.
- Доимий равишда юқори калорияли ёғли овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланиш керак.
- Истеъмол қилинаётган овқат маҳсулотининг ҳарорати меъёрда бўлиши лозим, ўта иссиқ ва совуқ ҳолда истеъмол қилиш организм учун зарар ҳисобланади.
- Истеъмол қилинган овқат организмда нохушлик келтириб чиқарса, кўнгил айниш, қусиш, оғриқ ёки бошқа белгилар пайдо бўлса, албатта, биринчи навбатда врачга мурожаат қилиш зарур ва кейинги овқатланиш тартиби тўғрисида маслаҳатлар олиш керак бўлади.

Ҳозирги кунда тўкин дастурхонга ўтирган ҳар бир киши аввало организми ва саломатлиги учун зарур бўлган овқатлардан истеъмол қилиш кераклигини билиш керак. Бу тўғри ва оқилона овқатланишнинг асосий шarti.

“Кўп овқат еган киши овқатни эмас, овқат уни ейди” деган нақллар асосида чуқур маъно борлигини ҳар бир инсон яхши англаб етмоғи лозим.

Хулоса: Хулосақилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рационал овқатланиш (рационал – оқилона, мақсадга мувофиқ) организмнинг қувват сарфини тўлдириш, ҳамда инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган витаминлар, микроэлементларни қамраб олган, таркиби ва миқдори жиҳатдан организмнинг имкониятларига мос келадиган овқат билан овқатланишдир.

Айтиш жоизки, ҳар қандай инсон яшаш тарзи, миллий урф одати, муҳити, иқлими, яшаш шароити, имконияти ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ўз овқатланиш тартибини ҳал қилиши лозим. Юқоридаги илмий асосланган маълумотларга қатъиян риоя қилишлик ва амалда бажаришлик соғ-саломат бўлишлик ва баракали умр кўришликнинг гаровидир.

Адабиётлар:

1. Қаршиева Д.Р “Оилада соғлом турмуш тарзини ташкил этиш масалалари” тўғрисидаги илмий-амалий конференция 2016 й 425 б
2. Қаршиева Д.Р, Толибова З.Х “Жароҳатланган ва бемор болаларни парвариш қилиш” халқар илмий журнал №4.2 (115) 2019й 229 б
3. Толибова З.Х “Соғлом турмуш тарзи ва зарарли одатлар” тўғрисидаги илмий-амалий анжуман 2018 й 73 б
4. Турсунов Б.С, Собиров Б.У, Муслимов М.М, Аллаёров Я.Н “Шахсий гигиена ва оқилона овқатланиш маданияти” Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти, Тошкент 2004 й 16 б

Annotation

The nourishment and food are the most important demand for existence and Supplying life. Because the vital processes of every person and creature: existence, movement, growing up, health become on account of eating and foods. Nowadays every person standing around the abundant table cloth should know to use and eat the foods which are necessary for his health and organism. It is the main condition of rightly and cleverly eating. Rational eating is necessary for person's life, activity and filling organism's power expenses. In daily life one of the most important rules we should know, act and obey is the nourishment (eating) order.

УДК 599.323.4(584.4)

ГЕСТАЦИЯ ВА ЛАКТАЦИЯ ДАВРИДА ТОКСИК АНЕМИЯНИНГ ЭРИТРОЦИТ ВА ГЕМОГЛОБИН МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

Кудешова Г.Т., Кучкарова Л.С., Қаюмов Х.Ю. Жолдасбаева Г.М., Хожанова Г.Ж.

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Нукус шаҳри 27 сонли умумтаълим мактаби*

Кириш. Саноат ва қишлоқ хўжалигини индустриализацияси туфайли атроф - муҳитда организмга салбий таъсир этувчи турли моддалар, жумладан оғир металл тузлари, фенол ҳосилалари, минерал ўғитлар ва бошқа токсикантлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай токсик моддаларнинг кўпчилиги ичимлик суви, озуқа, нафас олиш органлари ва тери орқали организмдаги химоя барьерлардан ўтиб, гемоциркуляциясига тушади [3, 8]. Айрим ксенобиотикларнинг (масалан кўрғошин ионлари, фенилгидразин ва бошқ), юрак-томир, ҳазм, бўйрак, асаб, қон ва бошқа тизимларга таъсири она учун ҳам, бола учун ҳам айниқса, биринчи триместрда хавфли эканлиги кўрсатилган [9]. Фенилгидразин [1] ва кўрғошин ионларнинг [4], қон кўрсаткичларига таъсири зарарли моддаларнинг концентрациясига боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

Escribanонинг (1997) кўрсатишича мегаполисларда одам организмга кунига 140 мг/кг миқдорда кўрғошин ионлари тушиб, ўз таъсирини кўрсатади. Gurber (1997) таъкидлашича, индустриал регионларда одам организмга бир кеча-кундузи 1000 мг/кг гача кўрғошин ионлари ўтиши мумкин.

Токсикантлар кўпчилиги энергетик метаболизмни издан чиқариш орқали хужайрада кальцийли гомеостазини силжитиб, фаол радикалларнинг пайдо бўлиш жараёнларини юзага келтиради. Айнан шу радикаллар хужайрада оқсил синтезини ва бўлиниш жараёнларини, мембраналарнинг структурасини ўзгартириб, хужайра мембраналарининг парчаланишига олиб келади [2, 6].

Кўрғошин, фенилгидразиннинг ва бошқа анемияни келтирувчи поллютантларнинг таъсири эритроцитларнинг гемолизи, гем синтезининг бузилиши ва бугунги кунда гематологик таснифнинг ўзгариши билан боғлиқ деб кўрсатилди [6].

Кўрғошин ионлари ва фенилгидразиннинг қон таснифига таъсири кўрсатилган бўлсада [1, 10], ушбу гемолитик заҳарларнинг она ва наслда репродуктив циклнинг турли босқичларида бир вақтнинг ўзида кўрилмаган. Шунингдек, она ва наслда қизил қон ўзгаришнинг таснифи ҳақида умумий маълумотлар йўқ.

Ишнинг мақсади. Қон кўрсаткичларга таъсир этувчи айрим экотоксикантларнинг (кўрғошин ацетат ва фенилгидразин гидрохлорид) гестация ва лактация даврида она ва наслда эритроцитларнинг ҳолатига таъсирини ўрганишдир.

Материал ва услублар. Тажрибалар Ўзбекистон Миллий университети виварийсида ўстирилган зотсиз бўғоз ва ўсаётган каламушларда олиб борилди. Каламушлар иккита тажриба ва битта назорат гуруҳларга бўлинди. Тажриба гуруҳдаги каламушларда 2 хил токсикантлар (органик ва аноорганик моддалар) ишлатилиб гемолитик анемия ҳолатига келтирилди.

Биринчи тажриба гуруҳдаги каламушлар учун гемолитик заҳар сифатида органик бирикма - фенилгидразин гидрохлорид ишлатилди. Бўғоз каламушларда токсик анемияни келтириш учун фенилгидразин гидрохлорид гестациянинг 14 кун (80 мг/кг) юборилди [7], лактация даврида анемия ҳолатига келтириш учун эса бу препарат оналарга лактациянинг 3 кун худди шу миқдорда юборилди.

Иккинчи гуруҳдаги тажриба каламушларда кўрғошин ацетатли анемияни келтириш учун онага гестациянинг учинчи триместри, ҳамда бутун лактация давомида ичимлик суви ўрнига 0,01% кўрғошин ацетат эритмаси берилди.

Биокимёвий таҳлиллар она ва ҳомилаларда гестациянинг 21 кун, лактация даврида она ва авлодга - постнатал ҳаётнинг 12-кун амалга ошрилди. Яъни қон кўрсаткичлар бир вақтнинг ўзида ҳам онада, ҳам наслда аниқланди.

Қондаги гемоглобиннинг миқдори (г/л) ва эритроцитлар сони (Т/л), умумий клиник усуллари орқали аниқланди [5].

Олинган натижалар Excel дастури ёрдамида Стьюдент бўйича таҳлил қилинди. Р ва t кўрсаткичлар асосида статистик ишонарлилиги баҳоланди. $P < 0,05$ дан кичик бўлганда натижалар статистик ишонарли деб қабул қилинди.

Натижалар ва муҳокамалар. Натижалар кўрсатдики, гестация ва лактация даврида она каламушларнинг токсик анемияси ва уларнинг наслида қизил қон кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлган (жадв.1, 2).

Органик гемолитик модда, яъни фенилгидразин гидрохлорид юборилган она каламушларда гестация ва лактация даврида мувофиқ равишда гемоглобин миқдори 37,0% ва 38,1% га, эритроцитлар сони эса 39% га, 42,3% га назоратга нисбатан камайди. Аноорганик токсикант, яъни кўрғошин ацетат қўлланилганда, бўғоз каламушларда гемоглобин миқдори 33,7%, эритроцитлар сони эса 33,7% га камайди. Эмизикли она каламушларда эса гемоглобиннинг миқдори 35,9 % га, эритроцитлар сони эса 37,2% га камайди.

1-жадвал

Гестация ва лактация давридаги она каламушларнинг қон кўрсаткичлари токсик анемия таъсирида ўзгариши ($M \pm m$; $n=6$)

Хайвонлар гуруҳи	Гестация (21 кун)		Лактация (12 кун)	
	Гемоглобин	Эритроцит	Гемоглобин	Эритроцит
Назорат	148,3±3,1	9,8±0,31	148,3±3,1	9,83±0,31
Тажриба 1	93,3±3,3	6,00±0,37	91,7±3,1	5,67±0,33
Р	<0,001	<0,001	<0,001	<0,001
Тажриба 2	98,3±4,8	6,50±0,43	95,0±4,3	6,17±0,48
Р	<0,001	<0,001	<0,001	<0,001

Ишимизнинг кейинги босқичида биз токсик анемияли она каламушдан туғилган наслда ҳам қизил қон хужайраларнинг кўрсаткичларини аниқладик.

2-жадвал

Гестация ва лактация давридаги она токсик анемиясининг ҳомила ва авлоддаги гемоглобин миқдори ҳамда эритроцитлар сонининг ўзгариши ($M \pm m$; $n=6$)

Хайвонлар гуруҳи	Ҳомила (21 кунлик)		Авлод (12 кунлик)	
	Гемоглобин (г/л)	Эритроцит (Т/л)	Гемоглобин (г/л)	Эритроцит (Т/л)
Назорат	86,7±6,7	2,7±0,3	106,7±6,7	3,7±0,33
Тажриба 1	65,0±5,6	2,75±0,2	86,7±4,2	2,4±0,20
Р	<0,05	>0,5	<0,05	<0,02
Тажриба 2	73,3±4,2	2,3±0,2	95,0±3,4	2,83±0,31
Р	>0,10	>0,1	>0,10	>0,10

Жадвалдан кўришиб турибдики, фенилгидразин гидрохлорид ёрдамида анемия ҳолатига келтирилган оналардаги ҳомилада гемоглобиннинг миқдори 25,0% камайди, эритроцитлар сони эса назорат даражасида қолди. Шу хилдаги анемия эмизикли она каламушларда келтирилганда гемоглобиннинг миқдори 18,7% эритроцитларнинг сони эса 35,1% га камайди.

Бўғоз каламушга ичимлик сувнинг ўрнида кўрғошин ацетат эритмаси берилиб турилса, ҳомилада гемоглобиннинг миқдори ва эритроцитларнинг сони камайсада, бу камайиш статистик жиҳатдан ишонарли эмас. Лактация даврида ҳам ичимлик суви билан кўрғошин ацетатнинг тушиб туриши авлодда, яъни 12-кунлик каламушларда қизил қон кўрсаткичларга билинарли таъсир қилмади.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга мувофиқ муҳитда концентрацияси меъёрдан ортиқ бўлган айрим токсикантлар, хусусан фенилгидразин ва кўрғошин ацетат таъсирида қизил қон кўрсаткичларнинг силжиши рўй беради. Репродуктив цикли жараёнида бўғоз ва эмизикли каламушларга анемияни келтирувчи воситаларнинг берилиши нафақат оналарда, балки наслда ҳам қизил қон кўрсаткичларда жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бу ўзгаришлар бизнинг экспериментал кузатувларимизда гестация ва лактация давридаги гемолитик анемияга учраган оналардаги наслда қизил қон хужайралар ва гемоглобиннинг камайишида намоён бўлди.

Шунга эътибор бериш лозимки, онада токсик анемиясини келтирувчи реагентнинг табиати (органик ёки аорганик)дан қатъий назар ҳомилада қизил қон хужайралар ва эритроцитларнинг миқдори камайди. Лактация даврида эса фенилгидразиннинг таъсири кўрғошин ацетат тузининг таъсирига нисбатан кўпроқ ифодаланди.

Оналарда темир билан боғлиқ бўлган камқонликда наслда учрайдиган кам қонлигининг бўлиш эҳтимоли юқори эканлиги қайд этилди [6]. Демак онада гемолитик анемияни келтирувчи токсикантлар болада ҳам қизил қон хужайраларда ва бутун организмда негатив силжишларни келтиради. Бунга сабаб шуки, гематологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар, қоннинг нафас, нутритив, химоя ва бошқа функцияларнинг ўзгариши ва бутун организмдаги функционал тизимларда ўз аксини топади [9].

Шунинг учун экологик ифлосланган ҳудудларда аҳолини айниқса, репродуктив циклдаги аёлларда экотоксикантлар миқдори таъсирини камайтириш чораларини мукамаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хулосалар

1. Гестация ва лактация даврида она каламушларда фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетат юборилганда уларда гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сони камайди.

2. Гестация ва лактация давларида онадаги экспериментал токсик анемия наслдаги кизил қон кўрсаткичларида негатив силжишларни келтиради.

Адабиётлар:

1. Башарин В.А. Экспериментальная оценка состояния системы глутатиона и перекисного окисления липидов при острых отравлениях 1,1-диметилгидразином и фенилгидразином: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - СПб, 2001. -23 с.
2. Ваганов А.С. Содержание тяжелых металлов в тканях и органах леца Куйбышевского водохранилища // Тез. докл. Всерос. научно-практической конф. «Экологические проблемы промышленных городов», Саратов, СГТУ, 2011. - С. 32-34.
3. Галина Анериевна Теплая. Тяжелые металлы как фактор загрязнения окружающей среды // Астраханский вестник экологического образования. -2013. –Т. 23, № 1. - С. 182-192.
4. Зайцева О.Е. Особенности накопления микроэлементов в плаценте и пуповине при нормальной и осложненной гестозом беременности – автореферат Дис. ... канд. мед. Наук. – М, 2006. -23 с.
5. Зупанец И.А., Мисюрева С.В., Прописнова В.В. и др.; Клиническая лабораторная диагностика: методы исследования: Учеб. пособие для студентов – 3 - е изд., перераб. и доп. – Харьков: Изд-во НФаУ: Золотые
6. Куценко С.А. Военная токсикология, радиобиология и медицинская защита. : учеб. пособие для студентов мед Вузов. - СПб: Фолиант, 2004. - 203 с.
7. Лазарев Г.А., Прокопенко Л.Г., Утешова Е.С. Иммунометаболическое действие карнитина и биотина при гемолитической анемии // Фармакология. - 2005. – С. 200.
8. Шперлинг И.А., Новицкий В.В., Рязанцева Н.В. и др. Механизмы нарушения функциональных свойств эритроцитов при экспериментальной фенилгидразининдуцированной метгемоглобинемии // Бюллетень сибирской медицины. -2005. -№3. – С. 48-53.
9. Flint O.P., Orton T.C. // An in vitro assay for teratogens with cultures of rat embryo midbrain and limb bud cells Toxicology and Applied Pharmacology.- 1984. – V. 76. – P. 383-395.
10. Kempe D.S., Lang P.A., Eisele K., Klarl B.A., Wieder T., Huber S.M., Duranton C., Lang F. Stimulation of erythrocyte phosphatidylserine exposure by lead ions // Am. J. Physiol. Cell Physiol. – 2005. – № 288. – P. 396-402.

Annotation

It was shown mother's toxic anemia during gestation and lactation resulted in decreasing of number of erythrocytes and hemoglobin contents in fetus and offspring. The effect of mother's anemia more expressed during lactation than during gestation. The administration of drugs that cause toxic anemia in pregnant and lactating rats during the reproductive cycle causes significant changes in red blood cell counts in the mother and offspring. These changes were manifested in a decrease in the number of erythrocytes and the amount of hemoglobin relative to the control in rats in the experimental group. The effect of phenylhydrazine anemia on blood counts in the maternal-hereditary system was more pronounced than that of lead acetate anemia.

Key words: rats, toxic anemia, erythrocytes, hemoglobin, phenylhydrazine chloride, lead acetate

ИЧИМЛИК СУВИ ВА УНИНГ ТАБИЙ РЕСУРС СИФАТИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШДАГИ ЎРНИ

Қурбонов Ш. Қ., Қурбонов А. Ш.

Қарши давлат университети

Тириклик мавжуд биосферада сувнинг айланиши дастлабки даврларда анча муҳим бўлиб, асосий сув манбалари океанлар, денгизлар, кўллар ва дарёлардан буғланиб кўтарилган сув яна шунча микдорда қайтиб ерга тушган. Кейинчалик инсон тараққиётининг маълум даврига келиб цивилизация туфайли сувдан кенг қўламли фойдаланиш қайд қилинган нисбатнинг бузилишига олиб келди (суғориладиган экин майдонларидан кўп микдорда сувнинг буғланиб кетиши, океан, денгизларга оқиб тушадиган дарё сувларининг ифлосланиши ва бошқалар). Ҳозирги пайтда саёрамизда мавжуд сувнинг 97 % ичиш учун яроқсиз бўлиб қолди. Қолган 3 % яроқли сувнинг ҳам ярмига яқини фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатда (баланд тоғлар, Арктика ва Антарктидадаги қор ва музликлар ва ҳоказо). Шундай қилиб Ер қуррасидаги умумий

сувдан инсон истеъмоли учун фойдаланса бўладигани 1-1,5 % холос (2, 5, 9 ва бошқалар). Шунча миқдордагина бўлган ичимлик суви ҳам антропоген омиллар боис тобора ифлосланиб, соғлиқ учун катта хавф туғдирмоқда.

Катта одам танасининг ўртача 70 % сувдан иборат бўлса, уч ойлик она қорнидаги хомилада 90 %, энди туғилган болада эса 80 % ташкил қилади. Ички аъзолардан энг кўп сув жигар (86 %), кейин ўпка (85 %), қон ва буйрақларда (83 %). Мия, юрак, мускулларнинг ҳам 75 % сувдан иборат. Кўриниб турганидек, сувга бўлган эҳтиёж жуда муҳим, агар одам керакли миқдорда сув ичиб турса, овқат емасдан ойлаб яшай олса, сувсиз бир ҳафта ҳам яшай олмайди, иссиқ ўлкаларда эса сувсиз 3-4 кундан кейин у ҳалок бўлади. Айтилган фикрлар сувнинг инсон ҳаёти учун (нафас олиш ҳавосидан кейин турувчи) нечоғлиқ зарурий омил эканлигини исботловчи далили бўлиб, уни доимий равишда тегишли миқдорда озиқ модда сифатида қабул қилиб туриш тириклик учун муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, яшаш учун зарур бўладиган барча ҳаётий жараёнлар, жумладан модда ва энергия алмашинуви, организмдаги барча биологик суюқликларнинг (қон, лимфа ва бошқалар) ҳаракати, янгилиниши ҳамда тегишли таркибда ва миқдорда бўлиши, асаб, эндокрин ва мускул тизимининг зарурий фаолияти, истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўз вақтида ҳазм бўлиши ва бошқалар ҳар бир вужуд учун керакли миқдорда ва таркибда сув истеъмол қилиб турилганида меъёрида кечади. Шунингдек соғлом овқатланиш ва уни ташкил қилиш учун олиб бориладиган барча саъ-ҳаракатлар ҳам бевосита сув билан боғлиқ. Айтиб ўтилган ҳолатларни тушуниш ва улрага амал қилиш эса ҳар кимдан маълум даражада сув истеъмол қилиш қонуниятларига, бошқача айтганда сувдан фойдаланиш маданиятига эга бўлишни тақазо этади. Уни умумовқатланиш маданиятининг ажралмас бир қисми деб қараш мумкин (6, 7, 8, 9 ва бошқалар). Зеро ичимлик суви муҳим озиқ модда ҳисобланади. Сув истеъмол қилиш маданияти деганда, даставвал ҳар кимнинг ўз вазни, ёши, жинси, бажарадиган ақлий ёки жисмоний меҳнати, айни ҳудуддаги экологик ва бошқа шарт-шароитларга кўра қанча, қандай ва қачон сув ичиш кераклигини билиш тушунилади. Ёзнинг бошланиши барча тирик мавжудоднинг сувга бўлган муносабатини янада яққолроқ намоён қилади, у баъзан ҳаёт-мамот шартига айланади.

Сув ҳужайра ва тўқималарнинг ҳаётий асоси бўлиб, унинг белгиланган меъёрдан оз ёки кўплиги, таркибий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги даставвал барча физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларни издан чиқаради. Вужудимизда кузатиладиган моддалар ва энергия алмашинувининг 85 % сувли муҳитда ўтади, ҳеч бир энергия берувчи ёки пластик моддлар, витаминлар ёки минерал моддалар, озиқ модда заррачалари сувсиз ўзлаштирилмайди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг тегишли жужжатларида эътироф этилишича, 80 % касалликлар асосан ичимлик сувининг биз учун зарарли бўлган моддалар билан бойиб бориши, унга қўйилган санитария, гигиена талабларига жавоб бермаслиги туфайли келиб чиқмоқда (5, 9 ва бошқалар).

Ҳаётий жараёнлар боис ҳосил бўлган кераксиз, зарарли ва захарли моддалар фақат сув иштирокида танмизни тарк этади. Истеъмол қилинаётган сув (алоҳида чиладиган ва озиқ овқатлар билан қабул қилинадигани биргаликда) тоза ва сифатли бўлса, ҳужайра ва тўқималар мембранасини емириб, хавфли касалликлар (масалан, саратон) уйғотадиган эркин радикалларнинг кўпайиб кетмаслиги, жуда кўп хасталикларнинг яратувчиси бўлмиш ошиқча ёғ захирасининг тўпланмаслиги таъминланади. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, танадаги ошиқча ёғдан қутилишни хоҳловчилар бир йўла овқат билан сув, чой, шарбат ичмасликлари керак. Акс ҳолда суюқликлар билан аралашган таомлар тегишли вақтдан олдин ичакларга ўтиб кетади. Бу ҳол ўз навбатида тез оч қолишга олиб келади (чунки ошқозон бўшаб қолади, иштаҳа очилади). Қолаверса ошқозон ширасининг таъсир этувчи кучи сусайиб, унга тушган озиқ моддалар етарли даражада қайта ишланмайди, натижада ичакларга ортиқча юклама тушади, безовталаниш юз беради. Фақат қуритилган нон (сухари), бўғирсоқ, ширин-кулча, пишириқларни озмунча суюқлик билан истеъмол қилиш мумкин.

Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши, тегишли қисмларга парчаланиши, қон ва лимфага сўрилиши уларнинг сувдаги эритмаси кўринишида юз беради. Бундан ташқари озиқ-овқатларни парчаловчи ферментлар, гормонлар ва бошқа биологик фаол моддалар ҳамда танадаги барча хужайра ва тўқималарнинг асосий таркибини ҳам сув ташкил қилади (3, 4, 5, 6). Шундай экан сув, унинг қатор физиологик ва биокимёвий хусусиятлари ҳамда инсон ҳаётида ва соғлом овқатланишдаги ўрнини табиий ресурс сифатида илмий баҳолаш муҳим аҳамият касб этади (5, 6, 7, 9).

Саёрамизда илк бор ҳаётни пайдо бўлиши сувдан бошланганлиги фанда тўла-тўқис исботланган. Сув барча тирик мавжудодлар учун энг муҳим озиқ модда бўлиб хизмат қилиши ҳам сир эмас, ёки сувсиз ҳеч бир тирик организм яшаши, кўпайиши, турли-туман фаолият кўрсатиши амалга ошмайди. Шунинг учун кенг халқ оммаси орасида “сув, ҳаётнинг ўзисан” деган ибора тўғри ифодаланган десак хато бўлмайди. Сув бирдан-бир ҳам суюқ, ҳам қаттиқ, ҳам газ ҳолида бўладиган озиқ моддадир. Шароит, имконият ҳамда эҳтиёжга қараб истеъмолда ишлатиладиган сув турлича бўлади, яъни ёмғир суви, туриб қолган сув, қаттиқ, юмшоқ, кремнийли, эритилган, бактерицидди, кумушли, магнитланган сув ва бошқалар. Уларнинг ҳар бири фойдали ва зарарли хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Сув танада тегишли ҳароратни сақлаб турувчи муҳим иссиқлик бошқарувчиси бўлиб ҳам хизмат қилади (1 ва бошқалар). Ташқи муҳит ҳарорати вужуд ҳароратидан анча юкори (Ўрта Осиё ва бошқа иссиқ ўлкалар шароитида) ёки кескин паст бўлганида (Шимолӣ ўлкаларда) ҳам тана ҳароратининг доим бир хил бўлишида сувнинг хизмати бекиёс. Иссиқ ёз фаслида жисмоний меҳнат қилиш ёки машқ бажариш, спорт билан шуғуланиш тананинг ошиқча қизиб кетиб, уни иссиқ уришидан ҳимояланиши сув воситасидагина амалга оширилади. Бундай пайтда тери юзасидан ва ўпкадан ажралиб турадиган сувнинг буғланиши туфайли физикавий қонуниятлар асосида ҳарорат ошиб кетмаслиги таъминланади. Барча ёпиқ иншоотларда ёзнинг иссиқ кунларида кондиционер ёрдамида ҳарорат мўтадил сақланиб турилсада, ушбу шароитда нафас олиш ҳавоси жуда қуруқлашиб кетади, тананинг сувсизлантирилишига олиб келади. Шунга ўхшаш ҳолатлар самолётлар, поездларда ҳам кузатилиб, улардаги ҳавони сув буғлари билан бойитиб туриш ва чой, сув ҳамда бошқа суюқликлар ичиб туриш айтилган сувсизланишдан сақлайди. Сувсизланиш оқибатида вужуддаги сув 10 % йўқотилса кишининг ақлий ва жисмоний фаолият кўрсатиши сезиларли даражада пасайиб кетади. Агар бу кўрсаткич 20 % га чиқса ўлим юз беради (6, 7, 9). Илмий тадқиқотлар шу нарсани таъкидлайдики танадаги сув миқдори инсон мияси ва барча ички аъзолар ишига бевосита таъсир қилар экан. Хусусан Англиялик олимлар ўтказган кузатувларда бир стакан сув ичиш билан мия фаолиятининг 15 % яхшиланиши аниқланган. Яна сув ичиб тест синовларини ечишга киришганларда натижа анча яхши бўлиши қайд қилинган. Шу нуқтаи назардан трибуналарга чиқиб нутқ сўзлайдиганлар олдида сув кўйилиши, оғиз қуришини олдини олишидан ташқари ақлий фаолиятига ҳам ижобий таъсир этиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Инсоннинг сувга бўлган суткалик талаби унинг ёши, жисмоний фаоллиги, муҳит ҳарорати ҳамда намлик даражасига боғлиқ бўлиб, у ўртача 2,5 литрни ташкил қилади. Аниқланишича ушбу кўрсаткични топиш учун тана вазнини 20 га бўлиш керак. Масалан 80 кг ли одам суткасида $80 : 20 = 4$ л сув истеъмол қилиши меъёр ҳисобланади. Бу миқдордаги сувни таркиб ва сифат жиҳатидан мақсадга мувофиқ бўлиши, яъни, ичимлик сувининг бир вақтнинг ўзида тоза ва вужуд учун керакли миқдорга эга бўлиши, соғлом овқатланишнинг асосий кўрсаткичларидан бирига айланиши муҳим аҳамият касб этади.

Вужуд эҳтиёжи учун ишлатиладиган сувнинг сайёрамизда турли-туман чиқиндилар билан тобора ифлосланиб кетаётганлиги анча ташвишли ҳол, чунки қатор хавфли касалликлар (ич терлама, дизентерия, холера ва бошқалар) айнан инсон чиқиндилари (экскрементлар) билан ифлосланган сувдан фойдаланиш сабабли тарқалади. Яна юқумли сарғайма, бруцеллез, полиомиелит каби хасталикларнинг тарқатувчилари ҳам сув орқали берилиши кузатилган. Кўпгина чувалчангларнинг

тухумлари ҳам сув ёрдамида ошқозон-ичак тизимига ўтиб, шу ерда текинхўрларга айланади. Кўпинча жигар ва ингичка ичакда текинхўрлик қилувчи бир хужайрали хайвон – лямблиялар ҳам инсон ахлати билан ифлосланган сув орқали юқади.

Сув таркибида айрим моддалар маълум миқдордан ошиб кетса у зарарли ҳисобланади. Буларга темир, марганец, сульфатлар, фторидлар, кальций ва магний тузлари, ҳар хил органик бирикмалар ва бошқалар киради.

Темир ва унинг гидрокарбонатлари, сульфатлар, хлоридлар, органик омплекс ҳолидаги бирикмаларнинг сувда тегишли миқдордан ошиб кетиши (0,3 мг/л) унга қизил-сарғиш ранг беради, таъми ёмонлаштиради, темир бактерияларини кўпайтириб, сув қувурларида чўкма ҳосил қилади. Бундай сувдан ванналар, сув сақланадиган идишлар, ошхона чаноғларида қизғиш-сарғи доғлар пайдо бўлади. Ундан ичилса ва овқат тайёрлашда фойдаланилса, кўпгина жигар хасталиклари келиб чиқади.

Агар фойдаланиладиган сувда марганец миқдори зиёд бўлса (0,1 мг/л дан ошса) унинг таъми бузилади, қувурларда қора қопламлар пайдо бўлади. Доим шундай сув ичиб юрилса, инсон организмида ирсий ўзгаишлар (мутация) келиб чиқиши ҳам мумкин экан. Сувда хлоридлар ва сульфатлар миқдори тегишли ҳолда 350 ва 500 мг дан (1 л сувда) ошиб кетса, у аччиқ-шўр таъмга эга бўлиб, ичиш учун яроқсиз ҳисобланади. Сувнинг қаттиқлиги деганда унинг таркибидаги кальций ва магний катионларининг меъёрдан (1,5-2,0 мг-экв/л) ошиб кетиши тушунилади. Доимий ҳолда бундай сув ичиб юриш артрит, полиартрит каби бўғим хасталикларига, буйраклар, сийдик қопи, ўт халтасида тош қолишига олиб келади.

Тиш чириш касаллиги (кариес) сувда фтор элементининг жуда камайиб кетиши билан боғлиқ. Аммо унинг концентрацияси 1,5 мг/л дан ошмаслиги кеак, акс ҳолда саломатликка путур етиши мумкин. Сув таркибида айрим моддалар ва уларнинг бирикмалари бўлганида, ундай сув ичиш учун яроқсиз ҳисобланади. Масалан, сувга водород сульфид кўланса ҳид бериши билан бундай сув ичилса, ундаги олтингугурт туфайли организмнинг захарланиши кузатилади. Бу бирикма инсондан ташқари бошқа тирик организмлар учун ҳам зарарлидир. Сувда маргимуш миқдори 0,05 мг/л дан кўп бўлса (масалн шахта сувларида) организм захарланади. Ундан марказий нерв тизими кучли зарарланиб, полиневрит касаллиги келиб чиқади. Яна қўрғошин ҳам организм учун захарланиш борасида бефарқ бўлмасдан, унинг миқдори 0,03 мг/л дан ошганида бундай сувдан кундалик ҳаётда фойдаланиш мумкин эмас. Ичиладиган сув ва озик-овқат маҳсулотларидаги нитратлар ошқозон-ичак тизимида мавжуд бактериялар фаолияти боис осонгина нитритларга айланади. Бу бирикма қонга ўтиб, унинг кислород ташиши функциясини пасайтириб юборади (гемоглобин кислород таший олмайдиган бирикмага, яъни метгемоглобинга айланади). Айниқса истеъмол қилинадиган сув ва озик-овқатлар таркибида нитратлар миқдори кўпайса, яъни 50-100 мг/л атрофида бўлса, хавфли ҳолатлар пайдо бўлади. Мавжуд стандартларга мувофиқ ушбу бирикма миқдори маҳсулотларда 10-11 мг/л дан ошмаслиги керак.

Ичимлик сувида кадмий элементининг бўлиши организм томонидан мия фаолияти учун керак бўладиган маълум миқдордаги рух ўзлаштирилишини йўққа чиқаради. Натижада кишининг ақлий қобилияти пасайиб кетади. Кадмий асосан буйракларда тўпланиб, қон босимининг ошиб кетишига олиб келади. Сув билан қабул қилинган алюминий бош оғриғи, буйраклар, жигар касалликларини чақириб, асаб тизими фаолиятига салбий таъсир этади, қўзғалиш жараёнини кучайтиради, Паркинсон касаллигига асос солади.

Юқорида келтирилган шарт-шароитлар (тегишли меъёрлар) амалга оширилганидагина ичиладиган сувни тоза ва сифатли дейиш мумкин. Лекин қайд қилиб ўтганимиздек, бу борада муваффақиятларимиз ҳаминқадар. Нафақат қишлоқларимизда, шаҳарларимизда ҳам аҳолининг тегишли стандарт меъёрларга мос келадиган сув билан таъминланиши ачинарли ҳолда. Водопровод қувурларининг ички юзасида тўпланган қурумлар таркибида сихат-саломатлик учун қанчалик зарарли кимёвий бирикмалар, микроорганизмлар борлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ушбу қувурлар вақти-вақти билан тозаланиб, алмаштирилиб турилиши лозим, афсуски кўп жойларда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Оқибатда мана шундай зарарли сувлардан

фойдаланишга кўпчилик мажбур, шунинг учун ҳам турли-туман касалликлар, қанчалик яхши ва сифатли овқатланмайлик, унинг таркибида витаминлар, керакли бошқа моддалар етарли бўлмасин, йилдан-йилга кўпайиб кетаверади. Сифатсиз ичимлик суви туфайли юз берадиган хасталиклар дарҳол руёбга чиқмасдан, юқорида кўриб ўтилганидек, аввал жигар, буйрақлар каби аъзолар, шу жумладан, сув алмашинувида асосий роль ўйнайдиган ички аъзолар фаолияти бузилганидан кейин пайдо бўла бошлайди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кейинги йилларда қайд қилинган аъзоларда ва ўт пуфагида тош ҳосил бўлишининг шаҳар ва қишлоқларда тез-тез учраб туриши айнан ичишга яроқсиз сувлардан фойдаланиш боис юзага келмоқда. Барчамиз ичиб, овқат тайёрлашда фойдаланилган водопровод сувини тоза зарарсиз сув деб айтиш ҳақиқатдан анча узоқ. Гап шундаки водопровод сувларини ҳар хил микроблар, бактериялар ва айрим бир ҳужайралилар ва кўп ҳужайрали умуртқасизлардан тозалаш учун қўлланиладиган ягона усул бу ҳозиргача ҳам амал қилиниб келаётган – сувни хлорлаш. Хлор ошқозон-ичак йўли шиллиқ қаватини яллиғлайдиган, баъзан заҳар сифатида таъсир қиладиган модда. У нафақат зарарли патоген микробларни, балки организм учун фойдали бўлган бактерияларни ҳам ўлдириб юборади. Хлорнинг зарарли томонини бартараф қилиш учун сувни истеъмол қилишдан олдин усти очик идишда камида бир соат сақлаш керак, шунда у тез учувчи бўлганлиги учун ҳавога кўтарилиб кетади. Иккинчи усули – сувни қайнатиб фойдаланиш керак, бунда хлор бирикмалари идиш тубида тошсифат ҳолда ажралиб қолади. Яна бир усул бу сувни музлатиб, қайта эритиш керак, шунда хлор чўкма шаклида ажралиб қолади. Ичиладиган сувни дистирланган сувга айлантириб истеъмол қилиш лозим дейдиганлар ҳам бор, бу нотўғри, чунки сув билан вужудимизга қайд қилинганидек керакли минерал моддалар ҳам киради, қайсики танада моддалар алмашинуви, нерв импульслари ҳосил бўлиши, мускуллар қисқариб иш бажариши, юрак уриш маромининг бир ҳил сақланиши, озик моддаларнинг гидролизланиши, сўрилишида ва бошқа физиологик жараёнларда фаол қатнашади (2, 3, 5, 6 ва бошқалар).

Қишлоқларимизда истиқомат қиладиган аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши айниқса ачинарли аҳволда. Ернинг сизот сувларини қочирувчи зовурлар камлиги учун захланиш боис қудуқларда бўладиган зилол сувлар хаёлдагина қолди. Инсон фаолияти билан боғлиқ турли-туман чиқиндилар (мағзава, пешоб, ва нажас аралашмаси, ювиндилар, ҳаммомлардан оқиб чиққан ифлосланган сув ва бошқалар) тупрокка сингиб, 20 метр пастликкача етиб боради (одатдаги қудуқ чуқурлиги) ва шу қатламдаги сувни булғайди, истеъмол учун яроқсиз ҳолга келтиради. Ариқлардаги сувларнинг, ҳар хил чиқиндилар ташланиши ва экин майдонларидан оқиб келадиган минерал ва органик ўғитли сувларнинг кўшилиши ва бошқа сабабларга кўра яроқсизланиши аҳволни янада ночор қилмоқда. Ҳовлиларда бетон сув сақлагичлар ясалиб, унга келтириб куйилган ва фойдаланилаётган сувда, узоқ сақланганлиги боис, биргина бир ҳужайралилар, умуртқасизлар ва бошқа ҳайвонларнинг кўпайиб кетиши ҳам анчагина хавфли. Бундай сувни тегишли вақт қайнатиб, кейин истеъмол қилиш мумкин, акс ҳолда у жуда кўп касалликларни уйғотувчи манба бўлиб хизмат қилади. Истеъмол учун ишлатиладиган энг тоза ва сифатли сув йўқ эмас, бор. Бундай сувларга баланд тоғлардаги муз ва қорлар эриб ҳосил бўлган сув, 100-150 м чуқурликдан чиқариладиган артезиан суви ва қолаверса, музлатгичларда яхлатилиб, кейин эритиб олинган сув ҳамда тоза мева-чевалар, полиз маҳсулотлари, сабзавотлар (тарвуз, қовун, олма, анор, бодринг, сабзи, узум ва бошқалар) таркибидаги сув киради. Айтиш жоизки, сабзавотлар, мева-чевалар, полиз маҳсулотлари таркибидаги сув ер ости, дарё ва қўлларниқидан кескин фарқ қилиб, ўзининг таркиби ва сифати билан вужуд талабига кўпроқ мос келади. Чунки бундай сув ҳам ҳужайра ва тўқималардаги сув бўлиб, биз учун керакли элементларнинг кўпчилигига эга, шунинг учун уни ўзлаштириш осон.

Ичимлик сувининг тоза, сифатли бўлиши айниқса ўсувчи ва ёш организм учун ниҳоятда зарур (7, 9). Чунки уларда вужуднинг жадал ўсиши ва ривожланиши сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда айтилган сувни ҳам талаб қилади. Бунинг ўрнига билиб-билмасдан ариқ ва дарёлар, очик сув ҳавзаларида сифатсиз ва тозалигига

ишонч йўқ сувлардан фойдаланиш натижасида юқорида кўриб ўтилган зарарли кимёвий моддалар, кўзга кўринмас хайвонлар ва уларнинг тухумлари, микроблар ва вируслар таъсирида вужудда кечаётган меъёрий физиологик ва биокимёвий жараёнлар бузилади. Айтиб ўтиш жоизки, ёзнинг иссиқ кунларида кўпчилик ҳарорати 3-5 °С бўлган совуқ сув ичишади. Ушбу ҳолат физиологик нуқтаи назардан нотўғри, чунки совуқ сув ичак перистальтикасини кучайтириб, ич кетиш ҳолатини чиқариши мумкин. Шунинг учун айтилган нохуш ҳолатларнинг олдини олишда бир-икки пиёла унча аччиқ бўлмаган кўк чой ичган маъқул. Яна шу нарса муҳимки, овқатларни парчалаб ҳазм қилувчи ферментлар фақат ҳарорат 37-38 °С бўлгандагина фаол ишлайди, совуқ сув эса ошқозон-ичаклардаги ҳароратни маълум вақтгача пасайтириб, тегишли ферментларнинг таъсир этиш доирасини чеклаб қўяди. Тоза ичимлик суви етиштириб бериш қийин бўладиган ҳудудларда 100-150 м чуқурликдан чиқадиган артезиан қудуқлари кавлаб ушбу муаммони ечиш мумкин. Бундай қудуқлар сувининг сифати очиқ ҳавзаларникига қараганда яхши эканлиги тадқиқотларда исботланган. Тоғли ўлкаларда доимий равишда қор ва муз сувларидан фойдаланиб яшаётган аҳолининг (Кавказликлар, Тибет тоғларида яшовчи ламалар, чўлу-биёбонларда яшаб, чуқур қудуқ сувларидан фойдаланадиганлар) ҳавас қиларли даражада соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришининг сирларидан бири ҳам айнан мана шу тоза сув ичишлари экани эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай экан, ичимлик сувининг тоза ва сифатли бўлишига эришиш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада ҳар бир истеъмолчи қандай сув ичишга яроқли ёки яроқсиз эканлигини билиши, яъни, сув ичиш маданиятига эга бўлиши энг муҳим (6, 9). Акс ҳолда айрим ватандошларимиз томонидан дарё ва ариқ сувларининг мағзава, инсон ва моллар чиқиндилари билан ифлослантеририлишига, табиатнинг инсонга ато этган ушбу ноёб неъматини машиналар ювиш, кўчаларга сепишга қатъий чек қўйиш керак.

Адабиётлар:

1. Ибн Сино, Абу Али. Тиб қонунлари: (уч жилдлик сайланма). Тошкент, 1993. – 301 бет.
2. Лисовский В. А., Зандукели З. Я., Мухин И. М. и др. Экология и питание. СПб, 1998. – 254 стр.
3. Мартинчик А. Н., Маев И. В., Петухов А. Б. Питание человека (сновы нутрициологии). М., 2002. – 576 стр.
4. Павлоцкая Л. Ф., Дуденко Н. В., Эйдельман М. М. Физиология питания. М., 1989, – 368 стр
5. Рацион, питание и предупреждение хронических заболеваний. Доклад совместного консультативного совещания экспертов ВОЗ (ФАО). Женева, 2003. – 196 стр.
6. Қурбонов Ш. Қ. Овқатланиш маданияти. Тошкент, 2005. – 208 бет.
7. Қурбонов Ш., Юлдашев Р., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш – саломатлик гарови. Қарши, 2014. – 207 бет.
8. Qurbonov Sh., Qurbonov A. To`g`ri ovqatlnish qoidalari. Toshkent, 2014. – 230 bet.
9. Қурбонов Ш. Қ., Дўстчанов Б. О., Қурбонов А. Ш., Каримов О. Р. Соғлом овқатланиш физиологияси. Қарши, 2018, – 436 бет

Annotation

The article is devoted to the issue of drinking water as a natural resource in the system of healthy nutrition from the point of view of modern physiology and nutrition. It refers to the state of providing the population with drinking water in adverse environmental conditions. It is shown that in solving this vital problem, along with solving organizational issues, the development of a high culture of water consumption among various population groups is of no small importance.

Key words: *nutrition, drinking water, nutrition culture.*

QISHLOQ SHAROITIDA HOMILADOR AYOLLARNING VITAMINLAR BILAN TA'MINLANISHI

Buranova G.B.

Qarshi davlat universiteti

Kirish. Homiladorlik ayol organizmining biologik hamda fiziologik xususiyatlariga har tomonlama kuchli ta'sir etadigan davr bo'lib, bunday paytda inson ma'naviy, ruhiy, jismoniy hamda tibbiy-biologik jihatlaridan alohida parvarishga muhtoj bo'ladi. Homilador ayollarni tibbiy-biologik parvarish qilishning eng muhim tomonlaridan biri – bu ularning to'g'ri va oqilona ovqatlanishi va uni maqsadga muvofiq tashkil etishdan iborat.

Ma'lumki, homiladorlik davrida iste'mol qilinayotgan oziq-ovqatlarning sifati, miqdori va tarkibi (o'z vaqtida va ma'lum bir me'yorda ovqatlanish xususiyatlari) ham ona, ham bola organizmiga jiddiy ta'sir ko'rsatuvchi tashqi muhim omillardan biri hisoblanadi. Hozirgi zamon biologiyasi va tibbiyotida olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlarga ko'ra, bo'lajak farzandning sog'lom, ruhan hamda jismonan yetuk, barkamol bo'lib yetishishi onaning iste'mol taomlari miqdori, tarkibi, qanday va qachon iste'mol qilishiga bevosita bog'liqligi to'liq isbotlangan [4,9].

Homilador ayollarning to'g'ri ovqatlanishiga yetarlicha e'tibor qaratmaslik oqibatida ko'pgina noxush holatlar kuzatilishi tabiiy. Bunday salbiy oqibatlar qatoriga ona va boladagi kamqonlik, homilaning yaxshi rivojlanmasligi, homilaning chala yoki o'lik tug'ilishi, qolaversa, bolalar o'limining ko'payishi kabi holatlarni kiritish mumkin. Ayniqsa, dunyo miqyosida bolalar o'limining ko'pligi hozirgi kunning eng dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Bu esa o'z navbatida ona organizmining zaif va nimjonligi, kerakli oziq moddalar bilan yetarlicha ta'minlanmaganligi, shu nuqtai nazardan homilaning yaxshi shakllanmay qolishi kabi omillar bilan bevosita bog'liq [5,7,10].

Homilador ayollarning amaldagi ovqatlanishini o'rganish ancha murakkab va davomli jarayon. Ushbu masala hozirga qadar turli tadqiqot va kuzatuvlar asosida anchagina o'rganilgan bo'lishiga qaramasdan hali bu muammoning o'ziga xos noma'lum jihatlari talaygina. Xususan, Respublikamizning issiq iqlim sharoitida istiqomat qiladigan, qolaversa, qishloq sharoitida yashab, asosan qishloq xo'jalik ishlariga jalb etiladigan ayollarning oqilona ovqatlanishini tashkil etish masalasi yetarlicha o'rganilmagan. Mavjud adabiyotlarda ham bu borada ma'lumotlar ancha kam.

Aytib o'tilgan muammoning jiddiyligini e'tiborga olib hukumatimiz tomonidan ham shu sohada qator tashkiliy va amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018 yil 2 fevralda qabul qilingan “*Xotin-qizlarni qo'llab quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi*” gi farmonida “...reproduktiv salomatlikni muhofaza qilish, onalik va perinatal kasalliklarining va o'lim holatlarining oldini olish sohasida aholining bilimi va sanitariya madaniyatini oshirishga qaratilgan tadbirlarni o'tkazish” ustivor vazifa etib belgilangan [1]. Bu esa homilador va emizikli onalarning salomatligini saqlash davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligi va bu boradagi ishlarning ko'lamini yanada oshirish zarur ekanligini anglatadi.

Qolaversa, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O'zbekiston Respublikasi aholisining sog'lom ovqatlanishi sohasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarni yanada takomillashtirish to'g'risida” gi qarorida “...jamoalarda tashkil etilgan ovqatlanishni tashkil etishni takomillashtirish, homilador va bola emizuvchi ayollarning, shuningdek 3 yoshgacha bo'lgan bolalarning to'laqonli ovqatlanishini tashkil etish, davolash jarayonining ajralmas qismi sifatida davolash-profilaktika muassasalarida parhezli ovqatlanishni yaxshilash masalasi asosiy yo'nalishlardan biri etib belgilab qo'yilgan [2].

Ishning maqsadi: Qishloq sharoitida istiqomat qiladigan homilador ayollarning ayrim vitaminlar bilan ta'minlanish darajasini o'rganish [6] va olingan natijalarni me'yor [3] ko'rsatkichlari bilan taqqoslab, tegishli xulosa hamda tavsiyalar berish.

Material va metodlar: Kuzatuvlar Qashqadaryo viloyati Kitob tumanidagi Iskana qishlog'ida istiqomat qiladigan 56 nafar homilador ayollar orasida o'tkazildi. Tekshiriluvchilar 18-29 (1-guruh) hamda 30-39 yoshlilar guruhidan (2-guruh) iborat bo'lib,

ularning barchasi Iskana QFY atrofida joylashgan qishloqlarda istiqomat qilishadi. 1-guruhda 24 nafar, 2-guruhda esa 32 nafar respondentlarda kuzatuvlar o'tkazildi. Homilador ayollarning barchasi Iskana qishlog'idagi №16 oilaviy tibbiyot poliklinikasida ro'yxatga qo'yilgan. Ular homiladorlikning 2-trimestridagi ayollardan iborat.

Kuzatuv va tadqiqotlar davomida tekshiriluvchilarning kunlik ovqat ratsionidagi ayrim vitaminlar miqdori o'rganildi. Tadqiqotlar 2019 yilning qishki mavsumida (noyabr-dekabr oylarida) olib borildi.

Tadqiqot ishlarimizda obyekt sifatida tanlab olingan barcha tekshiriluvchilar bir xil iqlim sharoitida, qishloq joylarida doimiy yashaydigan homilador ayollardir. Bu ularning kunlik iste'mol taomlari tarkibidagi makro- va mikronutriyentlar miqdorini tegishli fiziologik meyorlarga [3,6] nisbatan taqqoslab o'rganish, natijalarning ishonarlilik darajasini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Tekshiruvlar anketa-so'rov usuli [6] yordamida amalga oshirildi. Bu usul har xil yoshdagi va turli kasbda ishlovchi kishilarning amaldagi ovqatlanishini o'rganishning eng qulay va ommabop usuli hisoblanadi. Shu bilan birga homilador ayollarning amaldagi ovqatlanishiga tegishli ayrim ma'lumotlarni aniqlash mobaynida og'zaki so'rov usulidan ham foydalanildi.

Anketalar tekshiriluvchilar tomonidan to'liq bir hafta davomida to'ldirildi. Bu vaqt davomida anketalarning qay darajada to'g'ri va aniq to'ldirib borilayotgani nazorat qilib borildi. Natijada anketalar yordamida to'g'ri va aniq ma'lumotlar olishga muvaffaq bo'ldik.

Natijalar va muhokamalar: Kuzatuv va tadqiqotlarimizda homilador ayollarning kunlik ratsionidagi ayrim vitaminlar (C, B₁, B₂, B₉, E, D) miqdori aniqlandi [6,8] va meyor ko'rsatkichlari (СанПиН №0347-17) bilan taqqoslab o'rganildi [3]. Quyidagi jadvallarda kuzatuv va tadqiqotlardan olingan natijalarni keltirib o'tamiz.

1-jadval.

**Homilador ayollarning ayrim vitaminlar bilan ta'minlanishi
(18-29 yosh)**

Vitaminlar	Meyor [3]	Olingan natija	Meyorga nisbatan farq	
			raqam-larda	foizda
Askorbin kislota, C (mg)	80	68,3	-11,7	85,4
Tiamin, B ₁ (mg)	1,4	1,2	-0,2	85,7
Riboflavin, B ₂ (mg)	1,4	1,27	-0,13	90,7
Folat kislota, B ₉ (mkg)	600	428,4	-171,6	71,4
Tokoferol, E (mg)	15	13,2	-1,8	88
Kalsiferol, D (mkg)	5	3,1	-1,9	62

2-jadval.

**Homilador ayollarning ayrim vitaminlar bilan ta'minlanishi
(30-39 yosh)**

Vitaminlar	Meyor [3]	Olingan natija	Meyorga nisbatan farq	
			raqam-larda	foizda
Askorbin kislota, C (mg)	80	62,6	-17,4	78,2
Tiamin, B ₁ (mg)	1,4	1,12	-0,28	80
Riboflavin, B ₂ (mg)	1,4	1,32	-0,08	94,2
Folat kislota, B ₉ (mkg)	600	388,5	-211,5	64,7
Tokoferol, E (mg)	15	11,6	-3,4	77,3
Kalsiferol, D (mkg)	5	3,65	-1,35	73

Ma'lumki, homilador ayollar uchun vitaminlar odatdagidan ko'ra juda zarur. 1-guruhning vitaminlar bilan ta'minlanish holatiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, bunda ayrim yetishmovchiliklar mavjudligini kuzatish mumkin. Jumladan, ushbu guruhning askorbin kislota, tiamin hamda tokoferollarga bo'lgan talabi meyor darajasidan keskin uzoqlashmagan (mos ravishda 85,4%, 85,7% hamda 88%).

Askorbin kislota, ya'ni C vitamin ko'p hollarda yangi uzilgan ko'katlarda, sitrus mevalarida, shuningdek, olma, na'matak, karam tarkibida mo'l bo'ladi. Bu mahsulotlar ko'p hollarda mavsumga bog'liq ravishda mahsulotlarda kam yoki ko'p uchrashi mumkin. Xususan, qishning oxiri va erta bahorda olma, karam, sholg'om kabi meva va sabzavotlar ancha tortilib qoladi, biroq sitrus mevalari (masalan, banan) yoki ko'katlarni hozirgi paytda yilning istagan vaqtida topish imkoniyatlari mavjud. Shularni hisobga oladigan bo'lsak, tekshiriluvchilarning kunlik ratsionida S vitamin miqdori meyor darajasidan keskin kamayib ketmaganini tushunish mumkin. Tiamin (B₁) va tokoferol (E) vitaminlari esa bizning mintaqamizda yetishiriladigan ko'plab mahsulotlarda uchraydi. Ayniqsa, E vitamin deyarli barcha mahsulotlar tarkibida mavjud.

Kuzatuvdagi 1-guruh tekshiriluvchilar ovqatida folat kislota (B₉) hamda kalsiferol (D) miqdori meyor darajasidan ancha kam (mos ravishda 71,4% va 62%). Bu esa ushbu aholi guruhi uchun ancha xavfli. Bu vitaminlarni ko'pgina mahsulotlarda uchratish mushkul. Masalan, folat kislota ismaloq, turli ko'katlarning barglarida ko'p bo'lsa, kalsiferol asosan sariyog', tuxum sarig'i, jigar kabi mahsulotlarda uchraydi. Aytib o'tilgan mahsulotlar kunlik ratsionda kam bo'lsa, ushbu vitaminlarga nisbatan taqchillik paydo bo'ladi. Bu vitaminlarga bo'lgan talabning meyor darajasidan past ekanini faqat mahsulotlar miqdorining kamligi bilan emas, balki tekshirilayotgan aholi guruhida ovqatlanish madaniyatining yetarlicha shaklanmaganligi bilan ham izohlash mumkin.

30-39 yoshlilardan iborat bo'lgan 2-guruhda ham xuddi 1-guruhdagi kabi tendensiya kuzatiladi. Ya'ni bu guruhda ham aynan o'sha vitaminlar meyor darajasidan kam. Farqi shundaki, 30-39 yoshlilar guruhida taqchillik darajasi ancha chuqur. Masalan, 1-guruhda askorbin kislota, tiamin va tokoferollar miqdori mos ravishda 85,4%, 85,7% hamda 88%ni tashkil etgan bo'lsa, 2-guruhda ayni shu vitaminlarning meyorga nisbatan holati mos ravishda 78,2%, 80% hamda 77,3% ga teng. Ushbu holatni izohlashda tekshiriluvchilarning yashash sharoitidan kelib chiqish mumkin. Ya'ni 1- hamda 2-guruh tekshiriluvchilar yosh nuqtai-nazaridan farq qilsa-da, lekin ular bir xil sharoitda, bir mintaqada, iqtisodiy-ijtimoiy jihatdan ham keskin farqlar bo'lmagan holatda istiqomat qilishadi. Mantiqan yondoshadigan bo'lsak, bitta mintaqada, aynan bitta qishloq sharoitida yashab turgan 2 xil yosh guruhida keskin farqlar bo'lishi ehtimoli ancha kam. Bu boradagi mavjud farqlarni esa har bir oilaning iqtisodiy-ijtimoiy xususiyatlaridan kelib chiqib izohlash mumkin. Demak, har ikkala guruh tekshiriluvchilarida vitaminlar yoki boshqa nutriyentlarga nisbatan talabning qondirilishida o'xshashlik bo'lishi ehtimoldan uzoq emas.

Shu bilan birga 2-guruh tekshiriluvchilarida 1-guruhdan farqli jihat ratsiondagi kalsiferol hamda riboflavin miqdorida. Bu vitaminlar 1-guruhdagiga qaraganda 2-guruhda meyor darajasiga yaqinroq. Anketalar qayta tekshirib ko'rilganda bu farqning yuzaga kelishi asosan sut va sut mahsulotlari miqdori bilan bog'liq ekani kuzatildi. Ya'ni 2-guruh tekshiriluvchilarning kunlik ovqati tarkibida sut va sut mahsulotlari nisbatan ko'proq. Riboflavin ham, kalsiferol ham aynan shu mahsulotlarda ko'p uchraydi.

Xulosalar: O'tkazilgan kuzatuv natijalaridan kelib chiqib aytish mumkinki, homilador ayollarning ovqatlanish xususiyatlari ularda ovqatlanish madaniyatining yetarlicha shakllanganligi, qishloq sharoitida ayrim oziq-ovqat mahsulotlarining ancha kam, boshqalarining esa ko'proq iste'mol qilinishi, shuningdek, boshqa turli iqtisodiy-ijtimoiy omillar bilan chambarchas bog'liq. Bunday salbiy holatlarning oldini olish maqsadida qishloq sharoitida istiqomat qiladigan homilador ayollar orasida targ'ibot-tashviqot ishlarini olib borish, oilalarda tushuntirish tadbirlarini o'tkazish katta ahamiyatga ega. Zarur bo'lganda qishloqlardagi tibbiy muassasalar faoliyatini jadallashtirish, ularda ro'yxatga olingan homilador hamda reproduktiv yoshdagi ayollar bilan ko'proq muloqotda bo'lish tekshiriluvchi guruhning sog'lom ovqatlanishini tashkil etishda muhim o'rin tutadi.

Adabiyotlar:

1. “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.02.2018 й., 06/18/5325/0653-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 206-модда; 2016 й., 14-сон, 132-модда. www.lex.uz
3. Физиологические нормы потребностей в пищевых веществах и энергии по половозрастным и профессиональным группам населения Республики Узбекистан для поддержания здорового питания. 23 июня 2017 г. СанПиН №0347-17.
4. Вахлова И.В. Клиническое значение дефицита микронутриентов для здоровья матери и ребёнка в Уральском регионе. Принципы профилактики и коррекции. Автореф. дисс. канд. мед. наук. Екатеринбург, 2005. – 45 с.
5. Икрамов, А.Ф. Питание беременных женщин в районах Андижанской области / А.Ф. Икрамов, Х.А. Абдухаликов, Т.Д. Хашимов // Рос. морфол. ведомости. 1993. - № 2. - С. 22.
6. Методические рекомендации по вопросам изучения фактического питания и состояния здоровья населения в связи с характером питания / Зайченко А.И., Волгарев М.Н., Бондарев Г.И и др. / - Москва. – 1986. – 86 с.
7. Тутельян В.А., Спиричев В.Б. и др. Микронутриенты в питании здорового и больного человека. М.: Колос, 2002. – 29 с.
8. Химический состав пищевых продуктов: Книга 1: Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов / Под ред. проф., д-ра техн. наук И.М. Скурихина, проф., д-ра мед. наук М.Н. Волгарева – 2-е изд., перераб. и доп. / – М.: ВО «Агропромиздат», 1987. – 224 с.
9. Қурбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.
10. Қурбонов Ш.Қ., Дўсчанов Б.О., Қурбонов А.Ш., Каримов О.Р. Соғлом овқатланиш физиологияси. Қарши, 2018. – 436 б.

Annotation

The article is devoted to study the nutrition of pregnant women living in rural areas. At the same time, the theoretical basis of organization of rational nutrition of pregnant women is studied on the basis of an analysis of the literature, which determines the relative status of vitamins in the daily diet, provides appropriate recommendations for correcting existing changes are provided. Based on the above, the scientific basis for the organization of proper nutrition of pregnant women is illustrated.

TIBBIY NAZORAT SPORTCHILAR SOG'LIG'I VA MUVAFFAQIYAT OMILI

Jovliyev B.X., Qiyomova N. F

Qarshi davlat universiteti

Kirish: Respublikamizda sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlarda jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari bilan shug'ullanuvchilarning sog'lig'i, jismoniy rivojlanishi, chiniqishi, shunigdek, sportchilarda uchrashi mumkin bo'lgan kasalliklar va shikastlanishlarning sabablarini aniqlash, ularning oldini olish, davolash, sportchi kuch-quvvatini tiklash masalalari o'z aksini topgan.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi va trenerning faoliyati sport - pedagogik, psixologik va sport tibbiyoti mutaxassislari bilan uzviy bog'langan holda namoyon bo'ladi. Jismoniy tarbiya o'qituvchisi va trenerni mutaxassis sifatida tayyorlashda tibbiy-biologik fanlar, ayniqsa sport tibbiyoti asosiy o'rinni egallaydi. Bu sohani mukammal egallay olmagan kishi jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini talab darajasida tashkil eta olmaydi.

Ishning maqsadi: Sport tibbiyotining vazifalari ko'p qirrali bo'lib, tibbiy nazorat o'tkazish orqali jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilarning sog'lig'i, jismoniy rivojlanishi, funksional imkoniyatlarini aniqlab, olingan natija asosida jismoniy tarbiya o'qituvchisi va trener bilan birgalikda bo'lg'usi sportchilarni tanlash masalasini hal etadi. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini to'g'ri tashkil etilmasligi tufayli vujudga keladigan

kasalliklar va shikastlanish sabablari o`rganilib, ularga tashxis qo`yiladi, davolanadi, oldini olish bo`yicha trenerga maslahat beriladi, sportchining kuch-quvvatini tiklash uslublari ishlab chiqiladi va amaliyotga tadbiiq etiladi. Talabalarning jismoniy mashq bilan shug`ullanganda zo`riqish, kasallanish, shikastlanish holatlarining oldini olish bo`yicha jismoniy tarbiya o`qituvchilari va trenerlarni zarur bilimlar bilan qurorlantiradi.

Material va metodlar: Tibbiy nazoratdan o`tkazish, jismoniy tarbiya va sport bilan shug`ullanuvchilarni sog`liq guruhlariga ajratish, chiniqqanlik darajasiga asoslanib mashq hajmi va tezligini belgilash, mashq natijasini doimiy nazorat qilish, mutasaddi tibbiyot muassasasi shifokori va jismoniy tarbiya o`qituvchisi hamda trener zimmasiga yuklatiladi. Jismoniy tarbiya va sport bilan shug`ullanuvchi toifaga ega bo`lmagan yoshlar va katta yoshdagi kishilar, bir yilda kamida bir marta, tibbiy ko`rikdan o`tishlari shart, toifaga ega bo`lgan sportchilar, yosh sportchilar, sport maktabi o`quvchilari, hamda sport bilan shug`ullanuvchi katta yoshdagilar bir yilda kamida ikki marta shifokor tekshiruvidan o`tishlari kerak [1].

Tadqiqot ob`yekti hisoblangan Jismoniy madaniyat yo`nalishi talabalari, turli sport turlariga moslashtirilgan maxsus maktab va Qarshi shahridagi o`rta umumta`lim maktablarining o`quvchilarida olib borilgan kuzatuvlar, anketa-so`rov natijalari, ularda o`tkazilgan turli sinamalar tibbiy nazorat o`tkazish orqali jismoniy tarbiya va sport bilan shug`ullanuvchilarning sog`lig`i, jismoniy rivojlanishi, funksional imkoniyatlari yaxshilanishi mumkinligini ko`rsatdi.

O`quv yili boshida tashkillashtirilgan tibbiy nazorat natijalariga ko`ra o`quvchi – talabalarni sog`liq guruhlariga ajratish, chiniqqanlik darajasiga asoslanib mashq hajmi va tezligini belgilash, mashq natijasini doimiy nazorat qilish, mutloq sog`lom bo`lgan yoshlarni sport seksiyalariga tavsiya etish, ayrimlarida aniqlangan kasallik holatlarini davolash chora-tadbirlarini ko`rish uchun mutaxassis vrachlar maslahatiga jalb qilindi.

Sportchi organizmining funksional holatini aniqlashda quyidagi sinamalardan foydalanildi: nerv va nerv-muskul tizimining funksional holatini aniqlashda Romberg sinamasining oddiy va murakkab usuli, Ashner (ko`z-yurak) sinamasi, dermografizm sinamasi, qorin muskullarining funksional holatini aniqlash sinamalardan foydalanildi.

Sezgi analizatorlari funksional holatini aniqlashda ko`rish o`tkirligi, eshitish analizatorining funksional holati, tana muvozanatining saqlashni ta`minlovchi analizatorlar funksional holati, Yarotskiy sinamasi, dinamik muvozanatni aniqlash uchun barmoq-burun sinamasi, harakatlanish analizatori funksional holati, terining og`riq sezuvchi analizatori funksional holatini aniqlash kabilar qo`llanildi.

Yurak-tomir tizimining funksional holatini aniqlashda Martine-Kushilevskiy, Kotov-Deshin, Letunov sinamalari yaxshi samara berdi.

Nafas olish tizimining funksional holatini aniqlashda Rozental sinamasi, Shafranovskiy sinamasi, Shtange sinamasi, Gench sinamasi kabilardan foydalanildi.

Natijalar va muhokamalar: Sport shifokori jismoniy tarbiya va sport masalalari bo`yicha mutasaddi xodim tavsiya qilgan ro`yxat asosida, jismoniy tarbiya va sport bilan shug`ullanuvchilarni tibbiy ko`rikdan o`tkazish, ularni sog`liq guruhlariga ajratish, jismoniy tarbiya va sport bilan shug`ullanishi mumkin yoki mumkin emasligi haqida tibbiy xulosa berish, sport bilan shug`ullanuvchilarning mashq yuklamasini belgilash bo`yicha jismoniy tarbiya o`qituvchisi va trenerga maslahat berish, musobaqa oldidan sportchilarni tibbiy ko`rikdan o`tkazish va musobaqaga qatnashish uchun xulosa berish, jismoniy tarbiya mashg`ulotlari, sport mashqi va musobaqa o`tkaziladigan inshootlarni sanitariya-gigiyena nazoratidan o`tkazish, sport musobaqasi davrida sportchilarning ovqatlanishi, kun tartibi, mashg`ulot o`tkaziladigan va turar joylarini sanitariya-gigiyena nazoratidan o`tkazish, kasallangan, shikastlangan sportchilarga birinchi tibbiy yordam ko`rsatish, zarur bo`lsa shifoxonaga yuborishni hal qiladi [2].

Sportchilarni har yili chuqurlashtirilgan tibbiy ko`rikdan o`tkazishda boshqa yo`nalishdagi shifokorlarning maslahatlari ham inobatga olinishi mumkin. Shikastlanish xavfi yuqori bo`lgan sport turlari bilan shug`ullanadigan sportchilarda ultratovush tekshiruvini o`tkazish, qonning klinik va biokimyoviy tahlili, gormonal spektrni o`rganish, oziq-ovqat allergiyalari

uchun qon tekshiruvi, siydikni klinik tahlil qilish, uretral tarkibini sitologik tekshirish, bronxospazmga sabab bo'ladigan sportchilarni sinovdan o'tkazish talab etiladi.

PWC-170 step-test ko'rsatkichidan foydalanib, sport turlari bilan shug'ullanuvchi bolalar va o'smirlarning umumiy jismoniy ish bajarish qobiliyatini aniqlash, chidamlilik, bardoshlilik sifatlarini rivojlantiruvchi sport turlari bilan shug'ullanuvchilar yurak-qon tomir tizimining holatini chuqur baholash, sport o'yinlari, yakka kurash sport turlari bilan shug'ullanuvchilarning markaziy va vegetativ asab tizimi, shuningdek, analizatorlarning funksional holatini baholash, kasallik alomatlari mavjud bo'lganda, qo'shimcha funksional diagnostika va laboratoriya tahlillari o'tkazilishi lozim [3].

Sportchilarda musobaqalarda ishtirok etish uchun xorijiy davlatlarga chiqish boshqalarga qaraganda 5-6 baravar ko'pligi sabali ularda jinsiy yo'l orqali yuqadigan kasallik qo'zg'atuvchilari, gepatit B va C virusi 2-3 baravar yuqori.

Shu bilan birga, sportchilarning yuqumli kasalliklarga, asosan nafas olish, eshitish, yuqori nafas yo'llarining o'tkir virusli infeksiyalariga chalinish holati ham yuqori. Shuni ham ta'kidlash kerakki, yosh sportchilar bilan birga yuqori malakali sportchilarda ham tayanch-harakat tizimining shikastlanishi uchrab, ular ko'pincha teri butunligining buzilishi bilan birga keladi. Bu esa davolash maqsadida ishlatiladigan dori moddalarni in'yeksiya orqali qabul qilishni qaqozo etadi va infeksiya yuqishi xavfini yuzaga keltiradi.

Jarohatlanish va unda qon chiqishi mumkin bo'lgan sport turlarida kasallik yuqish xavfi yuqori bo'lib, terining shikastlanishlari, yorilishlar, shilinishlar, hatto yengil shikastlanishlar, shuningdek, teridagi yiringli yallig'lanishlar tufayli infeksiya yuqadi.

Masalan, boksdan sportchining burni singan yoki lablari yorilgan bo'lsa, ularni qo'lqop bilan artadi va xuddi shu qonga bo'yalgan qo'lqop bilan raqibining ko'ziga, qonayotgan qoshiga yoki boshqa shikastlangan joyiga uradi. Sport bilan shug'ullanish yoki jang paytida shilinishlar, tiralishlar, terining shikastlanishi ayniqsa xavflidir. Sportning stanga, gimnastika kabi turlarida qo'l terisi butunligining buzilishi tez-tez uchraydi va sport jihozlarida qolgan qon yuqi ustiga boshqa sportchining qo'lidagi yorilgan joy "bosiladi" va shu orqali infeksiya yuqishi mumkin [3].

Sportchilar bilan shartnomalar tuzishda yuqorida keltirilgan tadqiqotlarga qo'shimcha tarzda siydik tarkibida giyohvand moddalarning (amfetaminlar, marixuana, kokain, heroin) bor yoki yo'qlini aniqlash ham tavsiya etiladi. OIV infeksiyasi, gepatit B va C ning faol davri, jinsiy yo'l bilan yuqadigan infeksiyalar, giyohvand moddalarni iste'mol qilish sportchi bilan shartnomani imzolashga monelik qiladigan holatlarga kiradi.

Sport bilan shug'ullanishga quyidagilar monelik qilishi mumkin.

1. O'tkir va surunkali kasalliklarning kuchaygan davri.
2. Jismoniy rivojlanish xususiyatlari.
3. Asab-ruhiy kasalliklar. Markaziy va periferik asab tizimining shikastlanishi.

Jismoniy rivojlanish xususiyatlari deganda o'quv dasturlarida ko'zda tutilgan mashqlarni bajarishga xalaqit qiluvchi jismoniy rivojlanishdagi sezilarli kechikishlar, gavda va oyoq-qo'llar o'rtasidagi keskin nomutanosiblik, har xil sport mashqlarini bajarishga qiyinlik tug'diradigan qo'l suyaklarining turli xil shakl o'zgarishlari, ko'krak bo'shlig'ida joylashgan a'zolarining ishlashiga xalaqit qiluvchi ko'krak qafasining sezilarli shakl o'zgarishlari, tananing statikasiga ta'sir qiluvchi yoki yurish biomexanikasi buzilishiga sabab bo'luvchi chanoq suyagining sezilarli shakl o'zgarishlari tushuniladi.

Bundan tashqari to'liq harakatlanish imkoniyati bo'lsa ham, oyoqlarning biri ikkinchisidan 3 sm dan ko'proq qisqa bo'lishi, oyoqning ichki tomonga egrilanishi, ya'ni "X" simon egrilik yoki tashqi tomonga egrilanishi - "O" simon egrilik ya'ni, son suyagi tizza sohasining ichki qismi yoki boldir suyagining to'piqlari ichki qismi orasidagi masofa 12 sm dan ortiq bo'lishi (faqat kattalar uchun) ham sport bilan shug'ullanishga monelik qiluvchi jismoniy rivojlanish xususiyatlaridir.

Miya nerv to'qimalarining shikastlanishi tufayli yuzaga kelgan ruhiyatga bog'liq va bog'liq bo'lmagan tushkunliklar, shizofreniya, psixozlar, tashqi ta'sirlar tufayli yuzaga kelgan boshqa ruhiy kasalliklari bo'lgan odamlarga to'liq davolanishdan keyin sport bilan shug'ullanishga ruxsat etiladi.

Xulosalar: Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, jismoniy tarbiya o'qituvchisi yoki trener sport - pedagogik, psixologik va sport tibbiyoti mutaxassislari bilan uzviy bog'langan holda faoliyat yuritib ularni tayyorlashda tibbiy-biologik fanlar, ayniqsa sport tibbiyoti asosiy o'rinni egallaydi va bu sohani mukammal egallay olmagan kishi jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini talab darajasida tashkil eta olmaydi.

Tadqiqot jarayonida tibbiy nazorat o'tkazish orqali jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilarning sog'lig'i, jismoniy rivojlanishi, funksional imkoniyatlarini aniqlab, olingan natija asosida jismoniy tarbiya o'qituvchisi va trener bilan birgalikda bo'lg'usi sportchilarni tanlash masalasini hal etish, jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini to'g'ri tashkil etilmasligi tufayli vujudga keladigan kasalliklar va shikastlanish sabablarini o'rganish, oldini olish bo'yicha trenerga maslahat berish, sportchining kuch-quvvatini tiklash uslublarini ishlab chiqish va amaliyotga tadbiiq etish, jismoniy mashq bilan shug'ullanganda zo'riqish, kasallanish, shikastlanish holatlarining oldini olish bo'yicha jismoniy tarbiya o'qituvchilari va trenerlar uchun zarur tavsiyalar ishlab chiqildi.

Tadqiqotning maqsadi jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilarni tibbiy nazoratdan o'tkazish, sog'liq guruhlariga ajratish, chiniqqanlik darajasiga asoslanib mashq hajmi va tezligini belgilash, mashq natijasini doimiy nazorat qilishni mutasaddi tibbiyot muassasasi shifokori va jismoniy tarbiya o'qituvchisi hamda trener zimmasida ekanligini ta'kidlashdir.

Jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchi toifaga ega bo'lmagan yoshlar va katta yoshdagi kishilar, bir yilda kamida bir marta, tibbiy ko'rikdan o'tishlari shart, toifaga ega bo'lgan sportchilar, yosh sportchilar, sport maktabi o'quvchilari, hamda sport bilan shug'ullanuvchi katta yoshdagilar bir yilda kamida ikki marta shifokor tekshiruvidan o'tishlari maqsadga muvofiqdir.

Sportchilarni har yili chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazishda boshqa yo'nalishdagi shifokorlarning maslahatlari ham inobatga olinishi mumkin.

O'tkir va surunkali kasalliklarning kuchaygan davri, jismoniy rivojlanish xususiyatlari, asab-ruhiy kasalliklar, markaziy va periferik asab tizimining shikastlanishi kabilar sport bilan shu'g'ullanishga monelik qilishi mumkin. Shuningdek, nerv to'qimalarining shikastlanishi tufayli yuzaga kelgan ruhiy kasalliklari bo'lgan odamlarga to'liq davolanishdan keyin sport bilan shug'ullanishga ruxsat etiladi.

Адабиётлар:

1. Aminov B., Jovliyev B. «Sport tibbiyoti» Qarshi, 2015. - pp. 120, 38-74.
2. Aminov B., Jovliyev B. «Jismoniy tarbiya gigiyenasi» Qarshi, 2017. - pp. 187, 74-115.
3. Jovliyev B. «Jismoniy tarbiya gigiyenasi va sportning tibbiy fiziologik asoslari» Qarshi, 2019. - pp. 112, 58-72.

Annotatsiya

Medical supervision is a factor in athletes' health and success

Specialists in the field of medicine, especially sports medicine, in close cooperation with teachers and psychologists play an important role in the training of teachers and instructors in physical education. As a result of the research, the following recommendations were developed for physical education coaches and teachers:

- *to determine the health, physical development, and functional capabilities of those who are engaged in sports and physical education;*
- *based on the results obtained, to solve the problem of attracting future athletes to various sports clubs and recommendations for their sports activities;*
- *to study the causes of diseases and injuries caused by improper organization of physical culture and sports and their prevention;*
- *to develop and implement methods for restoring the athlete's strength.*

INSON SALOMATLIGINING BIOSOTSIAL ASOSLARI

Kamalova Kh.S.

Berdax nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti

Er yuzida hayotining boshida, inson o'zining evolyutsion o'tmishini tashkil etgan tabiiy sharoitlarga muvofiq yashadi. Sivilizatsiya rivojlanishi jarayonida inson hayotini tashkil etish

shakli o'zgardi. Uning asosiy sa'y-harakatlari, bir tomondan, og'ir jismoniy mehnatdan xalos bo'lishga, ikkinchi tomondan, tobora ko'proq qulay yashash sharoitlarini yaratishga va zavq-shavqlarning tobora ortib borayotgan ehtiyojlarini qondirishga yo'naltirilgan edi.

O'zgartgan tabiiy muhit va yashash sharoitlari inson rivojlanishi jarayonida tabiat tomonidan yaratilgan mexanizmlarga ziddiyatlarni kuchaytirmoqda. Tabiiyki, bunday qarama-qarshilik nafaqat tabiat uchun, balki inson salomatligi uchun ham izsiz o'tishi mumkin emas.

Inson hayotidagi bunday o'zgarishlarning eng muhim natijasi shundan iborat ediki, zamonaviy sharoitlarda u moddiy ne'matlarni oladi, jismoniy faollik va hayotning tabiiy sharoitlariga moslashishga tayyor emasligi tufayli zararli omillardan issiqlik barqarorligini va himoyasini ta'minlaydi, lekin uning ijtimoiy bahosi tufayli. mehnat va hayotning ijtimoiy sharoitlariga moslashish qobiliyati.

Davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini belgilaydigan umumbashariy qadriyatlar orasida sog'liqni saqlash ustuvorligi shubhasizdir. Masalan, qadimgi Yunonistonda, tana kulturasi davlat qonunlari darajasiga ko'tarilgan, va qadimgi Spartada jismoniy mashqlar barcha fuqarolar uchun buyurilgan (va davlat tomonidan qat'iy nazorat qilingan) - ularning sog'lig'i yuqori darajasi ko'plab kelajak avlodlar uchun standart bo'lib qolmoqda.

Valeologiyaning asoschisi I.I. Brexman yozgan: "Bu odamlar salomatligi, ijtimoiy-iqtisodiy etuklik, madaniyat va davlatning gullab-yashnashining asosiy "chaqiruvchi kartasi" bo'lib xizmat qilishi kerak". [2]

Salomatlik deganda ham moddiy, ham ma'naviy jihatlari bo'lgan universal hodisaga aytiladi. N.A. Dobrolyubov [3] ta'kidlashicha, kasalliklar va patologik sharoitlar odamga "o'z maqsadini amalga oshirish" va "yuksak ma'naviy faoliyatni" amalga oshirish uchun imkoniyat bermaydi. Davlat uchun har bir fuqaroning sog'lig'i va kasalligi o'ziga xos aniq moddiy ifodaga ega: bu kasallik ta'tilida bo'lgan bemorlarga to'lash, davolanish uchun to'lov; bundan tashqari, kasal odam moddiy qadriyatlarni yaratmaydi, bu yalpi milliy mahsulot hajmiga ta'sir qiladi.

Sog'liqni saqlash muammolarini davlat darajasida hal etish huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ta'lim, oilaviy, tibbiy, madaniy, huquqiy, ekologik, shaxsiy va boshqa omillarni hisobga olishni talab qiladi. Ushbu omillar ro'yxati fuqarolarning sog'lig'ini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlaydi, sog'liqni saqlashning ayrim muammolarini hal qilishda vakolatli bo'limlar va tuzilmalarning harakatlarini muvofiqlashtirishni o'z ichiga oladi. Hozirgi vaqtda sog'liqni saqlash bo'yicha ta'lim dasturlari faqat sog'liqni saqlashning tibbiy jihatlariga qaratilgan bo'lib, ularda shaxsiyatning psixologik, ijtimoiy va pedagogik muammolari, uning individual, tipologik, yosh va jinsi xususiyatlari hisobga olinmaydi.

